ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“ТИЛШУНОСЛИКДА СИСТЕМАВИЙ ТАДҚИҚ: АСОС ВА ПРИНЦИПЛАР”

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ АНЖУМАНИ МАТЕРИАЛЛАРИ

Андижон – 2009

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Ушбу тўпламга Андижон давлат тиллар педагогика институтида ўтказилган "Тилшуносликда системавий тадқиқ: асос ва принциплар" мавзусидаги илмий анжуманда тингланган маърузалар тезислари ва тадқиқотчилар ҳамда иқтидорли талабаларнинг илмий изланишларидан наъмуналар жамланган бўлиб, филология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар, шунингдек аниқ фанлардан ҳам илмий иш олиб бораётган изланувчилар учун манба бўла олади.

Таҳрир ҳайъати:

Доц. Т.Я.Раҳмонов
- **бош муҳарррир**

Проф. Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова
- **бош муҳаррир ўринбосари**

Проф. С.Р. Рахимов
Проф. С.К.Қурбонов
Доц. Ғ.Умаров
Доц. Б.Б.Тожибоев
Ф.ф.н. М.Қосимова
Катта ўқитувчи Ш. Алпанова

Мақолаларнинг илмий-амалий савиясига ва таҳририга муаллифлар масъулдирлар.

I. БЎЛИМ. ТИЛНИ СИСТЕМАВИЙ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

Психолингвистика фанининг ўрганиш объекти хақида

Ш.Алпонова
АДТПИ

Психолингвистика ҳақида гапиришдан олдин илмий тадқиқотнинг предмети ва жараёни ҳақида айрим методологик саволларни аниқлаштириб олиш зарур. Нутқ физиологияси, психологияси тафаккур ва нутқ патологияси, мантиқнинг объекти бир нарса эканлиги ҳақида кўп гапирилади. Уларнинг барчаси индивидуал воқелик ёки индивидуал объектни тадқиқ этадилар. Аммо абстракция жараёни бу соҳаларнинг ҳар бирида турлича кечади ва шунинг натижасида ҳар бир фаннинг назарий тизими ичида турли абстракт объект яратилади. Аввало абстракт объект ҳақида маълумотга эга бўлишимиз лозим. Тасвирланаётган соҳадаги объектив-реал индивид узуал жараёнлар (воқеа, ҳодиса)ни тасвирлаш воситаси ёки мантиқий моделлаштиришнинг бирлаштирувчисидир. Шундай қилиб, биз индивидуал объект ва жараён билан бирга тушунчаларни умумлаштирувчи объектларнинг абстракт, тизимига ҳам эга бўламиз. Энди конкрет ва абстракт объект мослиги муаммоси пайдо бўлади. Яъни конкрет объект абстракт объект вакилидир. Алишер Навоийда эса бу “Ҳар қайси ўзгарувчида мавжуд бўлган умумий такрорлагувчи белги жавҳар, ўзгарувчилар эса ораз дейилади. Шундай қилиб, жавҳар оразлар орқали намоён бўлади.”[1]

Илмий тадқиқотнинг конкрект объектлари йиғиндиси мана шу фаннинг объекти бўлса, абстракт объектлар йиғиндиси шу фаннинг предметини ташкил қилади. Лингвистиканинг тадқиқот объекти вербал матндир. Тилшунослик тарихида тилнинг асосий ўрганиш объекти, марказий бирлиги сўз (вербоцентрик назария), морфема (морфоцентрик назария), гап эканлигига доир қарашлар кенг тарқалган. Ҳолбуки уларнинг ҳаммаси матнда фаолият кўрсатади.

Кейинги даврда матн ва унинг тадқиқи кўплаб ўзбек тилшуносларининг ҳам диққатини жалб қилаётгани фикримиз исботидир.

Нутққа кенг маънода қараш, унга инсоннинг нутқий-идрокий фаолияти натижаси сифатида муносабатда бўлиш орқали психолингвистика матн тадқиқи муаммоларини ечишда бирмунча мувафаққиятларга эришди. Матн бу тил бирлиги эмас, у реал борлиқнинг феномени, борлиқни акс эттириш усули. Шу билан бирга матн асосий алоқа бирлиги ахборот бериш ва сақлаш усули, маданият шакли, аниқ тарихий давр меваси, шахс руҳий оламининг аксидир. Шуларнинг ҳаммаси матнга тилшунослар томонидан

---

[1] Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Т, 2002, 77- бет, ёки Воҳидов В.Ю. “Лисон ут-тайр” фалсафаси ҳақида мулоҳазалар – “Улуғ ўзбек шоири” тўплами. Т, 1948, 107-бет

хилма хил таъриф берилишига сабаб бўлган. Леонтьев томонидан илгари сурилган. “Матн унинг яратилиши ва қабул қилинишидан ташқарида мавжуд эмас” тушунчаси психолингвистикада юқорида айтилган жараёнларга алоҳида эътибор беришни талаб қилади ва унинг олдига нутқий фаолиятни моделлаштириш вазифасини қўяди. Нутқий ифода тузилишининг психолингвистик модели кўплаб рус ва хориж тилшунослари томонидан ишлаб чиқилган.

Нутқий ахборотнинг пайдо бўлиши ва қабул қилиниши жараёнини умумназарий ва эксперементал тадқиқ этишга доир улкан илмий ишлар бу муаммонинг долзарблигини исботлайди.

Инкор категориясининг тил тизимида тутган ўрни

В.Воситов
АДТПИ

Ҳар қайси категориянинг, энг аввало, лингвистик, қолаверса, типологик моҳиятини аниқлашда унинг намоён бўлиш муҳитини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Албатта, инкор категорияси ҳам бундан мустасно эмас. Одатда, тил категориялари ва унга уйғун бўлган тил фактлари нафақат тил тизими доирасида, шунингдек, нутқ кўламида уларнинг ифодаланиш сатҳида кузатилади.

Одатда, феъл бўлишли ва бўлишсиз формалар билан узвий боғлиқ, чунки улар ифода моҳиятига кўра феълдаги етакчи аломатларни нутқда намоён этишга ишлатилади. Зеро, ҳар қайси феъл ё бўлишли, ё бўлишсиз шаклда нутқдаги ахборот тизимига уланади. Ҳаракатнинг бу икки кўрсаткичини манфий ва мусбат қутбларга қиёслаш мумкин. Сабаби улар бир-бирига зид, қарама-қарши маъно, мазмун яхлитлигини қамраб олади. Чунончи бўлишли форма феълдаги ҳаракат тасдиғи билан боғлиқ бўлса, бўлишсиз форма бевосита инкор маъноси ифодаси учун хизмат қилиши билан ажралиб туради. Бу ўринда қуйидаги мисолларни келтиришнинг ўзи кифоя: **айтди - айтмади**; **чақирди - чақирмади**.

Феъл таркибида ифодага кирувчи **-ма** аффиксининг ифода потенцияси кенг бўлиб, унинг деярли барча кўринишлари инкор маъносини ифодалаш имконига эга: **ухламаяпти**, **ухламайдиган**, **ухламаган** ва бошқалар. Ушбу фикрга мустасно тарзда **-ма** аффиксининг мақсад равишдоши билан бирга келмаслигини кўрсатиш мумкин: **сотгани кетди**. Албатта, мақсад равишдоши англатган ҳаракат инкор маъноси билан боғланиши мумкин. Бу вазият ўзига хос тарзда кечади. Хусусан, асосий феълнинг бўлишсиз формаси орқали инкор маъносининг ифодаси содир бўлади: **Текширгани келмади. Танишгани келди**. Шунингдек, «**эмас**» тўлиқсиз феълининг ифодадаги иштироки орқали содир бўлади: **Бу ерга зовурларни тозалагани эмас**, **кўчат ўтқазгани чиқдик**.

Инкор категориал тушунча сифатида норма (меъёр) қирраларига эга. Норма тилда белгилаб берилган ҳар қандай категориянинг ифода тарзи кўринишидир. Жумладан, субстанция, тавсиф тушунчалари инкорида

«**эмас**» ёрдамчисининг қўлланилиши ҳамда синтетик феъл формаларида **-ма** аффиксининг келиши норма талабларига бўйсунади. Тизим элементлари сўзловчи томонидан эркин танланади. Шуниси ҳам борки, ушбу саралаш муайян маъно қиммати касб этади, зеро ушбу танловга кўра гап мазмуни ўзгариши мумкин. Жумладан, **Акбаров бу хабарни айтмади** ва **Акбаров бу хабарни айтмай қўймайди** ўртасида катта тафовут мавжуд.

Инглиз тилида аналитик **not** инкор юкламасининг келиши норма талабига мос келади. Лекин баъзан **not** билан феъл олдида келувчи **dis-**, сифат олдида келувчи **un-**, **im-**, **ir-**, **il-**,**in-** каби синтетик формалар аналитик **not** инкор юкламаси билан бирга қўлланиб, норма талабларидан чекланиши мумкин. Масалан: **I don't like → I don't dislike; It's necessary → It's not unnecessary**.

Инкорнинг синтезлашмаган ва синтезлашган қўлланиши ҳам маънога, мазмунга таъсир кўрсатиши мумкин. Худди шунингдек, гапдаги сўз позицияларининг ўзгариши ҳам гап мазмунининг ўзгаришига олиб келади: **Акбар Ҳамидни жазолади– Ҳамид Акбарни жазолади**; **The boy hit the ball-the ball hit the boy**. Чунки бу ерда эга ва тўлдирувчи функцияси ва ўрни ўзгаради. Норма элементлари сараланишга мойил эмас, уларнинг ифодаси мажбурий бўлиб, маъно билан боғланмаган. Жумладан, субстанция, тавсиф инкорида **йўқ** ёхуд **-ма-** аффиксини қўллаб бўлмайди. **Тол эмас** – субстанция инкорида **йўқ** ёхуд **–ма** ни қўллаб бўлмайди. Ҳатто маъно тушунарли бўлган тақдирда ҳам ўзбеклар бундай деб айтмайдилар.

Тизим ҳам, норма ҳам мутлақ қатъийлик, қатъий чегара билмайди. Тизимдаги ноқатъийлик шу нарса билан изоҳланади ва тил мукаммал мулоқот қуроли мақомига ўтиши учун шундай кўрилган бўлиши керакки, токи унда барча нарсани, ҳатто махсус номловчиси йўқ тушунчаларни ҳам айтиш, ҳам баён қилиш мумкин бўлсин. Шу боисдан сўзлар ва категориялар семантик жиҳатдан ўзгарувчан, мослашувчан хусусиятига эга бўлишлари лозим, токи улар англатаётган тушунчалар остига номланаётган борлиқ ҳодисасини мужассамлаштириш мумкин бўлсин.

Ўзбек тили ҳарбий терминологиясидаги ҳар - хилликлар

Ҳ.Э.Ёдгоров, З.Ҳ.Тўйчиева
ГулДУ

Бадиий тил доирасида, оғзаки нутқда синонимларнинг мавжудлиги тилнинг кўрки, безаги ҳисобланади. Бироқ конкрет бир терминологик тизимни, умуман, терминологияни олиб қарайдиган бўлсак, синонимлар информация алмашиш жараёнини қийинлаштиришга олиб келиши шу соҳалар терминологияларини ўрганишга бағишланган барча ишларда қайд этилган (Н.Маматов, Ҳ.Жамолхонов, Р.Дониёров, Н.Қосимов ва бошқаларнинг ишлари шулар жумласидандир).

Ҳозирги ҳарбий терминологияда синонимия қандай кўринишларга эга эканлиги ҳақида бир қадар тасаввурга эга бўлиш учун, аввало, бу масала тўртта луғатда қайд этилган русча ҳарбий терминларга танланган айрим ўзбекча муқобил терминлар мисолида кўриб чиқилди.

Шундай қилиб, ўзбек тилининг нашр этилган ҳарбий терминлар луғатларида ва уларнинг жамулжамида синонимиянинг қуйидаги хил ва турлари ўз ифодасини топган :

1.Тўртала луғатнинг жамулжамидан битта ҳарбий тушунча кўпроқ иккита лексема билан ифодалангани маълум бўлди. Бунда қуйидаги ҳолатларни эътиборга олиш керак:

1. Ҳарбий тушунча иккита ўзбекча лексик бирлик билан ифодаланган: боец – жангчи, аскар; воин – жангчи, аскар; полководец – саркарда, лашкарбоши.

2. Ҳарбий тушунча дастлаб русча, сўнг эса ўзбекча термин билан ифодаланган: атака-атака, ҳужум; дизертир-дизертир, қочоқ; отделение-отделения, бўлинма; пистолет-пистолет, тўппонча.

“Траншея” терминини олиб кўрайлик. У аслида французча (transhee) бўлиб, “мудофаа позициясининг барча ўт очиш нуқталарини бирлаштирадиган, энсиз чуқур хандақ, снаряд ва бомбалардан ҳимоя қиладиган хандақ” маъносида ўзбек тилига Иккинчи жаҳон урушидан олдин ўзлаштирилган эди. Шунинг учун И.Расуловнинг “Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек тили лексикаси” номли асарига илова қилинган қисқача русча-ўзбекча ҳарбий терминлар луғатида бу термин ўзбек тилида ҳам айни шу шаклда қўлланганлиги қайд этилган. Бироқ кейинги нашр этилган луғатларда бу термин ёнига зовур (РЎҲТЛ-81), хандақ (РУС-П) каби лексемалар синоним тарзида бериладиган бўлди.Энди бу иккита терминнинг таърифига мурожаат этамиз: “зовур – захоб ерларни қуритиш, захн қочириш учун қазилган чуқур ариқ; закан” (Ўзбек тилининг изоҳли луғати). Терминнинг маъносидан зовур – “чуқур ариқ” эканлиги билиниб турибди. Шундай экан, бундай “зовур”да туриб жанг қилиб бўлармикан? 3. Ҳарбий тушунча ҳам ўзбекча, ҳам русча термин билан ифодаланган: арсенал – аслаҳахона, арсенал; связной – алоқачи, связной каби.

П. Луғатларнинг барчасида битта ҳарбий тушунча учта синоним билан ифодалангани маълум бўлди: баръер – баръер, ғов, тўсиқ, блокада – блокада, қамал, қуршов.

Ш. Битта ҳарбий тушунча ҳам сўздан иборат, ҳам бирикма терминлар билан ифодаланган: бомбомёт – бомбомёт, бомба отвр тўп; залп – залп, бирданига ўқ узиш; кавалерия – кавалерия, отлиқ аскарлар; капитуляция – капитуляция, душманга таслим бўлиш ва бошқалар.

Маълум бўлган русча – ўзбекча, ўзбекча – русча, изоҳли, терминологик луғатларнинг барчасида, бадиий адабиётларда ҳам “катта қисмданразведка, алоқа ёки соқчилик мақсадларида юборилган жангчилар, ҳарбий машиналар, кемалар группаси” тушунчаси дозор термини билан ифодаланиб келган. Масалан: дозор – дозор, дозор для связи – алоқа дозори, дозорный отряд – дозор отряди (“Илова луғат”), дозор – дозор, дозор на автомобилях, автомобилли дозор, дозор ва боевых машинах – жанговар машинали дозор, дозор на танках – танкли дозор (РЎҲТЛ-81) ва бошқалар.

Шунга қарамай негадир, Ҳарбий атамаларнинг русча – ўзбекча луғати (1993) да дозор терминига кўз-қулоқ бўлувчи бирикмаси муқобил қилиб

танланган. Қизиғи шундаки, мазкур луғатдан боевой дозор термини ҳам жой олган ва у жанговар огоҳчилар тарзида ифодаланган. Демак, “дозор” термини билан ифодаланган битта тушунча, аввалом бор, лексеманинг ўзи билан, сўнг эса огоҳчи ва кўз-қулоқ бўлувчи кабилар билан ифодаланиши керак бўлиб чиқади. Бундай синонимиянинг кимга кераги бору, кимга керак эмаслигини ортиқча шарҳлаб ўтирмай, шундай хулосага келинди: ҳар холда дозор асли русча бўлса-да, қайд этилган тушунчани тўғри ифодалайди.

Баён қилинганлардан ҳарбий терминологиядаги синонимларни бартараф этиш масаласи кўндаланг бўладики, бу муаммо қанчалик тез ва ижобий ҳал этилса, ҳарбий ахборот алмашиш жараёни шунчалик осонлик билан кечади.

Сўзнинг морфема таркибидаги ўзгаришлар

Д.Зокирова
АДТПИ

Тилнинг тадрижий ривожалини жараёнида сўзнинг лексик маъноси, товуш твркиби сингари, унинг морфема таркиби ҳам ўзгариб туради. Сўзнинг морфема таркибидаги ўзгаришлар кўпинча морфемаларнинг маъносида ёки товуш таркиюида юз берадиган ўзгаришлар ҳамда сўзнинг кўчма маънода қўлланиши каби ҳодисалар билан боғланган. Бу ўзгаришлар натижасида сўз, яъни ясаш асоси, ўзининг лексик маъносини қисман ёки бутунлай йўқотади, истеъмолдан тушиб қолади. Аффикс эса ўзининг сўз ясовчилик хусусиятини йўқотади. Натижада илгари бир хил морфологик қурилишда бўлган сўзларнинг қурилиши бошқача бўлиб қолади.

Одатда, сўзни морфемаларга ажратиш, асосан, унинг ҳозирги адабий тилда англатган маънолари ва грамматик хусусиятлари ҳисобга олинади. Жумладан, юксак феъли ҳозирги ўзбек тилида туб ҳисобланади. Тарихий жиҳатдар эса бу сўзнинг асоси юк, юқ (юқ йэр – юқори ер, жой, юк сади нанг- нимадир юксалди. МҚ, III 306), -са аффикси феъл ясаган, - л аффикси эса феълнинг даража шаклини ясаган. Асоснинг маъноси мустақил қўлланиш хусусияти хиралашган, - са , - л аффикслари ўзак морфема таркибига сингиб кетган. Сўзнинг морфема таркибидаги ўзгаришлар тилдаги айрим сўзлардагина юз беради.

Сўзнинг морфема таркибидаги ўзгаришлар қуйидги сабабларга кўра содир бўлади.

Ясама сўзнинг ясаш асоси истеъмолдан тушиб қолиши натижасида ўзгаради. Тилнинг кўп асрлик тараққиёти жараёнида асос қисм мустақил қўлланмай қолади ҳамда аффикс билан бирга бир туб сўз сифатида ишлатила бошлайди. Йўқори (йўқ йэр-баланд жой) каби ясама сўз ҳам асос қисми (йўқ) истеъмолдан тушиб қолиши натижасида туб сўзга айланиб қолган.

Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфема таркибида юз берадиган ўзгаришларнинг энг муҳимларига соддаланиш ва морфологик қайта бўлиниш киради.

Бир неча моряемали ясама сўзнинг таркиби ўзгариб, ундаги морфемалар ўзаро қўшилиб, бир туб сўзга айланиш ҳодисаси соддаланиш дейилади. Бу морфемик ўзгариш қуйидагича юз беради.

1. Сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффикслар истеъмолдан чиқиб кетади, айрим сўзлар сўз таркибида сақланиб қолган бу аффикслар сўз таркибига сингиб кетади. Натижада ясама сўз туб сўз ҳолига келиб қолади.

Масалан, йўлка сўзида ҳам аффиксни асос таркибидан ажратиб бўлмайди, бу сўзлар ҳам туб ҳисобланади.

2. Сўзлашув нутқи таъсирида соддаланиш ҳодисаси содир бўлади. Жонли сўзлашувга хос талаффуз сўз таркибида товушларнинг ўзгаришига, қисқаришига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса ясама ёки қўшма сўз таркибини бўлинмас ҳолга олиб келади. Масалан: Шовот сўзи аслида Шоҳобод бўлган. Жонли сўзлашув таъсири остида қисқартириб талаффуз этиш билан бу туб сўз шаклига келиб қолган.

Сўзнинг морфемаларга ажаралиши чегарасини ўзгариши морфологик қайта бўлиниши дейилади. Бу ҳодисага кўра бир морфема таркибидаги айрим товушлар ундан ажралиб, бошқасига қўшилиб, морфемалар орасидаги чегара ўзгаради. Бу вақтда сўз, ўзининг ясамалик хусусиятини сақлагани ҳолда, унинг таркибидаги морфемалар қайта бўлинади.

Морфологик қайта бўлиниш, морфемалар орасидаги чегаранинг ўзгариши тилда янги морфемаларнинг, қўшма аффиксларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ҳозирги ўзбек тилида - гарчилик, лой-гарчилик сингари қўшма аффикслар асосан морфемаларнинг қайта бўлиниши туфайли юзага келади.

Бу сўзнинг морфема таркибидаги ўзгаришларини юқорида ўзбек тилида макон ясовчи аффикслар таҳлили орқали қўлланишини кўриб

Различения языка / речи и их единство при обучении русскому языку в узбекской аудитории

Ст. препод. М.Т.Курбанова
АГПИЯ

1. Одной из основных проблем современной психологии обучения иностранным языкам является вопрос о различении и единстве языка и речи. Положение о «единстве языкового правила и речевого действия» служит исходным тезисом при рассмотрении поставленного а данном сообщении вопроса.
2. Языка мы понимаем как систему субстанциональных лингвистических единиц, и правил, служащим универсальным средством общения и мышления, а речь как применение, проявление языка в процессе общения и мышления.
3. Главной задачей преподавания русского языка как иностранного является обучение умению говорить, писать, читать и слушать по-русски. Но речь обусловлена, прежде всего знанием системы языка. Любое речевое произведение строится из языковых единиц по

языковым правилам. Поэтому обучение реи должно опираться на знание студентами системы языка.

4. Опора на систему языка при обучении речи осуществляется по всем основным аспектам.

1) При обучении фонетике нужно ознакомить студентов с фонемами как элементами языковой системы и научить их произносить конкретные звуки, реализующие эти фонемы в разных позициях в речи.

2) При обучении лексике нужно объяснить отдельные слова с их обобщенными значениями как языковые единицы.

Толькой на этой основе студенты смогут распознать конкретные смыслы слов в речи, смогут использовать слова и переводить тексты.

3) С морфологической точки зрения обязательно нужно дать студентам парадигмы отдельной части и привить им навыки использования словоформ в речи.

4) На синтаксическом уровне следует ознакомить студентов с моделями словосочетаний и предложений. Студенты по этим моделям смогут строить конкретные высказывания с разнообразным лексика – фразеологическим наполнением.

5. Коммуникативная теория речи показывает, что отдельный человек пользуется весьма малой долей языка. Именно поэтому обучение русскому языку как иностранному не требует усвоения всей его системы в целом, а достаточной овладение лишь «микроязыком», необходимым для достижения определенной цели.

6. На занятиях русского языка в национальной аудитории студенты должны уметь на различные темы, читать художественные, публицистические и научно - популярные тексты средней трудности /знание речи/.

Для этого целесообразно за все время обучения дать студентам лексико-фразеологический минимум в объеме 1500-2500 единиц, сообщит основные фонетические, словообразовательные и грамматические правила русского языка / знания «микроязыка»/.

7. Умелое сочетание передачи знания системы языка и обучения речи даст желаемый результат в деле преподавания русского языка как иностранного.

Тил бирлигининг услубий бўёқдорлиги ҳақида мунозаралар

З.М.Кабилова
АДТПИ

Соссюр тарафдорлари қанча кўп бўлса, антисоссюрчилар ҳам бундан кам эмас. Аммо бу икки гуруҳ тортишувида биринчисининг тарозу палласида тошлар (тил фактлари) кўплиги иккинчи гуруҳнинг ўта қизиқарли ғояларини четга суриб қўймоқда. Аммо табиатда муайян турнинг мавжудлиги унинг вакиллари оз ёки кўп эмас, умуман борлиги (ҳатто бўлганлиги)га қараб белгиланганидек, тил фактларининг энг кичик

қисмлари ҳам тилшуносликда ўз баҳосини олишга ҳақлидир: бу тавсифий тилшунослик нуқтаи назаридан. Тарихий тилшуносликдаги уларнинг баҳоси эса алоҳида йирик тадқиқотлар учун асос бўлади. Ўзбек тилшунослигида оз бўлса-да, тажриба тўпланган фоностилистика ҳамда бундай тажрибаси мутлақо бўлмаган фоносемантика ўзаро қандай муносабатда туриши лозим? Ушбу саволга жавоб бериш уларнинг ҳар иккисига таъриф беришни талаб қилади.

Фоностилистика – фонетик воситалар – талаффуз оҳанги, тон, урғу, турли товуш ўзгаришлари ва ҳоказоларнинг индивидуал ва функционал услубларни шакллантиришдаги ўрнини ўрганувчи фан.

Фоносемантика тил белгиси таркибий қисмларининг ўзаро мутаносиблик даражасини ўрганади.

Бу мутаносиблик даражаси ўша тил бирлигининг услубий бўёқдорлигига албатта таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан бу икки соҳа чамбарчас боғлиқ ва биз фоносемантика орқали фоносилистикага борувчи тадқиқ йўналишини тавсифламоқчимиз.

Тил белгисига берилган мавжуд таъриф, бизнингча, муайян тўлдиришга муҳтож. Кўп асрлик мунозараларда мухолиф томонлар аргументларини қиёслаб айтиш мумкинки, тил белгиси тўлиқ эркин эмас.

Ушбу хулоса учун камида иккита – фалсафий ва лисоний – асос кўрсата оламиз.

Фалсафий жиҳатдан: шакл ва мазмун диалектик бирликда. Кенг тарқалган фалсафий қарашларга кўра, бу жуфтликда мазмун етакчилик қилади. Шакл эса унинг яшаш усули ва ифодасидир. Улар ўзаро юқори даражада мутаносиб бўлишлари шарт. Тараққиёт бу мутаносибликка путур етказиши мумкин: унда уларнинг ҳар бири янги бутунлик ҳосил қила олади[1].

Лисоний жиҳатдан: тил белгисини инсон фойдаланувчи бошқа белгилар билан тенглаштириб бўлмайди. Инсон бошқа барча белгиларни тилга қиёсан яратган. Бу белгиларнинг келиб чиқиши ва табиати инсоният учун яхши маълум. Аммо тил белгисининг туғилиш жараёни ҳақида бизда аниқ-тиниқ, ягона, ҳаммага маъқул қараш − назария йўқ. Бошқа белгиларни инсон иродаси таъсирида ўзгартириш қийин эмас. Аммо тил ўз ички-имманент қонуниятлари асосида тараққий қилади. Шунга кўра тил белгисининг икки таркибий қисми борлиги тан олинса-да, уларни бир-биридан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди.

Шу ўринда фоносемантиканинг асосий тушунчаларидан бири– фоностема ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Фоностемани, бизнингча, бир нечта товушлар тизимидан иборат деб тушуниш тартибсизликка олиб келади. Чунки товушларнинг бундай тизим ҳосил қилиш имкони чек-чегарасиз. Шу билан бирга муайян сўз фоносемантик тусида шу сўзда бир нечта товушларнинг йиғиндиси (яъни, фоностема) қатнашади, қолган қисмлар эса бу жараёндан четда туради

---

[1] Қаранг.: Философский энциклопедический словарь. –М.: Наука, 1983 – С. 621-622; Кураев В.И. Диалектика содержательного и формального в научном познании. –М.: Наука, 1977. –160 с.

дейиш асоссиздир. Сўзнинг фоносемантик туси унинг бутун фонетик таркиби билан белгиланади. Ушбу фонетик таркибда етакчилик қилаётган фонема ва унинг контекстуал ҳамда конситуатив ҳолатини биз фоностема деб атаймиз. Фоностемани бундай баҳолаш унинг тил тизимидаги мавқеини белгилашни осонлаштиради: оддий фонеманинг муайян стилистик-семантик функция бажариш учун хосланган кўринишидир.

Умуман, тақлид сўзларнинг ҳар қандай тури (товушга тақлид, тасвирга тақлид)да фоносемантик мотив кучли бўлади. Бир лексик-семантик гуруҳга киритилса-да, фоносемантик тадқиқотларга кўпинча товушга тақлидлар тортилади. Бизнингча, тақлидларнинг ҳамма кўринишлари ҳам қизиқарли материал бўла олади.

Товуший рамзларни фарқлаш ва тавсифлаш ономатопларга нисбатан анча мураккаб. Товуший рамз деганда, мазмуни ва фонетик қобиғи орасида муайян боғлиқлик кузатилган бирликларни тушунамиз.

Тил эгаси ўз онгида кечаётган номлаш жараёнини таҳлил қилмайди. Тўғрироғи, таҳлилни бошқа йўналишда олиб боради. Унинг таҳлили аслида бўлгандек, уч босқичли:

Нарса ⟶ **тушунча** ⟶ **ном**

эмас, балки икки босқичли, шунингдек, терс:

ном ⟶ **нарса** тарзида кечади.

Қўйилаётган муаммонинг яна бир томони бор: модомики, тил белгилар системаси экан, фонема белгими? Бу саволга жавоб бериш икки мураккаб муаммони ечиш билан боғлиқ: фонема белги бўлса, унда ифодаловчи ва ифодаланмиш бўлиши шарт; фонема белги бўлмаса, у тил бирлиги эмас. Бу эса барча тил бирликларини ифодаловчидан маҳрум қилиш демакдир.

Тилшунослик тарихида, кўрсатиб ўтилганидек, ҳар икки қарашни ҳам ёқловчи йўналишлар бўлгани маълум. Аслида тилнинг белгилар системаси сифатида тан олиниши бу муаммони ўз-ўзидан ҳал этади:

− фонема агар тил бирлиги деб тан олинса, унда ифодаловчи ва ифодаланмишнинг мавжудлиги шубҳасиз;

− агар унда ифодаланмишнинг мавжудлиги рад этилса, демак, фонема тил бирлиги эмас;

− бу ҳолда тил белгилар системаси эмас.

Бу уч мулоҳазанинг энг содда дедуктив таҳлили ҳам фонемани икки томонлама белги сифатида тан олиш зарурлигини кўрсатади.

Метафора ва метонимия ўзаро фарқлашнинг айрим услублари

Доцент. А.Мамадалиев
АДТПИ

Метафора ва метонимия ўзига хос умумийлик ва хусусийликка эга. Улардаги умумийлик:

1. Тилни бойитиш учун хизмат қилишда:

2. Сўз кўчиши йўли билан ҳосил қилишда:
3. Номинатив ёки экспрессив хусусиятга эга бўлишда
4. Умумий ёки индивидуаллигида:
5. Метаафора ва метонимия контекст ёки ситуацияда аниқланади.

Уларда ўзаро фарқ эса уларнинг кўчишидаги асосда қурилади:

1. Агар метафорада сўз икки предмет ёки тушунча ўртасидаги ўхшашлик асосида кўчирилса:
2. Метонимияда эса сўз икки предмет ўртасидаги ўзаро боғлиқликка суянган ҳолда кўчирилади:
3. Метафора гапда ўзи алмаштирган гап бўлаги вазифасини бажарган ҳолда:
4. Метонимия ўзи алмаштирган сўзнинг гапдаги вазифасини "вақтинча" бажариб туради.

Айрим ҳолларда гапда метафора ва метонимия бир хил кўринишга эга бўлиб, контекст уларни ўзаро фарқлашга етарли бўлмай қолган ҳолларда уларни қайси бир кўчишга тааллуқли эканлигини ажратиш қийинлик туғдиради.

Бундай ҳолларда, бизнингча трансформацион метод, яхши натижа беради. У гапнинг асл моҳиятини очиб бериш билан биргаликда гап бўлакларини ўз ўрнига жойлаштиради. Айниқса бу метод метафора ва метонимия устма-уст, яъни метафорага асосланган метонимияни ёки бунинг акси метонимияга асосланган метафорани аниқлашда қўл келади.

Масалан, Шаҳар ухлаяпти гапини икки хил трансформация қилиш мумкин:

1. Шаҳар аҳолиси ухлаяпти.
2. Шаҳар гўёки бир жонли мавжудотдай ухлаяпти

Биринчи ҳолда метонимия кузатилса иккинчи ҳолда шаҳар метафора қилинмоқда.

Бу метод амалий дарсларда матнни талқин қилишда, унинг мазмунини чуқурроқ тушунишда ўқувчиларга катта ёрдам бериши мумкин.

Фонетик усул билан маънонинг кучайишидаги даражаланиш

Г. Мамасолиева
АДТПИ

Француз тили маъно кучайтиришда фонетик усул асосий роль ўйнайди. Ушбу мақоламизда маъно кучайтиришнинг баъзи бир йўллари ҳақида фикр юритамиз.

Э.Шодмонов ўзининг "Маъно кучайтиришнинг фонетик усули" мақоласида ўзбек тилида маъно кучайтиришнинг икки йўли ҳақида:

1) унлини чўзиш;
2) унлини кучли талаффуз этиш орқали кўрсатиб беради.

Тил системасида фонологик бирликлар алоҳида мавқега эга. Тилшуносликда фонологик бирликларга хусусан товушларга, энг оддий

бирлик сифатида шакл ва мазмун диалектикасида фақат шаклдан иборат бирлик сифатида эътироф этилса-да, аслида фонемалар ҳам мураккаб қурилмадир. Улар мураккаб структурага эга. Муайян фонемани ташкил этувчи элемент, сўзловчининг руҳий ҳолатига қараб турли хил маъноларни ифодалаш мумкин.

Бундай хусусият дунё тилларининг барчаси учун хос. Хусусан, ўзбек ва француз тилларида ҳам товушларни талаффуз хусусияти асосида маъно англатиш имкониятларини кузатишимиз мумкин.

Француз тили урғули бўғинида келаган унлилар, урғусиз бўғиндаги унлиларга нисбатан чўзиқроқ талаффуз қилинади. Баъзи бир товушларимиз эса тарихий чўзиқликка эга (Бурун товушлари).

Унлини чўзиш билан маъно кучайтириш француз тилида интеллектив ёки дидактив урғу дейилади.

“Интеллектив урғу фразадаги айрим сўзларни ажратиб кўрсатишга хизмат қилади. У сўзнинг биринчи унлисига тушади. Интеллектив урғу тушган унли чўзиқлиги, баландлиги ва айниқса талаффузини кучлилиги билан фарқ қилади”.[1]

Un livre i:teressant
Une salle la:rge
Grand o:pera

Унлини чўзиш билан маъно кучайтириш хусусий, эгалик, узунлик, торликка нисбатан бўляпти.

“Урғуни бошқа бўғинга кўчириш ва шу бўғиндаги унлини кучли талаффуз этиш билан маънони кучайтиришда урғу ҳар қандай сўзда тўғридан тўғри бўғинга кўчирилиши маълум фонетик шароитлар билан боғлиқ бўлади”.[2]

Эмоционал урғу сўзловчининг ҳис-ҳаяжонини ифодаловчи сўзларни ажратиб кўрсатади, урғу тушган ундош қаттиқроқ, унли чўзиқроқ, кучлироқ ва баландроқ талаффуз этилади.

Fo:rmidable! E:xcellente!
Cha:rmaut! A:dmirable!

Бу фонетик усулнинг маъно кучайтириш мумкинлиги даражалик борлигини кўрсатади. Унлиларининг кучли талаффуз этишда кучайтириш, ортириш ҳосил бўлар экан, даражаланиш ҳам юқори эканлигидан далолат беради. Юқоридаги мисолларимиздан куриниб турибдики, унлилардаги даражаланиш

Қисқа → ярим чўзиқ → чўзиқ → ўта чўзиқ,
Лабланмаган - ярим лабланган → лабланган .
Ёпиқ → ярим ёпиқ → очиқ
Ўрта қатор → ўрта қатор → олд қатор.

Урғуларда эса

[1] П. Г Андрейчикова, М Убайдуллаев. Француз тили фонетикаси 83-бет.
[2] Э. Шодмонов. Маъно кучайтиришнинг фонетик усули. Илмий ахборот . 55-57 бет

Бош бўғин → ўрта бўғин → охирги бўғин каби ёки аксинча даражаланишларда номоён бўлади. Шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкунки, чўзиқлик, урғу, интонация каби фонетик жараёнлар товушлар градуономиясини ёритишдаги асосий омилдир.

Olmon tilidagi uy hayvonlari nomi bilan ifodalangan frazeologizmlar

Sh. Mamatholiqova
Roman – German tillar fakulteti
204 – guruh talabasi
ADTPI

Nemis tili Hind – Yevropa tillari oilasining roman – german tillar guruhiga, o'zbek tili esa Oltoy tillar oilasining turkiy tillar guruhiga mansub. Ko'rib turganimizdek, bu tillar turli til oilalariga oid. Shunday bo'lsa-da, bu tillar uchun ko'plab umumiy jihatlar bor. Jumladan, frazeologizm sohasida ham.

Bizga ma'lumki, frazeologik iboralar ikki va undan ortiq so'z birikmalarining ko'chma ma'no asosida turg'un birikishidan yuzaga keladi. Frazeologizmlarda tabiatda uchraydigan turli – xil predmet nomlari bosh komponent sifatida ishtirok etadi. Nemis va o'zbek tillaridagi bosh komponent uy hayvonlari bo'lgan talaygina frazeologizmlar ma'lum sistemani tashkil qiladi. Bunday hayvon nomlari bilan ifodalangan frazeologizmlar "Zoonim komponentli frazeologizmlar" deb nomlanadi. Garchi bunday frazeologizmlarda hayvonlar, ularning xislat va xususiyatlari tilga olingan bo'lsa – da, insonga xos salbiy, ijobiy harakterlarni ifodalaydi. Hayvonlar haqidagi frazeologizmlar ular haqidagi ertaklar va masallar asosida yuzaga keladi.

Frazeologizmlar asosan ma'lum bir tilgagina xos bo'ladi va ularni bir tildan ikkinchi tilga tarjima qilishda iboraning komponentlarini umumiy ma'nosidan ko'chma ma'no asosida yangi frazeologik ma'no hosil bo'ladi. Masalan, nemis tilidagi

wissen, wie der Hase lдuft

frazeologizmda bosh komponent "der Hase - quyon" so'zi hisoblanadi.
Bu frazeologizm to'laligicha "quyonning qanday yugurishini bilmoq" tarzida tarjima qilinadi. Lekin, o'zbek tilidagi aynan mos keluvchi ekvivalentlari:

- Ishning ko'zini bilmoq
- Ustasi farang bo'lmoq
- Yer tagida ilon qimirlasa bilmoq

kabi bo'ladi. Ya'ni, bu iboralar o'z ishini puxta egallagan uni har taraflama o'ylab amalga oshiradigan, sezgir va aqlli shaxslarga nisbatan qo'llaniladi.

Quyida bosh komponenti uy hayvonlari nomi bilan ifodalangan ba'zi frazeologizmlarni ko'rib chiqamiz:

Mit allen Hunden gehetzt sein – ustasi farang bo'lmoq
ein Pferd am Schwanz aufzaumen – ishni oyog'idan boshlamoq
wie Hund und Katze leben - it mushuk bo'lmoq
laufen wie eine gesengte Sau – oyog'ini qo'liga olib chopmoq
jemandem den roten Hahn aufs Dach setzen – uyning kulini ko'kka sovirmoq

Uy hayvonlari nomlari bilan ifodalangan frazeologizmlar nemis va o’zbek tillarida eng ko’p uchraydigan iboralar hisoblanib, ularning asosiy qismi og’zaki nutqda ko’p qollaniladi va nutqning emotsional – ekspressivligini ta’minlaydi.

Гендер муносабатлар берилган матнларни герменевтик таҳлили

Ю. Мирзаахмедова
АДТПИ

Ҳар бир давр ўз фани олдига муайян мақсад ва аниқ талаблар қўяди. Фанларнинг тараққиёти шу даврнинг илғор фалсафий фикри, давр учун етакчи бўлган фан соҳаларнинг ютуқлари билан узвий боғлиқ. XXI аср бўсағасида инсон ўзининг руҳий ва маърифий тафаккурининг янги босқичига кўтарилди. Инсоният мисли кўрилмаган илмий - техникавий мўжизалар гувоҳи бўлаётир. Бундай вазиятда инсон тафаккури тушунчаси ҳам янгича аҳамият касб этмоқда. Муаммонинг бу жиҳатларини ўрганиш тилшуносликнинг методологик муаммоларини илмий - назарий таҳлил этиш учун катта аҳамиятга эга.

Матнни тушуниш герменевтик доира бўлиб, унда муаллиф ҳаёти тикланган бутунлик ва “ҳаётий лойиҳа” сифатида устуворликка эга. Лекин бу матнни талқин қилиш кўп жиҳатдан психологик (ёки тарихий) лойиҳага айланишини англатади. Шу ўринда Гадамер изоҳ беради:

У матн негизини шакиллантирадиган психологик ва тарихий фактлар мавжудлигини инкор қилмайди. Лекин у, матн бевосита ёки билвосита (вазиятга хос бўлган) нарса ҳақида баён қилади, тасдиқлайди ва биз матнни матн сифатида тушунишни хоҳласак, унга хос бўлган бу тасдиқларни жиддий кўриб чиқишимиз лозим.

Текстни тушуниш - унда қайд этилган нарсани тушунишдир. Шундай қилиб, матн мазмунини тушуниш унинг даъволарини билан боғланиши керак.

Матнда баён қилинаётган нарса ҳазил бўлиши ҳам мумкин. Демак, матнда қандай таъкидлар қилинаётганини аниқлаб олиш лозим. Шунингдек, матн ҳеч қандай мазмунга эга бўлмаслиги ҳам (муаллиф ақлсиз бўлиши) ҳам мумкин. Бундай ҳолда ёндашув усулини ўзгартириш ва психологик сабабларни ахтариш керак. Лекин, Гадамер фмкрича, бу вазиятлар текстни талқин қилишда стандарт мисоллар бўла олмайди. Одатда биз матн нима баён қилинаётганини, тасдиқлаётганини тушунишга ҳаракат қиламиз.

Агар биз матнни тушунишга қарор қилган бўлсак, унинг мазмунлилига ва ўзи даъво қилаётган ҳақиқийликка зид бўлмаслиги тўғрисида базис установкага эга бўлишимиз керак. Бу ҳақда Гадамер шундай дейди: “Бизнинг матнни олдиндан англашимиз унинг “мукаммаллигини ” назарда тутади”. [1]

[1] Гуннар Скирбекк Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Т., “Шарқ” , 2002 йил

Шунинг учун ҳар қандай матнни, аввало, тушуниш, англаш унинг ичига кириш герменевтик тадқиқ ҳисобланади. Матнлар боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Боғлиқ матнлар муайян мавзу доирасида кечади. Бундай матнлар сарлавҳаси орқали дастлабки тушунишга ишора қилади. Лекин тўлиқ тушуниш матн ичидаги элементлар орқали амалга оширилади. Муайян матнда ифодаланмоқчи фикрлар, терминлар, сўзлар воситасида юзага чиқади. Худди шундай матнлардан гендер муносабатлар ифодаланган матнлардир. Гендер муносабатлар акс этган матнларда гендереологик атамалар, гендер муносабатларни ифодаловчи сўзлар акс этади. Уларни талқин этиш, тушуниш герменевтик методология асосида ҳам амалга оширилади.

Масалан: Туғруқхона палатасида иккита эндигина туғилган чақалоқ ётибди. Бири кўк чойшабга ўралган ўғил бола, иккинчиси эса-пушти чойшабга ўралган қиз бола. Ҳар бир боланинг туғилганига бор-йўғи бир неча соат бўлди-ю, лекин йиғлашларида фарқ катта.

Ушбу матнда ўғил бола кўк чойшабда эканлигининг белгисида герменевтик таҳлил этса бўлади, чунки бир хил эмас. Бу матнда хатто жинслар ўртасидаги йиғи овозида ҳам фарқ бор. Хаттоки қуйган исмда ҳам. Агар жинс эркаклар ва аёллар ўртасидаги жисмоний тузилишига ҳам боғлиқ фарққа тааллуқли бўлса унда “Гендер” тушунчаси уларнинг психологик, ижтимоий ва маданий ўзига хос хусусиятларини назарда тутади. Жинс ва гендернинг чегараланиши фундаментал ҳисобланади, чунки аёллар ва эркаклар ўртасидаги кўпгина фарқлар табиатдан биологик бўлмаган сабаблар туфайли юзага келади.

Nemis tilida sifatdoshlarning qo’llanilishi

Assistenti N.Mirzayeva
Muhandislik fakulteti 3-kurs 1-guruh
talabasi S.Ergashev
AndMII

Mustaqil O’zbekiston Respublikasining jahon hamjamiyatidagi nufuzi tez sur’atlarda oshib bormoqda. Shunday dolzarb shoroitda xorijiy tillarni mukammal o’zlashtirgan yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash, ayniqsa iqtisodiy fanlarni chet tilida o’rganish muhim ahamiyat kasb etadi. Ta’lim sifatini yaxshilash uchun turli pedagogik usullardan foydalanilmoqda. Ularni ichida o’rganayotgan tilni o’z tili grammatikasi bilan qiyoslab o’rganish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Hozirgi kunda xorijiy tillarni o’rganishda qator qulayliklar bilan birga kamchiliklar ham uchrab turibdi. Yani talabalardan mutaxassislikka oid terminlarni o’rganish yod olish bilan birga talabalar nemis tilidagi so’z turkumlarini yaxshi bilishlari va ularni o’z ona tiliga tarjima qila olish yollarini bilishlari maqsadga muvofiqdir.

Nemis tilida 2 xil partizip yani sifatdosh mavjud:

- ✓ Partizip – 1
- ✓ Partizip - 2

Partizip-1 fe'l o`zagiga **–(e)nd** suffiksini qo`shish bilan yasaladi: heizend, gebrauchend, erkдltend.

Partizib-1 bildirgan ish harakat gapning kesimi ifodalagan ish-xarakat vaqt jihatdan mos keladi:

Die **bearbeitende Produktion** hat hohe Qualifikation	-	*Qayta ishlangan mahsulot yuqori sifatli.*
Der **lessende** Arbeiter ist aus unserer Betrieb.	-	*O`qiyotgan ishchi bizning korxonamizdan.*

Partizip-1 ham hozirgi, ham o`tgan zamonda bo`lgan ish-harakatni ifodalaydi:

Die verwendeteten Quellen. — **foydalanilayotgan** manbalar / **foydalanilgan** manbalar

Die beendete Arbeit — **tugatilayotgan** ish / **tugatilgan** ish

Partizip-1 har doim aniq nisbat ma'nosiga ega. Unda ikki shakl mavjud:

1. o`zgarmaydigan
2. o`zgaradigan.

Uning o`zgarmaydigan turi ot bilan rod, son va kelishikda moslashmaydi. O`zbek tilidagi ravishdoshga to`g`ri keladi va gapda ravish holi vazifasini bajaradi:

h**eizend** - isitib, **gebrauchend** - ishlatib,
erkдltend - olib, **verbindet** - bog`lab

Uning o`zgaradigan shakli esa ot bilan rod,son va kelishikda maslashadi: O`zbek tilidagi aniq nisbatda turgan sifatdosh to`g`ri keladi va gapda aniqlovchi hisoblanadi. Ular sifatlarga o`xshab turlanadi.

Kuchsiz fe'llarning Partizip- 2 shakli fe'l oldiga **ge -** prefiksi va fe'l o`zagiga **-(e)t** suffiksi qo`shish bilan yasaladi.

geьbt, **g**earbeite**t**, **g**espiel**t,** geo`ffn**et.**

Kuchli fe'llar Partizip - 2da **ge-** prefiksi va **–en** suffiksini qabul qiladi. Bundan tashqari fe'l o`zagidagi unli tovush o`zgaradi.

geschrieb**en,** **ge**sung**en,** **ge**sproch**en.**

Partizip ikki xil shaklga ega: **o`zgaradigan** va **o`zgarmaydigan.** Uning o`zgarmaydigan shakli gapda o`zgarmagan holda ishlatiladi va kesimning bir qismi bo`lib keladi;

Die Tьr ist geschlossen - eshik yopilgan.
Die Tьren sind geschlossen - eshiklar yopilgan.
Der Zug ist angekommen - poyezd kelgan.
Die Zьge sind angekommen - poyezdlar kelgan.

Uning o`zgaradigan shakli ot bilan rod, son va kelishikda moslashadi. Gapda aniqlovchi bo`lib keladi va sifatlarga o`xshab turlanadi. O`timli fe'llarning Patizip - 2 shakli majhul nisbat ma'nosiga ega bo`lib, tugallangan ish harakatni ifodalaydi. U o`zbek tilidagi majhul nisbatda turgan sifatdoshga to`g`ri keladi.

Das **gelesene** Buch - **o`qilgan** kitob
Der **geschriebene** Brief - **yozilgan** xat

O`timsiz fe`llarning Partizip-2 shakli tugallangan ish harakatni ifodalaydi, biroq aniq nisbat ma'nosiga ega:

Das **eingeschlafene** Kind - uxlagan bola.

Sifatdosh infinitivdek fe'lning nominal formasiga kiradi. U ham fe'llik va sifatlik hususiyatiga ega. Sifatdoshlarning fe'llik hususiyati a) nisbiy zamon ma'nosiga; b) daraja hamda c) boshqaruvga.

Sifatdoshlar quyidagi sifatlik hususiyatiga ega:

1. Sifatdosh ham sifat kabi predmetning belgisini bildiradi;
2. Sifatdosh kabi otlasha oladi;

Umuman olganda sifatdosh-I va sifatdosh – IIlarni o'rganish texnik matnlarni tarjima qilishda muhum ahamiyatga ega. Agar talaba Grammatik qoidalarni batafsil o'rganib olsa, tarjima jarayonida qiyinchilikka to'q'ri kelmaydi. Shuning uchun talaba ushbu qoidalarni o'rganish muhimdir.

Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асаридаги ўзлашмалар

О.Т. Муродқулов, З.Ҳ.Тўйчиева
ГулДУ

Барчамизга маълумки ўзбек тилига қадимдан форс-тожик ва араб тилларидан кўпгина сўзлар ўзлашган. Бу нарсани энг аввало икки хил изоҳлаш мумкин.

I. Ўзбек халқи тожик халқи билан қадимдан ёнма-ён яшайди ва жуда кўп урф-одатлари, турмуш тарзлари бир хил. Шунга кўра форс- тожик тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан форс-тожик тилига кўплаб сўзлар ўзлашган.

II. Араблар Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин маҳаллий халқларга араб тили, ислом дини ўргатила бошланган. Натижада ўзбек тилига кўплаб араб тилига хос бўлган сўзлар ўзлашган.

Араб ва форс-тожик тилларидан турли-туман маъноли, турли-туман семантик гуруҳларга кирувчи сўзлар ўзлашган. Биз Абулғозийнинг «Шажарайи турк» асарини таҳлил этар эканмиз қуйидаги хулосаларга келдик.

1. Араб тилидан диний сўзлар, фан соҳаларига, маориф, ижтимоий ҳаётга тааллуқли сўзлар кўп ўзлашган бўлса, форс-тожик тилларидан асосан,

уй-рўзғор буюмлари, қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик соҳалари билан боғлиқ бўлган сўзлар ўзлашган.

2. Араб тилидан кўпроқ мавҳум маъноли сўзлар ўзлашган бўлса, форс-тожик тилларидан аниқ маъноли сўзлар ўзлашган.
3. Асардаги ўзбекча атамаларнинг шаклланишида арабча қўшимчаларга нисбатан форс-тожик қўшимчаларининг тутган ўрни каттадир.

«Шажарайи турк»да кўпгина арабча сўзларнинг этимологияси ҳам келтирилган. Масалан, «**Одам»** сўзининг келиб чиқиши асарда қуйидагича берилган: «Лафзи одам араб тили турур. Ернинг қиртишини адим дерлар. Азроил туфроқни ернинг ичидан олмади, тақи қиртишидан олиб эрди. Анинг учун Одам тедилар, лақаби
سفی‌اله - Сафийиллоҳ турур» (11 б)

«Сафийиллоҳ» сўзи ҳам араб тилидан ўтган бўлиб, у изофий бирикмада берилган, маъноси, «Оллоҳнинг энг яқин дўсти».

«Изофа» сўзи эса араб тилида «бирикиш, орттириш» маъноларини беради.Грамматик жиҳатдан у қаратқич ва қаралмиш муносабатидаги икки отнинг ўзаро алоқадорлигини ифодалайди. Унга янада кенгроқ тавсиф берадиган бўлсак «Изофа «бириктириш, орттириш» воситасида кенг маънодаги алоқалорлик-тегишлилик, мансублик, грамматик қарамлилик тушунчасини ифодалайди».

Биз асарни тахлил этганимизда асардаги ўзлашмалар изофа шаклида кўпроқ атоқли отларда учрашига амин бўлдик. Масалан,
ماوراالنهر Маворауннаҳр - дарёнинг орти

«Чингизхон Моворауннаҳрни мусаххар қилғандин сўнг шаҳзодаларни Хоразмга юборди»

«/ози» غازی сўзини таҳлил этганимизда бу сўз, «музаффар» маъносини англатади. Асарда бу исмни қўйилиши тарихи ҳам келтирилган.

Отамиз айтибти: «Бизға бир ғазот муяссар бўлди. Мунинг йўли ва қадами муборак бўлди, тақи мунинг онасининг жамоатини ғозийлар дерлар, ул нисбати ҳам бор теб, отимни Абулғози қўюб турурлар» (167 б)

Юқоридагилардан кўриниб турибдики «ғози» сўзи ғалаба келтирувчи маъносида ҳам қўлланган.

«Шажарайи турк» асарида мўғулча ва хитойча сўзларнинг маънолари ҳам берилган. Масалан:

«Ўғлон» - Бу сўз шаҳзодаларга нисбатан ишлатилган.

«Ижака» - Бу сўзнинг маъноси эса «ота» деган маънода қўлланилиши кўрсатиб ўтилган.

«Тайши» - Бу сўз ҳофиз, ёқимли овоз эгаси маъносида қўлланиши кўрсатиб ўтилган. «Анинг ўғли +адан-тайши +адан отли турур Тайши Хитой тили турур. Ҳофизки яхши хуш овоз куйинда бўлғай. Ани Тайши дер. Ҳофиз тегани бўлур» «Унгу» - Бу сўзнинг маъноси асарда қуйидагича берилган:

«Хитой халқи ўз юртининг тошидан бир баланд девор тортиб учини тенгизга етказиб эрдилар. Ани киши йиққитек ва бузғитек эрмас эрди. Андағ

деворни араб сад дер. Туркий тили бирлан буркурқа дерлар. Хитой халқи унгу дерлар» (хитойча).

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки асардаги ўзлашмаларнинг асосий қисми арабча ва форсча, мўғул ва хитойча сўзлардан ташкил топган. Бу эса Абулғози Баҳодирхоннинг араб, форс, мўғул, туркий тилларни мукаммал эгаллаганини ва хитой тилидан ҳам бохабар бўлганлигининг исботидир.

Қўшма гапларнинг трихотолик ўрганиш тарихидан

Проф. Р.Р.Сайфуллаева
ЎзМУ

XIX асрнинг ўрталарида қўшма гап таълимотида силжиш бошланди, яъни қўшма гапларнинг дихотомик таснифи трихотомик таснифи билан алмаштирилди. Шу даврда *clause* тушунчаси қўшма гап назариясининг марказидан ўрин эгаллайди ва терминологик маьнога эга бўлади, яьний таркибли ва қўшма гапнинг қисмларини номлайди. *Clause*нинг таснифи пайдо бўлади. Ўзининг синтактик мавқейига қараб қисмлар тенг ва тобеларга бўлинади ҳамда синтактик жиҳатидан етакчи қисмни белгилаш учун етакчи қисм, бош қисм ва асосий феъл каби атамалар киритилади. Бу янги назарияларнинг асосидабошқа Ғарбий Европа тиллари грамматикалари таъсири бўлиши мумкин. Шунингдек, таркибли гап таълимотига *clause* атамасининг киритилиши ҳам муҳим роль ўйнаган бўлиши керак. Олимларнигг бу ҳақда ягона фикри йўқ. Кейинги даврда чоп қилинган асарларда эски ва янги назариялар ўртасида келишувчилик ҳолатларини, трихотомик тасниф асос сифатида олинганини ҳам кўриш мумкин..

Қўшма гапга таъриф берилаётганда олимлардан айримлари эга ва кесимлар сони ҳақида, баъзилари қўшма гап таркибидаги содда гаплар сони ва яна баъзилари эса бу икки ҳолатни бирлаштирадилар. Таърифларда қўшма гап қисмларининг синтактик ва семантик жиҳатдан нотенглиги таькитланган. Ингилз тилидаги қўшма гап назаряси XIX асирнинг иккинчи ярмида ингилз норматив грамматикасида тўла шаклланган ва ҳозирги давргача ҳеч ўзгаришсиз сақланиб келгандир.

Таркибли гап таърифида сон белгиси эга ва шахсли феъл атамаларида ифодаланилмайди. Ўзаро боғланган икки яки ундан ортиқ бош наплар ва икки яки ундан ортиқ мустақил қисмлар таркибли гапни ташкил этади.

XIX аср охиридпн бошлаб классик илмий граммитика ривожлана бошлайдики, XX аср норматив грамматика ингилз тилшунослигида грамматиканинг ягона типии бўлмай қолади. Бу икки грамматика бир даврда яшай олганининг сабаби шуки, XX асрда XIX асрда яратилган асарлар қайта ишланиб, бир неча марта нашир этилади. Масалан, XIX аср оҳирида чоп этилган Несфильд грамматикаси XX асрда қайта ишланиб, кўп марта чоп этилди.

Структурал йўналишдаги грамматикаларда айрим олимлар анъанавий трихотомик таснифни сақлаб қоладилар, айримлари уни четлаштирадилар – у, аммо бу четлаштиришнинг назарий асосини келтирмайдилар, баъзиларида эса терминалогия янгиланган, аммо система анъанавийлигича қолган. Структурал лингвистиканинг айрим вакиллари қўшма гап назариясига содда ва қўшма гапларнинг фарқли томонларини йўқотишга йўналтирилган фикрни сингдирмоқчи эдилар. Демак, норматив грамматика вужудига келтирган содда гап - тенг- таркибли нап - тобе тркибли гаплар ўртсида фарқларнинг йўқлигани тарғиб қилб, гапларнинг умумий трихотомик таснифини бузмоқчи бўлганлар. Хуллас, илмий грамматикада бошланган ва структурал лингвистикада ривожланган содда ва қўшма гаплар ўртасидаги структур чегараларнинг бартараф этиши Харриснинг трансформацион грамматикасида ўз ниҳоясига етди. Харриснинг мақсади нутқнинг таҳлилга ҳалақит бермаслиги учун трансформация ёрдамида матнни нормага солиш (меъёрлаштириш) эди. Унингча, гап ва унинг қисмларини бир хил структурага келтириш зарур. Демак, муаллифни “сўз бирикмалари” компонентлари ёки гаплар “кетма-кетлиги”нинг ўхшашлиги (структура эмас, балки мантиқий ўхшашлик) кўпроқ қизиқтирган, уларнинг фарқлари, ўзига хос хусусиятлари диққат марказида бўлмаган, шунинг учун ҳам гап мавқеи уюшиқ бўлаклар ҳам, изоҳловчи (аниқловчи) ва феълнинг шахссий шкларига ҳам бкрилганэди. Кўриниб турибдики, қўшма гап масаласи ҳозиргача ҳам ўз тўлиқ ечимини топганича йўқ.

Praga strukturalizmi va o`zbek substansional tilshunosligi

Prof. Hamid Ne`matov
BuxDU

O`rta va oliy filologik ta`lim tizimida amaliyotda bo`lgan darslik va qo`llanmalarda /5;7;8;/ asosiy tahlil usullari o`z aksini topgan o`zbek substansial tilshunosligini bizda ko`pincha strtuktural tilshunoslik, jumladan, funksional lingvistika (Praga strukturalizmi) bilan tenglashtiradilar /4;/ Bunday tenglashtirish tilshunoslik tarixida yangilik emas; O`zbekistonda xizmat ko`rsatgan fan arbobi va madaniyat xodimi, zukko tilshunos va mohir tarjimon professor Sergey Ivanov tomonidan turkiy tillar qurilishining berilgan yangicha talqinlari sovet tilshunos va turkiyshunoslari orasida o`tgan asrning 70-yillarida funksional tilshunoslik bilan tenglashtirilar edi. O`zbek substansial tilshunosligining sarchashmasi esa S.N.Ivanovning mana shu talqinlari, jumladan, **lisoniy birliklar mohiyatini tizimiy munosabatlar chizmalaridan ochish va ular haqida ilmiy tushuncha shakllantirish jarayonida onglilik va izchillik bilan dialektik mantiqning ilmiy tushunchalarga qo`yadigan talablariga qat`iy rioya qilish** omillari bo`ldi. Bugun jahonga yuz tutayotgan, o`zi mustaqil ravishda ishlab chiqqan lingvistk tushunchalar va ularninq struktural-u pragmatik tadqiq usullarini Yevropa faniga berayotgan /6;/ o`zbek substansial tilshunosligida ayni shu tamoyillar takomillashtirildi, mantiqiy nihoyasiga yetkazilib, nafaqat tilning

barcha sathlari tavsifga tatbiq etildi-yu ta`lim tizimida, yangi davr talablariga mos ravishda, ommalshtirildi, balki lisoniy ong, olamning lisoniy manzarasini berish vosita-yu usullari darajasigacha xosligi ochib berildi /3;/. Bularning barchasi bu yo`nalishni nazariy va amaliy ahamiyatga ega bo`lgan mustaqil ilmiy tatdqiq usuli mavqega ko`tardi.

Tilshunoslik tarixi bilan chuqur tanish bo`lgan mutaxassis yuqorida sanab o`tilgan va S.N.Ivanov tomonidan ilgari surilgan tamoyillardayoq funksional va substansial tilshunosliklar orasida katta farq mavjudligini ilg`ab olishi qiyin emas. Zeroki, bu tamoyillardan biri (*lisoniy birliklar mohiyatini tizimiy munosabat chizmalaridan ochish*) lisoniy qurilish talqiniga sistemaviy yondashishning barcha yo`nalishlari uchun (jumladan, funksional lingvistika ham) umumiy bo`lsa, uning ikkinchi tarkibiy qismi (*lisoniy birliklar mohiyati haqida ilmiy tushuncha shakllantirish jarayonida onglilik va izchillik bilan dialektik mantiqning ilmiy tushunchalarga qo`yadigan talablariga qat`iy rioya qilish*) substansial tilshunoslikkagina xos metodologik tamoyildir. Substansial tilshunoslikning struktural tilshunoslikning Kopengagen (glossematika), London, Amerika (deskriptiv lingvistika) maktablari bilan emas, balki, asosan, Praga stukturalizmi bilan tenglashtirilishi sababi shundaki, struktural tilshunoslikning eng asosiy tushunchalaridan biri bo`lgan **lison~nutq** farqlanishida lisonning ham, uning moddiy voqelanish shakli bo`lgan nutqning ham tushunilishi va, xususan, sinxronik formal (“an`anaviy”) tavsifi natijalariga tayanib, tadqiqotlarini yangi bosqichda davom ettirish tamoyili ham substansial tilshunoslikda `struktural yo`nalishlarning boshqa oqimlaridan ko`ra funksional tilshunoslikka yaqindir. Lekin, professor Abduhamid Nurmonov shu masalaga bag`ishlangan har ikkala asarida juda o`rinli ta`kidlaganidek /1,210-211; 2,156-162/, substansial tilshunoslikni strukturalizmning biror oqimi bilan to`la tenglashtirish mumkin emas – u struktural yo`nalishlar ichida o`zifa xos oqim (maktab)dir. Uning o`ziga xosligi, aytib o`tganimizdek, dialektik metodlogiyaga onglilik va izchillik bilan yondashishida va bu tamoyildan kelib chiqadigan juda ko`p juz`iy xususiyatlardadir. Bu “ juz`iy xususiyatlar” mohiyatan cheksizdir, zeroki, masalan, faqat bitta tamoyil - “oraliq uchinchi” qonuniyati bilan belgilanadigan bunday “juz`iy”liklarning son-u ko`rinishlari shunchalik ko`pki, ular lisoniy tizimda imkoniyat sifatida mavjud bo`lgan va nutqda voqelangan h a r b i r a l o h i d a l i k talqini, tavsifi, idrok-u tahliliga ma`lum bir yangilik , “o`zgacha baholash” bo`yog`ini beradi - uni zaruriy d a r a j a l a n i sh qatorida ko`radi. Bu esa, prof. A.Nurmonov qayd etganidek /2,160-162/, nafaqat Arasru-Sossyur tilshunosligida hukmron va yetakchi bo`lgan dixotomik (binar, ikki a`zoli) zidlanish tamoyiliga politomik (darajalanuvchi ko`p /eng kamida uch/ a`zoli) munosabatlarni qarama-qarshi qo`yadi, balki oldingi tilshunoslikda bir-biridan uzilgan o`xshashlik (sinonimiya) va qarama-qarshilik (antonimiya) aloqalarini bir xil munosabat turiga - (graduonimik munosabatlarga) birlashtiradi.

Graduonimik munosabatlarning lisoniy birliklararo zaruriy umumiy aloqa turi sifatida ajratish va uning mavqeini keskin ko`tarish bilan substansial tilshunoslikda sinonimik va antonimik munosabatlarni graduonimik aloqalar va dialektikaning miqdoriy o`zgarishlarning sifat o`zgarishlariga o`tishi,

qarama=qarshiliklarning birligi-yu inkorning inkor qonunlari orqali izohlash va tushuntirishga erishiladi. Darajalanivchi siraning ikki qutbi o`zaro antonimik – to`liq zidlanish, qarama-qarshi - munosabatlarda tursa, sira o`rtasida o`rin olgan birlik/hodisadan o`ngda va chapda joylashgan birliklar o`zaro o`xshalik – miqdoriy xususiyat bilan bosqichli farqlanish, ya`ni hozirgi formal va struktural talqinlarda sinonimiya deb baholanadigan aloqalarda bo`ladi. Buni chizmada:
$A^{-n} \rightarrow \ldots A^{-3} \rightarrow A^{-2} \rightarrow A^{-1} \rightarrow B \rightarrow C^{+1} \rightarrow C^{+2} \rightarrow C^{+3} \ldots\ldots C^{+n}$ sifatida berish va leksik tizim uchun, masalan, "yosh" belgisining o`sa borishi tamoyili asosida ... *ninni → chaqaloq → go`dak → bola → o`smir → o`spirin → yigit/qiz .... qariya* leksemalar sirasi bilan ko`rsatish mumkin. Substansial tilshunoslikning oldingi tilshunosliklardan bosh farqi ham mana shunda = istagan turdagi lisoniy/nutqiy birlik mana shunday graduonimik sirada tahlil-u tavsif etiladi. Bunday siralarda joylashtirish uchun esa har bir birlik/hodisada umumiylik, mohiyat. imkoniyat, sabab… (UMIS) va yakkalik, hodisa, voqelik, oqibat… (YAHVO) mohiyatiga ega tomonlarni farqlash talab etiladi. Sharq va G`arb ilg`or falsafiy fikridan ma`lumki, YAHVO xususiyatlarining tavsifi **fahmiy** usil bilan beriladi, UMIS tomon esa **idrokiy** tahlil usuli bilan ochiladi. Zohiran bir-biriga zid, bir ikkinchisini inkor etadigan bu ikki bilish usuli (qiyos. *Qosir etdi fahmdin idrokni /Alisher Navoiy. Lisonuttayr.1-bob/.*) vositasida manba haqida hosil qilingan bilimlar mohiyatan biri-ikkinchisi to`ldiradi, izohlaydi – aniqrog`i, munosabatlar chizmalari asosida idrokiy tahlil usul bilan ochilgan qonuniyatlar (tadqiq manbai haqida hosil qilingan bilimlar) bu manbaning rang-barang voqelanishlarini t u sh u n t i r a d i, oqibatning sababalarini, voqelanishning imkoniyatlarini, hodisaning mohiyatlarini, xususiylikning umumiyliklarini ochib beradi, ko`rsatadi. Mana shuning uchun substansial tilshunoslikni birliklararo munosatlarlaning zohiriy ko`rinishi asosida **graduonimik tilshunoslik**, bu fanning tom maqsadi nuqtayi nazaridan esa **imkoniyatlar tilshgunosligi** deb atash mumkin. Bu yondashshda lisoniy tizim-u tizimchalari va har bir tizimning tarkibidan o`rin oluvchi birliklarning tizimiy imkoniyatlarini ochish va bu imkoniyatlarning voqelanish xususiyatlarini o`rganish asosiy maqsad mavqeida bo`ladi. Mana shuning uchun mustaqil O`zbekistonimiz ta`lim oldiga ijodiy tafakkur sohibi bo`lgan tadbirkor shaxsni yetishtirish vazifasini qo`ygach, ta`lim oluvchiga lisoniy (jumladan, ona tili) imkoniyatlarni yetkazish orqali unda nutqiy qo`llanilishda, til imkoniyatlaridan foydalanishda, ijodiylik ko`nikmalarini shakllanitishga xizmat qiluvchi substansial tilshunoslikning amaliy va ommaviy tatbiqiga keng yo`l ochildi.

Yuqoridagi bayondan ko`rinib turibdi, o`zbek substansial tilshunosligini Praga sturkturalizmi (funksional lingvistika) bilan tenglashtirish mumiin emas. Substasial tilshunoslik til qurilishiga system-struktur yondashishning o`ziga xos alohida oqimi, maktabidir va unga, uning talqin-u xulosa-yu tavsiyalariga shu ilmiy tahlil usuli tadqiq tamoyillari – maqsadi, vazifalari, metodlari, tayanch tushunchalari, mezonlari nuqtayi nazaridan turib baho berish lozim. Mana shuning uchun substansial tilshunoslikning bugun fanimizning ayrim otaxonlari uchun juda dilkash bo`lgan tanqidlari orasida hozircha haqiqiy o l i m o n a va ongli, uqilgan tanqid sifatida faqat prof. Abduhamid Nurmonovning "Struktur

tilshunoslik:Ildizlari va yo`nalishlari" o`quv qo`llamasida /2,161-152;/ berilgan tanqidiy mulohazasini tan olsa bo`ladi = unda olim substansial tilshunoslikning tayanch tushunchalari va tahlil tamoyillaridan birini - "oraliq uchinchi"likka mutlaqlik mavqe berishni fetishizm deb biladi. Albatta, bu o`ziga xos alohida bahs mavzusidir.

Substasial talqinlarining boshqa tanqidlari esa (jumladan, akademik Azimjon Hojiyev, prof. Yormat Tojiyev, prof Sh.Rahmatullayevlar tomonidan berilgan tanqidiy tahlillari) turli nuqtayi nazarda turgan tadqiqotchining o`z qarashlari asosida bunday yondashish xulosalarining oddiygina inkoridir. Bunday tanqidlarga oddiygina: substansial tilshunoslikning o`z xususiy "qarich"i bor va u hodisalarni shu "qarich"i bilan o`lchaydi; uning "qarich"i bilan boshqa yo`nalishlarning - jumladan, Praga funksioanlizmining ham, Moskva formalizmining, munaqqidlarimizning ham - "qarich"lari to`gri kelmaydi deb javob qaytarish o`rinli. Haqiqiy ilmiy tanqid uchun yoki "qarich"larni tenglashtirish, yoki o`zganing "qarichi" yaroqsiz ekanligini asoslash kerak. Munaqqidlarimiz esa metodologik nuqtayi nazardan asosiy bo`lgan "qarich"larnining mohiyatini aniqlashni chetga surib, turli "qarich"lar bilan o`lchangan hodisalarni solishtiradilar-u inkor etadilar. Buni esa haqiqiy ilmiy tanqid yoki bahs deb bo`lmaydi; bunday bahsning mohiyatan asossiz ekanligini Mir Alisher "Lisonut tayr"da filning turli jihatdan berilgan tavsiflariga orifning munosabati misolida ochiq-oydin ko`rsatib o`tgan edi. Buni yana takrorlab turishga hech hojat yo`q.

Adabiyotlar:

1. Nurmonov A. O`zbek tilshunosligi tarixi. T. O`zbekiston. 2002. (kiril yozuvida)

2.Nurmonov A. Struktur tilshunoslik:ildizlari va yo`nalishlari. Andijon.2006. (kiril yozuvida)

3.Ne`matov H. "Davlat tili haqida" Qonun va o`zbek substansial tilshunosligi./ «Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами)». Тошкент.Университет. 2009.Б. 16-23

4.Rahmatullayev Sh. Sistem tilshunoslik asoslari. Toshkent. Universitet..2007. (kiril yozuvida)

5./Sayfullayeva R.R., Mengliyev B.R. v.b. Hozirgi o`zbek tili. T. Universitet. 2007. (kiril yozuvida)

6.Sayfullayeva R.R. "Davlat tili haqida" Qonun va o`zbek tilshunosligining Yevropa faniga ta`siri./ «Айюб Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари (Илмий мақолалар тўплами)». Тошкент.Университет. 2009.Б 3-5.

7.Umumiy o`rta ta`lim davlat ta`lim standartlari va o`quv dasturi/ Ta`lim taraqqiyoti. 1-maxsus son.T. Sharq. 1999 (kiril yozuvida).

8.Zamonaviy o`zbek tili.Morfologiya. Mas`ul miharrir R.Sayfullayeva. T. Mumtoz so`z. 2009 (kiril yozuvida).

Инструменталликни функционал – семантик майдон асосида ўрганиш

Н. Нортоева
АДТПИ

Тил тизимида - унинг лексик ва грамматик бирликларида маъно муносабатлари, фикрлар ўз аксини топган-ки, уларни турли тил воситалари ёрдамида баён этиш мумкин. Бир маънонинг ўзи турли тил бирликлари воситасида ифода этилиши мумкин, ”фикр” тил жиҳози мавжуд вариантлари эса маъно аломатларига кўра ўзаро фарқланади. Ушбу маъно аломатлари муайян тил бирлигининг лексик ва грамматик хусусиятлари билан узвий боғлиқ. Ҳар қайси тил бирлиги ўзига ҳос коммуникатив мўлжалга эга ва сўзловчи ўз коммуникатив муддаосига биноан иш кўриб, улар орасидан шундайларини саралаб олади ва уларни коммуникатив жиҳатдан мўлжалланганлик хусусияти унинг коммуникатив муддаоси билан монанд келади.

Тил воситалари орқали баён этилувчи “фикрлар” ёки маънолар семантик категорияларга асосланади, ушбу категориялар ўз навбатида маълум тушунча (тафаккур) категорияларининг акси (тасвири) ҳисобланади.

Семантик категорияларни ажратилиши мазкур тилда муайян семантик зона учун хизмат қилувчи тил воситаларининг мавжудлигига боғлиқ.. Хозирги замон тилшунослигида инструменталлик тушунчасига эга турли сатҳли ифода воситаларининг тизими мавжуд бўлиб, унинг замирида шу номдаги семантик категория ётади. Инструменталлик семантик категорияси анчадан буён тадқиқотчилар диққатини тортиб келади. Лекин шу вақтгача ўзбек тилида унинг барча ифода воситаларини қамраб оладиган иш йўқ: рус тили материали асосида мавжуд бўлган тадқиқотлар эса ушбу масалани творительный падеж функциялари хусусидаги масала сифатида ёритади ёки бошқа муаммоларга боғланган ишлар доирасида айрим изоҳлар сифатида берилади.

Шу билан бирга, инструменталлик семантик категориясини функционал – семантик майдон позициясидан кузатиш ушбу семантик ҳудуд хусусида кенг тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Чунки муайян тилдаги мазкур семантик категорияни ажратилиши мазкур тилда муайян семантик зона учун хизмат қилувчи тил воситаларининг мавжудлигига боғлиқ. Ҳозирги замон тилшунослиги қурол форма тушунчасига эга турли сатҳли ифода воситаларининг тизимлигига эга бўлиб, унинг замирида шу номидаги семантик категория ётади. Ушбу мавзу юзасидан тиллар қиёсий тадқиқ этилаётганида қуйидаги фикрлар эътиборга олиниши зарур бўлади:

1. **И**нструменталликнинг субкатегориал маънолари (инструмент, восита ва ҳаракат бажариш усули) қуролдорлик маъносининг алоҳида кўринишлари эмас, балки маъноларнинг ўзаро бир-бири билан боғланган ва ўзаро бир-бирига боғлиқ мураккаб мажмуаси ҳисобланади. Инструмент, восита ва усул инструменталликнинг турли аспектларини ташкил этади ва қанча

субкатегориялар формал ифодага эга бўлишидан қатъий назар, бир пайтнинг ўзида гап семантик структурасига киради.

2. **И**нструменталлик грамматик ифода воситалари функционал – семантик майдонга хос турли сатҳли бирликлар тизимини ташкил этади, унинг асосида центрга, периферияга ва семантик функцияларнинг ўзаро бир – бири билан боғланишига кўра тавсифланувчи ўтиш ҳудудига бўлиниш ётади.

3. Инструменталлик функционал семантик майдонининг структуравий типологик хусусияти унинг икки ядроли экани ҳисобланади, икки ядролик майдон жойлашувига боғлиқ: қуролдорлик майдони майдонларнинг уч ядроли гуруҳлашув кесишув ҳудудида жойлашган: субъект-объект, ҳол ва атрибутив. Инструмент ва восита маъноли конструкциялар субъект-объект (предметли) гуруҳлашув ҳудудида жойлашади, ҳаракатни бажариш усули маъноли констукциялар-майдонларнинг ҳоллашган гуруҳлашув ҳудудида.

Шундай қилиб, предметли (инструмент ва восита) ва жараёнли (ҳаракатни бажариш усули) воситачиликни бир-бирига таққосининг лингвистик асоси бўлиб, ушбу маъноли конструкциялар синтактик функцияларини ўзаро таққоси ҳисобланади: предметли қуролдорлик маъносига эга конструкциялар объект функциясини бажаради, жараён маъноли конструкциялар – ҳол бўлиб келади.

Инструменталлик семантик категориясининг тадқиқоти функционал грамматиканинг муҳим назарий масалаларининг ечимига таъсир этади: функционал семантик майдонлар миқдори, турли тил сатҳлари бирликларининг ўзаро бир бирлари билан боғланиш механизми, функционал семантик майдонлар типологияси хусусида, шунингдек, функционал-омосиологик йўналишдаги амалий вазифаларини ечишда маълум ҳисса қўшади.

Тилни системавий ўрганиш муаммолари

(Немис ва ўзбек тиллари мисолида)

доц. Т. Нурматов
АДТПИ
М. Нурматова
АДУ

Профессор Абдулҳамид Нурмонов методи билан масалага ёндашилса тил деганда қуйидагилар тушунилади: биринчидан, тил деганда оғиз бўшлиғида жойлашган, таъм-маза билиш органи, инсонда эса, бундан ташқари, тил нутқ товушлари ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган аъзо; иккинчидан, тил фикр ифодалаш ва ўзаро алоқа қуроли бўлиб хизмат қиладиган товушлар, сўзлар ва грамматик восита. Масалан:

Тили узун (ҳар нарса дейишга хадди сиғадиган)

Тили бир (фикри, мақсади, қиладиган иши бир)

Тил топмоқ (бир-бири билан келишиб бирга харакат қилмоқ)

Тилини қайрамоқ (бировга қарши гапиришни хохламоқ)

Тўртинчидан: тил-нутқ товушлари, сўзлар, гаплар ёрдамидаги алоқа қуроли.

Система:
1) ички тузилишга эга бўлган, икки ва ундан ортиқ қисмларни ўз ичига олган мажмуа;
2) Бир-бири билан боғлиқ қисмлар;
3) Ички бўлинувчанликка эга бўлган қисмлар;
4) Қисмларга ажраладиган, бирикадиган бўлаклар;
5) Умумийлик ва хусусийликка бирикадиган ходисалар
6) Ўзаро жуфтланган муносабатдан ташкил топган бутунликдир.

Тилни ўрганиш деганда ики хил мақсадни тушуниш мумкин – А) илмий нуқтаи - назардан ўрганиш. Бунда тилшунослар томонидан тилни ўрганиш тушунилади; Б) гапиришни шу тилда гаплашувчилар билан мулоқотда бўлиш учун тилни ўрганиш. Иккинчи хол анча мураккаб бўлиб, у ўрганувчидан кўп вақт, меҳнат ва қунт талаб қилади, чунки янги тил унинг учун янги бир дунё ҳисобланади. Гарчи тилни ўрганиш унинг она тилидан йиққан кўникма ва малакалари асосида содир бўлсада, иккинчи тилнинг – чет тилининг ўрганилмаган, кутилмаган жабҳалари кўп бўлади, масалан, чет тилининг, масалан немис тилининг фонетик материали борки, уни ўрганишда бирон ўргатувчи, ўқитувчи, устоз бўлиши керак - ўқитувчи тил товушларини талаффуз қилиб бериши керак. Сўзларни айтиб бериши, шу сўз билан сўз бирикмалари, гаплар тузиб бериши керак бўлади. Ўқувчи – талаба хотирасига тил товушлари, сўзлар, сўз бирикмалари, гапларни айтилишини олганидан кейингина у ўқитувчининг навбатдаги топшириқларини бажара олади.

Тил тушунчасини кўп тилларда бошқа сўз ифодалайди, айрим тилларда тилнинг ифодаланишига бир хил сўз омоним сифатида хизмат қилади, масалан:

Немис тилида	Инглиз тилида	Француз тилида	Рус тилида	Тожик тилида	Турк тили-да	Озарбай-жон тилида	Ўзбек тилида
Sprache	language	La Langua	язык	забон	дил	Дил	тил

“Бир - бирини тақозо этувчи икки ва ундан ортиқ таркибий қисмларнинг ўзаро шартланган муносабатидан ташкил топган бутунлик система саналади” (Нурмонов А, Йўлдашев Б “Тилшунослик ва табиий фанлар”. Тошкент. Шарқ, 2001).

Тилнинг фонетик, грамматик, лексик системаси мавжудлиги, яъни тилнинг ҳар бир жабҳаси бир тизим эканлигига профессор А. Нурмонов ишора қилган, масалан тилнинг, ҳам немис тилининг, ҳам ўзбек тилининг фонетик қисмининг ўзи бир системага эга:

А. Тилнинг фонетик қисми	
Немис тилида	Ўзбек тилида
Тил товушлари чўзиқ унли Қисқа унли Дифтонг Ундошлар	- Унли - Ундошлар

Аффрикат Бош урғу Иккинчи даражали унли Урғу олмайдиган сўзлар Оҳанг терминал Интеррогатив Прогрединт	- Бош урғу Иккинчи даражали урғу - Ҳали аниқланмаган Ҳали номланмаган Ҳали ишланмаган
Б. тилнинг грамматик қисми	
Немис тилида	Ўзбек тилида
Сўз морфология Сўз бирикмаси Синтаксис –содда гап дарак гап Ундов гап Буйруқ гап Сўроқ гап Қўшма гап-боғланган қўшма гап Эргаш гапли қўшма гап	Сўз морфология Сўз бирикмаси Синтаксис - содда гап- дарак гап Буйруқ гап Ундов гап Сўроқ гап Қўшма гап-боғланган қўшма гап Эргаш гапли қўшма гап
В. Тилнинг лексик қисми	
Немис тилида	Ўзбек тилида
1. Содда сўз 3. Қўшма сўз 2. Ясама сўз 4. Кўчма маъноли сўз 5. Фразеологизмлар	1. Содда сўз 3. Қўшма сўз 2. Ясама сўз 4. Кўчма маъноли сўз 5. Фразеологизмлар

Чет (немис) тилини ўрганишда тил бир система – тизим сифатида ўрганилиши керак. Чет (немис) тили ўқитувчиси немис тилини ўргатар экан, у немис тилининг фонетик, лексик, грамматик материалларини бир система, бир тизим сифатида ўргатиши керак. Бу бир муаммодир, чунки бундай комплекс – қўшиб ўқитиш кўп вақт талаб қилади, кўп соат талаб қилади. Лекин ўқитувчи тил ўрганувчи ўқувчи – талабанинг таълим муассасаси, таълим мақсади, таълим йўналишига қараб ўқитиш мақсад ва мазмунига мослаб бориши керак. Бунда фонетик материал, грамматик қоидалар а) қисқа б) фақат оғзаки в) фақат машқларда, мисолларда, матнларда берилиши тушунтирилиши керак. Ҳар қандай шароитда чет (немис) тили ўқитувчиси ўқитиш таълим мақсадларини унутмаслиги, мафкурамизни ўз дарсларига сингдириши керак: биз бўлажак чет тили ўқитувчисини тайёрлашга қатнашар эканмиз, ўқувчи талабада бир система сифатида амалий грамматика, амалий фонетика, лексика – ликсикология, оғзаки ва ёзма нутқ амалиётини иложи борича дастур талабида шакллантиришимиз керак.

Чет (немис) тили ўқитувчиси маънавият – инсоннинг улғайиши ва куч - қудрат манбаи эканлигини ўз дарсларида ўқувчи – талабаларига уқтириши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Тошкент 2008 18-бет.
2. С.Ф.Акобиров ва бошқалар. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент 1981. 174-бет
3. И.Йўлдашев, Ў. Шарипова. Тилшунослик асослари. Тошкент 2007. 28-бет.
4. Нурмонов А., Йўлдашев Б. тилшунослик ва табиий фанлар. Тошкент. Шарқ. 2001 йил.
5. С.Усмонов. Умумий тилшунослик. Тошкент 1972. 125-бет.
6. С.Саидов. Немис тили грамматикаси машқларда. Тошкент 2003.
7. А.Искоз., А.Ленкова. Лексикология немецкого языка. СПБ. 1970.
8. Т. Сатторов. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси. Тошкент 2003 2-бет.

Синтагма тилшунослар талқинида

Доц. Т. Нурматов, Ш. Саттарова
АДТПИ
З. Масодиқова, М. Рахмонова
Қўқон ДПИ

Фан ва техника, ишлаб чиқариш, таълим ва маданият, инсониятнинг турмуш тарзи тобора ривожланаётган бир пайтда тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир, десак озлик қилади. Энди тил халқларнинг алоқа воситасидир. Ҳозир тил юксак маданий алоқалар, иқтисодий ҳамкорлик, юксак маърифат, ўқитиш - ўқиш, илмий изланиш қуролидир. Ўзбекистон тарихи шароитида сарт тили, лотин тили, рус тили, араб тили, ўзбек тили ва таълим муассасаларида ҳозир ўргатилаётган 20 га яқин чет тили бунга мисол бўла олади. Тилларнинг ўқитилишида умумий ва хусусий тилшунослик тамойилларига амал қилиниши катта аҳамиятга эга.

Тил ўқитишда нутқ занжирининг бўлинишига этибор берилиши, ҳар бир тил оҳангининг ўз қоидасига амал қилиниши фойдадан холи эмас. Нутқ бўлаклари орасида қилинадиган катта-кичик паузаларга – тўхтамларга этибор берилиши тил ўқитишда-чет тилини ўқитишда муҳимдир. Тил ўқитувчиси, чет тил ўқитувчисига фонетик бирликларни, нутқ бирликларини билиш, ўрни келганда уларнинг қўлланиши, ифода қилинишига этибор бериш керак. Нутқнинг таркибий қисмларга ажиратилиши тилшунослар, олимлар, фонетика, тил ўқитувчилари томонидан хар хил талқин қилиниши тилни, чет тилини илмий ўрганишда, амалий фолиятда –ўқитишда муоммолар келтириб чиқаради. Синтагма нутқ занжирининг таркибий қисмларидан бири сифатида тан олиниши ва синтагманинг гап, жумла, фразадан кейинги нутқ бирлиги сифатида талқин қилиш тарафдоримиз. Лекин бу синтагманинг она тилимиз ўзбек тилида, биз ўқитаётган чет тили - немис тилида ҳар хил талқин қилиниши, қолаверса бунга асос бўладиган умумий ва хусусий тилшунослик намоёндалари томонидан синтагмага гоҳ

синтагма (14 ҳолат) гоҳ такт (7 ҳолат) сифатида қаралиши тил ўқитишдаги ягона машғулотда иккиланиш келтириб чиқаради (жадвалга қаранг).

Тилшуносларнинг баъзилари синтагмани грамматик восита деб талқин қилганлар, масалан, О.Азизов, Ҳ.Жамолхонов, А.М.Муҳин, В.В.Виноградов шулар жумласидандир. Айрим тилшунослар синтагмани тактга синоним деб биладилар. Жадвалда берилишича О.Цахер, Г.А. Сулемова талқини шундан далолат беради.

Л.В.Щерба, Л.Р.Зиндер, О.Никонова, Л.В.Шишкова, Н.Д.Климов, Ф.Ё.Вейсалов синтагмани гапдан кейин турадиган фонетик бирлик деб тўғри талқин қилганлар. Ҳақиқатдан ҳам гапдан кейин турадиган бўлак синтагма бир – бири билан мазмунан боғланган, синтагматик урғу ва синтагматик пауза – тўхтам билан ажралиб турадиган фонетик бирликдир. Тил ўқитувчиси матнлардаги, машқлардаги жумлаларни талаба-ўқувчиларга ифодали ўқитишда синтагмалар таркибий қисмларини тўғри аниқлаши, синтагматик урғу, синтагматик паузадан тўғри фойдаланишни ўргатиши керак.

Р.И.Аванесев “Такт бўлинмас товушлар қаторидир. Гап мазмунан тактларга бўлинади”, деб ёзган. А.Н.Гвоздев, О.Ф.Эссен, З.Тошев тактни синтактик бирликка тўғри келишини таъкидлаганлар. А.А. Реформатский, И.Йўлдошев, О.Шарипова, В.В.Решетов тактни фразанинг бир нафас чиқариш билан талаффуз қилинадиган бўлаги эканлигини ёзганлар.

Аслини олганда фонетикада синтагма тактга қараганда кўп, аниқ таърифланган, масалан немис тилида синтагма қуйидаги холларда фразанинг бир қисми деб қаралади ва синтагматик урғу, синтагматик тўхтам билан ажратилади:

1. Кенгайган эга группаси: `Dieser be`rühmte `deutsche ``Schriftsteller /....
2. Атоқли отлардан ташкил топган эгалар: ``Ethel / war ge`kliedet wie zum ``Hofbal.
3. Уюшиб келган гап бўлаклари: Sie ``nahm das `Buch und begann darin zu ``bldttern.
4. Энг охирги гап бўлаги: in der `toten ``Tunnelstadt /.
5. Инфинитив группалар: `hier her ge``kommen zu sein /.
6. Қўшма гапларнинг алоҳида гаплари: Ende ``gut,/ alles ``gut.
7. Ундалмалар: ``Elfride / gib mir bitte das ``Buch.
8. Қиёслашлар: Er hat dunkle ``Angen / wie sein ``Bruder, ва хоказо.

Биз гапдан кейинги нутқ бўлагини синтагма деб аташ тарафдоримиз.

Синтагма грек тилидан олинган бўлиб, у бир ёки бир неча сўздан иборат бирикма, интонацион маъно бирлигидир.

Жадвал:

№	Тилшунос (Муаллиф)	Синтагма	Такт ёки фонетик сўз	Мисол	Манба (в книге)
1	Л.Р.Зиндер	Синтагмы это простейшие смысловые единицы, на	-	Человек - это звучит гордо! (М.Горький) Die Sonne	Современный немецкий язык. Москва. 1957 стр 238.

		которое членится предложение.		ging auf, die Nebel flohen.	
2	А.А Реформатский	-	Фраза распадается на такты. Такт- это часть фразы, один или несколько слогов, объединенная одним ударением.	На дому, без шляпы (проклитика); Видел ли, ходил бы кто-то. (энклитика)	Введение в языкознание Москва. 1967. стр 188.
3	А.М. Мухин	Синтагмы вычленяются из предложений, включают в себя элементарные синтаксические единицы, каковыми являются компоненты предложения.	-	Я удивляюсь, что вы, с вашей добротой, не чувствуете этого.	Лингвистический анализ. Теоретические и методологические проблемы СПБ. 1976 стр 145.
4	Л.В.Щерба	Синтагма «Фонетическое единство, выражающее единое смысловое целое в процессе речи - мысли»	-	Мои любимые ученики - собрались сегодня у меня на квартире.	Очередные проблемы языкознания. Изб работы по языкознанию и фонетике. СПБ. Т. 1. 1958. стр 10.
5	В.В. Виноградов	Выдвигает на первый план понятие синтагмы, как понятые семантико – синтаксическое	-	-	Вопросы синтаксиса современного русского языка. М. 1950 стр 227-248
6	И.А.Бодуэн де	Употреблял	-	-	Избранные

	Куртене	термин синтагмы в смысле «слово».			труды по общему языкознанию. Том 1. Москва 1963.
7	О.Никонова	Подлежащее выраженное личным местоимением, никогда не образует самостоятельной синтагмы, соединяясь в одну синтагму.	-	Er ``legte fьnf goldene ``Zwanzigmarkstьcke auf den ``Hochzeitstisch.	Фонетика немецкого языка М. 1958 стр 107
8	O. Zacher	Энг катта тил бирлиги синтагма ёки такт термини билан ифодаланади.	Синтагма ёки такт энг катта тил бирлигидир.	Seine zweite Schwester / ist bekannte Sdngerin. (Zwei sprechtakte)	Deutsche Phonetik SPB 1969. S 16-17.
9	Р.И. Аванесев	-	Такт бўлинмас товушлар қаторидир. Гап мазмунан тактларга бўлинади.	-	Фонетика современного русского литературного языка. МГУ. 1956 стр. 60-61.
10	А.Н.Гвоздев	-	Тактни синтагма ўрнида қўллайди. Бунда семантик бирликни тушунишими з керак бўлади.	-	Фонологичес кие средства русского языка. М. СПБ 1949.
11	O.V.Essen	-	Такт деганда бир бутун бирликка боғланган нутқ парчаси	-	Hochdeutsche Satzmelodie. Z.f Phonetik. Berlin. BD.G 1956 H.1,S 80-81.

			тушунилади. Бу бир синтактик бирликка тўғри келади.		
12	O.G.Kosmin, G.A. Sulemova	Гаплар икки ёки ундан ортиқ урғу билан ажратилган сўзлардан ташкил топган синтагма (такт)ларга бўлинади.	Такт синтагмага синоним.	In deisem ``Lehrbuch / gibt es viele ``Abbildungen	Praktische Phonetik der deutschen Sprache. Moskau. 1990.
13	Z.B.Toshev	-	Такт гапнинг бир қисмидир. У мазмунан, синтактик урғу ва мелодия билан ажралиб туради.	Am 3. Oktober / begeht das deutsche Volk / den Wieder vereinig- ungstag beider deutschen Staaten.	Немис тили фонетикаси. Тошкент. 2004 90-91 бетлар.
14	Л.В. Шишкова и др.	Распространё н- ное предложение делится обычно на части, называемые синтагмами хотя распростране нное предложения	-	Gdste aus vielen Ldndern der Erde kommen nach Leipzig zur Messe.	Вводный фонетический курс немецкого языка. Москва 1977. стр 63

		может составит и одну синтагму, одна синтагма отделяется от другой паузой и мелодикой.			
15	Н.Д.Климов	Речь членится на элементы: слоги, фонетические слова, синтагмы, фразы.	-	-	Вводно - фонетический курс немецкого языка. Москва 1978. стр 25.
16	Проф. Вейсалов Ф.Ё	Кўп синтагмали гапларда синтагмалар тушувчи ёки давом этувчи оҳангга эга бўладилар: Прогредиент ёки терминал.	-	Die Delegation fuhr mit dem Bus.	Алман дилинин фонетикасы. Бакы. 1980. 147-бет
17	О.Азизов	Нутқий алоқанинг энг содда, энг бошланғич шакли бўлган икки бўлакнинг синтактик муносабати синтагма деб аталади.	-	Ой чиқди. Бола ухлаяпти. (Предикатив муносабат). Ёш йигит, хат ёзувчи, (предикатив бўлмаган муносабат)	Тилшуносликка кириш. Тошкент 1989. 125-бет.
18	И Йўлдошев., О.Шарипова	-	Фразалар тактларга бўлинади. Такт бўғинлардан иборат.	Талабалар учун янги ётоқхона қурилди.	Тилшунослик масалалари. Тошкент 2007. 50-53-бетлар.
19	Проф.	-	Такт это	Бор эканда/	Узбекский язык

	В.В.Решетов		более мелкая фонетическая единица, часть интонацион-ного целого, фразы, произносимая одним непреривным потоком	йўқ экан/, оч эканда/ тўқ экан/. Бир камбағал одам /бўлган экан.	фонетика. Ташкент 1959. стр 82
20	Х. Жамолхонов	Синтагма Урғ-уси фраза (гап) ичидаги мазмунан яхлит, грамматик жиҳатдан бир бутун бўлган қисмни махсус таъкидлаш, уни шу фраза (гап) ичидаги бошқа синтагмалар дан ажратиш учун хизмат қиладиган фонетик воситадир	-	Бу шифокор Дилбарнинг онаси	Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент 2005. 88-бет.

Мисоллардан кўриниб турибдики синтагма аниқловчили, тўлдирувчили, холли бўлиши мумкин. Рус тилида: Весенная погода;(1) немис тилида: Das _Wetter im Fruhling; ўзбек тилида: Баҳорги об-хаво._____

1) О.С.Ахманова Словарь лингвистических терминов.М.1969. стр 408.

Системавий тилшуносликнинг ўзига хос хусусиятлари

Проф.А.Нурмонов
АДУ

1. Э.Бенвенист тилшунослик тарихини уч даврга бўлар экан, XX асрнинг биринчи чорагидан тилшуносликнинг янги даври, тилга системавий-структур ёндашув даври бошланганини баён қилади. Бу даврдан лингвистиканинг эътибори тил фалсафасига ҳам, тил

эволюциясига ҳам эмас, балки тилнинг имманент реаллигига қаратилди. Натижада лингвистика формал, ихчам, систематик фанга айланишга интила бошлади.[1]

2. Дарҳақиқат, XX аср бошқа фанлар тараққиётида бўлгани каби лингвистика тарихида ҳам асосий эътиборнинг объектга субстанционал нуқтаи назардан ёндашувдан структур-функционал нуқтаи назардан ёндашувга ўтиши билан характерланади.[2] Бунга Ф.де Соссюрнинг "Умумий лингвистика курси"да баён қилинган "тил субстанция эмас, балки шаклдир"деган бош ғояси сабабчи бўлди. Бу ғояга мувофиқ, структуранинг субстанциядан ажратилиши ва унинг нисбий мустақиллигининг эътироф этилиши тилшуносликнинг кейинги даврда буюк кашфиётларнинг қилинишига туртки бўлиши билан бирга, бир қаторда янги қарашларнинг туғилишига ҳам замин яратди.

3. Ф.де Соссюр *субстанция* ва *шакл* атамалари остида сезги аъзоларимизга таъсир қилувчи моддий воситалар ва бу моддий воситалар замирида ётган муносабатларни тушунади, *тил шаклдир* деганда тилнинг муносабатлар системаси эканлигига урғу беради.

Тилнинг моддий томони , яъни товуш томони субстанция сифатида иккинчи планга сурилади.

Ана шунинг натижасида у тил ва нутқни ажратади. А. Гардинер Ф.де Соссюрнинг бу дихотомиясидан таъсирланиб, тилшуносликнинг бундан кейинги барча ютуқлари ана шу зидланишга асосланади, деб башорат қилган эди.[3]

Нутқий фаолият тил ва нутқнинг диалектик муносабатлардан ташкил топишини эътироф этиши системавий тилшуносликнинг вужудга келишига дадил қадам бўлди.

Системавий тилшуносликнинг иккинчи муҳим жиҳати субстанцияга қандай ёндашув масаласидир.

Аньанавий тилшунослик субстанциянинг (субстанция маъноси Ф.де Соссюр талқини бўйича қўлланилмоқда, кейинчалик бу атама моҳият маъносида қўлланила бошланди) муайян таркибий қисмлардан ташкил топганлигига асосий эътиборни қаратса, системавий тилшунослик субстанцияни ташкил этган қисмларнинг ўзаро муносабатини, ана шу муносабатлар орқали намоён бўлаётган фарқловчи (марказий, дифференциал) ва фарқланмайдиган (чегара, нодифференциал) белгиларини аниқлаш ва ана шу йўл билан *шакл* (моҳияти)ни, лингвистик бирликларининг моделини белгилашини бош мақсад қилиб қўяди. Чунки, уларнинг фикрича, ҳар қандай ўрганилаётган обьект абстракт конструкт даражасига олиб чиқилгандагина ўзининг ҳақиқий илмий талқинини топади[4]. Шунинг учун системавий тилшуносликда жиддий эътибор моддий

---

[1] Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М., 1974, с.23.
[2] Солнцев В.М. Язык как системно – структурное образование. – М., 1971, с. 6-7.
[3] Гардинер А. Различие между «речью» и «языком».- В. А. Искория языкознания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Ч. II. –М.,1960, с.19.
[4] Киров Е.Ф. Теоритические проблемы моделирования языка. Каз Г У,1989,с. 17.

томонга эмас, балки муносабатга қаратилади. Бошқача айтганда, ҳақиқий лингвистик реаллик сифатида муайян бир тилнинг алоҳида фарқи эмас, балки система сифатидаги тил эътироф этилади.система эса элементлар мажмуаси сифатида қаралмайди. Ҳар бир элементнинг бутунлик доирасида бошқа элемент билан муносабати туфайли мавжуд бўлиши система тузилишини замондан ташқаридаги муносабатлар тизими сифатида қарашга олиб келди.

4. Субстанция ва шаклни фарқлаш – фарқламаслик ҳозирги тилшуносликда бир обьектни турлича талқин қилишга олиб келмоқда. Бу тилнинг барча сатҳларида кузатилмоқда. Хусусан , ўзбек тилининг фонологик системасида тил олди, портловчи, жарангли ундош билан тил олди, сирғалувчи, жарангли ундош ўртасидаги “пайдо бўлиш усули” фарқловчи белгиси фонологик муҳим (релевант) белгими ёки фонологик номуҳим (иррелевант) белгими деган саволга икки хил жавоб берилмоқда. Сезги аъзолари берган маьлумотга таянган тилшунослар уларни икки фонема деб ҳисоблайди. Муносабатлар системаси сифатидаги моҳиятга таянган тилшунослар эса улар битта фонеманинг икки варианти ҳисоблайди.

Шундай қилиб, системавий тилшунослик тилнинг барча сатҳларида муносабатлар системаси бўлган моҳиятларга таяниб иш кўради.

Сирдарё вилояти шеваларининг лексик қатламлари

И. Пардаева
ГулДУ

Ҳар бир тилнинг диалект системасига кирувчи шева ва лаҳжалар табиийки, шу системанинг умумий қонуниятларига бўйсунади ва унга хос нормативликка эга бўлади. Муайян шева хос бирор сўз адабий тилаг ўтар экан, ўзи мансуб бўлган диалект системанинг таъсиридан четда қолмайди ва шунинг учун ҳам ўша диалект системасининг у ёки бу хусусятларини маълум даражада адабий тилга ҳам олиб киради.

Шу жиҳатдан олганда ўзбек адабий тили Сирдарё вилояти шевалари лексикасини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидандир.

Бизнинг Сирдарё вилояти шевалари лексикасидаги тарихий этимологик қатламларни белгилашга оид таҳлилларимиз мана шу нуқтаи назарга таянган ҳолда амалга оширилди ва улар қуйидагича номланди: 1. Умумтуркий лексик қатлам. 2. Ўзлаштирилган лексик қатлам.

Умумтуркий лексик қатлам. Сирдарё вилояти шеваларида ишлатиладиган кўплаб сўзлар тарихда йирик нуфузни ташкил қилган қипчоқларга алоқадор бўлса, қорлуғ тип шеваларда ишлатиладиган кўплаб сўзлар қорлиқ ва уйғур тилига яқинлигидан далолат беради. Ўзбек тилининг бошқа тиркий тиллар билан умумийлигини ҳозирги туркий тилларда айрим фонетик ўзгаришлар билан ишлатилаётган қуйидаги сўзларни солиштириш орқали ҳам кўрсатиш мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир сўз туркий

тилларнинг ҳар қайсисида тилнинг ўз фонетик қонунларига кўра турлича талаффуз қилинади ва ўзгачалик ёзувда ифодаланади. Сирдарё вилояти шевалари луғат таркибининг асосий қисмини ҳам умутуркий сўзлар ташкил этади: айу// айқ// айуқ// ад. орф. айиқ қиёс қилинг: қад. турк. айи, ДЛТ. азиқ, ёқут. **адабий** ,шор. адўғ, тув. адўғ, ҳақ.азўғ, уйқ, эйиқ, нўғ. айув, **ққалп**. айув. **озарб**. айу. **қоз**. айу. **турк**. айқ.

Ўзбек-мўғул ва ўзбек-хитой лексик паралеллари. Ўзбек тили ва ўзбек халқ шеаларида, жумладан, Сирдарё вилояти шеваларида шундай сўзлар борки, улар бошқа тизимга мансуб бўлган тилларда ҳам учрайди. Бундай сўзларни ҳар икки халқ тилида ҳам учратиш мумкин. Масалан: баавай, бэл, салхин, сақал (соқол), танглай, тамга(томга), мэрган, мос(мус), жил (йил), тамға, хатуқ(қаттиқ) каби сўзлар мўғул тилида ҳам, ўзбек тили ва шеваларида ҳам қадимдан ишлатилиб келинмоқда. Ўзбек тили ва шеваларида уйғур тили орқали хитой тилидан ўзлашган сўзлар ҳам учрайди. Мас., Хитойча **шатанг** сўзи ўзбек шеваларида **шотъ, шати, шоти** каби вариантларда учрайди. Нарвон маъносида қўлланиладиган **шотъ** сўзи Фарғона шеваларида қўлланилади. **Шотъ** сўзи Сирдарё вилоятининг Оқ олтин туманида ва айрим қишлоқ шеваларида учрайди. Ў**злаштирилган лексик қатлам.** Сирдарё вилояти шеваларида ҳам бошқа тиллардан ўзлашган кўпгина сўзлар борки, шу шева вакиллари бундай лексемаларни ўз нутқларида мослаштирган ҳолда ҳудди ўз сўзларидек ишлатадилар: Масалан: собун//со:ун (собун, ЎзАФЛ, 107) – ад. орф. совун; керагаз (русча) кабилар.

Тилни системавий ўрганиш тарихига доир мулоҳазалар

Проф. С.Р.Рахимов
АДТПИ

«Тил-система» деган буюк швейцариялик олим Фердинанд де Соссюрнинг таърифи тилшунослик тарихида катта баҳсларга, мулоҳазаларга, танқидларга ва ижобий баҳоларга дуч келган. Даниялик тилшунослик фани билимдони Луи Ельмслевнинг, «бир қарашда тилда система йўқдек, тартибсиз элементлар йиғиндисидан иборатдек туюлади» деб берган таълимоти ҳам жуда кўп тортишувларга сабаб бўлган.

Тилда системавийлик борми ўзи? Бу саволга буюк немис олими Вилгельм Фон Гумбольдт «Ҳа» деб жавоб берган ва қуйидаги мулоҳазани ўртага ташлаган. Вилгельм Фон Гумбольдт тилдаги системавийликни катта матога ўхшатади. «Агар, -деб ёзади назарий тилшуносликнинг асосчиси, - матодан битта тола суғуриб олинса ёки у титилиб чиқиб кетса, мато сифатига путур етгандек тил тизимидаги элементларнинг тартибсиз келиши ёки йиғиндиси тилнинг коммуникацияни амалга оширишдаги вазифасига ва унинг сифатига путур етказади ва сўзловчидан тингловчига кетаётган ахборот, хабар ҳамда унинг мақсади тўлақонли ижро этилмайди. Тилдаги системавийликни тан олган ва унинг таърифини келиштириб берган Вилгельм Фон Гумбольдт яна бир мисол билан ўз фикрини исботлайди.

Унинг фикрича, скандинав асос тилида «kurna» деган сўз бўлган. Урғусиз бўғинда «а» унлисининг тушиб қолиши ҳамда ўзакдаги «u» ни «о» га айланиб кетиши сўз қиёфасини ўзгартириб уни «corn» шаклига келтирган, натижада ҳозирги инглиз тилидаги «corn»-«дон» сўзи пайдо бўлган.

Ҳозирги кунда тилнинг аниқ система эканлигига ҳеч бир тилшунос эътироз билдира олмайди. Бу холат аксиомага айланиб бўлган. Эндиги вазифа мана шу системадаги элементларнинг жойлашув ўрни, уларнинг дистрибуцияси, бир-бирига бўлган грамматик, семантик, когнитив ва прагматик муносабатларини ўрганишдан иборат. Бу борада ҳам анча-мунча ишлар қилинган, лекин талаб даражасида эмас. Тил системасини ташкил қилаётган унсурларнинг имкониятлари жуда катта, фақат уларни тадқиқ этиб, исботлаш керак.

Тилнинг бошқа фанлар билан алоқаси масаласи тилшунослик тарихида кўп бора таъкидланган. Кейинги пайтларда бу фанни аниқ фанлар билан алоқаси ҳусусида баҳс бўлмоқда. Чунончи, матн тилшунослигида «когезия» атамаси ишлатилади. Аслида бу атама молекуляр физикадан олинган. «Когезия» - молекулаларнинг жисмда боғланиши демакдир. Хулоса шуки, тилдаги барча элементлар ҳам маълум қонун ва қоидалар асосида бир-бирлари билан боғланиб, сўзловчининг мақсадини тингловчига етказади. Тилни системавий объект сифатида тадқиқ этишнинг янги методикасини ишлаб чиқиш навбатдаги тилшуносликнинг кун тартибига қўйиладиган вазифадир.

Ойбек асарларида арабча ўзлашмалар

З.Ҳ.Тўйчиева, О.Т.Муродқулов
ГулДУ

Забардаст шоир, атоқли адиб, моҳир таржимон, истеъдодли адабиётшунос Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ўзбек халқининг миллий адабиёти тарихида жуда катта ўрин тутувчи олим ҳамдир.У ўзининг сермазмун асарлари, халқ дилига яқин шеърлари билан ўзига хос санъаткордир.

Маълумки, бадиий адабиётда тил жуда муҳим ўрин тутади.Бадиий асарда тилнинг ҳал қилувчи ўрин тутиши ҳам асар тилининг гўзал ва сермазмун бўлиши лозимлиги айни ҳақиқатдир.Масалан, Ойбек тилга ва унинг бадиий-эстетик ҳамда ижтимоий аҳамиятига катта эътибор берганлиги унинг асарларидан ҳам маълум.Шуниси муҳимки, Ойбек ўзбек миллий танқидчилигида биринчи бўлиб, бадиий асар, жумладан, поэзия тили масаласига оид махсус мақола ёзганлиги маълум. Бу мақолада у кўпчилик (айниқса, адабиёт майдонига эндигина кириб келган) шоир ва ёзувчиларни тил-бадиий асарнинг узвий тўқимаси, уни юзага келтирувчи бош омил эканлигини тушуниб етмасликда айблайди, ўз қаламкаш дўстларини “сўз танлашда жиддий ўйлашга”, “ҳар бир сўзни чертиб” ишлатишга чақиради.

“Навоий” романида ёзувчи тил устида катта маҳорат кўрсатган.Романнинг тил ҳақиқатан бой, бўёқли, содда, ифода кучи зўр,

оммага англашиларли бир тилдир.Эски ўзбек тилининг шаклланишида катта хизматлар қилган Навоий образи тасвири унинг тили билан бирга параллел тарзда тасвирланади.Ёзувчи Навоий даври тилини мукаммал ўзлаштирган.Воқеаларни англатиш учун бевосита ана шу тилдан фойдаланганлиги бу фикримизни тасдиқлайди.Масалан, “Минг таассуфлар бўлсинким, Тўғонбек киби махлуқлар бугун доруссалтана бағрида доғли ҳасратлар уйғотмиш...”, деган Навоий афсуслари ва туғёнлари тасвири унинг ўз тили билан ифодаланади. Ёки “... Аҳли маърифат илму урфон дея излансалар, беку навкарлар аларни талаб бойлик орттирмоқ бўладилар...” парчасида ҳам ана шу дард жонли тилда келтирилади.Навоий тафаккури орқали бериладиган ҳолат ва воқеалар, ўй-фикрлар Ойбек маҳорати билан бевосита ўша давр Ҳирот сўзлашув тилида гўзал лексик бирликларда берилади.

Бадиий асар яратишда эски ўзбек тилининг катта имкониятларидан усталик билан фойдаланган ёзувчи ортиқча арабий, форсий сўз ва ифодалардан ҳам қочиб қутула олмайди Тарихий ҳаққонийлик нуқтаи назаридан ёзувчи у давр тилини, унинг услубини беришга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам.

Ойбекнинг “Навоий” романида ёзувчи арабча кўплик шаклдаги сўзлардан тарихий коллоритни вужудга келтиришда моҳирона фойдаланган.

“... Жамики **улум** ва **фунундаки** азминаи қадимдан то шу дамгача одамзоднинг фикр гавҳари ижод этмишдир...”

“... бу ерда Хуросоннинг ва ўзга мамлакат исломнинг барча уламо, фузало, шуароси китоблардан истифода қилғай...”

“...Муҳтарам уламо, фузалоларимиз орасида бу каби гина-қудрат ва адоватнинг бўлиши ғоят музир воқеадир...” Араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзларнинг кўплик шакли бирлик шаклида ўзлашгандир.Профессор А.Ғуломовнинг фикрига кўра чет тилидан ўзлашган кўплик шаклидаги сўзлар ўзбек тилида бирлик шаклида қўлланилади.Юқорида келтирилган мисоллардаги сўзлар асосан синиқ кўплик шаклидадир.

Араб тилида синиқ кўплик сўзнинг ички фелексиялари воситаси билан ва қўшимча ҳарфлар орттириш орқали ҳосил қилинади..Бу йўл билан ясалган кўплик шаклидаги сўзлар ўзбек тилига тайёр ҳолда синиқ кўплик шаклида кириб келган.

Арабча синиқ кўплик шакли изофий бирикмаларда ҳам кўплаб учрайди. “Навоий” романида бундай изофий бирикмалар асар номларини беришда қўлланилган.Масалан, ”Мажолусуннафоис” “мажолус” сўзи мажлис сўзининг синиқ кўплик шаклидир.Изофий бирикмадаги ҳар икала сўз ҳам синиқ кўплик шаклида берилган. “Маҳбубул қулуб” “қулуб” сўзи қалб сўзининг синиқ кўплик шаклидир.

“... Ёзмоқ кўзлаган асарлари ҳақида ўйлайди. “Маҳбубул-қулуб”, “Муҳокаматул-луғатайн” учун керакли фикрларни, мисолларни саралайди...”

“Луғатайн” сўзи арабча иккилик шаклидаги сўздир.Араб тилида бирлик ва кўплик шаклдан ташқари иккилик шакли ҳам мавжуддир.Ойбек “Навоий” романида жуда кўплаб арабча, форсча сўзлардан унумли фойдаланган.Бу унинг ҳар бир сўзнинг маъноларини чуқур билишдан далолат беради.

Умуман олганда, бу улуғ санъаткор ва олижаноб инсонни бутун ҳаётини бир жумла билан ифодалаш лозим бўлса, уни “сўз санъатининг устаси, ўзбек тилининг фидойиси” деб аташ мумкин.

Морфология и синтаксис языка в их отношении к парадигматике и синтагматике

Б.Б. Таджибаев, к.ф.н., Э.Б.Таджибаева,
Д.Т. Кучкарова преп.
АДТПИ

1. Термины и понятия **морфология, синтаксис, парадигматика, синтагматика** применяются в науке о языке не однозначно и не имеют строгой логической соотнесённости друг с другом, хотя и связываются или перекрещиваются.

2. Термин **морфология,** в своем обращенном к объекту, т.е. языку, значении, говорит, очевидно, о совокупности в системе словарных классов, формируемых на основе общих словарных признаков, не создаваемых предложением; по-иному, **морфология** языка – это совокупность и система грамматических категорий слов и словарных форм.

3. Термин **синтаксис**, в своем обращенном к объекту, т.е. языку, значении, говорит, очевидно, о совокупности и системе классов предложений и их составных частей; по-иному, это совокупность и система грамматических категорий словесных позиций и словесных конструкций.

4. Можно думать, что такое (или подобное) различение морфологии и синтаксиса способно избавить исследователя языка от большого ряда логически противоречивых и фактически не доказываемых суждений («категория падежа имеет синтаксическую природу», «согласование, управление и примыкание – виды синтаксической связи слов», «части речи лексико-грамматичны», «сочетаемость слов синтаксична», «категория русского залога это категория морфолого-синтаксическая, «формы наклонение и времени в русском языке синтаксичны» и т.д.).

5. Деление грамматики языка на морфологию и синтаксис охватывает не только и не столько область формальных, физических показателей слов и предложений, сколько и, прежде всего, область грамматических значений.

6. Морфологические значения свойственны слову как таковому, вне предложения, функционально лишь избирающего и выявляющего то или иное из таких значений; синтаксические значения свойственны словам лишь как элементам предложения и целостным предложениям. Морфологические и синтаксические значения имеют предметную, понятийную и структурную

отнесенность, но не могут отождествляться с грамматическими функциями языковых элементов.

7. Морфология и синтаксис взаимосвязаны в структуре грамматического строя – как в генетическом, так и в функциональном планах.

8. Если морфология и синтаксис – это две структурные области грамматического строя, то **парадигматика** и **синтагматика** – это две формы функционирования языковой структуры, её элементов и категорий.

9. **Парадигматика** – это область закономерного варьирования единиц и категорий языка в процессе их функционирования для построения речи. Парадигмы – совокупность вариантов одной и той же языковой единицы (категории).

10. В принципе должно быть признано существование фонетической, лексической, словообразовательной, морфологической и синтаксической парадигматики.

11. Элементы парадигм сосуществуют в языке и не могут одновременно занимать одно и то же место в потоке речи; структура речи, развертываясь во времени, выбирает, на каждом шагу своего движения, один из элементов той или иной парадигмы.

12. **Синтагматика** – это область закономерного сцепления, объединения единиц и категорий языка для построения речи.

13. В принципе следует признать существование фонетической, лексической, лексико-семантической, морфематической, словообразовательной, морфологической и синтаксической синтагматики.

14. Допустимо различение синтагматического потенциала единиц и категорий языка – и синтагматической структуры речи.

15. По-видимому, **валентность** – это потенциальные синтагматические свойства единиц и категорий языка, **сочетаемость** – это реализация этих свойств в речевом потоке.

16. Возникает широкая задача изучения парадигматики и синтагматики морфологии, в особенности синтагматики, т.к. существующий взгляд на морфологию видит в ней, главным образом, парадигматические отношения.

17. Возникает также не менее широкая задача изучения парадигматики и синтагматики синтаксиса (предложения и членов предложения), в особенности – парадигматики, т.к. существующий взгляд на синтаксис замечает в нем, главным образом, синтагматические отношения.

18. В названных только что аспектах возможно и сопоставительное изучение языков, которое может привести к обоснованию новых структурных типологий.

19. Названные два аспекта функционирования языка (парадигматика и синтагматика) допускают, в свою очередь, два исследовательских подхода – функциональный и генетический, которые, возможно, представляют собою более строгое и точное обозначение того, что обычно обозначается терминами **синхрония** и **диахрония**.

20. Функциональный подход побуждает лингвиста видеть парадигматику и синтагматику языка в плане речеобразующей работы, речеобразующих функций различных языковых единиц и категорий.

21. Генетический подход побуждает лингвиста видеть парадигматику и синтагматику языка в их развитии, в смене одних парадигматических и синтагматических признаков и свойств другими, более ранних по времени – более поздними, вырастающими на основе более ранних и определяемыми условиями их функционирования в речевой деятельности социального коллектива.

Ўзбек субстанциал тилшунослиги ва нутқий мулоқотнинг прагматик таҳлили

Г.Тоирова
БухДУ

Ҳар бир фаннинг тараққиёти узлуксиз занжир, яъни манбанинг эмпирик ва рационал таҳлили усулларидан даврий ўрганиш силсиласидан иборат экан, бундай ҳолат ўз-ўзидан олимлардан ўрганилаётган манбага ҳар бир даврда “янгича кўз” билан қарашни, олдингиларидан фарқ қиладиган нуқтаи назардан ёндашувни, ўрганаётган манбаининг янги қираларини очиш ва тавсифлашни талаб қилади. Масалан, ўзбек тили қурилишининг субстанциал талқини ўзбек тилидаги и ч к и тизимий и м к о н и я т ларини очиб берди ва таълим олувчини мустақил фикрлашга ҳамда ижодий тафаккур кўникмаларини шакллантиришга эришди. систем-структур боғланишлар, лисоний бирликларининг информатив ва функционал и м к о н и я т л а р и н и очиш ва тавсифлаш билан бирга, уларни д и а л е к т и к мазмун билан тўлдирди.

Субстанциаллик нима? Унинг вазифаси нималардан иборат? Субстанциаллик бу нарса (истаган тадқиқ манбаи бўла оладиган муайян ва мавҳум нарса, воқеа-ҳодиса, алоқадорлик, белги-хусусият в.ҳ.)ни **мажмуи асмо ва сифот** (воқеланишда юзага чиқара олдиган барча хусусиятлар бутунлиги) сифатида тушунишдир.

Субстанциал таҳлилни на формал тилшунослик билан, на соф структурал (жумладан, функционал) тилшунослик билан т е нг л а ш т и р иш мумкин. У ўзига хос тилшунослик оқими (мактаби) бўлиб, лисоний тизим, унинг бўғинлари ва бирликлари и м к о н и я т л а р и н и очиш, ўрганиш ва тавсифлашга қаратилган тилшуносликнинг навбатдаги босқичидир.

Структурал ёндашиш ўтган аср охирларига келиб юксак тараққиёт чўққиларига кўтарилди ва янгиланди. Тил ҳодисаларини ва уларга хос бирликларни фарқлаш, уларни ҳар хил парадигмаларга бирлаштириб, лисоний моҳиятини очиш, «тил» тушунчасига батамом янги мазмун бериш натижасида имкониятлар мажмуаси, яъни лисоний бирликлар хазинаси шаклланди.

Бу имкониятларнинг ҳар бири муайян моддий кўринишларида воқеланади. Лекин бу моддий кўринишлар (нутқий бирликлар)ни қандай

шароитда, нималар билан ҳамкорликда қўлланишини структурал тилшунослик эътиборга олмаган. Мана шу лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланишини фаолиятда, яъни нималар билан ҳамкорликда, қай мақсадда ва ким томонидан қўлланишини ва бу қўлланиш қандай самара беришини ўрганиш бугунги кунда жуда зарур. Лисоний бирликларнинг нутқий воқеланиш шаклларининг муайян бир шароит ва мақсадларда амалий қўлланишини тилуносликнинг кейинги босқичи - прагматика ўз зиммасига олди.

Бугунги кунда тилшунослик янги босқичга – нутқий мулоқотни фаолият, мураккаб жараён сифатида асосан мантиқий ҳамда математик усул ва тамойиллар билан ўрганишга ўтди.

Прагматика структурализмнинг турли тармоқларида (тилшунослик, мимология, этика, эстетика, этнография, психология, физиология в.ҳ.) алоҳида-алоҳида парадигмаларга ажратилиб таҳлил этилган лисоний ҳамда нолисоний (мимик, этник, психик, социал в.ҳ.) бирликларнинг маълум ва муайян шароитда биргаликда воқеланишини, мулоқот жараёнининг юксак даражада таъсирчан ва самарадорлигини таъминлаш усулидир.

Прагматика лисоний бирликларнинг қандай ҳолатларда (қандай сўзловчи томонидан қандай тингловчига нисбатан қандай руҳий ҳолатда қўлланилиши, коммуникантларнинг тана аъзолари ҳаракатлари, ёш, кийиниш хусусиятлари в.ҳ.) ишлатилишини, юксак самарадорликни таъминлаши масалаларини ўрганади. Структурализм нутқни берилган ҳодиса сифатида қабул қилади ва унга таяниб, лисоний моҳиятни очади. Прагматика қандай йўллар билан лисоний ва нолисоний имкониятларни бирлаштириб, нутқий ҳодисанинг таъсирчанлигини, яъни уни яратиш, бунёд қилиш ва самарадорлигига эришиш мумкинлиги масаласини ўртага қўяди. Прагматик ва структур тилшуносликлар бир-бирини давом эттиради ва тўлдиради. Шунинг учун ўтган асрнинг ўрталарида – фақат формал ва структурал тилшуносликлар орасида - бўлган бир-бирини инкор ва рад мунозарасини энди структур ва прагматик тилшуносликлар орасида такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ.

Нутқий мулоқот (НМ) - ўзига хос бир система. Табиийки, система таркибий қисмлардан иборат, шунинг учун уларнинг таркибий қисмлари самарадорлиги (таъсирчанлиги) жиҳатдан ўзаро уйғунлашиши шарт ва зарур. Бу ҳам системанинг умумий қонунларидан келиб чиқади; одатда мураккаб системанинг алоҳида информатив қийматли таркибий қисмлари бир-бирларини тўлдириб, марказий бирликда мужассамлашаётган ёки яширинган маъно-моҳият, мақсадни ойдинлаштириб/муайянлаштириб/очиб/тўлдириб/безаб келади, яъни прагматик система элементлари информатив қийматида (таъсирчанликда) симметрия ҳукмрон бўлади – бир компонет иккинчи компонентни тўлдириб, безаб келади. Бу прагматик тизим қуйидаги таркибий қисмлардан тузилган бўлади:

а) лисоний вербал бирлик,

б) лисоний фонацион бирлик,

в) лисоний новербал кинематик бирликлар,
г) этик-этнографик бирлик,
д) эстетик бирлик
……..

Чунончи, НМ муқаддимасида ўзбек нутқ одоби, ахлоқи ва эстетикасига кўра маданий саломлашишда «Ассалому алайкум» иборасини (*лисоний вербал бирлик*) нутқнинг муайян вазияти, ҳолатида мувофиқ тон, темр, аниқлик ва бурролик билан айтиш (*лисоний фонацион бирлик*) керак. Бунда бошни бироз қуйи эгиб, ўнг қўлни кўкрак /иккала қўлни кўкс устига қўйиб, қоматни сал буккан ҳолда бўлиш (*лисоний новербал кинематик бирликлар*), шу билан бирга нутқ вазият/ҳолатига мос равишда **миллий** (*этик-этнографик бирлик*) ва **маданий** (*эстетик бирлик*) ….. ва бошқа меъёрларга риоя қилиш лозим. НМнинг юқорида санаб ўтилган таркибий қисмларининг ҳ а р б и р и да ижобий моҳиятли «ўзбек нутқ одоби, ахлоқи ва эстетикасига кўра маданий саломлашиш» мазмун-моҳияти мужассамлашгандир. Бу таркибий қисмларнинг ҳар бири айни шу моҳиятни такрорлайди, кучайтиради. Бир сўз билан айтганда, прагматик НМ тизимида таркибий қисмларининг информатив қиймати моҳиятан бир хил бўлиб, бири иккинчисини тўлдириб, тасдиқлаб – гап этик ва эстетик меъёрлар ҳақида борар экан – бир-бирини б е з а б келади.

Нутқий қўлланилишларнинг идрокий умумлашмаси сифатида ЯҲВО → УМИС босқичида ажратилган лисоний имкониятлар энди УМИС → ЯҲВО босқичида янгича ёндашиш ва таҳлилни талаб қилади. Шунинг учун структурлизм(яъни ЯҲВО → УМИС)нинг маълум тараққиёт чўққисидан кейин прагматикага (яъни УМИС → ЯҲВОга) ўтиш диалектик тараққиётнинг зарурий босқичидир; структурал ва прагматик талқинлар бир-бирини инкор этган ҳолда бир-бирни тўлдиради ва бунёдкор онгимизнинг тадқиқ манбаи моҳиятига чуқурлаша боришини таъминлайди.

Тил ва лисоний фаолият

Б. Толипова
АДТПИ

Тил тафаккур шакли бўлиб, инсон ҳаётида беқиёс ўринга эга эканлиги барчага маълум. Тил инсонларга оламни англашда, у ҳақида тасаввурга эга бўлишда, уни ўрганишда ва албатта кундалик ҳаётда ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида фойдаланишда хизмат қилади. Тил бор экан, инсонлар ўзларига керак бўлган ахборотни олади, тўплайди, хотирада сақлаб, керак бўлганда яна ундан фойдаланади. Ҳар қандай ахборот тил ёрдамида ушбу босқичларни босиб ўтади, бу эса фанда когниция ҳодисаси номини олган. Когниция ахборотнинг берилган давридан бошлаб уни қайта репрезентация бўлгунига қадар бўлган барча босқичларни ўз ичига оларкан, шубҳасиз у бунда тилга мурожаат қилади. Инсон оламни англашда ўзининг лисоний имкониятлари чегарасидан чиқа олмайди. Чунки инсон ахборотни қабул қилишга қай даражада тайёрлигига кўра унинг салоҳияти ошади. Бу эса

унинг лисоний фаолияти даражасини белгилаб беради. Шу ўринда, инсонлар қачондан бошлаб лисоний фаолиятга қодир бўла олиши ҳақида фикр юритсак.

Ёш болалар тилни ўзлаштириш жараёни давомида кўплаб қийинчиликларни бартараф этишига тўғри келади. Нега бола ўзига мутлақо нотаниш бўлган тилни ҳеч қандай ўқитувчиларсиз ёки махсус қўлланмаларсиз эгаллашга муваффақ бўлади? Наҳотки бунинг учун ўрганилаётган тилни узоқ давр мобайнида эшитишнинг ўзи кифоя қилади? Унда нега катталарда ҳам тил ўрганишни фақатгина эшитиш ёрдамида амалга ошриш мумкин эмас? Катталар эса маълум бир тилни эгаллаш учун хеч бўлмаганда у тилнинг грамматик шаклини ва шу тилга хос бўлган айрим сўзларни билишлари шарт. Машҳур психолингвистлардан бўлган Татьяна Черниговскаянинг фикрича боланинг онги шу даражада мукаммал бўладики, унинг ўзи тилни эгаллашда қулай бўлган йўлни танлай олади ва бунда болага унинг тилни ўрганишга бўлган генетик имкониятлари ёрдам беради.[1]

Бола ўз тилини ўзлаштиришда биринчи навбатда эшитиш кўникмасига мурожаат қилади. Унда эшитган нарсаларини анализ қилиш ва уларни маълум бир тизимга солиш қобилияти шаклланади. Бу жараёнларнинг барчаси фақатгина эшитиш орқалигина амалга оширилади. Бола ўзига керакли ахборотни тўплаб олгандан сўнг, эҳтиёжига кўра гапиришга ҳаракат қилади. Аммо барча болаларда ҳам лисоний фаолият бирдай кечмайди. Айрим болалар фақатгина сўзларни ўзидан фойдаланиб қисқа гапларни тузсалар (референциал), яна бошқалари гапларни шаклий жиҳатдан тўғри тузмасада нисбатан узун гаплар тузишади (экспрессив).[2] Масалан, “Ҳовлида ит вовуллаяпти.” гапини биринчи турдаги болалар “Ҳовли ит вов” шаклида берсалар, иккинчилари “вовулла ит ҳовлида” шаклида беришлари мумкин. Икки ҳолатда ҳам болалар тилни ўзларига мос ва хос равишда тизимлаштирадилар ҳамда ушбу тизимни вақт ўтиши билан мунтазам равишда бойитиб, мукаммаллаштириб борадилар.

Кўринадики, болаларда тил ўзига хос тизимга эга экан, аммо катталарнинг лисоний фаолияти ўз имкониятлари чегарасига таянади. Ҳар бир шахснинг лисоний фаолияти унинг қизиқишлари, имкониятлари, хохиши билан биргаликда уни атрофини ўраб турган муҳитга ҳам боғлиқдир. Шу ўринда айрим болаларнинг лисоний фаолияти бошқаларига қараганда кеч бошланишини эслатмоқчиман. Бунга асосий сабаб ота-онанинг фарзанди билан етарлича мулоқотда бўлмаганидир. Демак, лисоний фаолиятга нафақат боланинг имкониятлари балки унинг атрофини ўраб турган шахслар ҳам таъсир кўрсатишар экан. Яъни фарзанд билан кўп мулоқотда бўлиш, унинг саволларига тўла жавоб бериш натижасида катталар болага тил эгасининг ёрқин намунаси бўлиб, уни ҳам шу тилдан фойдаланишга қодир бўлишини таъминлаб берадилар. Тилдан

[1] Т. Черниговская, Способность к языку, Ночь. Интеллект. Черниговская., 2009 г
[2] Мария Воейкова, Способность к языку, Ночь. Интеллект. Черниговская., 2009 г

фойдаланишга қодир бўлиш эса ўз навбатида, олам ҳақидаги бошқа билимларни олишга ҳам кенг имкониятлар яратиши шубҳасиз.


Оламни билиш жараёнида сўзларнинг белги сифатидаги роли

Д.Б.Умрзақов
Катта ўқитувчи Т.О. Умрзақова
АДТПИ

Сўз қудрати буюкдир. Инсон оламни сўзлар воситасида ўз онги даражасида идрок етади ва англаб етади. Сўзлар воситасида олам ҳақидаги тасаввурга эга бўлади. Сўз инсон ва борлиқ ўртасида воситачилик қилади. Номинант сифатида инсонинг борлиқ ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради, ўзаро комуникатив мулоқотларини таъминлайди. Тил белгилари бўлмиш сўз оламини тушунишнинг, акс эттиришнинг инсон учун ягона қуролига айланади. Айтиб ўтишимиз лозимки, бу фикрлар ҳар бир тилшунос учун исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бўлиб, ўзининг узоқ тарихига эга.

Тилнинг белгилари системаси эканлиги қақидаги қарашлар Фердинанд де Сосюр, Э. Бенвенист, Отто Есперсен, ва бошқа қатор тилшунослар асарларида ўз ифодасини топган.

Сўзнинг белгиси сифатидаги таркиби, яъни шакли – товуш қобиғи, ва мазмуни – англатган маъноси ўртасидаги мунозаралар нафақат классик тилшунослар, балким, замонавий тилшунослар ўртасида ҳам давом этиб келмоқда. Уларнинг нуқтаи назарлари қатор илмий монографиялардан салмоқли ўрин эгаламокда. Оламни билиш жараёнида сўзнинг белги сифатидаги ўрни ҳақидаги машҳур учликка эътибор қилсақ.



Предмет, нарса, ҳодиса хиссий органлар орқали инсон онгида акс этади, тасаввур уйготади. Ҳосил бўлган тушунча эса номланади. Шу тариқа сўз ҳосил бўлади. Предмет, нарса, ходиса бўлмаган чоғда ҳам сўз тилга олинганда сўзнинг товуш қобиғи туфайли инсон онгидаги дастлабки тассавур мукаммаллашган тарзда қайта тикланади. Пайдо бўлган тасаввурнинг мукаммаллашиш даражаси инсоннинг индивидуал хусусиятларига боғлик.

Жисмонан баркамол инсонлар тасаввурида умумийликлар кўп. Аммо жисмонан номукаммал инсонлар яъни аффатикларда-чи, уларда ҳам предметнинг номланиш жараёни ва иккиламчи тасаввурнинг пайдо бўлиши тугал бўладими?

Ахир аффатикларнинг баъзиларида эшитиш, баъзиларида эса кўриш қобилияти бўлмайди-ку. Саволимизга жавоб топиш мақсадида бир неча аффатиклардан анкета саволларига жавоб беришларини сўрадик.

Таҳлиллар натижалари қуйидагича. Кўзи ожиз одамлар учун тассавур мукаммаллигини таъминлашда товушларнинг оҳанглари муҳим ўрин тутади. Ширали ва майин овоз соҳиблари албатта гўзал яъни яхши, қўпол, дағал, овоз соҳиблари эса албатта ёмон. Чунки бу уларда уларда нохуш тассаввур уйғотди. Соқовларда шакл, ранг ва тус муҳим рол уйнагани боис гўзаллик улар учун ташқи гўзаллик улар учун ҳақиқат ҳисобланади.

Нарса ва ҳодиса ҳақидаги тасаввур кўрлар ва соқовларда номукаммал бўлсада, уларда ҳосил бўлган тасаввурлардаги фарқ катта. Соқовларга нисбатан кўрларда тассаввур мукаммалроқ. Сўзнинг, предметнинг номини эшитиш имконияти борлиги боис улар бу устунликка эришадилар. Бир мунча вақтдан сўнг эса улардаги тасаввур даражаси мукаммал инсонлар тасаввурига яқинлашади. Ҳар иккалалари ўртасидаги оламни билиш жараёнидаги умумийлик миқдори ортади.

Соқовлардачи? Уларда номланиш жараёни нарса ва ҳодисанинг ўзига хос ажралиб турувчи белгиси ёки маълум символлар асосида рўй беради. Улар билан хат орқали мулоқот қилар эканмиз, сўзлар улар учун асосан номлаш вазифасини ўташини гувоҳи бўлдик. Шуниси қизиқ-ки, сўзлар мулоқотда ўзаро грамматик муносабатда бўлмайди. Демак сўзларнинг график шакли ва имо ишоралари соқовлар учун олам ҳақидаги иккиламчи тасаввурни уйғотади.

Кўрлар учун эса сўзнинг товуш қобиғи ва махсус график шакли иккиламчи тассавурнинг манбаи ҳисобланади. Аммо уларнинг ҳар иккаласи ҳам яъни соқовлар ва кўрларда сўзларнинг экспрессивлиги ва бўёқдорлиги сақланмайди.

Абдулла Қаҳҳор асарлари синтаксисининг айрим хусусиятлари ҳақида

Ф.ф.н.доц.Ҳ.Холиқов
АДТПИ

Бадиий услуб бошқа услублардан ўзининг образлилиги, экспрессивлиги билан ажралиб туради. Унинг ўзига хослиги адабий тил меъёрларига бўлган муносабатда (тил воситаларидан фойдаланиш) яққол кўринади.

Бадиий адабиётнинг қуроли сўздир. Ҳаёт манзаралари, образлар ва уларнинг тавсифи сўз ёрдамида китобхонга етказилади. Демакки, сўз образ ва характер, манзара яратиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Ёзувчи асар яратар экан, турли мақсадлар учун асар ғояси, образлари руҳига мос тушадиган тил воситаларини қўллайди. Таниқли тилшунос А.Н.Гвоздев ёзганидек, «бу услубда адабий тил меъёрларидан четга чиқиш ҳоллари ҳам учраб туради. Адабий тил меъёрларида четга чиқиш маълум персонаж, муҳит ёки даврга нутқий тавсиф берилганда содир бўлади. Бунда ёзувчи

оддий нутқ элементларидан, диалектизмлардан, архаизм ва чет тил лексикасидан фойдаланади». Бу ҳолат матннинг экспресивлиги, эмоционаллиги учун хизмат қилувчи ундалмаларга ҳам тааллуқлидир. Таниқли адиб А.Қаххор асарларида қўлланган ундалмаларни кузатганда, қуйидагиларга дуч келамиз : уларда ундалма вазифасида асли бир гап шаклида бўлган, фразеологизмга айланиб кетган конструкциялар ҳам учрайдики, бу оддий сўзлашувга тегишли бўлиб, эмоционаллик ифодалашга хизмат қилган.

Масалан :

Ол, ўзининг боқ, уйинг куйгур! Барқарор топмагур, боламни топиб бер!

Мисоллар «Ўтмишдан эртаклар» қиссасининг «Дукчи эшон кўланкаси» қисмидан келтирилган. Мардикор олишга қарши аёллар йиғинида хотинлар томонидан айтилган бу гаплардаги ундалмалар нутқ объекти – мингбошига нисбатан халқнинг муносабати (ғазаб, нафрат, қарғиш) ифодаси учун хизмат қилган.

А.Қаххор асарларида тарихий шахслар ва воқеалар тасвирида, асарга тарихийлик руҳини беришда эскирган сўз ва иборалар ҳам жуда ўринли қўлланган. Ёзувчи тарихий мавзудаги асарларда шахсни ифодаловчи ундалма сифатида историзмлардан самарали фойдаланган. Унинг «Ўтмишдан эртаклар» қиссаси, «Кўр кўзнинг очилиши» ҳикояларида ундалмаларнинг қўлланишидаги ўзига хосликларни кузатиш мумкин.

Масалан :

Тоживой амин, фуқароларингдан хабар оласанми, йўқми?! Уйинг куйсин, мингбоши! Уйинг куйгур мингбоши, боламни топиб бер! Боланг ўлсин, юзбоши! Аччиғингиз келмасин, бегим!

Мисоллардаги «амин», «мингбоши», «юзбоши», «бегим» сўзлари историзмлар саналиб, якка ҳолда ва ундалма билан қўшилган ҳолда фикр қаратилган шахсни ифодалаган. Бу ундалмалар китобхон кўз ўнгида ўтмиш воқеаларининг жонланишида бир восита сифатида қўлланганки, бу ҳолат, юқорида таъкидланганидек, асарнинг экспрессивлигини янада оширишга хизмат қилган.

Хулоса шуки, бадиий асарнинг таъсир кучини оширишда тил воситалари, хусусан ундалмалар услубий восита сифатида ёзувчи маҳоратини намойиш қилган.

Бадиий матнда ибораларнинг қўлланилиши

Холбекова М.Қ.
ГулДУ

Бахт ва шодлик куйчиси Ҳамид Олимжон асарлари халқона мақол ва иборалар, турли тавирий воситаларга бойлиги билан ажралиб туради. Шуни таъкидлаш лозимки,бадиий асарнинг қиммати унда халқ ибораларининг қанча кўп қўлланилганлиги билан эмас, қай даражада ўринли қўлланилгани билан белгиланади. Ҳ.Олимжон қўллаган хар бир мақол ва ибора воқейлик

руҳига монанд тарзда қўлланилганлиги билан ажралиб туради. Бу ўринда унинг Улуғ Ватан уруши йилларида жанг майдонида жон олиб-жон бераётган ватандошларимизга бағишлаб ёзган шеърлари алоҳида ўрин тутади. Мисол учун “Бўл омон” шеърида она ва ўғилнинг бир бирига дил изҳори тасвирланган:Она:

...Халқнинг ёвларга отган

Бош ёрар бир тоши бўл!

Ўғил:

...Ватан учун жанг қилувчи

Мард ўғлингнинг ***боши тош.***

Ёки “Хат”шеърига назар ташлайлик:

Ёмғир каби ўқ ёғдирсам,

Тўкилади у тутдай.

Бу ўринда, айниқса, ***тутдай тўкилмоқ*** ибораси жуда ўринли қЎлланган. Халқ нутқида бу ибора моддий аҳволнинг танглигига нисбатан қўлланилади. Шоир эса бу ўринда фашистларни яксон этишга нисбатан қўллайди. Ибора шу даража ўринли қўлланганки, жанг тасвирига сингиб,қуйма мисрага айланган.Ёки шу шеърдаги “***Юрагини ёрмоқ***”иборасини олиб кўрадиган бўлсак,у Ҳам матнга сингиб , “яшиндек”сўзи билан қўшилиб бадиий қиммати яна ҳам ортган.

Шоирнинг “Ғалаба қўшиғи” шеърида:

...Душманларни ***ер билан яксон қилар*** чоғ келди.

Ким аввал мушт кўтарса, албатта ,***қўрқоқ*** келди.

Халқимизнинг “қўрққан олдин мушт кўтаради”мақолини шеър бандларига сингиб кетганлигини кўриб, шоирнинг сўз қўллаш маҳоратига, халқ мақол ва ибораларини ўринли қўллаш маҳоратига тан бермай иложимиз йўқ.Ҳ.Олимжоннинг фақат уруш мавзуидаги шеърларидагина эмас,ижодининг бошқа қирраларида ҳам халқона мақол ва иборалардан ўринли фойдаланиш маҳоратини кўриш мумкин. Масалан ,болалар учун ёзилган “Ойгул билан Бахтиёр” шеърий эртагида ҳам бу ҳолни учратиш мумкин.

Шоир Ойгулнинг руҳий азобини “...Ойгул ютар қон”***қон ютди*** ибораси орқали тасвирлайди**.** Золим хон Ойгулни тенгдошларидан отасидан жудо қилади, уларни ўлдиради. Бу қайғули ҳолатни шоир “***қаноти қайрилди***”ибораси орқали “***қанотимни қайрдинг***”деб ифодалайди. Ёки хон қулларнинг исёнидан ҳаддан ташқари ғазабланган ҳолатини олиб кўрайлик. Шоир хоннинг қиёфасини “Кўзлари қонга тўлди”, “Тани заҳарга тўлди” иборалари орқали ифода этган. Бундай мисолларни шоир ижодидан чексиз келтириш мумкин. Лекин биз юқорида келтирилган мисоллар билан сўзимизни муҳтасар қиламиз. Чунки шоирнинг сўз қўллаш маҳоратини бир мақола орқали ёритиб бериш қийин.

Бадиий матнда грамматик кўпмаънолилик

Ш.Худойқулова. Л.Деҳқонова.
ГулДУ

Ҳозирги ўзбек адабий тилида жуда кўплаб ҳўшимчалар бор. Даврлараро янги сўзлар пайдо бўлиши билан бирга тилимизда мавжуд бўлган ҳўшимчаларнинг вазифаси ўзгариши ёки умуман истеъмолдан чиҳиб кетиши, янги ҳўшимчаларнинг ҳосил бўлиш ҳоллари кузатилади. Ўзбек тилида кўплик жуда кенг маънони ўз ичига олади. Тилга оид адабиётлардан маълумки, -лар ҳўшимчасининг биз билган маънолардан ташҳари бошҳа маъноларни ҳам ифодалаши, бошҳа хусусиятларга ҳам эга бўлиши мумкин. Ана шу аффикслрнинг ўзига хос бошҳа хусусиятларини Абдулла Ҳодирийнинг "Ўтган кунлар" романидан олинган мисоллар асосида ёритишга ҳаракат ҳиламиз.

"Унинг кўзлари мулойимгина сув устига оғдилар, ариҳнинг мусаффо тиниҳ суви ёввошгина оҳиб келар, Кумушбибининг ҳаршисига етганда гўёки унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб ҳўяр,ўз устида ўтирган соҳиранинг сеҳрига мусаххар бўлган каби оҳистагина кўприк остига оҳиб кетар эди.(А.Ҳодирий "Ўтган кунлар" 32-бет)."Ёшли кўзлар ариҳ бўйига тушиб, нозик оёҳлар ариҳ бўйи томонга ҳаракатландилар".Келтирилган мисолларнинг биринчисида –лар ҳўшимчаси кўз ва оғди сўзларига ҳўшилиб келган. Биринчи сўздаги -лар аффикси киши аъзоси бўлган кўз сўзига ҳўшилар экан, А.Ҳодирий ундан тасвирийликни ифодалаш учун фойдаланган. Тўғри, биринчи ҳарашда –лар аффикси гўё кўпликни ифодалаётгандай туюлади. Чунки –лар аффикси аниҳ предметларни ифодаловчи сўзларга ҳўшилиб келганда, одатда предметнинг кўплигини билдиради. Бироҳ ўзбек тилида шахсдаги кўзнинг миҳдори аниҳ бўлганлиги (бир жуфт, иккита) сабабли –лар аффикси бўлмаса ҳасм шахсдаги ана шу иккала кўз тушунилаверади. Агар бадиий асарда кўз сўзига –лар аффикси ҳўшилиб келар экан, у деярли ҳолатда тасвирийлик учун ҳўлланади. Жумладан, юҳоридаги мисолда ҳам кўзнинг оддий эмаслиги бошҳаларнинг кўзидан кўп хусусиятларига кўра – гўзаллиги, шаҳлолиги, ҳоралиги... кабиларга кўра фарҳ ҳилиши, кишини ўзига тортувчанлиги, ўткирлиги, алоҳида эътиборга лойиҳ кўз эканлиги, унинг Кумуш ҳуснига мос тушганлиги кабилар ўз ифодасини топган. Ёзувчининг ўз кўнглидаги баҳони, ҳурмат ва эътиборни, бу кўзлардан ҳаяжонланганлигини, аввало, ана у **кўзлари** сўзида –лар аффиксини ишлатиш орҳали ифодалаган. Ҳолаверса, бунинг аниҳ ифодасини кейинги **оғдилар** сўзида тўла кўриш мумкин. **Оғдилар** сўзида –лар аффиксининг ишлатилиши:

а) эга-кесим мослигини таъминлаш учун насрий ритмикасини таъминлаш учун ҳўлланган; б)ўша кўзларни баҳосини ифодалаган юҳорида айтилган баҳони кучайтириш учун, янада аниҳ, бўрттирилган ҳолда тасвирлаш ва тасдиҳлаш учун ишлатилган.Худди шу гапда Абдулла Ҳодирий Кумушнинг кўзларига (шундай кўзларга нисбатан) **оғди** сўзини ишлатиши мумкин эмас эди. Матндаги **оғдилар** сўзида алоҳида эҳтиром ва эҳтирос ўз ифодасини топган. Айнан худди шу нарсани кейинги мисолдаги **ёшли кўзлар**, **нозик**

оёҳлар, ҳаракатландилар иборасида кузатиш мумкин. Бироҳ, **нозик оёҳлар** бирикмаси таркибида **нозик** сўзи иштирок этиб, бу нарса **оёҳларга** баҳони янада бўрттирганлигини сезамиз. Чунки **оёҳлар** сўзидаги -лар аффикси ҳам **кўзлари** сўзидаги –лар аффикси каби тасвирлаш маъносини ифодалаб турибди. **Нозик** сўзи эса ўша маънони янада бўрттирган, хусусиятни аниҳлаштирган.

Юҳорида кўрганимиздек, Абдулла Ҳодирий жонсиз нарсаларга нисбатан –лар ҳўшимчасини ишлатади.Бу эса асар ҳийматини заррача камайтирмайди. Аксинча унинг таъсирчанлигини оширади, жозибали ҳилади. Бундай жумлалар китобхонларда ширин, илиҳ таассурот ҳолдиради. Асарни ҳозиргача ҳўлдан тушмаётганлигининг асл сабаби ҳам ана шундадир.

Ўзбек тили морфологиясини умумийлик-хусусийлик диалектикаси асосида системавий ўрганиш натижалари

Проф.Ш.Шаҳобиддинова
АДТПИ

Умумийлик-хусусийлик диалектикаси асосида морфологияни ўрганиш тилнинг систем табиатидан келиб чиқиб объект ва методологиянинг жуда мос тушганини кўрсатди.

Умумийлик ва хусусийлик бир-бирига зид нарсалар эмас. Уларнинг қарама-қаршилиги диалектик, нисбийдир: хусусийликдан моддий, шаклий, даврий, маконий муайянликлар четлаштирилса, у умумийликка айланади ва аксинча, умумийликнинг моддий, шаклий, даврий, маконий воқеланиши хусусийликдир. Хусусийликлар қанча батафсил тавсиф этилса, хусусийликлар замирида ётган умумийлик моҳиятни очиш учун шунча мустаҳкам замин яратилади.

Умумийликлар ақлий таҳлил, идрок усули билан очилади. Умумийлик жонли мушоҳадада берилган хусусийликларнинг жузъий хусусиятларидан ҳоли этилади ва онгда таркибий қисмларнинг барқарор муносабатларидан ташкил топган бутунлик тархи (рамзи, тимсоли, образи) сифатида мавжуд бўлади ва уни на фаҳм, на бирор турдаги асбоб-ускуна илўаб ололмайди. Система ва унинг элементлари - унсурлари орасидаги муносабат (система сифатида морфема, морфологик категория, морфологик система ёки умуман, тил системаси олинишидан қатъий назар) да умумий ва хусусий муносабатлар диалектикасининг тажаллилашуви аён бўлди. Хусусан, ҳар қандай морфема ўзининг хусусий қўлланишлари учун умумийдир (чунки ҳар бир хусусий кўриниш унинг моҳиятидан бир зарра ташийди), ўз навбатида у морфологик категория - умумийлик учун хусусийдир (чунки ҳар бир морфема морфологик категория умумий маъносидан бир зарра ташийди), морфологик категория эса морфологик система учун хусусий ҳисобланади.

Морфемалар (умуман, ҳар қандай тил бирлиги каби) шаклан ва мазмунан турли хил кўринишларга эга бўлади. Аммо вариантлар қанча кўп

бўлмасин, уларнинг барчаси бир умумийликка бирлашади. Морфеманинг лисоний моҳиятини белгилашда морфеманинг моддий кўриниши ҳақидаги тасаввурдан кўра унинг маъно ва вазифавий моҳияти кўпроқ аҳамиятлидир. Шунинг учун маъно ва вазифа жиҳатдан бир хил бўлган морфеманинг нутқий-моддий шакллари мутлоқ ўхшаш бўлмаслиги мумкин. Масалан, орттирма нисбат шакллари.

Морфологик категориялар ва ташкил этувчилари табиатига назар ташлаш уларнинг қурилиши ва амалиётида ўзига хосликлар билан бирга умумий қонуниятлар ҳам мавжудлигини кўрсатади. Барча морфологик категориялар учун хос бўлган, демакки, ўзбек тили морфологик тизими моҳиятига тегишли хусусиятлар қисман қуйидагилардир.

Барча категориялар зиддиятли иккиланган табиатга имманент эга бўлиб, бу уларда семантик-синтактик хусусиятлар тажассум топганида кўринади. одатда фақат семантик хусусиятли деб ҳисобланувчи категорияларда ҳам, шунингдек, фақат синтактик хусусиятли деб ҳисобланувчи категорияларда ҳам ҳар икки жиҳат мавжудлиги кўриниб қолди. Бу зиддиятли томонлар кураши морфологик бирликнинг ҳаёти ва ривожини таъминлайди. Тўғри, айрим категориялар у ёки бу жиҳатнинг устунлиги билан фарқланиб туради. Лекин бу уларда иккинчи жиҳат мавжуд эмас, деган хулосага олиб келмаслиги лозим. Шундай позициялар мавжудки, уларда морфема структурасида айнан йўқдек туюлувчи жиҳат олдинги планга чиқиб қолиши мумкин.

Масалан, келишиклар кесим позициясида, яъни келишик учун (бош келишикдан ташқари) камдан кам учровчи ҳоким позицияда турганда, уларнинг айнан семантик жиҳатлари етакчилик қилади. Демак , ўзбек тили морфологик тизими моҳиятига фақат синтактик, фақат семантик категориялар хос эмас экан.

Ўзбек тили морфологик табиатида диалектиканинг узвийлик ва бутунликни таъминлаб турувчи "оралиқ учинчи" қонуни амалини текшириш жуда қизиқарли натижалар берди. Деярли ҳар бир категория таркибида икки қутбни ташкил этувчи зиддиятли томонлар билан бир қаторда уларни бирлаштирувчи, боўловчи учинчи томон ҳам мавжуд бўлиши кўринди. Бу учинчи томон турлича шаклланиши мумкин. Масалан, сон маъносининг юзага чиқишига эътибор берсак. Маълумки, сон-миқдор маъносини махсус ифодаловчи морфологик категория - сон категорияси мавжуд. Шу билан бирга сон маъноси бошқа категориялар, жумладан, эгалик категорияси мазмунида ҳам мавжуд.ўзбек тилида бирлик ва кўплик сон ажратилади. [-лар] кўпликни ифодалайди, бу аниқ, бироқ [О] шароитга қараб бирликни ҳам, кўпликни ҳам ифодалайверади. Эгалик категорияси шаклларидан -(и)м, -(и)нг бирликка, -(и)миз, -(и)нгиз кўпликка ишора қилса, -(с)и бирликка ҳам, кўпликка ҳам ишора қилаверади. Демак, -(с)и (сон маъносига кўра) бирлик (-(и)м, -(и)нг) ва кўплик (-(и)миз, -(и)нгиз) қутбини боғловчи оралиқ ҳолат - оралиқ учинчи бўлиб, бу оралиқ учинчи алоҳида шаклга (-(с)и) эга. Сон категорияси шакллари муносабати эса ғоят қизиқарли бўлиб, [О] бир вақтнинг ўзида ҳам қутбий, ҳам оралиқ

шаклдир. Демак, бу ўринларда қарама-қаршиликлар кураши ва бирлиги қонунининг энг яққол тажаллисини кўриш мумкин. Умуман олганда, бу хил хусусиятга эга шакллар деярли барча категориялар таркибида учрайди. Уларнинг моҳиятан бундай мураккаб ўзига хослиги бошқа категориядошларидан анча фарқли жиҳатларга эга бўлишига олиб келади:

бу хил шакллар бошқа шакллар ўрнини босишда кенг имкони ятга эга;

семантик жиҳатдан жуда зиддиятли, бой бўлиб, баъзида уларнинг семантикаси бутун категория семантикасига тенг келиб қолади.

Бу хил шакллар жумласига сон категориясида - [О] шакл, келишик категориясида - бош келишик, нисбат категориясида аниқ нисбат кабилар киради. Уларнинг мавжудлиги категория бутунлигини таъминловчи омиллардандир.

Морфологик категориялар умумий жиҳатлар билан бирга ўзига хос томонлардан ҳам ҳоли эмас. Айрим морфологик шакллар бир кўринишга эга бўлса, айримлари бир неча кўринишли бўлиши билан ҳам категориялар ўзаро фарқланади. Масалан, нисбат ва ўзгаловчи категориялари шакллари бир неча кўринишлидир. Шакл ясовчи морфемаларнинг айримлари хусусий қўлланишларида сўз ясовчилар га жуда яқин келади (ўзгаловчи нисбат шакллари). Аммо сўз моҳиятида ўзгариш ясамагани боис уларни сўз ясовчилар доирасига киритиш мақбул эмас.

Умуман олганда, сўз ясалиши ва шакл ясалиши жуда зич боўланган, мунтазам алоқада турувчи ҳодисалар бўлиб, уларни боўловчи оралиқ ҳолатлар кўп учрайди (оўримоқ - оўринмоқ, келмоқ - келишмоқ, кеча - кечаси). Морфологик категориялар тадқиқида уларни изчил фарқлаш лозим.

Ўзбек тили морфологик қурилишида умумийлик-хусусийлик диалектикаси тажаллисини қидириш жараёнида анъанавий бўлиб келаётган айрим қарашларга бироз ўзгартишлар киритилди.

Кейинги йилларда ўзбек тили синтаксисини систем ўрганишга бағишланган ишларда гап кесимининг мавқеи борасида юзага келган янгича назариянинг, аслида, илгариги босқич бўлиши лозим бўлган мутаносиблиги сифатида кесимлик категорияси ажратилди. Одатда алоҳида-алоҳида таҳлил қилиниб келувчи шахс-сон, майл, замон, бўлишли-бўлишсизлик категориялари битта юқори босқич категория - кесимлик категорияси шакллари сифатида талқин этилди. Майл ва замон категорияларининг зич алоқада (бу эса замон категориясининг ҳаракатнинг нутқ моментига, майл категориясининг эса айни шу ҳаракатнинг воқеликка муносабатини ифодалашидан келиб чиқади) эканлиги, ҳозирги ўзбек адабий тилида замон ва майл ифодалаш учун хосланган кўрсаткичларнинг бирортаси фақат замон ёки фақат майл ифодаламаслигини ҳисобга олиб бу шаклларни майл-замон категориясига жамланди. Кесимлик категориясини ажратиш ўбек тили морфологик тизимида категориялар орасида иерархик муносабат мавжудлигини, категориялар йирикроқ категорияга бирлаша олишини кўрсатиб берди. Булардан ташқари келишик, сон, нисбат, қиёслаш, ўзгаловчи, эгалик категориялари ажратилди.

Бутун олам қурилишида амал қилувчи қоидалардан бири барча нарсаларнинг муайян категорияларга жамланиши заруриятидан келиб чиқиб, нокатегориал (функционал) шакллар тил системасида мавжуд бўлолмайди. Одатда нокатегориаллар сирасида кўрсатилувчи бундай шакллар (-ники , -даги, -дек, -ча, -жон,-хон ...) моҳиятан юклама, кўмакчи ёки сўз ясовчилардир.

Ўзбек тили морфологик тизимининг қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор билан қараш лозим эканлиги кўринади:

1. Ўзбек тили морфологик тизимида грамматик маъно ифодалашнинг синтетик усули амал қилади. Айни грамматик маъно ифодалашнинг қолган усуллари, афтидан, морфологик категорияларга нисбатан йирикроқ категорияда морфологик шакллар билан парадигма ҳосил қилади. Тил сатҳлариаро узлуксиз боғлиқликни таъминловчи омил сифатида бу шакллар фақат морфологиянинг ўрганиш объекти бўлолмайди.

2. Морфологик категория аъзолари лисоний ва нолисоний муносабатларни акс эттиради, семантик-синтактик вазифа бажаради.

3. Ўзбек тили морфологик тизимини кўп аъзоли морфологик категориялар ташкил этиб, бир аъзоли категориялар ҳам, категориядан ташқари шакллар ҳам учрамайди.

Айтилганлардан келиб чиқиб, ўзбек тили морфологик тизими моҳиятини лисоний-нолисоний муносабатларни синтетик усул билан акс эттириш ва синтактик-семантик вазифалар бажариш, деб кўрсатиш мумкин.

Қўшма сўз компонентларидаги боғланишнинг сўз бирикмаларидаги сўзларнинг боғланишидан фарқи

Г. Юлдашева
АДТПИ

Нутқ жараёнида битта синтагмани ҳосил қилувчи ҳар қандай лексик бирликларнинг кетма-кетлиги қўшма сўз, сўз бирикмаси бўлиши мумкин.

Ҳар бир тил сўз бирикмаларини белгилайдиган аниқ бир тўпламга эга. Шундай экан, агар берилган лексик бирлик шу тўпламга кирмаса, у қўшма сўз ҳисобланади.

Масалан инглиз тилида рус тилидаги каби (бошқа кўпгина тилларга хос бўлиши ҳам мумкин) саноқ сонлар сифатларни аниқлай олмайди, шунинг учун 10.000 strong (demonstration) сонининг кетма-кетлиги қўшма сўзлар қаторига киради. Аналогик фикрлар first-ever ва шу каби бошқа ходисаларда тўғридир.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда шундай хулосага келиш мумкин: нутқдаги лексик бирликлар кетма-кетлигининг турли фактик материалларда кузатилишича, шу тилдаги сўз бирикмасининг талабларига жавоб бермайдиган сўзлар қўшма сўзлар бўлади, ёки аксинча кетма-кетлигидан катъи-назар сўз бирикмасининг талабларига жавоб берса, у

қўшма сўз бўлмайди. Масалан: «adj+n» моделидаги кетма-кетлик сўз бирикмаларига хос бўлишига қарамасдан, у қўшма сўзлар қаторига киради.
Қўшма сўзларнинг баъзи турларида унинг яхлитлигини кўрсатиш учун ўз компонентлари орасидаги сўз тартиби (сўз бирикмаси билан таққослаганда) хизмат қилиши мумкин. Бу иккинчи компоненти сифат ёки сифатдош билан ифодаланган сўзларга тегишли бўлади.

Масалан: oil-rich, man-made. Синоним сўз бирикмаларида сўз тартиби қуйидагича бўлиши мумкин: rich in oil, made by man. Қўшма отларга яна шундай сўзларни киритиш мумкин: bookshelf – shelf for books.
Ҳозирги замон инглиз тилида қўшма сўзларнинг ички сўз тартиби аниқ белгиланган: қўшма сўзнинг асосий таркибий ва семантик маркази иккинчи компонент ҳисобланади. У биринчи компонентнинг лексик-грамматик ва семантик жиҳатларини аниқлайди.
Бу ўринда қўшма сўзларни ҳосил килаётган ўзак билан сўз формалари ўртасидаги фарқни аниқлаш керак бўлади. Сўз формаларининг ўзаклари кўпроқ қўшма сифатларга мос келиши шубҳасиздир. Long, wide, rich сифатлари даража грамматик формасига эга: longer- longest, wider- widest, richer- richest. Қўшма сўзнинг ўзакларига мувофиқ келувчи сифатлар эса грамматик формага ва мустақилликка эга бўлмайди деб берилган сўз атиги сўз туркумидаги маъносини сақлаб қолади холос. Демак, иккинчи компоненти сифатли ўзакдан иборат бўлган age- long, oil-rich, inch-wide қўшма сифатларини олсак, ундаги сифатлар бошқа сифатлар каби сифат даражаларини ҳосил қила олмайди, балки баъзилари умумий қоидага бўйсунган ҳолда кўпгина қўшма сифатлар қатори сифат даражаларининг аналитик формасига эга бўлади.
Қўшма сўз таркибида ёрдамчи элементларнинг мавжуд эмаслиги улардаги яхлитликнинг хусусиятларидан бири бўлиши мумкин. Лекин бу белги фразали сўз қўшишдаги таҳлилдан мустаснодир: good-for-nothing, pie-in-the-sky.

II. БЎЛИМ. ТИЛЛАРНИ ҚИЁСЛАБ ЎРГАНИШДА ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАР

Лингводидактик тадқиқот ва чет тил ўқитиш методикаси

Ш.С.Алимов
АДТПИ
З.Холмирзаева
АДТИ

Маълумки, чет тилларни ўқитишда тилшунослик, педагогика ва психология фанлари баъзавий фанлардан ҳисобланади. Чет тил ўқитиш методикаси ушбу фанларсиз ўз олдига қўйган мақсадига эриша олмайди ва чет тил ўқитиш билан боғлиқ муаммоларни хал қила олмайди.

Тилшунослик фанининг методика учун асос фанлардан бири бўлишига сабаб шуки, методика ушбу фандан чет тил ўқитиш учун зарур бўлган “хом-

ашёни” – тил материалини (фонетик, лексик, грамматик материални) олади ва шу тил материали асосида тил ўқитишни ташкил қилади.

Шу сабабли ҳам ўтган асрнинг бошларига қадар, методика фани тилшунослик фанининг бир қисми, сифатида талқин қилинган.

Машҳур олим, психолог профессор В.Беляев методика фанини психология тизимидаги фанлардан бири эканлигига эътиборни қаратади, чунки чет тилни ўргатишдан кўзланган асосий мақсад шу ўрганилаётган чет тилида гапириш, тинглаб-тушуниш, ўқиш ва ёзишга ўргатишдан иборат. Бунга эса нутқий кўникмалар яъни гапириш, тинглаб-тушуниш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларини шакллантирмасдан туриб эришиб бўлмайди. Ушбу кўникмалар ва уларни шакллантириш эса психологик қонуниятлар асосида амалга оширилади.

Маълумки, тил бу система, у тил қурилиши ҳақидаги тушунчалар, қоидалар билимларни ўз ичига олади. Тил алоқа воситаси сифатида қўлланилиши учун эса нутқий фаолиятга чиқиши керак, чунки тил система сифатида, яъни тил қурилиши хусусидаги қоидалар, тушунчалар ва билимлар тарзида, нутқий фаолиятга чиқмасдан туриб коммуникатив функцияни бажара олмайди.

Нутқий фаолиятни асосини эса нутқий мулоқотнинг психофизиологик қонуниятлари ташкил қилади. Бу мураккаб нутқий механизм нутқий мулоқотни амалга оширади.

Сўнгги йилларда нутқнинг ҳосил бўлиши ва нутқий мулоқот билан боғлиқ масалаларнинг ечимини топишга психолингвистика фанининг қонуниятлари ва уларда эришилган ютуқлар катта ёрдам бермоқда.

Тил системасини тил моделлари асосида ўрганиш ва маълум билимга эга бўлиш мумкин. Уларни фонетик – фонологик, морфологик (сўз ҳосил қилувчи), лексик – фаразеологик, синтактик, семантик ва аралаш моделларга ажратиш мумкин. Аралаш моделлар психологик хусусиятга эга бўлганликлари учун ҳам бошқа тил моделларидан фарқ қилган холда нутқий фаолият билан ҳам боғлиқдир. Ёзувда тил моделларини ифодаловчи турли шартли белгилар (S, V, O, P, P ва х.к.) қўлланилади.

Аниқ бир гапни ўз ичига олган нутқий наъмунани нутқий модел дейиш мумкин. Аммо у тил моделидан қуйидаги сифатлари билан фарқланади:

Биринчидан, у аниқ бир нутқий вазиятга боғлиқ ва шу билан боғлиқ лексик бирликлардан иборат;

Иккинчидан, коммуникатив вазифа ва мулоқот мазмунидан келиб чиқиб у логик урғу ва ритмико – интонацион тузилишини ўз ичига олади.

Буни дарак, сўроқ ва ундов гапларни хосил қилинишида кўришимиз мумкин. Демак тил модели билан нутқий намуна бир-бирлари билан инвариант ва конкрет вариант муносабатида бўлади. (С.Ф.Шатилов)

Турли методик адабиётларда ва тадқиқотларда лингводидактика атамаси кўп қўлланилмоқда. Бу тилларни ўргатиш илми бўлиб, тил ўқитиш назарияси, тиллар таълимшунослигини ўз ичига олади ва ўрганилаётган тилларни ўқитиш хақидаги фан сифатида ривожланмоқда. (Ж.Ж.Жалолов).

Хулоса қилиб айтганда, миллий аудиторияда чет тилларни ўқитишни ташкил қилиш лингводидактик тахлил қилиш асосида амалга оширилса чет тил ўргатиш ва ўрганишнинг самарадорлиги янада ошади ва тиллар аро интерференциянинг олдини олиш ва бартараф қилиш йўллари осонлашади.

Уй ўқиши дарсига ақлий хужум усулини олиб кириш

З.Р. Бозорова
АДТПИ

Замонавий ўқитувчи ўқув-тарбиявий жараённи шакллантирувчи ижодкор шахс хисобланади. Унинг имконият даражаси талабанинг дунёқараши, сабаб ва моҳиятни тугал тушуна билиши учун бевосита таъсир кўрсатади. Ижодкор шахснинг таълим соҳасидаги етакчи роли хусусан, замонавий педагогик технологиялардан фойдалана олиш даражаси юқори бўлмоғи шарт. Олий таълим муассасида меҳнат қилаётган барча профессор-ўқитувчиларнинг энг долзарб вазифаси -талабага жаҳон андозаси доирасида билим бериш унинг эстетик ва илмий дунёқарашини шакллантиришдир.

Талаба олийгоҳда ўқиш жараёнида бир вақтнинг ўзида бир қанча тилларни ўзлаштиради. Луғатлар ёрдамида иш кўради. Тилга ижодий ёндоша олади. Тафаккур жиҳатидан ҳам ўзбек тилида, ҳам инглиз тилида мушоҳада юритади.

Ҳозирги кунда замонавий ўқитиш усуллардан кенг фойдаланиб талабаларга сабоқ бериш, уларнинг эркин фикрлаш, маънавий дунёқарашини янада бойитиш муҳим ўрин тутади. Масалан, ақлий хужум (brain storming) ўқитиш услубини уй ўқиши дарсига тадбиқ этиб кўрсак, бу холатда талаба айланага ёзилган сўзга нисбатан ўз фикрини жамлайди. Айлана ичидаги сўз «ҳайвон» деб олсак, унга талабалар ўз фикр доирасида изоҳлашади. Уй хайвонлари ва ёввойи ҳайвонларни санаб ўтишади. Гуруҳ талабалари иккита кичик гуруҳларга бўлинади. Биринчи гуруҳ уй хайвонлари ҳақида маълумот беради: Ўзбек тилида; ит, мушук, от, мол,, қўй.
Инглиз тилида; A dog, a cat, a horse, a cow, a sheep.
Иккинчи гуруҳ ёввойи ҳайвонлар ҳақида маълумот беради. Ўзбек тилида:
айиқ, шер, йўлбарс, бўри, тулки.
Инглиз тилида: A bear, a lion, a tiger, a wolf, a fox.

Ҳайвонлар ҳақида ҳар икки гурух талабалари аввал ўзлари ўқиган матндан мисол келтиришади.

A farmer’s wife had a dog and she liked him so much that she spoiled him. All the animals on the farm were useful. The horse worked in the field, the cow gave her milk and the sheep their wool. But the dog was very lazy and did not do anything he did not guard the house because he slept in a warm kitchen, and he thought that the other animals were not so important as he. He was wicked, selfish and greedy.

Талабалар тинглаган матн юзасидан ўзаро савол-жавоб ўтказадилар. Ўқитувчи дарс жараёнига ҳайвон номлари билан боғлиқ бўлган мисолларни киритади. Масалан,

Faithful as a dog-итдек вафодор
Stubborn as a mule-эшакдек қайсар
Sly as a fox-тулкидек айёр
Hungry as a wolf-бўридек оч

Шу тарзда талабалар сўзнинг кўчма маъноларини ҳам кашф этадилар. Келгуси дарсларда ўтиладиган мавзуларнинг мазмун жиҳатлари ҳақида қўшимчи маълумотларга эга бўладилар.

Инглизча ўзбекча ҳалқаро ҳуқуқ атамаларининг қиёсий тавсифидаги муаммолар

Ф.Вохидова,
Катта ўқитувчи З.Н.Ваҳобжонова
АДТПИ

Атама бу маълум бир соҳага оид махсус тушунчани англатувчи ва мазкур жиҳатдан бир маънони ифодаловчи сўз (сўз бирикмасидир).

Ҳозирги даврда хуқуқий маданиятни ривожлантириш учун халқаро ҳуқуқ атамаларининг чет эллардаги талқини билан танишиб чиқиш зарур ва атамаларни қиёсий тахлил қилиш воситасида ўрганилади бу эса мустақил Ўзбекистонимизнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади ва шу тартибда бир қанча қоидаларга риоя қилинади.

1) Ҳар қандай атама она тилининг қонун - қоидалари асосида яратилмоғи лозим.
2) Атама тушунчани тўғри ифодалаши керак.
3) Атамаларнинг синонимия ва омонимиясига йўл қўйилмайди.
4) Атама мумкин қадар ихчам ва қисқароқ бўлиши лозим.

Икки тилдаги атамаларни қиёслаш учун уларни ички структураси семантикаси ва маъноси муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ҳуқуқий атамаларимизни қийнаётган муаммолар бир талай.

Ушбу атамаларнинг тилшунослигимиздаги (ҳуқуқ атамалари тилшунослигида)ги муаммолар тўғрисида бир қанча изоҳли луғатларда, бир тилли ва кўп тилларда ҳамда ўзбек хуқуқшунослардан А.Саидов, М.Қосимова, Л.Каримова “Ўзбек хуқуқий атамаларининг муаммолари” Ғофуржон Сатимовнинг “Legal English” ва “Юридик атамаларининг инглизча, русча ва ўзбекча” луғатида қиёсий таҳлил қилинган.

Атамаларнинг семантик синтактик типологиясини атрофлича тадқиқ этиш учун атамаларни келиб чиқиш тарихи, ривожланиши халқаро жаҳон миқёсида қай даражада ўрганилганилганлигини билиш лозим.

Ҳозирги кундаги атамаларда учрайдиган омонимия ва синонимия ҳодисаси ҳам жуда муҳим бўлиб, юридик тилнинг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Атамаларда иложи борича бу камчиликларга йўл қўймаслик кераклигини лексик семантик типологик таҳлил қилиб, уларни тузилишини

типологик жиҳатдан таҳлил қилиб семантик - симметрик ассиметриясини исботлаб беришдан иборат.

Ўрта мактабларда инглиз тилига ўргатишда ўйинлардан фойдаланиш

З.Н.Вахобжонова, М.Турдибоева
АДТПИ

Мустақил Ўзбекистон Республикасида ҳорижий тилларни ўрганишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ҳорижий мамлакатларда таҳсил олиш имконияти пайдо бўлган экан, ёшларимиз ўзларининг келгуси фаолиятларини она тилларида қандай олиб борсалар, хорижий тилларда хам шу даражада иш юритиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Ўйинлар болалар фаолиятининг ранг-баранг ва бой жиҳатидир. Ўзбек халқ ўйинлари ўзининг турли ёш, жинс, шаҳар ва қишлоққа мўлжаланган кенг қамровлилиги билан ажралиб турган. Бироқ, бу жиҳатларнинг кам ёритилганлиги ва кам ўрганганлиги сабабдан ўзбек халқ ўйинларига ҳар томонлама тасниф бериш ўта мушкул. Шунга қарамасдан, уларни назардан ўтказиш ва ўрганиш ўйинларни шартли равишда қуйидагидек турларга бўлиб чиқиш имконини беради: 1) турли ёшдагилар ўйинлари (гўдаклик, болалик, ўспиринлик, ёшлик ва ҳ.к.); 2) турли жинсдаги одамлар ўйинлари (ўғил болалар, қиз болалар, эркаклар ва аёллар); 3) мавсумий ўйинлар (баҳорги, ёзги, кузги, қишки); 4) турли ифода воситаларидан фойдаланишга асосланган ўйинлар (сўз, куй-қўшиқ, рақс-пантомима, сюжетли, саҳна, турли хусусиятли ва ҳ.к). 6 синфдаги “Winter Holidays” матнини ўрганишда “Memory Game” деб номланган, хотирани ривожлантиришга мўлжалланган ўйиндан фойдаланиш мумкин. Ўйин шундан иборатки, ўқувчилар матнда қатнашган сўзларни айтишлари керак, ҳар бир ўқувчи ўз сўзини айтишдан олдин, ўртоқлари айтган сўзларни ҳам шу тартибда айтиб ўтишлари шарт. Кимки шу шартларни бажармаса ўйиндан чиқарилади.

Масалан, Writer Holidays…
Techer: Writer Holidays, New year…
Pupil 1: Writer Holidays, New year, show…
Pupil 2: Writer Holidays, New year, show skating…
Pupil 3-4: Winter Holidays, New year, show, skating, snowball…
Ҳеч бир ҳато қилмаган ўқувчи, ғолиб ҳисобланади.

Худди шу матн асосида “A Curious Man” (“Қизиқувчан одам”) ўйинини ўтказиш мумкин. Унинг моҳияти шундайки, ўқитувчи матнни сўзлаб беради, ўқувчилар эса ўйин қоидасига кўра савол бериб, ўқитувчи хикоясини тўхтатади. Ўқувчининг мақсади хикояни охирига етказиш.

Teacher. This story is about holidays and how children spent their …
Pupil 1: What holidays?
Teacher. Winter holidays … Oh, What is it pupil 2?
Pupil 2: When did they begin?
Teacher: They began on the 30 th of December, What is it pupil 3?
Pupil 3: When did they and?

Teacher: They ended on the 10 th of January:
Pupil 1: Did schoolchildren had lesson at that time?
Pupil 3: What did children have during. Winter holidays?
Teacher: Children had New Year parties sound the green New Year Trees With concerts in the school hall.
Pupil 4: Did they have a good time?
Teacher : ? Yes, children had a good time.

Америкалик методист – олим Алан Ф. Осборн турли ўйин, бошқотирмаларни ўқувчиларга қандай таъсир кўрсатиши хақида рисола яратган. Бизни шароитда ўтказиш мумкин бўлган ўйинларга мисоллар:
1) “Giving and Receiving just with us” “мен гапираман, сен эса чиз”.
Бу ўйинда ўқувчи расм чизилган тарқатма олиб уни оғзаки тасвирлайди. Бошқа ўқувчи ёзув тахтаси олдида расмни кўрмасдан чизишга харакат қилади.

Чизиш жараёнида саволлар бериши мумкин. Бу ўйин тўғри савол қўйилган, расм мазмунини тўғри тушунишга, фикрлаш ва тасаввур қилишга ўргатади, бундан ташқари у юмористик характерга эга бўлиб дарсни қизиқарли бўлишини таъминлайди.

Конгениал таржима

(Жеймс Жойснинг “Навқирон санъаткорнинг сийрати” романи таржимаси хусусида)

Ф.ф.д.проф. К.Жўраев
АДТПИ
Ф.ф.н.доц Н.Қамбаров
Ўз ДЖТУ
С.Хусанова
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети магистранти

Асар ўзбек тилига истеъдодли таржимон Аҳмад Отабек томонидан ўгирилган. Бу ерда аслият, яъни унинг вазифасини бажарувчи рус тилидаги матн ва таржима тили воситалари услубий мувофиқлаштирилган. Ҳар икки – рус ва ўзбек тиллари, хатто уч – инглиз тилдаги тимсоллар тизими доирасида услубий-семантик талқин амалга оширилган. Тасвирий воситалар таржимон томонидан интуитив равишда – ички ҳис билан сезиб танлаб олинган. Асардаги мунгли ва қувноқ, кўтаринки ва текис, рангдор ва сидирға, мусиқий ва вазмин руҳдаги ифодалар таржимада тасвирланган давр, танланган мавзу, воқеалар тийнатига мос тарзда тўла муқобил акс этган.

Турли ёзувчилар услубининг бир-биридан фарқланиши, ҳар бир ёзувчининг бошқаларникидан ажралиб турадиган ўз услубига эгалиги, бир ёзувчи ижодида турли услуб қирраларининг намоён бўлиши, улар ўзларининг ҳар хил асарларини бир-биридан ҳийла жиддий фарқ қиладиган услубда ёзиши ва, аксинча, бир асарнинг ўзида турли услуб жилолари

чирмашиб кетиши – буларнинг барчаси таржимондан асл нусхага мос услуб калити топишни талаб этади. Таржимада мувофиқ услуб калитини топиш асарнинг ёзилиш йўсини билан ғояси ҳамда муаллиф дунёқараши ўртасидаги боғланишни тўғри белгилаш, маром, оҳанг, синтактик тарз ва образлар силсиласига хос хусусиятларни тўғри тайин қила билишга боғлиқ. Бирон асарни таржима қилишда мақбул услуб калити топилмас экан, таржима ва асл нусха ўзаро муқобиллик ҳолатида бўла олмайди. Шу жиҳатдан, назаримизда, Жойс “Сийрати” ҳар иккала тилга муваффақиятли ўгирилган. Инглиз-ирланд халқларининг, қолаверса воситачи рус халқларининг турли табиий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароитларда яшашлари, уларнинг онги, дунёқараши ва ахлоқида турли специфик тушунчалар ва тамойиллар ҳам ҳисобга олинган. Масалан, He kept his hands in the side pockets of his belted grey suit (А вот в драке о тех, кто победил, говорят: за пояс заткнул) жумласида *муштумзўр* маъносини англатувчи *a belt* сленги бор. Уни таржимон аслиятга мос ўзбекча сленг билан ўгирса бўлар эди-ку, лекин у *белбоғи қорувли* образли турғун бирикма билан алмаштирган. Лекин рус тилидаги *бир чўқишда қочиради* маъносидаги *за пояс заткнуть* ибораси ҳам муқобил. Таржимон *пояс – белбоғ* сўзларига қараб биринчи вариантни қўллаган кўринади. Кейинги ўринларда худди шу ибора икки марта бир хил *унини ўчирмоқ* деб берилган. Ваҳоланки, рус тилидаги *бир чўқишда қочиради* эквиваленти образлилик жиҳатидан ундан анча устун туради. Яна шу ерда *suit* сўзи *куртка* дейилади. Лекин Аҳмаджон Отабоев уни ҳамма ерда *камзул* деб таржима қилади. Камзулнинг пиджак (халқда *костюм*) ва шим билан бирга учлик (тройка)нинг бир қисми эканлиги, енгсиз бўлиши, кўйлак устидан кийилиши, қўлларини камзул чўнтакларига тиқиб юриш мумкин эмаслигини эътиборга олсак, у курткага эквивалент бўла олмайди. Шунингдек *veil - вуаль чиммат* эмас, sutana – *сутана яктак* эмас, *сар -–кепка шапка* эмас, *flowerbed – клумба гулхона* эмас, *matting – дорожка поёндоз* эмас. Кўп таржимонларимиз шуни ҳисобга олишмайди.

Қиёсий адабиётшунослик назариясида иккиламчи ёки иккинчи қўл таржимаси деган атама бор. Уни биз осонгина *таржимадан таржима* деб юритамиз. Бу аслият тилини билмайдиган таржимон учун медиум – воситачи тил, адабий ва бадиий усуллар вазифасини бажаради. Одатда, мустамлакачилик шароитида метрополияларнинг тили ва адабиёти ҳам шу вазифани бажаради. Яқин кунларгача ўзбек тилига русча таржималардан ўгириларди. В. Шекспирнинг "Ҳамлет" фожеасини М. Шайхзода Б. Пастернакнинг русча ва Жаъфар Жабборлининг озарбайжонча таржимасидан, Чўлпон – П. Каншин таржимасидан ўгирганидек, Э. Воҳидов "Фауст"ни Б. Пастернак, Н. Холодковский ва бошқаларнинг немис тилидан қилинган таржималари, Муҳаммад Али Р. Бернс шеъриятини С. Маршак томонидан инглиз тилидан қилинган таржималари асосида ўгиришган. Ян Коморовский словак тилига ўгирган "Алпомиш" достонининг таржимасига Лев Пеньковскийнинг русча матни аслият вазифасини бажарганлигини айтади. Бу таржиманинг нозик томони шундаки, воситачи ўрнида келаётган

асардаги камчиликлар, кўпинча, аслият муаллифлариники деб қабул қилинади ва ўзгаришсиз янги матнга кўчиш ҳоллари учраб туради. Масалан,

He told Stephan that his name was *Athy*…(Он сказал Стивену, что его фамилия *Этти*)...

– У тебя странная фамилия – Дедал, и у меня тоже странная – *Этти)* Моя фамилия – это название города, а твоя похожа на латынь гапларида *Athy* – биринчисида антропоним – фамилия *Этти*, иккинчисида топоним – Килдэр графлигидаги *Атай* шаҳри номи. Бу ерда иккала тушунча ифодаси ва талаффузидаги интерференция – фамилиянинг бир хил, шаҳар номининг бошқача айтилиши таржимонларнинг хатосидай кўринади. Рус тилига *Этти* деб тўғри транслитерация қилинган, ўзбек тилига эса инглиз ва рус тилларидаги талаффуз меъёридан четлашиб, *Эдди* тарзида ўгирилган. Бу билан таржимон, биринчидан, инглизча антропонимлар Эдвард, Тедди, Дедал, Дэнти... кабиларнинг кичрайтириб *Эдди, Тэд*... каби талаффуз қилинишини назарда тутган бўлса, иккинчидан, *You have a queer name, Dedalus, and I have a queer name too, Athy. My name is the name of a town. Your name is like Latin* (Потому что и там и тут "эти". Понятно? *Этти* – город в графстве Килдер, а в грамматике местоимение – *эти*.) гапидаги сўз ўйинини бошқа грамматик унсурлар ёрдамида ўзбек тилига қойилмақом қилиб кўчира олган:

– Чунки унда ҳам. Бунда ҳам “Эди” бор. Тушунарлими? *Эдди* – Килдэр графлигидан шаҳар номи, *эди* – грамматикада феъл. Бу таржимоннинг маҳоратидан дарак.

Воситали таржимада хатога йўл қўймаслик учун аслият тилидан ўгиришга ўтиш маъқул. Бу соҳада Жамол Камол, Абдулла Шер, Бегойим Холбекова, Янглиш Эгамова, Садриддин Салим, Пошали Усмон ўғли каби зуллисонайн адибларнинг бевосита таржималари таҳсинларга лойиқ. Фикримизнинг далили сифатида Р.Бёрнснинг “Poortith Cauld and Restless Love” шеърини ва унинг Бегойим Холбекова амалга оширган таржимасидан бир банд келтирамиз:

O poortith cauld,and restless love,
Ye wrack my peace between ye,
Yet poortith a' I could forgive,
An't were na for my Jeanie.

Шеърнинг мазмуни:

Совуқ қашшоқлик , аёвсиз муҳаббат ўртасида беоромман, аммо Жийн бор жойда қашшоқлик мен учун қашшоқлик эмас.

Таржимон аслиятдаги мазмунни сақлаган холда ўзбек ўқувчисига юксак эстетик завқ бера оладиган даражада поэтик топилдиқлар орқали маҳорат билан таржима қилган:

Бутун умр этса-да таъқиб,
Ўт муҳаббат, қабиҳ қашшоқлик,
Ишқ яшайди қалбимда балқиб,
Шукр, бу ҳам ярим подшоҳлик.

Шунингдек Аҳмад Отабоев таржимасини ўқиганимизда унинг нафақат медиумга, балки аслиятга ҳам мослигига амин бўламиз. Бу ё рус тилига қилинган таржиманинг аъло даражадалигидан, ёхуд ўзбек таржимонининг синчковлиги, гап тагидаги гапни уқа олганлиги, қўшимча адабиётлар, изоҳлар билан яхши танишлиги ва ниҳоят юксак таржима маҳорати сирларидан воқифлигидан бўлса керак.

Демак, биз Аҳмад Отабой тимсолида кўраётган таржимон моҳир услубшунос ҳамдир. Чунки у аниқ билади: услуб – бу ўзига хослик. Баъзилар услуб – бу инсон деса, бошқалар услуб – бу бурун: дунёда бир хил бурун асло учрамайди (Б. Шоу) дейишади. В.Г. Белинскийнинг фикрича, услуб – бу истеъдод, фикрнинг бўртиб чиқиши ва аниқлиги. Услуб ҳамма вақт шахс каби, характер каби бетакрордир. Шунинг учун ҳар бир улуғ ёзувчининг ўз услуби бўлади. Айтайлик, услуб, кенг маънода олсак, бу – ёзувчининг шахси ҳам. Унинг асарларидаги ҳар бир унсурни – тил, сюжет, композиция, шакл, ифода усули, детал, образлар, табиат манзараларининг тасвирланиш йўсини, персонажлар нутқи, портрет чизиш усули, зиддийлик, муаллифнинг ғоявий нуқтаи назари, дунёқараши, тафаккур доираси, маҳорати, асарни қайта-қайта ишлаш жараёни ва бошқалар ёзувчи услуби табиатини белгилайди.

Тилда мононегатив инкорнинг вариативлик хусусиятлари

Г.Ибрагимова
АДТПИ

XXI асрнинг биринчи ўн йиллигига келиб лингвистика фанининг тармоқланиб кетиши, жумладан, коммуникатив, прагматик, психолингвистик, математик ва мухандислик лингвистика йўналишлари билан когнитив лингвистиканинг тилшунослар томонидан кун тартибига қўйилиши ва бу йўналиш муаммоларининг илмий жамоатчиликка тақдим этилиши тил ва тафаккур ўртасидаги муносабатнинг назарий таҳлилининг охирига етмаганлигидан далолат беради.

Малумки, тил тизими асимметрик хусусият касб этади. Ўта қатъийлашган тизим тилдан фойдаланишни, мулоқот жараёнида сўз ва формалар танловини мураккаблаштирган бўларди. Нормага келсак, тилнинг маълум ўрамларида у юксак қатъийлик намоён этса-да, аксинча, баъзи сатҳларда норма вариативлиги, оғиш, мазмун учун фарқсиз бўлган ифода воситаларини танлаш имкониятни беради. Бевосита бу ҳолат инкор маъноси ифодасининг мононегатив моделига мансуб мононегатив вариативликда кузатилади: **У келмади → У келгани йўқ → У келган эмас**: **I don’t know it – I know not it**.

Шунингдек, мононегатив вариативликда мажбурий ва факультатив инкорнинг ўзаро ҳамкорлиги доирасида шахсли ва шахссиз гаплар мавжуд инвариативлик асосида вариативлик муносабатига киришади. Нутқ истеъмолида алоҳида инвариативлик хусусиятига эга сигнификатив

вариантларни кузатишимиз мумкин: **Трудностей не встречается → Трудности не встречаются.**

Юқоридаги ўзаро формал-семантик муносабатга киришувчи мононегатив вариантлашган гаплар ҳаракат мавжудлигини, бирор нарсанинг аниқланиши, фарқланиши каби вазият фактларини инкор этади. Ушбу гаплар гарчи тузилишига кўра фарқ қилса-да, улар семантик жиҳатдан ягона умумийликка эга бўлиб, бир-бирига мос келади. Шахсли ва шахссиз гапларнинг маълум инвариант доирасида ўзаро боғланиши ўтимли феълдан иборат. Бундай конструкциялар инфинитивли, таркибида модал феъллар мавжуд шахсли гаплар билан ўзаро боғланиши мумкин. Ўз навбатида улар **нельзя**, **невозможно** сўзлари иштирок этган гаплар билан ҳам ўхшашлик ҳосил қилиши мумкин. Қиёсланг: **Там ты не пройдешь → Там ты не сможешь пройти → Там не пройти → Там нельзя пройти → Там не возможно пройти.** Ушбу вариантларга **нет возможности** формаси ҳам қўшилиши мумкин: **Нет возможности тебе там пройти**. **Нет** сўзи воситасида ҳосил бўлган инкор гаплар ҳам **не существует**, **не имеется чего либо** вариантларига инвариант бўлиб қўшилиши мумкин. Бундай ҳолат мавжудлик, борлик, барқарорлик маъноларидаги инвариантлар доирасида кузатилади: **Для нее секретов нет → Для нее секретов не существует.**

Татар тилида мононегатив вариативлик норма жиҳатдан **–ma / мд** ва унинг вариантлари **–mī / -mi, -mas / -мдs** кабилар орқали ифодаланиб, **–ma / мд** келаси (bar+ma+уазаq), ўтган (bar+ma+di, bar+ma+pan, bar+ma+pan ide) ва **–mī / -mi** эса ҳозирги (bar+mi) ҳамда ўтган тугалланмаган (bar+mi ide) замонларнинг инкор шаклларини ясашда ишлатилади [tugan-tel.noka.ru].

Марий тилида эса инкорнинг мононегатив вариативлиги отларга каритив **-дымаш** (-дь’маш), сифатларга **-сыр** (-сыр), равишдошларга **-де** суффиксларининг қўшилиши билан ясалади [planetadisser.com].

Инкор категориал маъносининг нутқда намоён бўлиши ўзига хос тарзда кечади. Бинобарин, нутқда икки аспект жой олади: умумий нутқ (узус) ва индивидуал нутқ. Нутқда тил формаларини қўллаш уларнинг муайян танловини ва баъзан эса айрим ўзгаришларни назарда тутади. Бироқ, ушбу танлов ҳар доим ҳам индивидуал тарзда кечмайди: муайян тилда гапира туриб, инсонлар ушбу тилда сўзлашувчиларнинг барчасига мансуб бўлган маълум қоидаларга амал қиладилар.

Инглиз тили ўқитишда нутқий этикетларнинг лингводидактик таҳлили хусусида

А.И.Исмоилов
АДТПИ

Ҳозирги пайтда ижтимоий хаётдаги ва халқаро муносабатлардаги рўй бераётган ижобий ўзгаришлар чет тилларни ўрганишга жиддий эътибор қаратилишини тақазо этмоқда, чунки ҳозирги замон талабига жавоб берувчи етук мутахассис нафақат ўз касбини, балки чет тилини ҳам яхши билиши талаб қилинмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган “Таълим хусусидаги қонун” ва “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” да ҳам чет тилларни ўрганиш зарурлиги алоҳида кўрсатилган.

Ўзбекистоннинг халқаро миқёсидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг янада кенгайиб бораётганлиги чет тилларни, айниқса, инглиз тилининг коммуникатив функциясининг ошишига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида чет тиллардаги нутқий мулоқот этикетларини талабаларнинг она тилиси билан қиёсий таҳлил қилиш ва уларни нутқда қўллай билишига қаратилган кўникма ва малакаларни шакллантириш заруратини келтириб чиқаради. Шу сабабли ҳам бу масала сўнгги йилларда республикамизда олиб борилаётган илмий-тадқиқотларда ўз аксини топмоқда. Бунга мисол қилиб М.Д.Тошхоновнинг филолог талабаларни испан тилидаги нутқий этикетларга ўргатишнинг лингводидактик аосларини тадқиқ қилишга қаратилган илмий ишини келтиришимиз мумкин.

Маълумки, инглиз тили ҳалқаро муносабатларда энг кўп қўлланиладиган ҳорижий тилдир. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон мутахассиси учун бу тилдаги нутқий этикетларни билиш ва улардан нутқий мулоқот жараёнида мақсадли фойдалана олиш жуда мухим.

Чет тил ўрганиш жараёни мураккаб жараён ҳисобланади. Унда тил ўрганувчи ўзга тил қурилмаларини, ҳодисаларини ўрганибгина қолмасдан, балки шу тилда гапирувчи халқнинг маданияти, урф-одатларини акс эттирувчи мамлакатшуносликка оид тил материалларини ҳам ўрганади. Ушбу жараёнда у тил ҳодисаларини турли нутқий вазиятларда қўллаш билан боғлиқ маданиятлараро тафовутларга дуч келиши мумкин.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқий этикетларнинг турли нутқий вазиятларга мос қўлланилишидаги хар-хиллик шахслараро ва маданиятлараро муносабатларда қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Уларни қиёсий тахлил қилиш асосида ўрганиш ва инглиз тили ўқитишда хисобга олиш назарий ва амалий аҳамият касб этади ва шунинг учун ҳам у ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Инглиз тилидаги нутқий этикетларнинг лингводидактик тахлили уларни ўргатишнинг самарадор усулларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Нутқий этикетларни мулоқот иштирокчиларининг жамиятда тутган ўрнига, ёшига, касбига хамда мулоқот турига (телефон орқали сўзлашув, ишбилармонлар ўртасидаги ёки турист (сайёх) сифатида ўзга маданият вакиллари билан суҳбат) боғлиқ ҳолда таснифлаш уларни ҳаётий нутқий вазиятларда қўлланилишига қаратилган нутқий кўникмаларни шакллантиришга самарали таъсир қилади.

Даниел Дефонинг “Робинзон Крузонинг саргузашлари”асарида равишларнинг қўлланиши

Гавҳарой Исроил қизи
талаба Замира Аслиддинова
АДТПИ

Даниел Дефонинг бу асарида аввалларитахлил қилинганимиздак сифатлар каби равишларни таҳлил қилиб чиқишимиз мумкин.

Маьлумки, равиш гапда хол вазифасини бажаради ва иш- харакатини белгисини ифодалайди.

Равишларни таҳлил қилаётганда уни қуйдагича кўриб чиқишимиз мумкин.

“With wind still blowing hard one of our seamen called out “Land” . As we looked out the ship hit a sandbanr. We were terrifid. We did not know where we were, the wind was still blowing hard fnd we could not even hope that the ship would hold together, unless the wind changed”.

“Халиям қаттиқ эсаётган шамол билан бирга денгазчиларимиздан бири “Ер”деб бақирди. Биз қарагунмизча кема сохилга урилди. Биз қўрқиб кетдик. Биз қаердалигимизни билмасдик, шамол халиям ўзгарганига қарамай кемани сақлаб қола олишимизга ишонолмас эдик”.

Асарда тузилишига кўра қуйдагича равишлар қўлланилган. Масалан, содда равишнинг қўланишини олайлик.

“I got home safely to my little tent, and lay with all my wealth about me. It blew very hard all night, and in the morning there was no ship to be seen”.

Кичкина чодир уйимга хавфсиз келдим ва атрафимдаги бутун бойлигимиз билан бирга ётдим. Кечаси билан шамол қаттиқ эсди ва эрталаб кема кўринмади.

Ясама равишларнинг қўлланиши.

“The sea was very peaceful. I saw that I could easily swim to the ship as the tide was ear out. I realized sadly that if my companions and I had only stayed on the ship, we would all have been-safe”.

“Денгиз жуда тинч эди. Мен сув кўтарилиши узоқ бўлгани учун кемага осон сузиб бора олишимни тушиндим. Хамрохларим ва мен фақат кемада турсак хавфсизбўлишимизни англадим”.

Қўшма равишнинг ишлатилиии.

“Sometimes I went out in for pleasurs, but I would never attempt any more dangerous voyages, indeed hardly ever went more than a hundred yards from the shore, for fear the current”.

“Баьзан мен у ерга дам олиш учун борардим, аммо мен энди ортиқ хатарлироқ денгиз сафарига харакат қилмадим, хақиқатдан ҳам оқимлардан қўрқаним учун юз ердан ортиқ жойга зўрға бордим”.

Мураккаб равишларнинг ишлатилиши.

“At last 30 September came. I had been on my island a whole year, and spent this days thinkisg and prayisg and thankisg Gjt for keepisgme save”:

“Нихоят 30-сентябир келди. Мен оролимда 1 йил бўлдим ва бу кунларни мени омон сақлагани учун Худога шукрона айтиш, ибодат қилиш ва уни ўйлаш билан (банд бўлдим”.) ўтказдим.

Асарда сифатларда бўлгани каби равишларда бўлган даражалардан фойдаланилган.

“One day we saw people on the shore black people, wearing no clothes. They made signs to us come nearer, the brought us corn and dried meat”.

Бир куни биз қирғоқда кийим киймаган қора танли одамларни кўрдик. Улар яқинроқ келишга ишоралар беришди, кийин бизга дон ва қуритилган гўшт олиб келишди.

“Робинзон Крузонинг ғаройиб саргузаштлари асарида равишларнинг маъно турига кўра қуйдаги турларни ҳам учиратишимиз мумкин”. Масалан, пайтни билдирувчи равишлар.

“One daywhen I was in Hulkk, I met a friend. My father’s ship will sail for London tomorrow” he said. “Do once, and so on l September 1651 I went on to the ship; and next day it sailed fjr London”.

Такрор ё давомийлик равишлари.

“As this was about half way between my first house and a place where my boat lay. I usually stayed at night here on my way to the my boat. I often visired it and kept it clean”.

Жой ва йўналиш равишлари.

“As I fought to get out of the water, anither wave caught me, and bueied me twenty feet inside its body. I held my breath and tried to swim forward as hard as I could”.

Холат равишлари.

“I tred, too to make a barrel, but I never could manage though I tried hard. I also needed candle, without lbght, I had to go to deb when it was dark”.

Даража-миқдор равиш.

“24 Zuni. Very violent shaking which lasred seven hour’s. Firs I was hot then cold; I feln very weak afterwards”.

Бу асарни чуққуроқ англашимизда унда ишлатиаган равишларни таҳлил қилишимиз ҳам маъмум даражада ёрдам беради.

Интенсивное обучение диалогу и полилогу на русском языке студентов национальных групп филологических факультето

М.А. Карабаева, Е.В. Бабенко
АГПИЯ

Наблюдения за преподаванием языка на филологических факультетах различных вузов, анализ учебников, используемых в работе этих факультетов, свидетельствуют о том, что сложившаяся практика обучения русскому языку в основном ориентирована на изучение грамматического материала, а практическая работа по развитию устной речи является как бы вторичной. Для достижения наибольшей эффективности и результативности процесса обучения на филологических факультетах предпочтение должно

быть отдано такой системе обучения устной речи, которая наряду с развитием лингвистической компетенции позволяет студентам пользоваться неродным языком в качестве средства общения и обеспечивает эти умения в кратчайшие сроки. Интенсивные методы осмысливаются как оптимальная реализация прогрессивных тенденций в общей педагогике и психологии. Традиционное обучение русскому языку как неродному сводилось обычно к изучению языка как системы. В последние десятилетия главной целью обучения нерусскоязычных студентов выдвинуто овладение учащимися иноязычной речью как средством коммуникации. Соответственно изменились основы организации обучающего процесса, его формы и сроки. Таким образом, интенсивное обучение становится сегодня определенной методической системой.

Проблема интенсивного обучения устной речи в последние 10-15 лет рассматривалась многими учеными. В методике преподавания языка данная проблема достаточно широко разработана. Значительный вклад в разработку методики обучения устной речи и речевого общения на неродном языке внесли М. Л. Вайсбурд, Г. Г. Городилова, Д.И. Изаренков, Е .И.Пассов, А .В. Алхазишвили . Проблема обучения устной речи посредством полилогов и диалогов в преподавании русского языка на филологических факультетах представляется перспективной и становится предметом отдельного исследования.

В современных условиях обучения устной речи будущих филологов-русистов посредством диалога и полилога выявляются следующие противоречия:

1. Между возрастающими требованиями к уровню владения устной речью у выпускников филологических факультетов и недостаточной разработанностью теории и практики интенсивного обучения данному аспекту;
2. Между современными подходами к обучению русскому языку как неродному, отдающими приоритет коммуникативной направленности учебного процесса и отсутствием соответствующих учебно-методических комплектов в работе с филологами-русистами неносителями языка.

Формирование и совершенствование навыков устной речи у студентов-русистов неносителей языка, будет более эффективными, если:

-при организации учебного процесса опираться на психолого-лингвистические
особенности порождения речевого высказывания;

-использовать специально разработанную систему упражнений по развитию диалогической речи в условиях учебно-речевых ситуаций, естественных для коммуникации;

-обучение диалогической речи и полилогам построить на основе последовательного введения в учебный процесс разноструктурных типов диалогических единств и разнохарактерных полилогов.

Организация интенсивного обучения устной речи посредством диалога и полилога студентов-русистов, не являющихся носителями

русского языка, способствует совершенствованию их речевой культуры и становлению языковой личности.

Ниже приводится одна из моделей проведения аудиторных занятий по развитию диалогической речи учащихся.

Занятия объединяются одним сюжетом, например, группа зарубежных гостей посещает нашу страну. Это позволит обеспечить логичный переход от урока к уроку. Учащиеся становятся участниками туристической группы и, тем самым, участниками всех событий, которые с ней происходят Очень важно, что на первом занятии все учащиеся получают имена иностранных гостей, которые становятся их именами (ролями) на все время занятий. Это помогает решению целого ряда серьезных задач: психологических, методических, языковых и т.д . В частности это дает возможность обеспечить погружение обучаемых в языковую среду и на время как бы «отключить» родной язык, заменив его русским языком .

Роли, в которых выступает учащийся, помогают ему активизировать свои творческие возможности, способствует раскрытию проявлению его личности. Ролевые игры, игровая деятельность повышают эмоциональный статус учебного процесса. В результате занятия превращаются в живую, интересную, захватывающую обучаемого, деятельность.

Весь языковой материал должен быть разбит на микроциклы, каждый из которых содержит: основной текст - полилог, диалоги, лексико-грамматический комментарий. Все тексты - полилоги, диалоги объединены одним сюжетом – посещением нашей страны иностранными туристами. Каждый полилог один из этапов визита. Таким образом, моделируется речевое поведение учащихся в разнообразных ситуациях речевого общения.

Основной текст - полилог каждого микроцикла должен быть небольшим по объему. Лексико-грамматический материал включен в ситуации, развивающие тему данного урока. Диалоги динамичны и естественны, что способствует их легкому запоминанию. Они представлены с пофразовым переводом на родной язык, для того чтобы передать более точный смысл высказывания.

Контрастивный анализ цветообозначений русского, немецкого и узбекского языков

В.А.Каращук
АГПИЯЗ

Всё более интенсивное развитие получает сопоставительное языкознание, в частности, сопоставительная лексикология, объектом которой являются коррелятивные лексические единицы в разных языках, а конечной целью – выявление общих и различительных черт в строении лексических систем.

В числе важнейших задач, решаемых сопоставительной лексикологией, является изучение характера номинации одинаковых

референтов в разных языках, выявление и систематизация признаков, лежащих в основе мотивации, установление типов семантических сдвигов (метафоры, метонимии), исследование характера и границ лексико-семантического варьирования отдельных коррелятивных слов и т.д.

Контрастивное описание лексики требует учёта значимости слова в системе языка и каждого компонента в семантической структуре слова. Особую сложность для анализа представляют многозначные слова. Трудности при выявлении языкового своеобразия полисемантов связаны с тем, что глубина специфичности и степень специфичности сравниваемых единиц оказывается различной. Глубина специфичности зависит от уровня её проявления: уровень слов, уровень лексико-семантических вариантов (ЛСВ) внутри многозначного слова и уровень сем. Степень же специфичности характеризует полноту соответствия объектов анализа. С этой точки зрения выделяют эквивалентную лексику, сходную и специфическую.

При назывании понятия словом языки ведут себя неодинаково. Содержание любого понятия как мыслительной категории интернационально. Национальным оказывается выбор определенного понятия в качестве центрального при обозначении словом. Понятие может выражаться через различные свои признаки. Поэтому в различных языках распределение ЛСВ слова различно.

Лексическое значение не независимо, не сепаратно, но определено, обусловлено значениями других слов данного языка, т.е., других слов микросистемы, или же значениями слов, с которыми данное слово сочетается. Сопоставление значений слов различных языков показывает, что слова с будто бы одинаковой номинативной функцией, обозначающих один и тот же предмет или явление, не совпадает в своём семантическом объёме. В каждом языке вследствие конкретных особенностей его исторического развития складывается своеобразная система внешних различий, представляющих индивидуальную, неповторимую систему языковых значений. В результате отдельные значения, входящие в систему одного языка, часто оказываются несоизмеримыми со значениями другого языка.

Контрастивный анализ цветообозначений русского, немецкого и узбекского языков полностью подтверждает вышесказанное.

Целью исследования явилось выявление общих и специфических черт в смысловых структурах непроизводных прилагательных русского, немецкого и узбекского языков, соотносящихся с понятием цвета.

Анализ лексикографических данных позволил сделать определённые выводы. Прилагательные-цветообозначения представляют микросистемы лексики сопоставляемых языков, характеризующиеся определенной системностью, проявляющейся в следующем:

1. Цветообозначающие прилагательные разделяются на основные, исконно русские, немецкие и узбекские слова, и на неосновные, служащие определением цветовых оттенков.

2. Основные цветовые прилагательные образуют центр микросистемы и выступают в качестве опорного слова, вокруг которого собирается более или менее многочисленный ряд неосновных лексических единиц.

3. Основные цветовые слова как в русском, так и в узбекском и немецком языках за редким исключением («зангор(и)»), характеризуются многозначностью. В качестве основного, прямого, номинативного значения они обладают цветовым значением. Оно является основой для прямых производных и переносных ЛСВ, выходящих в большинстве случаев за пределы обозначения цвета и возникших путём метафорического, реже метонимического переноса.

4. В состав основных цветовых прилагательных русского, немецкого и узбекского языков входят семь лексических единиц: красный, жёлтый, зелёный, голубой, синий, чёрный, белый; қизил, сариқ, яшил, зангор(и), кўк, қора, оқ; rot, gelb, grun, blau, braun , schwarz, weib.

5. В русском, немецком и узбекском языках большим семантическим объёмом обладают прилагательные чёрный, қора, schwarz. В этом отношении их смысловые структуры оказываются симметричными. Большинство производных и переносных ЛСВ у них совпадает, средний семантический потенциал у прилагательных белый, оқ, weib, жёлтый, сариқ, blau, зелёный, кўк, grun.

Меньшим семантическим потенциалом характеризуются прилагательные голубой и зангор, gelb и braun .

6. Несмотря на заметное сходство в семантике, сопоставляемые цветообозначающие прилагательные имеют большой набор смысловых различий, что объясняется спецификой лексических систем отдельных языков.

Особенно заметно это проявляется в смысловой структуре прилагательного кўк, которое оказывается полихроматическим, обозначая синий, зелёный, серый и сизый цвета.

Выход за пределы цветового поля у производных и переносных ЛСВ немецких, русских и узбекских прилагательных в большинстве случаев оказывается разнонаправленным.

7. Для основных прилагательных-цветобозначений исследуемых языков характерны три вида сочетаемости именами существительными: 1) свободная, 2) ограниченная реальной действительностью, 3) несвободная, ограниченная языком сочетаемость.

8. Цветовые прилагательные исследуемых языков характеризуются как сходством в их сочетаемостных свойствах, так и объективно существующими различиями, особенно ярко свидетельствующими о национальных, специфических чертах лексических систем русского, немецкого и узбекского языков.

New techniques in teaching English

Karimbayeva. M.M
ASPIL

In foreign language situations, it can be challenging to find real – life communicative contexts in which to use the target language. Classroom has to be a place in which language is not only taught but also used meaning fully.

Teachers sometimes try only to give information about main points in grammar, reading and vocabulary.

During learning the target language students improve their 4 main skills: listening and speaking, writing and reading.

There are probably dozens of effective activities that teachers can use to facilitate learning language in the classroom. These activities enable the teacher to "problematize" instructions and they allow learners to actively engage in the learning process. The purpose of such activities is to provide students with the necessary linguistic tools to carry out a communication task. Upon completing a communicative task, students have the opportunity to explore points of language arising out of the task cycle. The language of practice activities.

Analysis consists of raising activities in which students analyze texts, transcripts and examples in order to notice specific language points, such as:

1. Semantic concepts related to themes, notions, functions (e.g. Find and classify all the phrases referring to place, time, manner, etc)
2. Words or word combinations (e.g. When do we use the words some or any? What do they mean? Study the examples in the text).
3. Categories of meaning or use (e.g. The word would has four categories of meaning in the text. What are they? Give an example of each category)

Practice activities may consist of the following.

1. Repeating, reading or completing phrases
2. Gapped transcript
3. Dictionary work
4. Language games, etc.

The techniques listed below can be useful and effective.

1. The student should be explore in learning language. Teacher givesa problem to the students and they have to find the solution to it.
   E.g. the versus a/an
   Problem: Why are some nouns preceded by the and others by a/an.
   This technique lets the learners to notice patterns and maka solution about the rule.

2. Paraphrasing is a very powerful tool for syntactic and lexical exploitation. Students analyze the tenses, forms, function and elicit the various stimulus sentences related to learning topic.
   E.g. Rewrite each sentence so that it means the same, or nearly the same. There is not any food left.
   Nick _____ (Answer: Nick has eaten it)
3. Language games. All language learners enjoy fun and language games are used in different ways to focus a language item or real interaction. For example. Games like “describe and draw”, “sport the difference” are popular among the young learners, games on information gap activity are also well accepted by elder learners.

   So there are many other man techniques which enable learners to understand how language works. Far from being a new concept, it is often a matter of putting old wine in to new bottles.

Ўзбек ва қирғиз тилларида солиштирув категорияси

М.И. Мирзохидова
ЖДУ

Туркий тиллар, жумладан ўзбек ва кирғиз тилларида солиштирув категориясига қарашлар турлича. Қуйида икки тилдаги ушбу категориянинг умумий ва хусусий жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Ушбу категория таҳлилига ўтишдан олдин белги даражаси борасидаги фикрларимизни тиниқлаштириб олишимиз лозим.

Бундай тиниқлик ўзбек тилшунослигида ҳам, қирғиз тилшунослигида ҳам мақбул тарзда мавжуд эмаслигидан бўлса керак, ҳар икки тилга оид грамматикаларда «Сын атоочтун даражалари» бўлимида турлича даражалар кўрсатиб келинади.

Хусусан, қирғиз тилшунослигининг академик грамматикаларидан бирида иккита: Салыштырма жана кучътмъ даражалар ажратилган[1] бўлса, сўнгги йилларда яратилган илмий адабиётларда тўртта: жай, басандатма, салыштырма, кучътмъ даражалар ажратилган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам қарашлар хилма – хил. Кўпинча уч хил даража ажаратилса-да, бир-биридан фарқ ҳам қилади.

Масалан: 1. Орттирма даража-озайтирма даража -қиёсий даража;
2. Оддий даража- қиёсий даража-орттирма даража;
3. Орттирма даража – оддий даража -озайтирма даража.

Таклиф этилаётган даража қаторлари бизни икки жиҳатдан қониқтирмайди.

I. Мантиқий жиҳат. Белгининг даражаси ва қиёси бутунлай бошқа-бошқа тушунчалардир.

Белгининг даражаси ортиб ёки камайиб боришига кўра фарқланувчи қатордир.

Ўзбекча: сал қизил – қизил – энг қизил: кўкиш – кўк – кўм – кўк.
Қирғизча:
Белгининг қиёси икки белгининг ўзаро муҳоя килинишидир.

Турли контекстда қиёс турлича даражалар ифодалаётгандек кўриниши мумкин. Масалан: ўзбекча: 1. Қизларнинг каттароғи гапирди.

2.Қизларнинг кичикроғи гапирди.

киргизча 1. Кыздардын чоёураагы суйлъъдъ.

2. Кыздардын кичураагы суйлъъдъ.

(1) гапда ортиқлик, (2) гапда озликнинг юзага чиқаётгандек туюлиши қиёсий даража билан яқинлаштиради.

Бироқ даража маъноси қиёслаш кўрсаткичидан эмас (кўрсаткич ҳар иккала ҳолатда ҳам бир хил), у қўшилаётган сўздан келиб чиқмоқда.

Яна бир ҳолатга эътибор берайлик.

Энг катта қиз – каттароқ қиз. Айрим тадқиқотчилар ҳар икки ҳолатда ҳам қиёслаш бор деб ҳисоблайдилар.

Дарҳақиқат, қизнинг энг катталигини билиш учун уни бошқа қизлар билан қиёслаш керак. Аммо бу мантиқий жараён. Бизни эса мантиқий жараёнларнинг лингвистик ифодаси қизиқтиради. Маълум тадқиқотчилар бу «… каби орттирма даража формалари асосида тўлиқ (яққол), лекин конструкцияда бевосита акс этмаган қиёслаш туради»,[6] деб кўрсатадилар.

Модомики «акс этмаган» экан уни категориал таҳлил этиб бўлмайди.

Шу ўринда иккинчи жиҳат ҳам ёрқинлашади.

II Лингвистик жиҳат. Морфологик категория аъзолари гомоген табиатли бўлиши лозим.

Туркий тилларда морфологик категория аъзолари синтетик табиатлидир.

Биз қиёсни ифодаловчи – роқ дан бошқа бирор синтетик шаклни учратмадик.

Демак, ушбу категориянинг икки аъзоси ноль шакл ва – роқ мавжуд.

Ушбу шакллар қуйидагича хусусий грамматик маъноларни (ХГМ) ифодалай олади.

Ноль шакл ХГМлари.

1.Белгининг ноқиёсий ҳолатини ифодалайди.

ўзбекча: менга қизил ранг ёқади. Катта арава қаердан юрса, кичиги хам шу ердан юради.

Қирғизча: Мага кызыл тус жагат.

Чоё арава кай жерге журсъ кичиги да ошентет.

Бу ўринда хеч қандай синтагматик боғланиш сезилмайди.

2.Белгининг қиёсий ҳолатини ифодалайди.

ўзбекча: Бизнинг ҳовлимиз сизникидан катта.

Бир юздан неча баробар кичик?

Қирғизча: Биздин тамыбыз сиздикинен чоё.

Бир жуздън канча баравар чоё?

Бу ҳолатда муайян даражада «олдин» га боғлаш сезилади.

- роқнинг ХГМ лари.

1. Муайян белгига қиёс ифодалайди:

Ўзбекча: У меникидан қизилроқ кўйлак кийибди.

Ойсулув гўзалларнинг ҳам гўзали эди.

Қирьизча:Ал меникинен кызылраак къйнък кийиптир.

Айсулуу сулуулардын сулуусу эле.

Бунда маълум даражада «олдин» га боғлаш сезилади.

2. Меъёрий белгига қиёс ифодалайди:

Ўзбекча: Кучлироқ йигитлардан ўнтасини чақириб кел!

Кўнглим шўрроқ нарса тусайди.

Қирьизча: Кичтирэк жигиттерден он чактуусун чыкырып кел!

Къёлим тузу басымдуурак нерсени каалайт.

Бунда ҳеч қандай синтагматик муносабат сезилмайди.

Ушбу ХГМларни синтезлаб категория умумий грамматик маъносини (УГМ) белгилаш мумкин. Бу жадвалда қуйидагича кўринади:

№	Шакллар формалар	Қиёсий белги салыштырма	Ноқиёсий белги салыштырма эмес	Синтагматик муносабат Синтагматикалык мамиле	
	Кыргыз Ўзбек			Мавжуд бар	Мавжуд эмас Жок
1	-о -о	+ў-	+	+\-	+\-
2	-ырак, -раак - рок	+	-	+\-	+\-

Жадвалда акс этган белгилар жами бир шаклнинг УГМсини ифодалайди.

Ушбу категория УГМсининг семантик жиҳати қиёсий – ноқиёсий белги ифодалаш бўлиб, синтагматик муносабат мавжуд бўлган – бўлмаган ҳолатларда юзага чиқишдек хусусият унинг синтактик жиҳатини ташкил этади.

Взгляды на понятие слова

М.И. Мирзахидова
Жалал-Абадский государственный университет

Слово - самая стабильная единица языка с древных эпох. Это бесспорная истина. Являясь «вербоцентрическим», крупнейшее направление в лингвистике основывается на слове ,как основной, центральной единице языка. Однако, ни одно из данных множества определений до сих пор не удовлетворяло большинства. В свое время такое явление обратило себе внимание также представителей структурализма - одного из основных направлений лингвистики. Отдельные направления структурализма - одного из основных направлений лингвистики. Дескриптивисты отказались от понятия. Здесь они оперались на взгляды одного из основателей структурализма, «слова».

Не анализируя единицы слова и его словообразующие и агглютинативные элементы, невозможно решить эту проблему. В ряд таких единиц входят языковые элементы, подобные лексемы, морфеме широко подобные семеме - менее распространенные и по разному обсужденные - подобные синтаксеме, пареме очень мало распространённые и очень много анализированные. Хотя она чувствуется также как эти единицы очень «просто», однако именно сама, её анализ может привести к возникновению крупной теоретической проблемы.

Например, в конце прошлого века в узбекской лингвистике проходили полемики о возможности или невозможности лексемы быть основной языковой единицей. Выдающиеся профессоры узбекской лингвистики Х. Г. Нигматов и Р. Расулов старались дать определение почти всем словоизменительным аффиксам. По их мнению, «готовый для членов коллектива, всеми вынужденная истинная вещь, знак, особенность и создающие отношения: речь и вид морфемы, в словаре, происходившие в результате крепкого сочетания формы и содержания, может быть лексемой».[2]

Значит, они считают лексему не единицей языка, а одним из видов морфемы и дают морфеме нижеследующее определение:

«Морфема - самая минимальная значимая единица языка, которая не членится на другие значимые части. Она находиться в тесной связи с формой известного материального явления, выполняя определенную функцию… в составе слова *«сувчи»* - *сув* и *-чи* служит примером таких объединений - морфем».[3]

По мнению Х. Нигматова, Р. Расулова (и их продолжателей), определение, данное лексеме, во - первых не противоположно определению морфемы, наоборот дополняет его определение, разделяет морфемы на лексемы и аффиксы. Во - вторых, в том же определении нет большой преграды между грамматическими морфемами и лексемами. Возможность древних лексем связать себе грамматические морфемы аффиксы в речи доказывает этот вывод.

Но есть случаи противоположные этому определению. Точнее, одна часть лексем разлагается на части.

Основным признаком морфемы является «не членимость на значимые части». Для разъяснения этого явления приводится следующее: Лексема - неделимая готовая целостность. По этому не должны забывать, что ознакомление с её строением опирается не на систематический анализ лексем, а, возможно, на исторический анализ».[4]

Однако не следует разделять эту мысль полностью, ибо сложности строения лексемы невозможно всегда обосновать исторической стороной. Поэтому все - таки придётся обращаться к «слову». Лексемы, имеющие сложное строение, анализируются как слово и рассматривается слово как единица речи. В самом деле и основатели структурализма не пришли к выводу об отсутствии слова вообще.

Изучившая рукописи Ф. де Соссюра Н. А. Слюсарева пишет: «Ф. де Соссюр заметил, что, в самом деле, есть более простые, конкретные выявленные единицы чем слово, хотя он отрицал искание конкретных единиц языка от слова, анулировал его как единицу речи». [5]

Один из компетентных представителей узбекской лингвистики А. Нурманов об этом пишет: « В структуре речи маленькая единица языка служит строительным материалом для больших единиц языка существование маленьких единиц отражается в внутри большой единицы: фонема существует в составе морфемы, а слово в составе предложения. Большое целое образуется от маленьких себя единиц: морфема образуется, и из одной фонемы (например, *у - ни*), и из цепи фонем может образоваться. Так же слово из одной морфемы (например, служебные слова) и может строиться из цепи морфем. В этом значении (если взять во внимание порядковое расположение элементов одного целого) есть основание считать конструкцией всех единиц, кроме фонемы. Однако, их «конструктивность» не даёт права любому из них считаться как отдельные единицы языка».[6]

Во первых , отказ от мнения «конструкция», в самом деле - от слова, приводит к мысли о том, что преградой станут несколько направлений. Не все слова бывают конструкцией, служебные слова - тому доказательство. Если их оценить как морфемы, тогда какому составу языковой единицы входят основные слова?

Сторонники вышеизложенного взгляда отмечают необходимость, что любое слово как член известной грамматической парадигмы, должно стоять, хотя бы в нулевой форме. Значит, в этом положении считают конструкцией.

Хотя в лингвистике Союза ССР, точнее и в тюркологию входили соответствующие теоретические взгляды для различения языка и речи во второй половине прошлого века, чувствуется неполное освоение путей соответствующего анализирования языковых единиц в определенном уровне, несмотря на некоторое его развитие.

Иерархия в отношении единиц языковых ярусов непростые, как речевые единицы. В единицах речи отличие между нижними и верхними ярусными единицами в основном бывает в конструктивном плане. Верхние единицы яруса создаются, начиная с низу между собой. Философским языком изменения объёма будут необходимы.

В граудировании единиц языка не объёмные изменения, а точные качественные изменения, а точные качественные изменения стоят в основном месте. Какая-то единица языка поднимается последующему - верхнему ярусу и без никаких объёмных изменений, практически и философической стороны на этом месте есть и объёмное изменение. Сам переход от яруса на ярус, являясь изменением объёма, приводит качественным изменениям. А возможность качественного изменения сравнительно больше.

В оценке единицы языка необходимо учитывать её место в языковой системе , а не строение её (ибо даже в крупнейших строениях присутствует только одна единица языка).

Являясь самой маленькой единицей слова, лексема для вхождения в определенное отношение уравнивается с другими единицами именно в том ярусе (например, *аммо, лекин; однако, - у, -ю, - ок и др.).*В этом ярусе они будут готовы для перемещения в следующий ярус. Если учесть агглютинативный характер и расположение грамматических форм в постпозитивном состоянии тюркских языков, то лексему (*китеп)* в этом ярусе можно показать в виде *(китеп -).*

В сравнение с такими единицами может обрабатываться термин «слово», которого ни одно из десятков определений, выработанные с античных эпох по этой проблеме, не раскрыли полностью его содержание.

Такая обработка слова даёт возможность использовать без изменения взгляды типа «предложение строиться из слов», термин «связь слова».

С точки зрения вышеназванных взглядов, в основном речь идёт о лексеме. Поэтому нужно учесть широкую распространенность рассмотрения слова и лексемы как одинаковое явление, как продолжающаяся традиция с античной эпохи.

Мы постарались сравнить единицы «слово» и «часть речи» . В современной науке о языке вместе с закреплением термина «лексема» и понятия о ней осуществляется возможность расчленения яруса после слов последующего словарного яруса, которому он относиться.

В русской лингвистике и под влиянием её, и в тюркологии с целью различения таких единиц и устранения ряда недоразумений, относящихся к термину «слово» в последнее время стали употреблять «словоформа».

Необходимо учитывать анализирование словоформы, как члена известной грамматической парадигмы. А единицы, относящиеся к частям речи, не член грамматической парадигмы, но готовые к ней единицы. Некоторые из них образуют парадигмы в последующем языковом ярусе, а некоторые служат появлению таких аналогичных парадигм.

И потому мы считали правильным использование термина «слово». Ибо для ярусной единицы между ярусами которой относятся лексема и словоформа в стратификации языка в нашем сознании, подходит именно вот этот термин и обеспечит обоснованность термина «часть речи».

Туркий сўзларнинг ўзбек тили луғат таркибидаги ўрни

Ш. Маннопова, С.Гоипова
АДТПИ

Маълумки, ҳозирги ўзбек тилининг луғат состави бу тилнинг сўз бойлиги, лексик-семантик системаси сифатида шаклланган, яхлит ходисадир. Тил луғат составини тарихий-этимологик нуқтаи-назардан текширганда, аввало тарихан, генетик жиҳатдан ўзбек тилининг ўзиники бўлган сўзлар белгилаб олинади. Бундай сўзлар ўзбек тилида қадимдан мавжуд булган туркий сўзлардир. Бундай сўзлар ўзбек тили лексикасининг асосий негизини ташкил этувчи қадимий қатламдир.

Туркий сўзларнинг ўзига хос мухим хусусияти уларнинг деярли барча туркий тилларда учрашидир. Бошқача қилиб айтганда, қадимги туркий лексиканинг асосий негизини ташкил этувчи, энг актуал ва ҳаётий сўзлар барча туркий тиллар лексикаси учун умумийдир. Туркий сўзларнинг бир катор туркий халқлар тилларида мавжудлиги ва асрлар давомида бу тилларда қўлланиб келгани, ҳозирда ҳам сақлангани туркий тиллар лексикасида умумийликни, ўхшашликни юзага келтиради.

Ҳозирга ўзбек тилидаги туркий лексик фонд ҳақида гапирилганда икки манба кўзда тутилади.

А) ўзбек адабий тилида истемолда бўлган туркий сўзлар;

Б) ўзбек халқ шевалари лексикасида учровчи, яни диалектор нормадаги туркий сўзлар.

Ўзбек адабий тили луғат составида туркий лексик қатлам асосий ва мухим ўрин тутади. Бу қатламга кирувчи сўзлар зарурий ва ҳаётий тушунча ва тасавурларни ифодалаши, серистеъмол лексикалар эканлиги билан характерланади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги туркий сўзларни умумий тарзда баҳолаб, қуйидагича мавзуий гуруҳларга ажратиш мумкин.

1) инсон тушунчаси билан боғлиқ сўзлар: киши, турмуш, эл, юрт.
2) Ҳайвонлар номи; айғир, балиқ, бароқ, бақа, жайрон, илон, ит, сичқон, кўппак.
3) Қуш ва паррандалар, улар аъзоларининг номи; булдуруқ, бургут, турна, укки, ўрдак, қанот, чумчуқ.
4) Одам ва ҳайвон аъзолари номи; бармоқ, бел, бет, биқин, болдир, бош, буйрак.
5) Жинсий тафовутларни ифодаловчи сўзлар; байтал, бия, марол, серка, урғочи, эркак, хотин, қиз, ўғил.
6) Табиат ходисалари номи: булут, довул, дўл, ёлқин, изғирин, камалак, момақалдироқ, ой, тонг,
7) Озиқ-овқат, ичимликлар номи; айрон, атала, бол, бўза, бўтқа, зоғора, пишлоқ, сақич, сут, чучвара.

Ўзбек тили луғат составида бундай сўзларни кўплаб учратиш мумкин. Келажакда бу мавзуни батафсил ёритишга ҳаракат қиламиз.

Чет тил ўқитиш самарадорлигини ошириш ҳусусида айрим фикр-мулоҳазалар

Катта ўқитувчилар А.И.Маткаримова,
М.Н.Мингбоева, У. Тўхтаматова Т.Исроилова
АДТПИ

Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан ҳалос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз, аҳир. Буни барчамиз тушунишимиз, англашимиз даркор.

И.А.Каримов

Ҳозирги кунда ҳорижий тилни ўрганишда қатор қулайликлар билан бирга камчиликлар ҳам учраб турибди. Буларнинг сирасига мухтарам президентимиз таъкидлаганидек, замонавий чет эл ўқув адабиётларидан фойдаланишни киритишимиз мумкин. Айрим ҳолларда бундай адабиётлардан кенг фойдаланиш имкониятига эга эмасмиз. Олий ўқув юртларининг кўпчилигида ҳозирча илғор ўқитиш технологияларини ўз ичига олган ўқув адабиётлари камчил. Ҳозирда бундай адабиётлардан фойдаланишда интернет тармоғидан фойдаланиш билан чекланилмоқда. Интернет тармоғи орқали машҳур, нуфузли илмий-методик журналларни излаб топиб, журналда берилган илмий мақолалар билан танишиб чиқиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Бу айникса илмий изланиш билан машғул бўлган ёш магистр, аспирант ва ёш олимлар учун катта қулайликлар туғдиради. Улар ҳориждаги кутубхоналарга илмий сафар қилмасдан туриб, керакли маълумотларни интернет орқали олишлари мумкин.

Умумий тил ўрганишда мутахассислик бўйича тил атамаларини ўрганиш ҳозирги пайтдаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу масалани тез ва самарали ҳал қилишда компьютер технологияларидан фойдаланиш яхши натижалар беради. Яна шуни ҳам айтиш жоизки, чет тили дарсида махсус лингафон хоналарида, компьютерда тайёрланган махсус ўқув дастурларидан бевосита фойдаланиш тил атамаларини интенсив ўрганишга катта ёрдам беради.

Сир эмаски, кейинги пайтларда тил ўрганувчилар кириш имтиҳонларига тайёрланишда асосан тест саволларига тўғри жавоб топиш билан шуғулланиб, ёзма нутқни, яъни фикрни ёзма тарзда, тўғри, ифодали баён қилишни, мантиқан тўғри гаплар тузишни, айниқса тўғри савол тузишни эсдан чиқариб қўймоқдалар. Буни олдини олиш ва ёзма нутқ кўникмаларини ўстириш учун шу мақсадга йўналтирилган ўқитиш усуллари ва машқлар тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда талабаларга чет тили билан шуғулланиш учун дарсдан ташқари пайтда ҳам қўшимча дарслар ташкил қилиш уларни турли илмий-методик тўгаракларга жалб қилиш ҳам ижобий натижа беради. Бундай ишлар талабаларга ўз хатоларини тўғри англаб олишлари, нутқ фаолиятининг барча турлари юзасидан тегишли нутқий кўникмалар ҳосил қилишга ҳам ёрдам беради.

Ўқув машғулотларида талабаларга ўз фикрларни эркин ифодалай олишларига эътиборни қаратмок лозим. Қўшимча дарслардан ташқари диктант, баён, иншо ёздириш, викториналар ўтказиш, курс, назорат, мустақил, битирув ишларини чет тилида ёзишга ўтиш ҳам талабалар учун катта амалий ёрдам беради. Бунинг учун мутахассислик фанлари профессор-ўқитувчиларининг талабалар семинар ва амалий машғулотлари учун тузилган топшириқларида ҳам асосий эътиборни талабаларни чет тилидаги нутқий мулоқотига тайёрлашдек муҳим ишга йўналтирмоқ лозим. Бу эса ўз навбатида ўқитувчилар фаолиятининг мазмунини ҳам қайта кўриб чиқиб, унинг самарадорлигини, яъни фойдали иш коэффициентини ошириш чора-тадбирларини излаб топиш лозимлигини англатади.

“Шарафлаш” ибораси ва уни инглиз ҳамда ўзбек тилларида ифодаланиш воситалари

Катта ўқитувчи И.Маткаримова,
АДТПИ

Истиқлол туфайли йўлларимиз ҳам, дилларимиз ҳам нурафшон бўлиб бораётган ҳозирги кунларимизга шукроналар айтиб, ўзимизга ўзлигимизга қайтар эканмиз, албатта, бебаҳо бойлигимиз бўлмиш халқ меросини, комил инсонларнинг панд-насиҳатларини, яъни фалсафий фикрларини қалбдан ҳис қилишимиз, уларни ҳаётимизда ижодий қўллашимиз муқаддас бурчимиздир. Шундай экан, комил инсонларнинг ҳаётини ўрганиш ҳам инсоннинг ўзини шарафлаш ҳам Оллоҳни таниш ва билиш калитидир. Бу борада Шайх Азизиддин Насафий шундай ёзади: **“Жумла мавжудот одамзотга шунинг учун сажда қиладики, одамлар орасида комил инсон бор. Бас, жумлаи олам комил инсон туфайли шарафлидир. Мавжудот ичра комил инсондан улуғроқ, шарафлироқ ва донороқ зот йўқ, чунки комил инсон пастдан юқоригача мартабалардаги мавжудотнинг хулосаси ва фаришталар, руҳоний мавжудотлар ҳамда аршу курси, самовату навоқиб – ҳаммаси комил инсон хизматидадирлар ва ҳамиша комил инсон теграсини тавоф қилурлар ва комил инсон ишларини бажо келтурурлар. Комил инсон илоҳий зот сифатларининг ҳам мазҳаридир”.**

Дунё тилларида шундай этнографик терминлар борки, бу терминлар халқларнинг тарихий тараққиёти босқичларини, маданий турмуш тарзини кўрсатиб беради. Бу атамалардан баэзилари тарихий жараёнлар таъсирида кундалик ҳаётимиздан чиқиб кетган бўлса, баъзилари ҳозирда ҳам истеъмолдадир.

“Шарафлаш” атамаси ва уни бошқа тилларда ифодаланиш воситалари, ўзига хос лингвомаданий хусусиятлари устида ҳали етарлича илмий –тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Маълумки, **“шарафлаш”** атамаси – майинлик, меҳрибонлик, нозик, нафис, меҳр билан суйиш, меҳр-

шавқат кўрсатиш, одамга, ўзининг яқинларига бўлган самимий муҳаббатини ифода этиш демакдир.

Шуни айтиш лозимки, **“шарафлаш”** атамасининг лексик маънолари эквивалентлик борасида инглиз ва ўзбек тилларининг миллийлик ва умумийлик хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан, ўзбек тилида болалар ва қизлар учун шундай атамалар ишлатилади, яъни ***асалгинам, шакаргинам*** деб мурожаат қилиш орқали шарафлаш шакли қўлланилса, инглиз тилида ***my honey, my darling*** иборалари қўлланилади. Шуни айтиш лозимки, ***асал*** сўзи айнан икки тил учун шарафлаш маъносида ишлатилса, шакар сўзи эса шарафлаш маъносида фақатгина ўзбек тилига хос бўлиб, тилнинг миллийлик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилади. Ёш болаларга нисбатан ***бўталоғим, қизалоғим, тойчоққинам*** каби шарафлаш атамаси қўлланилса, инглиз тилида эса ***bonny, girlie, kiddy*** каби шакллари қўлланилади. Шуниси қизиқарлики, ***тойчоғим*** шакли инглиз тилида ***my***

horsy эмас, балки ***my bonny*** яъни ***олмахон*** маъносини англатувчи сўз шакли орқали ифода этилади, қизларга нисбатан эса ***bud (гунча)*** шакли қўлланилса, ўзбек тилида ***гул-гунчам*** сўзи эквивалент сифатида қўлланилади**.** Бунда биринчи мисолда миллийлик, иккинчи мисолда эса икки тилнинг умумийлик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда эквивалентлар танланади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, инглиз ва ўзбек тилларида **“шарафлаш”** маъносини англатувчи атамаларни ўхшаш ва ноўхшаш томонларини бошқа мисоллар орқали ҳам кўрсатиб бериш мумкин, бу эса бу атамани яна ҳам қизиқарли ва долзарблигини кўрсатади.

Цели употребления политкорректных замен

Старший преподаватель А. Маматкулов
АГПИЯЗ

Мы выделили три основные цели, для достижения которых прибегают к политкорректной манере:

1. Во-первых, к политкорректной манере обращаются с целью ***не обидеть*** кого-либо или избежать неловких, щекотливых ситуаций (в основном, в так называемой "медицинской" области и сфере косметологии).

   Например, для обозначения толстого человека вместо слова "un gros" в новой языковой манере употребляется политкорректное словосочетание *une personne forte* (дословно "сильный человек").

   А для того, чтобы "мягко" обозначить человека некрасивого, урода появляется перифраза *une personne a physique particulier/atypique* (человек с нестандартной внешностью).

   Аббревиатура *une MST* может заменять словосочетание "une maladie vйnйrienne" для обозначения венерической болезни.

2. Второй причиной появления многочисленных политкорерктных переименований является стремление различных политических и административных деятелей ***скрыть негативные явления*** действительности, "завуалировать" и смягчить слишком "резкие" обозначения. В связи с этим появляются следующие замены:

   Перифраза *un plan social d'accompagnement* иногда используется вместо "licenciement" для обозначения увольнений.

   Словосочетание *un voyage organisй non-volontaire* может употребляться в значении "dйportation" (ссылка).

   Аббревиатура *un SDF* обозначает в политкорректной манере бездомного, бродягу вместо "un clochard".

3. Третьей целью, с которой обращаются к политкорректной лексике, является стремление ***повысить статус говорящего.***

Говорить в политкорректной манере модно. Этим можно объяснить появление многочисленных заимствований из английского языка *(management* в значении "администрация предприятия", *engineering в* значении "разработка", "комплексное проектирование" и др.), а также

употребление сложных перифраз типа *un pays en voie de dŭveloppement* для
обозначения бедных, неразвитых стран, *une mesure d'encouragement в* значении "пособие", "субсидия" и т.п .

Литература

1. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Справочник лингвистических терминов М. 1972.
2. Bйnac. Dictionnaire des synonymes. Li brairie Hachette. 1976
3. Le Petit Larousse. Dictionnaire Encyclopйdique. Larousse 1993.
4. Ganchina K. Dictionnaire frantais-russe. M 1979.

Мактабгача тарбия муассасаларида ва бошланғич босқичда инглиз тили талаффузини ўргатишнинг қиёсий тахлили ва методик тавсиялари

С.И. Омонуллаева, С.А Содиқова
АДТПИ

Мустақиллик йилларидаги муҳим воқеалардан бири, яъни 1997 йил Олий мажлиснинг IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги, қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини» қабул қилиниши бўлди. Президентимизнинг ташаббуси билан тайёрланган қонун ва миллий дастур халқ таълимининг замон талаблари даражасида, жахон андозаларига мос даражада ривожлантириш ислоҳотлари давом этмоқда.

Ўқувчи, талабаларга чуқур билим беришда, айниқса ўқув материалининг сифати, ҳамда ўқитувчининг касб маҳорати муҳим рол ўйнайди, шундай экан, профессор –ўқитувчиларнинг малакасини оширишнинг янги тизими ташкил қилинмоқда.

Олий ўқув юртини ислоҳ қилаётганда уларнинг бошқа давлатлардаги олий ўқув юртлари билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур.

Ўз домлаларимиз билан чекланиб қолмай четдан ҳам домла малакали ўқитувчилар чақиришни йўлга қўйишимиз керак.

Мактабгача тарбия муассасаларида ва бошланғич босқичда инглиз тили талаффузини ўргатиш доимо долзарб бўлиб келган, унинг долзарблиги шундаки, XXI аср ёшларимиз камол топаётган авлодларимиз давлатимизнинг тинмай юксалиши, ҳар томонлама равнақ топиши, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жиҳатидан беқиёс ривожланишида фаол иштироқ этиши лозим. Чет тилини мукаммал эгаллашлари учун унинг талаффузини ўрганиш даркор, бироқ ўзига нотаниш бўлган тилни, унинг талаффузини тезлик билан ўрганиши жуда мушкул жараён ҳисобланади. Бундай қийинчиликларни бартараф этиш учун эса талаффузни ўргатувчи методик қўлланмалар яратиш лозим.

Ушбу мавзуни ёритиш мобайнида, шунга амин бўлдикки, талаффузни ўргатувчи методик қўлланмалар мавжуд, бироқ мактабгача тарбия

муассасаларидава бошланғич босқичда инглиз тили талаффузини ўргатувчи ўқув қўлланмалар саноқли, бу ўз вақтида методистлар эътиборидан четда қолиб кетмоқда.

Чет тили ўқитишнинг методикаси, таълимнинг мақсадлари, мазмуни, воситалари, шунингдек, чет тили ёрдамида таълим-тарбия бериш усулларини ташкил этувчи фандир.

Талаффузни яхши эгаллаш, нутқ фаолиятларини пухта эгаллашга замин бўлади.

а) wite ўрнига wide
it ўрнига eat
pot ўрнига port
send ўрнига sent

деб талаффуз қилиниши сўзларнинг маъносини ўзгартиради. Бола талаффуз қилиши учун, оҳангни яхши билиши керак, у мазмунга таъсир қилади.

Талаффуз ва ритм-оҳанг малакаларини ҳосил қилиш нутқининг фонетика томонини ўргатишнинг асосий мақсадидир.

Теоретические основы исследования творческого аспекта в организации обучения иностранному языку в условиях модернизации содержания образования

ст.преп, Д.Т. Султанова ТГЭУ
Проф. А.Т. Шермухамедов
РЭА им.Г.В.Плеханова
В г. Ташкенте

Развитие личности невозможно без развития ее творческого потенциала. Чтобы привлечь студентов к творческой работе необходимо обеспечить их увлекательным материалом, использовать нетрадиционные формы учета знаний, применять творческие домашние задания, организовывать учебно-воспитательный процесс, вводя элемент новизны, тем самым, направляя развитие личности в творческое русло.

Бесспорно, основной формой организации педагогического процесса является урок. Структура урока представляет собой совокупность его этапов, выстроенных в определенной последовательности и взаимосвязи. Его достоинства: четкая организационная структура, экономичность, возможность взаимодействия обучаемых между собой, воспитание их в учебном процессе. Но у него есть и свои недостатки: единый темп обучения, трудности в учете индивидуальных особенностей студентов, недостаточная связь в процессе обучения.

Все чаще для формирования у обучаемых положительной мотивации к изучению предмета, развития их творческих начал требуется нечто новое, оригинальное – нестандартный урок, имеющий изменения как в целях, методах, средствах обучения, так и даже в самой форме организации занятия. В моей практике наиболее распространены следующие группы

нетрадиционных уроков: конференция, литературная гостиная, викторина, деловая игра, репортаж, интервью.

Нетрадиционные уроки нравятся студентам больше, чем традиционные занятия, поэтому практиковать такие уроки нужно, но не следует превращать их в основную форму работы из-за больших временных затрат, недостаточно высокой результативности.

Для того чтобы как можно больше сторонников-студентов привлечь к активному изучению иностранных языков в моей практике применяются креативные домашние задания, которые позволяют при их выполнении привлекать творческие способности обучаемых, а также направлены на усвоение лексико-грамматического материала в рамках заданной темы. Среди данных заданий имеют место такие задания, как: написание сочинений, писем, докладов, выполнение рефератов, изготовление грамматических карточек, составление заданий .

Новые тенденции в развитии нашего общества содействовали распространению «защиты проекта» как формы групповой деятельности обучаемых. В ней студент выступает как индивидуальность, способная не только оценивать действительность, но и проектировать какие-то необходимые изменения для улучшения жизни.

В проекте студент выступает и как социальное лицо, соотносящее свои личные интересы с общественными интересами, и как творческое лицо, пробующее предложить новые решения отдельных жизненных проблем. Метод проектов направлен на то, чтобы развить активное самостоятельное мышление обучаемого и научить его не просто запоминать и воспроизводить знания, которые дает ему вуз, но и применять их на практике. Чтобы решить проблему, которая лежит в основе проекта, обучаемые должны владеть определенными интеллектуальными, творческими и коммуникативными умениями, чему способствуют работа с текстом (выделение главной мысли, ведение поиска необходимой информации), анализ полученной информации, заключение выводов. К творческим умениям следует отнести: умение вести дискуссию, слышать собеседника, отстаивать свою точку зрения, подкрепленную аргументами.

Проект – это демонстрация конечного результата проведенной работы, которая включает в себя владение активной лексикой и грамматикой в рамках данной учебной темы, а также повторение ранее изученного материала, предваряющих обсуждение проблемных вопросов.

Работа над проектом помогает обучаемым проявить себя совершенно неожиданно. У них появляется возможность показать свои организаторские способности, скрытые таланты. Обучение иностранному языку протекает наиболее успешно, когда студенты вовлечены в творческую деятельность. Процесс работы над проектом стимулирует их быть деятельными, развивает интерес к языку, воображение, творческое мышление, самостоятельность.

Общеизвестно, что для многих студентов вопрос, зачет или контрольная работа являются стрессом, который замедляет их реакцию и не дает возможности вспомнить и ясно изложить то, что они учили, знают.

Нетрадиционные формы учета знаний студентов помогают решить эту проблему, среди которых на практике имеют место следующие: лексико-грамматические тестирования, игровые формы контроля, составление кластеров. На мой взгляд, с помощью таких форм контроля происходит развитие коммуникативных умений студентов в говорении, чтении, понимании на слух и в письме на иностранном языке естественным образом.

Внеклассная работа тоже является составной частью всего учебно-воспитательного процесса. Она способствует более глубокому овладению языком. Чтобы привлечь студентов к творческой внеклассной работе, необходимо обеспечить их увлекательным материалом страноведческого, литературоведческого, игрового характера. Особенно большую роль в моей практике преподавания иностранных языков играют театрализованные мероприятия, поскольку являются основным видом массовой формы внеклассной работы по языку. При проведении таких мероприятий на изучаемом языке вовлекаются даже наиболее пассивные, инертные студенты, которым предоставляется возможность разделить вместе с одногруппниками радость победы и горечь поражения.

Обучение иноязычной лексике при помощи компьютерных технологий

ст.преподаватель Д.Т. Султанова
ТГЭУ,
Проф. А.Т.Шермухамедов
РЭА им. Г.В.Плеханва
в г.Ташкенте

Создание искусственной иноязычной среды в процессе обучения иностранным языкам – один из важных проблемных вопросов современной методики. С ним в первую очередь связана реализация массового обучения двум из четырех основных видов речевой деятельности: аудированию и говорению. Для достижения этой цели используются технические средства обучения. Современный этап развития техники характеризуется переходом к созданию многофункциональных учебных комплексов и автоматизированных обучающих систем на базе компьютера.

Применение информационно-коммуникационных технологий позволяют значительно повысить эффективность процесса обучения иностранному языку. Использование мультимедийных программ при обучении лексике особенно актуально. Мультимедиа позволяет одновременно проводить операции с неподвижными изображениями, динамическими изображениями (видеофильмами, анимированными графическими образами), текстом и звуковым сопровождением. Синхронное воздействие на слух и зрение человека повышает объем, и степень усвоения передаваемой в единицу времени информации.

Целью обучения лексической стороне устной речи является овладение строительным материалом для осуществления устно-речевого общения, т. е. прямыми средствами передачи понятий, мысли в целом

Современная лингвистика рассматривает язык как иерархическую структуру, состоящую из ряда уровней, каждый из которых характеризуется собственным набором языковых знаков. На интересующем нас лексическом уровне функционируют такие единицы, как слова, фразеологические и другие устойчивые сочетания, клише, этикетные и речевые формулы.

Поскольку целью обучения является развитие устных и письменных форм общения, то владение лексикой иностранного языка в плане семантической точности, синонимического богатства, адекватности и уместности ее использования является неотъемлемой предпосылкой реализации этой цели.

Формирование лексических умений и навыков предполагает не только учет сведений формально-структурного характера, но и знание ситуативных, социальных и контекстуальных правил, которых придерживаются носители языка.

За курс обучения в вузе студенты должны усвоить значение и формы лексических единиц и уметь их использовать в различных ситуациях устного и письменного общения, т.е. овладеть навыками лексического оформления порождаемого текста при говорении и письме и научиться понимать лексические единицы на слух и при чтении.

Лексические знания обеспечивают успешное овладение основами всех видов речевой деятельности. Под лексическими знаниями понимается не только совокупность языковых сведений об иноязычном слове, но и знание программ действия со словом, т.е. определенных стратегий обращения с иноязычным словом.

Лексическая креативность придает высказыванию студентов оригинальность и самостоятельность. В таком высказывании всегда присутствуют элементы новизны в изложении мысли, элементы речевого творчества в построении самого высказывания и в использовании при этом лексических и других средств языка.

С ростом познавательных возможностей, повышением интеллектуального уровня развития обучаемых создаются благоприятные условия для совершенствования речевых навыков и умений, в том числе и лексических.

Вместе с процессом развития лексических навыков продуктивного и рецептивного характера происходит становление лексической компетенции - способности студентов определять контекстуальное значение слова, сравнивать его объем в двух языках, выявлять в нем специфически национальное, характерное для культуры народа, который говорит на данном языке.

Одним из способов оптимизации процесса обучения лексическим единицам является использование компьютерных технологий, которые приумножают дидактические возможности традиционного обучения,

одновременно обеспечивая наглядность, аудио- и видео поддержку, контроль. Расширяются возможности использования проектного метода и других нестандартных форм обучения, возрастает роль самостоятельной работы студентов.

При обучении лексике компьютер позволяет создавать комбинированные упражнения. Это серия упражнений, сменяющих друг друга на экране компьютера. Преподаватель может составить комбинированное упражнение для каждого студента, проанализировав его продвижение в изучении лексики.

Компьютер помогает организовать и контроль лексики на всех этапах ее изучения. При обучении с использованием компьютера обучаемые выполняют упражнения одновременно, при этом каждому студенту сразу же сообщается результат. Без применения компьютера преподавателю очень сложно проверить выполнение всех упражнений всеми студентами одновременно из-за недостатка времени на уроке.

Внедрение компьютерных технологий создает предпосылки для интенсификации образовательного процесса. Они позволяют на практике использовать психолого-педагогические разработки, обеспечивающие переход от механического усвоения знаний к овладению умением самостоятельно приобретать новые знания. Компьютерные технологии способствуют раскрытию, сохранению и развитию личностных качеств обучаемых

Хорижий тилларни ўқитишда ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари

Э.Н.Тоштемиров
АДТПИ

Нутқнинг ривожланиши она тили ва хорижий тилларда психологларнинг эътироф этишича, фикрлашни ҳосил қилиш, уни ифода этиш, шунингдек эшитиш ва гапириш кўникмалари орқали ҳосил қилинади.Оғзаки нутқни ривожлатиришнинг психологик хусусиятларига қуйидагилар мисол бўла олади:

1. Маълумки, нутқ ички ва ташқи мотивация туфайли юзага келади. Ички мотивация (inner motivation) орқали сўзловчи ўз муносабатини ифода этиши мумкин бўлган фикрлар ва ҳис туйғуларини ҳосил қилади ва уни кейинчалик тингловчига қарата ифода этиши орқали юзага келтиради.

Нутқнинг ҳосил бўлишида гапирувчи эшитувчига қандайдир қизиқарли, муҳим маълумот ҳақида хабар беради ёки ундан ахборот олади. Мисол учун ўқувчилардан бири шериги билан суҳбатлашиш жараёнида суҳбат нима ҳақида кетаётганига назар ташлаш мумкин. Бунга сабаб тарзда ўкувчи дўстига қизиқ бир ходиса ҳақида гапиради ёки ундан муҳим ахборот қабул қилади. Бу ҳолат ташқи мотивация (outer motivation) натижасидан келиб чиқади. Шунинг учун оғзаки нутқ кўпинча ташқи ҳолатда содир этилади. Ўқувчининг имтиҳонда берадиган жавоби бунга мисол бўла олади.

Ўқитувчи учун ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг биринчи қоидаси: Хорижий тилга ўргатиш давомида ўқитувчи ўқувчиларни эркин гапиришга ундайдиган бир нечта омиллар хақида ўйлаш зарур. Ўқувчиларга бирор нарсани хорижий тилда гапириш, ўз фикрларини, ҳис-туйғуларини ифодалаш учун истак ва хоҳиш пайдо бўладиган шарт-шароитлар билан таъминлаш лозим. Ўқитувчи ўқувчиларнинг оғзаки нутқини доимо ривожлантириши ва рағбатлантириб туриши керак. Ўқувчилар ўзлари жавоб бера оладиган хоҳиш-истакни уйғотадиган бир неча омилларни ўқитувчилар

қўллашлари керак.

2. Ўқитувчи учун ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг иккинчи қоидаси: Ўқитувчи ўқувчиларни бирор ким билан, айниқса синфдошлари билан эркин ва равон гаплаша олишга имкон берадиган ўқитиш жараёнини ташкил қилишлари керак. Синфда ўқувчи ўз нутқини синфдошларига қарата ижро этишлари керак, шунингдек агар у унча янги бўлмаган бирорта матнни сўзлаб берса, унинг синфдошлари матн билан таниш бўлгани учун сўзловчига эътибор беришмайди. Ўқувчи шерикларини бирор бир янгиликни ёки қизиқарли маълумотни гапириб бериш орқали ўзига жалб қила олади. Ўқитувчи ўқувчилар ўзлари хоҳлаган даражада эркин мулоқот қила оладиган муҳит билан уларни таъминлашлари керак.

3. Гапирувчи ўз фикрларини, хис-туйғуларини, муносабатини ифодалашда унинг нутқи доимо эмоционал тарзда ранг-барангдорлик касб этиши керак. Ўқитувчи учун ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг учинчи қоидаси: Ўқитувчи ўқувчиларни ўз муносабатлари, хис-туйғуларини ифодалашда интонацион (ифодали ва оханг билан гапириш) воситаларни қўллай олишларига ўргатишлари керак.

4. Нутқ маълум бир холатда содир бўлиши учун доимо вазиятли (цитуационал) бўлиши мумкин. Ўқитувчи учун ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг тўртинчи қоидаси: Гапиришга ўргатиш давомида ўқувчиларнинг нутқини ривожлантириш учун хақиқий вазиятлар яратилиши керак. Ўқитувчи ўқувчиларнинг нутқи вазиятли бўлиши учун синфда бир неча цитуацияларни ўйлаб чиқаришлари керак. Агар ўқитувчи ўз ўқувчиларини қанчалик яхши билса, улар учун цитуацияларни ярата олиш шунчалик осон кечади.

Нутққа ўргатиш давомида мана шу тўртта психологик омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Бошқа тиллардан ўзбек тилига кириб келган сўзларнинг реклама ва эълонлар орқали истеъмолга кириши

Э. Турғунова
АДТПИ

Замонавийлик давр талаби бўлиб, ҳар жабҳада ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, ўқув жараёнига ҳам ўқув-тарбиявий жараёнида

ўқитувчи имкон қадар замонавий усуллардан қанча кўп фойдаланса, шунча кўп самарадорликка эришади. Кишиларда янгиликка бўлган интилиш улардаги дунёқарашнинг ўсишига олиб келади. Бу оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган хабар ва воқеаларни ҳам замонавий тарзда баён қилинишига, кишилардаги қизиқиш ва интилишларнинг кучайишига сабаб бўлади. Кишиларнинг мулоқот тарзлари турли замонавий воситалар орқали амалга оширилади.Айниқса уяли алоқа воситасининг оммалашиб кетгани хеч кимга сир эмас. Инсонлардаги янгиликка интилиш кундан-кунга ривожланиб бораётгани уларни замонавий воситалардан кўпроқ фойдаланишга асос бўлади. Бунда асосан реклама ва эълонларнинг ўрни беқиёсдир. Бу ўз навбатида замонавийлик билан чамбарчас боғлиқдир, чунки кишилар доим янгиликка, қулайликка интилади. Реклама ва эълонлардаги чет тилидан кириб келган сўзлар тилнинг луғат бойлигини оширишга ҳам катта ҳисса қўшади.

М: Beta tea, BAYCE.

Бу сўзлар чой қутиларига ёзилган сўзлар бўлса ҳам, ўзбек тилига ўзлашиб кетганлиги хеч кимга сир эмас.

Хонадонда чой тугаб қолганда дастёрни дўконга “Baуce”, “Beta” олиб келиши айтилганда, чой назарда тутилади.

Шунингдек уяли алоқа компания номлари: **MTC, Beeline, U-Cell,Perfectumobile,** қурилиш материаллари, **Акfa, Alutex** эшик**,** деразалари, витражлар, ичимлик сувлари **Hydrolife Eco, Shaffof, Montella,**озиқ-овқат махсулотлари: Ona, Yayla,Sana, Моя мечта, Щедрая лето, Халол, Покиза ва хоказо.

Кўриниб турибдики, бошқа тиллардан кириб келган сўзлар махсулот номи тариқасида ўзлаштирилади.

Лизинг, клиэринг, промотер каби сўзлар кейинги пайтларда ҳаётнинг турли жабҳаларида кенг кўламда истеъфода этилмоқда. Шунинг учун ҳам тил тадқиқотчилари тилшуносликни консерватив фан деб атасалар-да, секин силжишлар орқали бўлса ҳам бу фаннинг ривожланиши ўзини намоён этиб туради. Реклама ва эълонлар ҳам тилшуносликка ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётганини эътиборга олиш жоиздир. Бу эса мавзунинг долзарблиги ва унинг аҳамияти нафақат инсонлар орасида, балки жамиятда ҳам муҳим ўринни эгаллагани замон талабига айланиб улгурганлигидан далолат беради.

Ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гапларнинг турли тизимли тиллардаги алломорфик ва изоморфик хусусиятларини аниқлашга доир

Қ.Т.Умирзақов
ЎзМУ аспиранти

1. Турли тиллар материалларининг ўхшаш (алломорфик) ва ноўхшаш (изоморик) хусусиятларини аниқлаш учун биринчи галда муайян терминологик аппаратни (тушунчалар мажмуи ва универсал атамалар) яратиб олиш лозим. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда “Гап”, “Қўшма гап ва унинг мезони”, “Предикативлик ва нопредикативлик”, “Эргаш гап тузилиши мезони”, “Ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гаплар таърифи” тушунчалари ва атамаларини туркология, русистика ва германистикадаги мавжуд назарияларнинг таҳлили асосида ёритиб бериш мақсадга мувофиқ.
2. Синтаксис назариясида «Гап», «Қўшма гап» тушунчалари ҳалигача бир хил таърифга эга эмас. Фикрнинг ҳам конструктив, ҳам функционал табиатини ўзида мужассамлаштирган «Гап» атамасининг турлича талқин қилиниши айрим тилшунослар «Гап» («предложение») атамасидан воз кечиб, гапнинг функционал табиатини акс эттирувчи «жумла» («высказывание») ва гапнинг конструктив табиатини акс эттирувчи «синтактик модель» («синтаксическая модель»), «гапнинг стуруктурал схемаси» («структурная схема предложения») атамаларини ҳам қўллайдилар. «Қўшма гап» тушунчаси талқинида ҳам, ҳатто, синтаксиси чуқур ўрганилган Европа тилларида турли хил қарашлар мавжуд. Бу ҳолат тилшуносларнинг “предикативлик” ва ”эргаш гап мезони” тушунчаларига турлича ёндашишларидан келиб чиқади.
3. «Предикативлик» масаласига русистика ва туркологияда икки хил қарашлар мавжуд.
Биринчи нуқтаи назарга кўра “предикативлик” фақат эга ва кесим муносабати билан характерланади ва унга кўра гап «предикатив» ва «нопредикатив» гапга бўлинади. Бу нуқтаи назар тарафдорлари предикативлик уч хил грамматик категорияларда (модаллик, шахс ва замон) номоён бўлади деб таъкидлайдилар. Иккинчи нуқтаи назар тарафдорлари предикативликни нафақат шахсли феълларга, балки шахссиз феълларга ҳам хослигини эътироф этадилар.
4. Германистикада “предикативлик” грамматик шахс, замон, майл ва модаллик категорияларини эксплитцив тарзда ифодалаши лозимлиги ва феълнинг шахссиз шакллари билан келган гапларда предикативлик мавжуд эмаслиги таъкидланади.

5. Предикативлик тушунчасини турлича талқин қилиниши у ёки бу тилда эргаш гап мезонларига якдиллик билан ёндашишга тўсқинлик қилади. Масалан, туркологияда эргаш гап мезонларини аниқлашда 3 хил қарашлар мавжуд. Кўпчилик тилшунослар феълнинг шахссиз формалари иштирок этган гапларни асосли тарзда содда ёки мураккаблашган содда гап деб

ҳисоблайдилар (Б.А.Серебренников; Н З. Гаджиева; А.М.Бирюкович, Э.А. Грунина; А. М. Щербак; Н.А. Баскаков; А.Н. Баскаков; А.З.Абдуллаев, К.М.Абдуллаев, Л.А Покровская; М.А. Асқарова; Ў. Қ. Юсупов; А. Нурмонов; Н. Маҳмудов; Ғ. М. Хошимов; Т.Б. Умирзаков; М. А. Абдувалиев; И. К. Ўсаров ва бошқалар).

Иккинчи нуқтаи назар тарафдорлари эса агар эргаш гапнинг бош гап эгасидан фарқ қилувчи алоҳида эгаси (“собственное подлежащее”) мавжуд бўлса, қўшма гап, агар бундай эга мавжуд бўлмаса, уларни содда ёки мураккаблашган содда гапларга («осложненное предложение») киритиш лозимлигини эътироф этадилар (А.Абдураҳмонов, Ш.Ш. Шоабдураҳмонов, А.П.Ҳожиев; Р.С.Амиров; Е.К.Дмитриев; П.Азимов; Х.М. Есенов; Т.Р. Кардабаев; М.З.Закиев; Н.Н.Ефремов; Е.И.Убрятова; М.И. Черемисина; Н.К.Демесинова; Г.Г.Саитбатталов; А.А. Юлдашев; В.М.Насилов ва бошқалар). Бу тилшунослар туркий тиллардаги сифатдошли, равишдошли қурилмаларни славян тилларидаги, хусусан, рус тилидаги муқобил қурилмаларга қараганда анчагина кенг синтактик вазифаларни бажаради деб ҳисоблайдилар. Масалан, Е.И.Убрятова фикрича, турколог олимлар орасида қўшма гаплар юзасидан давом этиб келаётган мунозаралар турк тилларидаги қўшма гапларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда равишдошли ва сифатдошли қурилмаларнинг предикатив характерга эга эканлигини ҳисобга олинмаслигидадир.

Ва, ниҳоят, учинчи нуқтаи назар тарафдорлари феълнинг шахссиз формалари иштирок этган конструкцияларни ҳеч иккиланмасдан қўшма гап деб ҳисоблайдилар (А.К.Боровков; В.А. Гордлевский; М.Б. Балакаев; М. Казамбек ва бошқалар).

6. Туркологияда, хусусан, ўзбек тилшунослигида “предикативлик” ва “эргаш гап мезонлари” тушунчаларига турлича ёндашиш эргаш гапли қўшма гаплар, шу жумладан, ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гапларни нотўғри талқин қилинишига сабаб бўлади.

7. Германистикада предикативлик ва эргаш гапларни аниқлаш мезони рус ва туркий тиллардагидек муаммоли эмас[3]. В.Н.Ярцева, А.М.Адмони, Е.В.Гулыга, В.Д. Аракин, Ў.Қ.Юсупов, Ғ.М.Хошимов, Т.Б.Умирзаков, М.А.Абдувалиев, И.К.Ўсаровларнинг фикрларига кўра, германистикада эргаш гапларни аниқлаш мезони остида предикативлик категорияси ётади. Улар хақли равишда таъкидлайдиларки, бош ва эргаш гапларнинг кесимлари фақат шахсли феъл билан ифодаланган синтактик қурилмаларгина қўшма гаплар жумласига киради.

Аммо, таъкидлаш жоизки, рус тилидаги **“Сложноподчинённое предложение с придаточным меры и степени ”** ёки ўзбек тилидаги **“Ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гаплар”** германистикада, хусусан, инглиз ва немис тилларида ҳалигача эргаш гапли қўшма гапларнинг алоҳида турига ажратилмаган ва улар қиёс эргаш гапли қўшма гаплар жумласига киритилади. Бизнингчаг, инглиз тилида уларни **“The complex sentence with adverbial clause of measure and degree”** атамаси билан аташ ва эргаш гапли қўшма гапларнинг алоҳида турига ажратиш мақсадга мувофиқ.

Амалий фонетика дарсларида лингво – дидактик уйинлар

Г. Ўринбоева, Ф. Мухитдинова
АДТПИ

Ҳозирги вақтда чет тили ўқитишда коммуникатив йўналтирилганлик ўрганилаётган тилнинг талаффуз нормаларини ўргатишга жиддий эътибор талаб қилмокда, чунки талаффуздаги ғализлик нутқий мулоқотни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Нотўғри талаффуз тушинушни қийинлаштиради. Шу сабабли ҳам олий ўқув юртларининг чет тили факультетларида хорижий тилни ўргатишда тилнинг барча аспектлари қатори унинг фонетик системасини ҳам пухта ўрганиш талаб этилади. Маълумки, фонетика қаттиқ изланишни талаб этадиган аспектлардан биридир. Инглиз ва ўзбек тилларининг фонетика системаси ўртасидаги тафовут катта. Инглиз тилидаги фонетик ҳодисалар инглиз тили талаффузининг ўзбек тилига нисбатан анча мураккаблигини кўрсатади. Ўзбек тилида ҳарфлар қандай ёзилса, шундайлигича ўқилади, лекин инглиз тилида ундай эмас. Шунинг учун инглиз тили ўз фонетик қурилишига, ўз сифатларига ва қонун қоидаларига эга. Агар биз ана шу қоидаларни билмасак сўзларни тўғри ўқий олмаймиз.

Масалан: phonetics [founetiks], phrase [freiz] сўзларида «р» ва «h» ҳарфлар бирикмаси «f» тарзида талаффуз этилади. Ph [f].

Баъзи унли ва ундош ҳарфлар талаффузда бутунлай тушиб қолади. Масалан: listen [lisn], when [wen] сўзларида “te”, “h” ҳарфлари ўқилмайди.

Ўқувчиларга инглиз тили товушларини ўргатишда маълум қийинчиликларнинг келиб чиқиши ўқитувчидан инглиз тили талаффузига ўргатишда турли фаоллаштириш усулларидан мақсадли фойдаланиш талаб этилади. Бу ўринда уйинларнинг, тез айтишларнинг, топишмоқ ва мақолларнинг аҳамияти жуда беқиёс. Бу ўйинлар ўқувчиларни фонетикани қизиқиш билан ўрганишга, тўғри талаффуз қилишга ўргатади.

Ўйин «ҳарфларни топ» деб номланади. Бу қуйидагича ўйналади: Ўқитувчи доскага ҳарфлари тушириб қолдирилган бир нечта сўз ёзади ва ўқувчилардан уларни топиб тўлдиришларини сурайди. Масалан: t*a*ch*r, ele*ph*nt, te*n*g*r, p*c*ure, c*nso*a*t, c*p*t*l, w*lf ва ҳоказо.

Шунингдек, катакларга жойлашган ҳарфлардан сўзларни топинг каби дидактик топшириқни бажартириш ҳам ўқувчиларда тез фикрлаш кўникмаларини ўстиради.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, ўқувчилар билимини синашнинг энг самарали ва синалган усули тестдир. Бунда ўқитувчи мавзудан келиб чиқиб, турли хил тестлардан фойдаланиши мумкин.

“Ким топқир” деб номланган ўйин ҳам ўқувчиларнинг қизиқарли ўйинларидан ҳисобланади. Ўйин савол - жавоб тарзида ўтказилади. Ўқитувчи талабаларга ўтилган мавзулардан келиб чиқиб қизиқарли саволлар беради ва ўқувчилар бунга тез, аниқ ва тўғри жавоб беришлари керак бўлади.

Шундай қилиб, амалий фонетика дарсларини ўтишда дидактик ўйинлардан фойдаланиш хусусида айрим намуналар келтириб ўтдик. Бу усуллардан аввал ҳам самарали фойдаланилган ва ҳозирда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Ҳозирги замонавий техникалардан телевизор, компьютер, магнитофон, лингафон кабилар ўқитувчи учун ажойиб ёрдамчилар бўла олади. Бундан ташқари ўқувчиларнинг талаффузини ўстиришга йўналтирилган усулларни тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш ва илғор тажрибани оммалаштириш орқали ҳам ўрганиш лозим.

Ҳулоса қилиб айтганда, ҳозирги пайтда чет тил ўрганишга бўлган эҳтиёж ва қизиқиш кундан кунга ўсиб бормоқда ва хорижий тилни ўрганиш замон талабига айланмоқда. Биз ўқитувчиларнинг юксак вазифамиз – ўқувчиларда инглиз тилининг талаффуз нормалари асосида шунга мос кўникмаларни ҳосил қилиш ва уларни билимли, ақлли, одобли ва ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашдан иборат.

Зеро, тил билган – эл билади.

Бевосита таржима – мукаммал таржима мезони

Б. Холбекова
АДТПИ

Тилшунослик ва адабиётшунослик замирида ривожланиб, алоҳида фан сифатида шаклланган таржимашунослик, ҳозирги адабий глобаллашув жараёнида муҳим соҳалардан бирига айланиб бормоқда. Буни бадиий таржима амалиётида янада теранроқ хис этиш мумкин. Модомики, гап бадиий таржима ҳақида борар экан, шу ўринда биз бевосита ва воситали таржималарга ўз муносабатимизни билдириб ўтишни жоиз деб ўйлаймиз. Бунда бизга буюк шотланд шоири Роберт Бёрнс асарларидан айрим намуналар, ҳамда кўплаб жаҳон адабиёти дурдоналарини рус халқининг маънавий мулкига айлантирган машҳур шоир ва таржимон Самуил Маршак таржималаридан айримлари асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Даврлар ўтиши билан таржималар ҳам янги давр китобхонининг эҳтиёжларига кўра қайтадан сайқал топиб, мукаммаллашиб бораверади. С. Маршак Бёрнс шеъриятидан ўзининг илк таржималарини талабалик пайтида 1924 йилда амалга оширган ва 1930 йиллар охиридан то умрининг сўнгги йилларигача нашр эттириб борган. С. Маршакнинг Р. Бёрнсдан амалга оширган таржималари ҳақида етук рус бёрнсшунос олим Горький университети профессори С. А. Орлов, инглиз адабиётининг эксперти, Л. В. Севрюгинанинг хатига ёзган жавобида шундай дейди: “Очиғини айтганда *“Tam O’Shenter”* Тэм Шентернинг таржимаси менга ёқди, баъзи эпиграммалар, Мегги ҳақидаги сатрлар моҳирона ўгирилган, *“The Jolly Gauger”* (“Хушчақчақ гадолар”) кантатаси таржимаси ҳам қизиқарли чиққан. Баъзи шеърлар, жумладан *“John Barleycorn”* (“Жон Арпа дони”) балладаси таржималари эса муваффақиятсизроқ амалга оширилган. Сиздан

ниҳоясига етказаётган энциклопедиямга мазкур таржималардан битта ёки иккитасини киритишимга рухсат сўраб қоламан.”[1]

Бёрнс шеърияти таржималарини кузатар эканмиз, бир неча таржималар хусусида таниқли бёрнсшунос олим, профессор С.А.Орловнинг дўстона эътирозини ўринли деб айта оламиз. Масалан, Роберт Бёрнснинг *“The Lass That Made The Bed To Me”* (“Тунаш учун жой берган дилдор”) номли воқеабанд шеърида шоир қиз тишининг оқлигини фил суягига қиёслайди *“Her teeth were like the ivorie”*, яъни “Тишлари фил суягига ўхшайди”, дейди. Аммо бу ўхшатиш рус, ўзбек, қозоқ тилларидаги таржималарда сабабсиз қолдириб кетилган. Ўша мисрани тўла банди билан келтирамиз:

Инглизчаси: *Her hair was like the links o’gowd,*
Her teeth were like the ivorie,
Her cheeks like lilies dipt in wine,
The lass that made the bed to me.[2]

Русчаси: *Был мягок шёлк её волос,*
И завивался, точно хмель,
Она была душистей роз,
Та, что постлала мне постель.[3]
(Самуил Маршак)

Ўзбекчаси: *Сочлари-чи, бирам жингалак,*
Ипакдан ҳам майинлиги бор,
Таратишда хуш бўй ул малак,
Атиргулни айларди бекор.[4]
(Муҳаммад Али)

Қозоқчаси: *Есіліп шашы құлмақтай,*
Тосегін салған қарағым,
Анқиды исі гул бақтай-
Елжіреп балқып барамын[5].
(Қувондиқ Шанғитбоев)

Кўриниб турибдики, уччала тилдаги таржималар ҳам нафосат ила қайта яратилган. Уларда шакл, оҳанг мутаносиблиги мавжуд. Айниқса, таржимонларнинг қофия яратишдаги маҳоратларига таҳсинлар айтсак арзийди. Шуниси қизиққи, аслият вариантида ҳам бунчалик тўлиқ, гўзал қофиялар яратилмаган. Юқорида таъкидланганидек, Самуил Маршак амалга оширган таржималар ўзбек ва қозоқ таржимонларига оригинал(аслият) вазифасини ўтаганлиги сабабли, уларнинг таржималарида ҳам худди Маршакдагидай: *“Her teeth were like the ivorie”* мисраси, яъни қизнинг тишларига берилган сифатлаш ўз аксини топмаган ва бунинг натижасида

---

[1] robertburnslive@hotmail.com
[2] Ўша манба.
[3] Роберт Бёрнс в переводах С.Маршака. М., 1959. Стр.113
[4] Роберт Бёрнс. *Қўшиқ ва балладалар.* Т., 1971 34 - бет.
[5] . Роберт Бёрнс. Алматы 1979 138 - бет.

ўша банддаги мазмун тўла сақланмай қолган. Ишончимиз комилки, забардаст шоирлар Муҳаммад Али ва Қувондиқ Шанғитбоевлар ўша пайтда ўз таржималарини бевосита инглиз тилидан амалга оширганларида, бевосита таржиманинг самарали мезонини ёрқин кўрсатиб берган бўлар эдилар албатта.

Бевосита таржиманинг ўзига ҳос қийинчиликлари, инжиқликлари баъзан етук таржимонларни ҳам изтиробга солиб қўяди. Юқорида таъкидлаганимиз – қиз тишининг оқлигини фил суягига қиёслаб, аслият тилидаги матндагидек таржима қилинса, асарни ўқийдиган китобхонда ғалати тасаввур пайдо бўлади. Шотландлар учун бу аслида табиий ҳодиса, яъни биринчидан, фил суяги ниҳоятда қадрли қимматбаҳо ишлаб чиқариш хом ашёси бўлса, иккинчидан, унинг ранги оппоқ. Шуни айтиб ўтиш керакки, агар ўзбек таржимони аслият тилидаги мазкур ўхшатишни ўшандай қабул қилиб, асар таржимасининг тагматнида минг изоҳ бермасин, бизнинг назаримизда, ўзбек ўқувчисининг кўз ўнгида барибир "сўйлоқ тишлар" намоён бўлаверарди. Бунинг сабаби, биринчидан, биз яшаётган муҳитда филнинг ўзи йўқ, бўлса ҳам биз уни ҳайвонот боғида учратамиз. Иккинчидан, баҳайбат фил суяги ҳақида яхши тасаввурга эга эмасмиз. Учинчидан, фил суяги ўзбеклар учун шотландлардагидек қимматга эга эмас. Бу руслар учун ҳам шундай бўлиши табиий. Шу сабабдан бўлса керак, Маршакдай буюк таржимон ҳам, аввал айтиб ўтганимиздай, назмий таржима машаққатларидан изтироб чеккан ва бунинг устида кўп бош қотириб ўтирмай, *"Her teeth were like the ivorie"* мисрасини таржимадан тушириб қолдирган.

Ўзбек таржима назарияси бой тажрибага эга. Ундаги оригиналга содиқликдай шарафли бурчни эъзозлаган ҳолда рус, ўзбек ва қозоқ тилларида (1930-1971-1979) йилларда амалга оширилган таржималарда тушиб қолган мисрани бевосита инглиз тилидан ўзбек тилига ўгириш орқали қайта яратишга жазм этамиз:

Майин эди сочи ипакдан,
Тишларин дур қатори дейсиз.
Менга ўрин - жой солиб берган
Гул юзни гул ифори дейсиз.

Ўзбек миллий адабиётидаги анъаналарга кўра, қизларнинг тишларини дурга, марваридга қиёсланади. Бунда, албатта, унинг чиройлилиги, оппоқлиги, қадр-қиммати назарда тутилади.

"Жон Арпа Дони" балладасининг охирги бандидаги русча, ўзбекча ва қозоқча таржималарида ҳам оригиналга зид ўзгартиришлар юз берган. Юкорида эслаганимиз профессор С.А.Орлов ҳам шуни назарда тутган бўлса керак.

Then let us toast John Barleycorn,
Each man a glass in hand;
And may his great posterity

Ne'er fail in old Scotland![1]
Рус тилида(С.Маршак)
Так пусть же до конца времен
Не высихает дно
В бочонке, где клокочет Джон
Ячменное Зерно![2]
Ўзбек тилида(Муҳаммад Али)
Шундай бўлсин то охир замон,
Менинг фармоним:
Сен бор хумча бўлсин-да омон,
Жон Арпа Дони![3]
Қозоқчада(Қ.Шанғитбоев)
Бар кылыгы болгасын жон,
Кутты болсын ер кадамы,
Кеспегінде кайнасын Джон,
Кайнасын Джон Арпа Дені!

Бизнингча, сўнгги банднинг бевосита таржимаси бундай бўлиши керак эди:
Келинг, мудом Арпа Дон-ла
Қадаҳлар майга тўлсин;
Кўҳна Шотланд ўғлонлари
Бу дунёда бор бўлсин!

Юқорида келтирилган мисоллар, машҳур таржимон С. Маршакнинг "Ҳар сафар бу(бадиий таржима назарда тутилмоқда – ***Б.Ҳ.***)истисно сифатида қаралиши лозим" деган фикрини исботлаб турибди. Демак, бевосита таржима – мукаммал таржиманинг асил мезони бўлиб қолаверади.

Табиат ҳодисаларини ифода этувчи стилистик воситаларнинг прагматик функцияси

Ж. Эгамбердиев, И. Эгамбердиева
АДТПИ

Стилистика тилшуносликнинг энг мураккаб бўлимларидан бири бўлиш билан бирга, жуда қизиқарли фан ҳисобланади. Нутқни эмоционал ёки мантиқан кучайтириш мақсадида турли стилистик воситалардан кенг фойдаланамиз. Бу ҳодисани дунёнинг барча тиллари доирасида кузатиш мумкин. Шундай стилистик воситалардан бири табиат
ҳодисаларини ифода этувчи ономотопеядир.

---

[1] Роберт Бёрнс в переводах С.Маршака. М., 1959. Стр.167
[2] Роберт Бёрнс. *Қўшиқ ва балладалар.* Т., 1971 9 - бет.
[3] Роберт Бёрнс Алматы 1979 18-бет

Ономотопея фонетик стилистик восита бўлиб, ўзбек тилида тақлид сўзлар деб юритилади. Ушбу стилистик восита табиатдаги барча ҳодисалар: шамол, ёмғир, момоқалдироқ, денгиз, шаршара кабиларнинг овозига, шунингдек, инсон, ҳайвон ва предметларнинг овози ва ҳатти-ҳаракатларига тақлидни билдиради. Воқеа-ҳодиса қандай содир бўлган бўлса, тилда шундайлигича ўз аксини топади. Масалан:

“Ташқаридан қушларнинг чуғур-чуғури эшитиларди “.

“The twitter of the birds was heard outside”.

Ушбу мисоллардаги *“чуғур-чуғур”* ва *“twitter”* сўзлари қушларнинг овозига қилинган тақлид сўзлардир.

Ономотопея оғзаки нутқда, шу билан бирга бадиий адабиётда ҳам кенг ишлатилади.

“Эшикнинг “тарақ” этиши уни чўчитиб юборди”.

“The bang of the door frightened him”.

Юқоридаги мисолларда ономотопеянинг инглиз ва ўзбек тилларидаги кўриниши берилган бўлиб, улар бу икки тилда баъзан бир-бирига ўхшаса, баъзан фарқ қилади. Масалан:

bang – тарақ, crash – қарс, splash – шалоп, pop – пақ, crunch – ғачир-ғучир, meaw – миёв, boom – гум, buzz – визз, beep – биип ва ҳоказо.

Инглиз тилидаги ономотопеялар қуйидагича кўринишда намоён бўлади:

ликопчанинг синиши	- smash
шарнинг ёрилиши	- pop
ўқ овози ёки эшикнинг ёпилиши	- bang
чироқнинг ёқилиши	- click
қўнғироқнинг чалиниши	- tinkle
шер наъраси	- roar
итнинг ҳуриши	- growl
қушлар чуғури	- twitter

ва бошқалар.

Ономотопеядан болаларнинг эртак китобларида, мультфильмларда ҳам кенг фойдаланилади.

“I know which is the sweetest meat of all. It is the meat of ... Just then the swallow flew down bit the mosquito’s tongue. “... bzzz, bzzz” continued the mosquito because he could not speak. From that time on the mosquito can only say “bzzz, bzzz”. (Fly High).

Дунё тиллари ичида Япон тили ономотопеяга бойлиги билан ажралиб туради. Ҳалигача олимлар бу тилдаги ономотопеяларнинг муқобил кўринишлари устида ишлар олиб бормоқдалар.

Ономотопея атамаси дунё тилларида турлича номланиб, табиат ҳодисаларининг овозларига ҳам турлича тақлидни ифодалайди. Масалан инглиз тилида кулгуни ифодаловчи *he, he, he* испан тилида *ji, ji, ji* тарзида ишлатилади, инглиз тилида мушукларнинг овозига *miaow*

ономотопеяси ишлатилса, япон тилида *пуао*, немис тилида эса бу *miauen* сўзи билан ифодаланади. Францияда ичимлик ичганда *glou – glou* тақлид сўзи қўлланса, Ўзбекистонда *қулт – қулт*, Англияда бу *glug – glug* дейилади. Данияда тез ёрдам машинасининг овозига *barbu – barbu*, ўзбек тилида эса *ви-ву, ви-ву* ономотопеяси ишлатилади. Ари овози инглиз тилида *buzz,* немис тилида *summen*, хитой тилида *weng* ономотопеялари билан ифодаланади.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, дунё тилларида ономотопея турлича ишлатилиб, турли кўринишга эга. Ушбу стилистик восита ёрдамида асарлар янада табиийроқ ва гўзалроқ кўринишга эга бўлади.

The big brown hen and Mrs Duck
Went walking out together,
They talked about all sorts of things
The farmyard and the weather
But all I heard was: “Cluck! Cluck! Cluck!”
And “Quack! Quack! Quack!”
From Mrs Duck.

Ономотопеяни тез айтишларда ҳам учратамиз.

“ A Lazy zebra Desmond is dosing at the Zoo,
The flies are buzzing round his eyes, ears, and nose too.” (Fly High).

Ономотопея ё от ё феъл тарзида намоён бўлишини кузатиш мумкин.

The children splashed around in the pool.
The vase made a loud crash when it fell on the ground.
The baby babbled in her crib.
I could hear his watch beeping.
The gun went off with a loud bang.
Their children were so quite they didn’t even make a peep.
The buzz of bees all over the place don’t let me sleep.
There was a loud boom when the bomb exploded.
Snip- snip- snip went the scissors, as she cut out the piece of cloth.
There was a loud whoosh as the plane passed overhead.

Ономотопея немис тилида ҳам худди инглиз тилидек кенг тарзда қўлланилади. Масалан, plumps – шалоп, Krach – қарс, Pfeifen – шамолнинг гувиллаши, bellen – вовиллаш, wichern - отнинг кишнаши ва ҳоказо.

Рус тилида ҳам кундалик ҳаётимизда турли ономотопеяларга дуч келамиз. Юқоридаги мисолларни рус тилига жуда чиройли тарзда таржима қилишимиз мумкин. Масалан:

Он испугался от звука с треском закрывшейся двери.
В саду было слиышно жужжание пчёл.
Журчание воды успокаивали нервы.
Лягушки квакали в пруду.

Бу мавзу жуда кенг қамровли бўлиб, у ҳақда узоқ мунозаралар олиб бориш мумкин ва катта – катта илмий ишлар қилиш мумкин. Шунинг учун биз бу мавзуга оид глобал муаммоларга тўхталмадик, фақатгина ўз фикр мулоҳазаларимизни билдириб ўтдик холос.

Хорижий тил ўқитишда тинглаб тушуниш ва гапиришга ўргатишнинг аҳамияти

Якубова М. М
АДТПИ

Ҳозирги кунда мустақил Республикамизда хорижий тилларни мукаммал биладиган етук мутухассисларга талаб ортиб бормоқда. Хусусан инглиз тилини ўрганишни давр тақозо этмоқда. Ҳар томонлама баркамол ўз касбини яхши билувчи кадрларни тайёрлаш мақсадида барча ўқув юртларида инглиз тилини ўқитишга катта эътибор берилаётганлиги ҳаммамизга маълум.

Хорижий тилда нутқий мулоқотни амалга ошириш учун нутқ фаолияти турларига мос бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш талаб этилади. Нутқий фаолият: оғзаки ва ёзма тарзда амалга ошади. Оғзаки нутқ, яъни гапириш нутқий фаолиятнинг бошқа турлари билан ҳам боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради. Тинглаб тушуниш ва ўқиш орқали маълумот олинса, гапириш ва ёзиш орқали маълумот узатилади. Ўқувчиларда тинглаб тушуниш кўникмасининг қанчалик яхши шаклланганлиги гапириш ва тўғри талаффуз қилиш билан боғлиқ кўникмаларини ўстиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади ва хорижий тилда берилаётган ахборот мазмунини аниқ тушунишга ҳамда ушбу ахборотни қайта айтиб бериш, яъни “retelling” билан боғлиқ кўникмаларни шакллантиришга ҳам ёрдам беради.

Хорижий тилдаги аудитив кўникмаларни ўстиришда ва гапиришга ўргатишда ўқитувчининг нутқи муҳим ўрин тутади. Ўқитувчи ўқув жараёнида ўрганилаётган хорижий тилда қанчалик кўп гапирса, аудиторияда хорижий тил муҳити шунчалик узоқ сақланиб туради. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларда тинглаб тушуниш кўникмаларини ўстиришга ёрдам беради.

Тинглаб тушуниш учун танлаб олинган матнлар хорижий тил ўрганувчиларининг ёшига, қизиқишига ва билим даражасига мос бўлиши лозим. Ўқитувчининг нутқини равонлиги, талаффузининг тиниқлиги, гапириш тезлиги ҳам меърий даражада бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий тилларда тинглаб тушуниш ва гапиришга ўргатишда турли хил йўналишдаги машқлардан фойдаланиш мумкин. Масалан, ўқитувчи ўқувчиларнинг ёшига мос равишда монологик ёки диалогик нутқдан иборат бўлган матнни ўқиб эшиттириш учун тайёрлайди. Матнни эшиттиришдан аввал уларга топшириқ беради. Топшириқ қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Матнни диққат билан тингланг ва тушунишга ҳаракат қилинг.
2. Матндаги тушунишга қийин бўлган қисмларни ўзбек тилига таржима қилинг.

3. Берилган саволларга жавоб беринг.
4. Матн мазмунини қисқача оғзаки ёки ёзма равишда баён қилинг.

Бундан ташқари хорижий тилларда тинглаб тушуниш ва гапиришга ўргатишда ролли ўйинлардан фойдаланиш, дарсни баҳс-мунозара шаклда ёки ўйин тариқасида ташкил этиш кенг қўлланилмоқда. Масалан, “Кинонинг ҳаётимиздаги роли” мавзусида баҳс-мунозара ўтказиш мумкин. Бунда мавзу қуйидаги бўлимларга ажратилади:

1. Турли жанрдаги фильмлар, уларнинг тамошабинларга таъсири.
2. Инсонларнинг маданий савияси ва таъбининг ривожланиши.
3. Кўнгилочар ва таълимий фильмлар.

Ушбу нутқий фаолият мобайнида ўқувчилар ўртоқларининг фикрларини тинглаб тушунадилар ва ўз навбатида шахсий фикрларини баён этадилар.

Тил ўйинлари ўқувчилардаги уялиш, иккиланиш, хато қилиб қўйишдан чўчиш каби психологик тўсиқларни олиб ташлашга ва уларни ўйин асосидаги нутқий фаолиятда ҳеч иккиланмасдан фаол иштирок этишларига имкон яратади. Йўл қўйилган хатолар эса, ўйин тугагандан сўнг тўғриланади. Бу ўқувчиларни ўз кучларига ишончини мустаҳкамлашга ва ўз фикрини ўрганаётган хорижий тилда ифодалашга ўргатади.

Хорижий тилда тинглаб тушуниш ва гапиришга ўргатишга юқорида келтирилган омиллар ва тавсияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув машғулотларини ташкил этиш аудитив кўникмаларни шакллантириш ва ўстиришда кафолатланган натижаларга эришишга ва хорижий тилни ўрганиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

III .БЎЛИМ. ТИЛШУНОСЛИКНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

Аёллар ва эркаклар нутқида қўлланиладиган вулгаризмлар гендерлинвистиканинг муаммоси сифатида

С.Г. Абдулазизова, З.Н. Жўраев
АДТПИ

Маълумки, эркак ва аёллар жинсига анъанавий равишда хос бўлган меъёрий хулқ - атвор наъмуналари мавжуд. Эркак ва аёл ўртасида нутқнинг фарқи фақат товушлар орқали эмас, балки сўзлар орқали ҳам фарқланади, ҳамда ҳиссий руҳий ҳолатлар билан боғлиқ сўзларни ифодалаш орқали амалга ошади, дағал ва ингичкалик, чўзиқ ва лўндалик, ғазаб ва мулойимлик, охисталик ва бошқалар. Масалан: а) жувонмарг, жувонсўхта, молфахм, ярамас, чўчқа; б) аблах, ифлос, хотинбоз, хезалак, исқирт ва бошқалар.

Кўриниб турибдики, аёллар эркакларга нисбатан мулойим, эркаклар эса қаҳр, ғазаб, жахл, дарғазаблик каби эмоционал хусусиятлари билан ажралиб туради.

Вулгаризмлар оғзаки нутқ лексикаси ичида ажралиб туради. Вулгар сўзлардан ёзувчилар бадиий асар қахрамонларининг нутқий хусусиятларини ифодалаш мақсадида фойдаланадилар. Вулгар сўзлар орқали ёзувчилар салбий образни намоён этадилар. Шубҳасиз, бу образ ўқувчиларнинг нафратини қўзғайди, асарнинг таъсирчанлигини, тасвирийлигини оширади. Шу ўринда фақат аёллар томонидан ишлатиладиган вулгар сўзлардан бир нечасини мисоллар тариқасида келтирмоқчимиз.

Damn your eyes! – кўзларинг оқиб тушсин!;

Cut the crap! – Кўп шанғиллама!;

To hell with it ! – ўлиб кетмайсанми!;

Feel like hell! – Тузалмас касалга дучор бўл!

Мисоллаардан кўриниб турибдики, вулгаризмлар ҳар бир тилда мавжуд бўлиб, ҳар бир ёзувчи ундан кенг фойдаланади.

Don’t be a bloody hero – нечего корчить из себя героя;

Go and drown yourself – Идите вы к чёрту ва бошқалар.

Демак, эркак ва аёлларнинг алоқа аралашувида сўз ва иборалар, албатта, ўзича хосликларга эга. Шу билан бирга, нутқнинг паст – баландлиги, тезлиги, оҳангдорлиги, инсонларнинг сўкиши, бақириши, йиғиси, имо – ишоралари билан ҳам бир – биридан фарқ қилади.

Шундай қилиб, вулгаризмлар луғат составида том маънодаги стилистик қатламни ташкил этмайди. Бироқ улар оғзаки нутқда маълум бир стилистик мақсадларда унумли қўлланилади. Бу хол уларни оддий сўзлашув лексикаси қаторида ўрганиш учун асос бўлади. Таъкидлаганимиздек вульгаризмларни ўрганишда гендерлингвистиканинг ўрни беқиёс, уларни аёллар ва эркаклар томонидан ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу мақоламизда биз асосан аёллар ва эркаклар нутқида ишлатиладиган вулгар сўзларни мисоллар орқали ёритишга ҳаракат қилдик. Бу мавзуни келажакда мукаммал изланишга ҳаракат қиламиз.

Тил маданияти миллат маданиятининг муҳим ҳусусиятидир.

Ф.Абдураззоқова
АДТПИ

Ўрта Осиё республикаларида 10 йил давомида 2 марта алифбо ўзгарди. 1927 йилда арабча ёзув, лотин ёзуви билан алмаштирилди, 1938 йилда лотин ёзуви ўрнини кириллча ёзув эгаллади. Бу ерда пухта ишлаб чиқилган руслаштириш сиёсати амалга оширилди, Байналмилалчилик шиёри остида миллий тиллар йўқ қилиниб борилди, ислом қувғинга дучор этилди, миллий маданиятларнинг ривожланишига тўғаноқ қўйилди. 1923 йилда “Буржа” миллатчилиги, “Пантуркизм”, “Панисломизм” каби тушунчалар пайдо бўлиб улар миллий ғояни илгари сурувчи, миллий тил хақидаги асарларга қарши сиёсий айблов сифатида қўлланди, бу Осиёдаги бошқа халқлар билан маданий алоқаларнинг авлодлар ўртасидаги боғлиқликнинг йўқолиши, жадидчиликнинг сиёсий жихатлар ва жисмонан йўқ қилинишига олиб келди. Жадидчилик Ўзбекистондаги деярли барча зиёлиларни қамраб олган

миллий тил, маданият, маориф анъаналарини ривожлантириш учун курашган миллий, оқим эди. 1938 йилда буюк ёзувчилар Фитрат, Чўлпон ва Абдулла Қодирий отиб ташланди. 1940 йилларда Сталин лагерларидан бирида шоир Усмон Носир халок бўлди лекин, ўша даврда миллий республикаларнинг маданий қурилишида қўлга кирган ютуқларни ҳам инкор этиш нотўғри бўлади. Собиқ совет хукуматининг даслабки 25 йил ичида бу ерда саводсизлик тугатилди, халқ орасидан чиққан ёзувчи ва шоирларнинг авлоди вояга етди. Бу ерда 1920 йиллардаёқ очилган театрлар, Университетлар, киностудиялар ва маърифат муассасалари катта аҳамиятга эга бўлди. 1930 йилларда миллий Республикаларда чинакам маданий инқилоб рўй берди ва у бу республикаларга илғор давлатлар даражасига кўтарилиш имконини берди.

Абдулла Авлоний ҳам сўзнинг инсон қадр қимматини белгилашдаги ролига умуминсоний қарашларда келиб чиқиб баҳо берди. Сўзнинг маъносига алоҳида диққат эътибор берди. **Тил** ва **Сўз** одоби ҳақида фикрларни давом эттирди "Сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатдурғон тарозидур. Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини илм ва қувватини қадр ва қимматини сўзлаган сўзидан билурлар.

Агар "Сўз ва ақл ва ҳикматга мувофиқ бўлиб, ўзи

ёки эшитувчига бир фойда чиқадурғон бўлмаса, асал арилар орасида ғунғиллаб юрган қовоқ ари каби қуруқ ғунғулламоқ фақат бош оғриғидан бошқа бир нарса эмасдир. Бошимизга келадурғон қаттиқ кулфатларнинг кўпи юмшоқ тилимиздан келадур. Шунинг учун "Кўп ўйла оз сўзла" демишлар.

Тилга, маданиятга муҳаббат ҳар бир кишининг халқига бўлган муҳаббатидур. Авлонийнинг ўқитилишича ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурғон ойинайи ҳаёти **Тил** ва адабиётидур.

Махмуд Кашгари как Великий исследователь тюркского языка, этнографии и литературы

В.Л. Задоян, М.Зокирова
АГПИЯЗ

В 1915 г. в городе Стамбуле вышла трехтомная книга « Дивани лугат ат-тюрк – « Собрания тюркских наречий» которая стала временем шествия по всем странам мира имени Махмуда Кашгари и его произведения.

Материалы о биографии М. Кашгари весьма скудны. Его отец родом из Кашгара. В то время тюрки имевшие арабское образование по традиции тех времен подучали фамилию по названию местности где они родились. Его отец, хотя и родился и рос в Кашгаре большую часть своей жизни прожил в Баласагуне (нынешний г. Токмак В Киргизии). Будущий ученый свои детские и юношеские годы провел в кишлаках у озера Иссык – куль.

Махмуд Кашгари получил высшее арабское образование и являлся выдающимся ученым своего времени.Он в совершенстве знал арабскую

филологию и применил полученные знания для исследования языка и литературы,истории и этнографии родного края.

Ряд исследователей исходя из того что Махмуд выходец из Кашгара, делают вывод, что он уйгур и писал на древне уйгурском языке. Но это еще не точно потому что трудно разобрастся в тогдашнем этническом составе города Кашгара.

Кашгари затратил многие годы своей жизни на сбор материалов, их систематизацию и обработку. Свой труд он написал на основе языка не одного племени, а нескольких. Об этом он пишет: «Я затратил долгие годы, чтобы обьехать города, кишлаки и джейлау тюрков, туркмен, Огузов, чигилов, ягма, киргизов занимаясь сбором слов из их языков, изучая произношение различных говоров, уточняя все это, я занимался этим делом не потому что не знал языки, а для того, что бы определить их особенности, тончайшие оттенки касающихся значения и формы слов различных племен. Ведь в знании языка я был самым выдающимся, известным специалистом, самым счастливым, принадлежал одному из древних племен … Я обратил на них столь большое внимание потому, что мне пришлись по душе языки тюркского, туркменского, огузского, чигильского, ягма и киргизского племен. Эти языки я привел к одной системе, упорядочив их».

Труд М.Кашгари в основном посвящен систематизированному пояснению языкового строя тюркских племен. В книге рассказывается не только о том, какие народности говорили на каких языках, но и о границах земель этих народов, откуда они пришли, в каких местах они обитают и .т.д.

М.Кашгари жил и трудился в Х1 веке. Этот период история связывает с караханидским государством. В Х1 в. господствовали над другими племенами Карлукские племена столицей был Баласагун. Одно время границы караханидского государства простирались от се миречья до Кашгара, Бухары и Самарканда. На территорrии страны бытовал тюркский бытовой язык, который имел две различные литературно – письменные традиции, обусловленные этническим составом населения. Одна – на востоке страны сформировалась на основе языков карлуко - уйгурских племен, другая- в западной части государства – на основе огузо-кипчатских языков.

Одной из ценностей труда М. Кашгари является то что он свои рассуждения основывает на фактах из народно- разговорного языка. Автор относит к тюркам 20 различных племен каждое из которых в свою очередь делится на несколько родов. Он предупреждает читателей, что называет только крупные роды, не упоминая мелкие. М. Кашгари подразделяет тюркские племена на две группы и перечисляет их в порядке расселения с запада на восток. К первой группе (северные) он относит западные племена-бегенеков (печенегов), кипчаков (половцев), Огузов, иемеков, башкурт, басмил, кайев, йабаку, татар, киргизов. Ко второй группе (южной) – чигилов, тухси,ягма, ыграков, йаруков, йулуков, уйгуров, ктаев, табгачей. А племена согдаков,аргу,тубутов (тибетцев) он считает чужеземными пришельцами. О тубутах он пишет: «тубусы – это племя, живущих на тюркских землях и

здесь осевших. Они давно позабыли родной язык, научились тюркскому языку но произносят тюркские слова по своему. Например слово «ана» (мать) произносят «ума», слово «ота» выговаривают «оба».

М. Кашгари впервые составил классификацию тюркских наречий. Он разделил тюркские наречия на две группы – северную и южную.

М. Кашгари не обходит и такой вопрос, как степень развития того или иного тюркского языка. По словам М.Кашгари, самый легкий из тюркских диалектов – огузский, самый звучные и красивые наречия племени тухси и племен, обитающих вдоль городов. Самый распространный язык уйгурский В эпоху Кашгарий он играл роль литературного языка.

Сравнительно – исторический метод изучения языков был разработан на Западе в Х1Х веке, на востоке в труде Махмуда Кашгари – он зародился еще в Х1 веке.

Онамастик тадқиқот методлари ва тилшуносликнинг бошқа фанлар билан муносабатига доир

ф.ф.д., проф. Б. Йўлдашев
СамДУ

Умуман, жахон ономастикаси ҳам, жумладан ,туркий ономастика ҳам ўз тараққиёти давомида қуйдаги уч босқични босиб ўтган: а) ономастик материални оддий қайд қилиш даври ёки ноилмий давр. XIX асргача барча фанлар сингари ономастика фани ҳам қиёсий- тарихий метод шакллангунча қадар бўлган давр. Масалан, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замаҳшарий асарларида жой номларини, киши исмларини оддий қайд қилиш ҳоллари кўзга ташланади. “Девону луғотит турк ” бўйича тузилган индекс- луғат материалларига қараганда, Маҳмуд Кошғарий асарида *Абу Бакир, Бадруқ , Барман, Барган, Табду, Таҳмурас* каби киши исмлари (антропонимлар), *араб, алқа, армут, афшар, оғуз, башғирт* каби халқ, уруғ номлари (этнонимлар), *Эртуч, Балу, Барман, Марв, Сулм,Талас, Ташканд,Удун, Қифчақ* каби шаҳар ва қишлоқ номлари (топонимлар), *Эртиш, Фират, Қаз суви, Ҳинд, Этил* каби денгаз, кўл, дарё,сой номлари (гидронимлар), *Эран туз, Бақир соқум, Йикар* каби планета,юлдуз ва фасл номлари (космонимлар), сингари ономастик бирликлар қўлланган [1, 387-405].

Худди шундай бой ономастик материал Алишер Навоий Захриддин Муҳамад Бобур, Абулғози Баҳодирхон асарларда ҳам қўлланган. Масалан , Б. Бафоев ва Ш. Ёқубовнинг кузатишлари шуни кўрсатдики, Алишер Навоий асарларида икки мингдан ортиқ ономастик бирликлари қўлланган.[2, 37-44; 3, 3-20]. Умуман, ўзбек тарихий ономастикаси соҳасида ўз тадқиқочиларини кутаётган муаммолари ҳам анчагина бор [4,21-27]; б) ономастикасининг фан сифатида шакилланиш даври. Бу фаннинг илдизлари Европа ва рус тилшунослигида XIX аср охири ва XXаср бошларида пайдо бўлган. А.Х.Востоков, А.И. Соболевский, А.А.Шахматов, М. Фасмср, С.К.Кузнецов, П.Л.Маштакова асарларида рус тилидаги ономастик материални тўплаш ва

таҳлил қилиш дастлабки маьлумотлар келтирилган эди [5,9-11]; в) илмий ёки соф ономастик давр.

Бу давр XX асрнинг 20-йилларидан ҳозирги кунгача бўлган муддатни ўз ичига олади. Бу даврда ономастик материал тилнинг лексик, фонетик, морфологик ва бошқа соҳалари сингари алоҳида тўпланиб, хилма-хил йўналишларида тадқиқ этиладиган бўлди. Лекин тилнинг ономастик материали кўпинча лексик материал таркибида таҳлил қилинди. География номларини ўрганиш билан шуғулланувчи тилшунослар, тарихчилар ва географларнинг ўзаро баҳслари натижасида алоҳида, мустақил фан сифатида талқин этилди. Масалан, таниқли топонимист олим Э.М.Мурзаев топонимикани лингвистик, тарихий ва географик таҳлил методларидан фойдаланувчи мустақил фан деб ҳисоблайди [6,8]. Таниқли тилшунос олим Б.В. Горнунгнинг фикрича, атоқли отлар ҳар бир тил луғат составининг таркибий қисми саналади ҳамда тилшунослик соҳаларидан бири бўлган лексикологиянинг ўрганиш обьектидир. Шу сабабли тилшуносларни топонимларни тил материали сифатида ўрганишдан маҳрум этиш, чеклаш мумкин эмас. Шу билан бирга топонимик материалнинг хусусиятларини ўрганишга тарихчининг ҳам, географнинг ҳам, этнографнинг ҳам ҳаққи бор [7, 125-126].

Ҳозирги замон ономастика фани материалистик диалектиканинг қонун ва категорияларига таяниб иш кўради ҳамда ономастик материал таҳлилида тасвирий, тарихий, қиёсий тилшуносликнинг ареал, семиотик, стилистик, лингвопсихологик, статистик каби бир қанча методлардан фойдаланиб иш кўрадилар. Баьзан ономастик материални ўрганишда бу методларнинг бир нечасидан бирданига фойдаланилади. Бу эса тилшуносликнинг география, тарих, этнография, археология сингари қатор фанлар билан ўзаро алоқадорлигини таьминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Девону луғотит турк. Индекс- луғат. Ғ.Абдураҳмонов, С.Муталлибов тахрири лстида – Тошкени: Фан, 1967.-550 б.
2. Бафоев Б.Навоий асарлари лексикаси –Тошкент: Фан,1983.-37-44.
3. Ёқубов Ш.Навоий асарлари ономастикаси .НДА –Тошкент,1994-Б.3-20.
4. Бегматов Э.,Ҳусанов Н., Ёқубов Ш.,Боқиев Б.Ўзбек тарихий номшуносликнинг долзарб муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992. № 5-6.-Б21-27.
5. Роспонд С. Перспективы развития славянской ономастики // Вопросы языкознания. 1962. №4 – С. 9-11.
6. Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – М.1974.- С 8
7. Принципы топонимики.- М. Наука, 1964-С.125-126.

Луғат турларини яратилиши

Ҳ. Мамадалиева, Ш.Эрматов
АДТПИ

Ҳар бир ёш авлод бирор чет тилини ўрганишида луғатларнинг ўрни беқиёс. Чунки луғат чет тилда бирор бир сўз ёки жумлани таржима қилишда асос бўлиб хизмат қилади.

Демак, ҳар бир тилни ўрганишда луғатлар муҳим роль ўйнайди. Луғат турларини ўрганиш луғатчиликнинг ҳозирги ҳолати билан тўлароқ танишиш имконини беради.

Луғатлар ҳажми нуқтаи назардан умумий луғатлар ва махсус луғатларга бўлинади. Умумий луғатлар сўзлиги тил лексикасини барча туркумлар доирасида, барча қатламлар бўйича акс эттиради махсус луғат сўзлигида тил лексикаси маълум мақсадга кўра чегаралаб акс эттиради.

Луғатларни ўрганишда хазина луғат атамаси кенг миқиёсда ишлатиладиган атама ҳисобланиб, бизга барча туркумга оид сўзлар, махсус сохага оид жуда тор доирада қўлланувчи терминлар, хатто диалектор сўз ва унинг вариантлари ҳам ўз аксини топади.

Лингвистик луғатлар турли мақсадларда тузилади, шу мақсад нуқтаи назардан биз уларни қуйидаги турларга бўлдик:

1. Таржима луғатлар;
2. Изоҳли луғатлар;
3. Тарихий луғатлар;
4. Этимологик луғатлар;
5. Диалектологик луғатлар;
6. Қиёсий луғатлар;
7. Терс луғатлар;
8. Имло луғатлар;
9. Орфоглик луғатлар ;
10. Морфем луғатлар;
11. Частатали луғатлар;

Ушбу луғат турлари борасида илмий изланиш олиб борар эканмиз, диохроник ва синхронлик жиҳатдан уларнинг яратилиш омилларини ишлаб чиқаришга харакат қилдик. Бу луғатлар орасида таржима луғати энг узун тарихга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бу луғатнинг тараққиёти бошқа тур луғатларнинг нафақат яратилишига балки бу луғатларга хос бўлган тилларнинг грамматикаси, лексикаси, фонетикаси кабиларга эътибор беришига сабаб бўлган.

Таржима луғатлар икки мақсадни кўзда тутади:

- Она тили бўлган тилдаги матнни ўқиб тушуниш учун ёрдам бериш мақсадига;
- Она тили бўлмаган тилда гаплашиш учун ёрдам бериш мақсадида;

Бу икки мақсад учун луғат ҳам икки тилда тузилиши шарт, бу таржима луғатлар инсонларнинг комуникация жараёнини яхшилайди ва бир-бирини

тушунишга ёрдам беради, мустаҳкам кўприк вазифасини бажаради. Агар луғатдан фойдаланувчи она тилидан бошқа тилдаги матнни ўқиб тушуниш учун фойдаланмоқчи бўлса, унда у қарайдиган луғатнинг сўзлиги ўша чет тилида таржима қилинади. Бошқа тилда сўзлашмоқчи бўлган киши учун сўзлик она тилида берилиб, у ўрганаётган тилда таржима қилинади.

Икки тилли луғатлар тузишда қиёсий типологиянинг аҳамияти салмоқлидир. Анна шундай луғатларни тузиш жараёнида сўзларнинг фонетик, морфологик, лексик синтактик ва омилига оид хусусиятлари ёритилади.

Бундан ташқари, луғат тузиш жараёнида типологик жиҳатдан ҳал этилиши зарур бўлган баъзи нарсалар борки, буларнинг бири туркий тиллардаги нисбат ясовчи орқа қўшимчалар бўлиб, улар ўз хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Туркий тиллар тизимида махсус аффиксал морфемалар бўлиб, уларнинг мажхул, ўзлик биргалик, акузативлик каби нисбат маънолари сўз билан ифода этилади.

Бугунги кун тилшунослигида луғатшунослик масалалари ҳам катта аҳамият касб этади. Изоҳли луғатлар, мавзуий луғатлардан ташқари икки тилли луғатлар яратилиши ҳам жуда ката аҳамиятга эга бўлиб, борган сари унинг ҳам луғат олдига қўйиладиган талабларнинг ранг – баранглиги, луғат турларининг хилма-хиллигидан дарак беради.

Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси

М.Улиқова
АДТПИ

Тилшунослик муайян тилнинг ижтимоий табиати ва жамиятдаги вазифалари, унинг ички тузилиши, фаолияти, тарихий тараққиёти ва таснифига оид фандир. Унинг объекти - тил инсонлар ўртасидаги асосий муомала воситасидир. Тилсиз кишилик жамияти ва халқ яшолмайди, у жамият билан бирга тараққий этади. Жамият тараққиёти, фан – техника тараққиёти туфайли тил неологизмлар билан бойийди.

Тилшунослик инсон тили ҳақидаги фан сифатида ижтимоий фанлар сирасига киради.

Тил мустақил объект сифатида бир неча фанларнинг предметини ташкил этади. У тилшунослик билан бир қаторда фалсафа, психология, социология, мантиқ каби фанлар томонидан ҳам ўрганилади. Тилни ўрганишда бу фанларнинг тилга нисбатан ўз муносабати бор.

Тилшунослик фалсафа билан чамбарчас боғлиқ. У тилшуносликнинг методологиясини белгилаб боради.

Тилнинг моҳияти, ривожланиши тилда шакл ва мазмун муносабати, тил ва тафаккур каби масалалар умумий тилшуносликда ҳам, фалсафада ҳам тадқиқ қилинади. Тилшунослик билан фалсафа ўртасида пайдо бўладиган масалалар мантиқ ва грамматикада ўрганилади. Тил - фикр ифодалаш қуроли, фикр эса мантиқнинг ўрганиш объектидир.

Тилшунослик психология билан ҳам узвий боғланган. Улар ўртасида мавжуд бўлган муаммолар психолингвистикада ўрганилади.

Психолингвистика фаннинг инсон нутқи фаолияти қонуниятларини ўрганадиган янги соҳадир.

Тилшунослик ижтимоий фанлар қаторига кирувчи тарих фани билан яқин алоқададир. Ҳар қандай халқ тилининг тарихи шу халқ тарихидан маълумот беради. Бу икки фаннинг алоқаси муайян бир тилнинг луғат таркибини тадқиқ қилишда, унинг шаклланиши ва тараққиётини ўрганишда намоён бўлади. Кишилик жамиятининг тарихи тилда бевосита ўз аксини топади. Чунки жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш тилда намоён бўлади. Тилдаги сўзларнинг тарихини ўрганишда тарих фани катта ёрдам беради. Ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланилаётган арабча, форс – тожикча ва бошқа тиллардан ўзлашган сўзларни ўрганишда тарихий далиллар асосий омил саналади.

Тилшунослик адабиётшунослик билан ҳам боғланган. Тилшунослик билан адабиётшунослик филологияни ташкил этади. Уларнинг ўзаро алоқаси стилистика, адабий тил тарихи, бадиий адабиёт масалаларини ўрганишда яққол кўзга ташланади.

Педагогиканинг тилшунослик билан алоқасини тил ўқитиш методикасида кузатиш мумкин. Бу алоқа лингводидактика ёки лингвопедагогика деб ҳам аталади.

Тилшунослик физика, физиология, математика каби табиий фанлар билан боғлиқ.

Инсон нутқига оид хусусиятлар (оҳанг, тонг, тембр), нутқ товушларини классификация қилиш принципларини ўрганишда физика фани ёрдам беради. Масалан, тилшуносликнинг фонетика бўлимида нутқ товушларининг акустик томони физиканинг акустика бўлими маълумотлари асосида ўрганилади. Нутқ товушларининг пайдо бўлишида иштирок этадиган нутқ органларининг вазифасини физиология материалларисиз баён қилиб бўлмайди.

Чет тилларини ўқитиш, техник воситалар ёрдамида таржима қилиш, турли хил луғатларни тузишда математика, физика каби фанларнинг алоқасини кузатиш мумкин.

Юқоридаги фанлар тилнинг ушбу фанлар нуқтаи назаридан энг аҳамиятли томонини ўрганади. Масалан: социолингвистика тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини, тилнинг жамият ҳаёти билан боғлиқлигини тадқиқ этади.

Хулоса қилиб айтганда, тилшунослик объекти бўлган тил бир қанча фанлар томонидан ўрганилади ва бу тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқага киришини тақозо қилади. Шу билан бирга тилшунослик ўз тадқиқот объектига эга ва мустақил фан ҳисобланади.

Маънавият концепти ва унинг таржимада акс этиши

Т.Б. Умирзаков,
ЎзМУ докторанти

1. “Яна такрор айтишга тўғри келади: маънавиятни йўқотсак, ўзимизни ва ўзлигимизни йўқотамиз. Маънавиятни юксалтирсак, ўз мурод-мақсадимизга етишда кучли мадад топамиз”[1].

2. Аслиятдаги ҳар бир бадиий асар ва унинг аслиймонанд таржимаси миллий маънавият ва Она тили маданиятини акс эттириши лозим.

3. Миллий маънавият ва тил маданиятининг таржимада акс этиши масалалари ҳанузгача бизда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам махсус илмий-тадқиқот объекти бўлган эмас.

4. Жамиятдаги ҳар бир халқ вакили, ҳар қандай мутахассис, ҳар бир илмий ходим юксак маънавиятли бўлиши ва бундай маънавият улар ҳаёт – фаолиятининг пойдеворини ташкил этиши лозим. Ҳар бир илмий-тадқиқот ва унинг натижалари юксак маънавиятни акс эттириши ва, пировардида, жамият равнақи учун ҳисса қўшиши лозим.

5. Ҳар қандай жамият равнақи иқтисодиёт билан бир қаторда маънавиятга ҳам боғлиқ. Маънавият онгли ҳаёт кечириш учун зарур бўлган “маънавий олам”, иқтисодиёт эса “моддий олам” бўлиб, “улар бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига ўхшайди”[2].

6. Маънавият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳосиласи эмас, балки уларнинг дастлабки шартидир.

7. Маънавият феномени Ватанимиздаги ҳар бир фуқарони, шу жумладан, илм-фан аҳли, айниқса, ижод-фаолияти бевосита маънавий бойликларни яратиш ва уни тарғиб қилиш билан боғлиқ бўлган хуқуқшуносу-сиёсатшунос, файласуфу-филолог ва адабиётшуносу-таржимашунос олимлар ижодида биринчи даражали мавзуга айланиши лозим.

The role of gender aspects in teaching english

Sh. G’. Umirzakova
ASPIL

“Gender” is a grammatical grouping of words (nouns and pronouns) into classes (masculine, feminine and neuter) by some grammatical means.

“Gender” as a language phenomenon exists only in personal (**he, she, it**) and possessive (**his, her, its**) pronouns in the third person singular. There is also a slight expression of grammatical gender in reflexive pronouns (**himself, herself**, **itself**) in the third person singular.

In English dual gender reference is expressed by some grammatical and lexical means. Dual gender reference is mainly expressed with the help of lexical means, e.g. ***father-mother, male-female, boy-girl, cow-bull, cock-hen, etc.***

[1] Каримов И.А. “Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш”. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009. –Б. 14
[2] Каримов И.А. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. –Т.: “Маънавият”, 2008. –Б. 67

Lexical means of expressing dual gender reference in English play an important role for the Uzbeks in acquiring a good knowledge in English.

But it is very interesting to note that not in all cases we can use lexical means. In such cases we use lexico-grammatical means of expressing dual gender reference. For example, ***he dog - she dog, he cat- she cat, he fox- she fox, he wolf- she wolf, etc..***

Some lexical pairs with male and female denotation have a gender-specific element: "**-man, -woman**".

e.g. Englishman – Englishwoman policeman – policewoman

But not in all cases ending in "**-woman**" it is possible to have parallel term ending in "-man". E.g.

feminine	masculine
beggarwoman	-
catwo man	-
ghostwoman	-
needlewoman	-
sweeperwoman	-

In contrast there are some words ending in "**-man**" with no parallel term ending in "**-woman**". E.g.

masculine	feminine
boatman	-
clergyman	-
spokesman	-

Some lexical pairs use a gender – specific derivational ending "**-ess**". E.g.

actor – actress.

poet – poetess.

prince – princess.

waiter – waitress.

Steward – stewardess

It is interesting to note that "**-or/-er**" is not always clearly a masculine, i.e. there are no parallel term for feminine: e.g.

sailor

teacher

It is worth noting that many of the terms in feminine/masculine word pairs are not in fact equivalent. E.g.

feminine term	masculine term
spinster	bachelor
governess	governor
mayoress	mayor
mistress	master
tigress	tiger
witch	wizard

There are some compound words ending in "**-person(s)**" which are used to express dual reference. They are used for both male and female gender references.

masculine	feminine
chairperson	chairperson
spokesperson	spokesperson
salespersons	salespersons

It is useful to note that indefinite pronouns "**someone, somebody, anyone**, **anybody**" are singular words, but in English after these words "**they/them/their**" are often used. E.G.

If anyone wants to leave early, **they** can.

Somebody has spilt **their** (his or her) coffee on the carpet.

There is no gender reference in the Uzbek language. Therefore Uzbek students may have some difficulties in learning English.

It is important to note that the role of mother language in learning a foreign language is different. In some cases mother language helps to learn a foreign language while in other cases it causes trouble in learning a foreign language. In the first case we speak about "**facilitation**", while in the second one we speak about "**interferation**". In teaching of foreign languages both cases should be taken into consideration. A system of exercises should be compiled in order to take away interferences appearing in learning dual gender reference of the English language.

The knowledge of words denoting gender references in English helps the Uzbek learners of the English language and, especially, applicants who want to take their entrance tests for the Universities and Institutes.

Невербальные средства паралингвистики

Н.Т.Хайдарова
АДТПИ

В отличие от дактильной азбуки, представляющей собой знаковую систему, имитирующую буквы соответствующего языка, жестовая речь является языком, имеющим своеобразные морфологию, синтаксис, семантику.

Жестовая речь русского, английского языков имеют глубокие различия. Русская жестовая речь отличается от звукового русского языка более жестким порядком «слов» в предложении, сравнительно малым числом «глаголов», другим словарем.

Жестовая речь узбекского языка отличается мягкостью.

Английская жестовая речь выделятся эмоциональностью и экспрессивностью.

Считается, что язык – это « стихийно возникшая в человеческом обществе и развивающая система дискретных (членоразделительных) звуковых знаков, предназначена для целей коммуникации и способна выразить всю совокупность знаний и представлений человека о мире. Таким образом, жестовая речь не может считаться языком из-за отсутствия в ней звуковых знаков.

Признак стихийности возникновения и развития, а также безграничности области приложения и возможностей выражения отличает язык от так называемых искусственных или формализованных языков, которые используются в других отраслях знаний (искусственные языки, информационные языки, языки программирования, информационно-поисковые языки), и от различных систем сигнализации, созданных на основе языка (азбука Морзе, знаки уличного движения и другие).

Особенности восприятия, логики, нервной системы, различия в эмоциональной реакции разнополых (т.е. мужчины и женщины) коммуникантов на явление окружающей действительности дают основания для рассмотрения биологического пола как самостоятельного фактора влияния на речемыслительные процессы.

Для выделения инвариантных характеристик, связанных с полом говорящего, в качестве материала исследования должны быть выбраны также речевые произведения, условие порождения которых изначально в значительной степени отфильтровывают влияния социокультурных факторов. Такие условия возникают в состоянии сильного эмоционального напряжения (аффекта), при переживании которого индивид не контролирует, насколько его поведение соответствует общепринятым социокультурным нормам.

Аффект испытывают как мужчины, так и женщины, однако эмоциональная сфера мужчин и женщин обладает рядом особенностей. Основными биологическими факторами, связанными с полом, оказывающими воздействие на эмоциональную сферу и обуславливающие специфику речемыслительной деятельности мужчин и женщин, являются особенности функциональной ассиметрии головного мозга и гормональный фон. У мужчин работа полушарий мозга специализирована, тогда как у женщин отличается большая синхронизация и меньшая специализация в работе полушарий.

Разработанная классификация транспонированных конструкций английской жестовой речи обладает достаточным прогностическим потенциалом относительно пола говорящего. Актуален вопрос о том, следует ли рассматривать сочетание биологических признаков, определяющих ситуацию общения (пол говорящего и пол собеседника) как самостоятельный биологический фактор влияния на речь или как составляющую комплексного фактора, включающего в себя как биологические, так и социокультурные признаки.

У женщин узбекского народа, под влиянием исламской религии, так же как и у других народов Средней Азии, развита лаконичная и тихая форма выражения каких-либо эмоций.

В итоге в их речи доминирует подчинительная нота.

У узбеков различаются следующие невербальные средства коммуникативной речи:

1) фонационные невербальные средства

Например:

- Янги уйга борамизми?! -сўради шофёр, у машинага ўтирганда.
Унинг гапида савол аломатидан кўра тасдиқ кўпроқ сезилиб туради (Ў.Умарбеков)
2) кинетические невербальные средства:
-Мен сизни ҳайдамасликка қўл кўтараман. (А.Қаҳҳор)
3) смешанные невербальные средства.

При помощи смешанных невербальных средств, под которыми подразумевается одновременное использование фонационных и кинетических невербальных средств, передается какая-то определенная информация. Такие невербальные средства в большинстве случаев характеризуются изобразительными, комментирующими качествами.

Насколько естественный язык является основным объектом исследования в лингвистике, то настолько же нужно расширить и конкретизировать исследование другой системы знаков изучаемого объекта в русском, узбекском, английском языках.

Халқ номлари - жой номларида
(Асака тумани этнотопонимлари мисолида)

А. Ҳамроев
АДТПИ

Асака тумани микротопонимиясида этнотопонимлар кенг жой эгаллайди. Этноним халқ, қабила, уруғ ва унинг тармоқларининг номидир. Этнотопоним эса этнонимлар асосида ҳосил бўлган жой номларидир. Туман ҳудуди этнотопонимларининг асосий қисмини туркий уруғларнинг номлари ташкил этади. Бу ҳудуд этнотопонимларини тадқиқ этишда туркий этник гуруҳларнинг тарихан мансублигига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

1. Қадимий туркий этнонимлар. 13-14-асрларда бу ҳудудларга келиб жойлашган уруғ номлари. Булар туркий ва ўзбек халқларининг асосини ташкил этиб, 92 боб ўзбек уруғлари таркибига кирувчи йирик уруғларнинг номлари:

Арғин, Баҳрин ,Бўстон, Дўрмон, Жонон, Мудай, Найман, Татар, Тувадоқ, Туман, Унгут, Чақмоқ, Чўмбағиш, Юз, Яшиқ, Қатағон, Қипчоқ, Қирғиз, Қозоқ, Қурама, Қўнғирот.

2.15- асрдан кейинги даврларни ўз ичига олиб, юқоридаги йирик уруғларнинг кейинги даврларда бўлинган тармоқлари номланиши асосида юзага келган этнонимлар:

Ахтачи, Бешбола, Бешкал, Гумбаз, Марқаюз, Овот, Озод, Олақанот, Оқбош, Қовоқ тўпи, Оқбувра, Оқчопон, Сор, Тўққусоқ, Чавкан, Элаш, Қизилоёқ, Қирбош, Қонди, Ғанчиюз.

3.Тўда маъносини билдириб, маълум уруғ ёки унинг тармоқларига тегишлиликни билдирган этнонимлар:

Андавой, Бувра тўпи, Кал тўпи, Қозоқ тўпи, Татар тўпи ва ҳ.

Халқ номларининг жой номларига айланиши жуда катта даврий жараённи ўз ичига олади. Жой номлари эса халқ тарихидир.

Язык и гендер

М.Халикова
АндИЭИ

Гендерные исследования - новая и перспективная область знаний российской гуманитарной науки, находящаяся в процессе становления. В основе концепции гендерных исследований лежит представление о гендере как о социальном поле. Объектом изучения гендерных исследований является конструирование мужественности и женственности во всё культурном и историческом многообразии. Гендерные исследования опираются на методы различных гуманитарных дисциплин (социологии, истории, философии, психологии, лингвистики и т.д.) и используют междисциплинарный подход к изучению общества и человека.

Современная социальная наука различает понятия «пол» и «гендер». *Пол* обозначает, в первую очередь, физические, физиологические, биологические различия между мужчинами и женщинами. Помимо биологических отличий, между людьми существуют разделение их социальных ролей, форм деятельности, различия в поведении и эмоциональных характеристиках. Термин *гендер* употребляется для обозначения пола как социального понятия и явления, в отличие от чисто биологического понимания пола.

Гендер - социальная организация половых различий. Это культурологическая характеристика поведения, которое соответствует полу в данном обществе, т.е. социокультурная установка, основанная на половом различии. И мужчина, и женщина играют в нашем обществе свою социальную роль, при этом нельзя забывать, что социальная роль женщины отличается от социальной роли мужчины и вполне самостоятельна.

Гендерный подход основан на идее о том, что важны не биологические или физические различия между мужчинами и женщинами, а то культурное и социальное значение, которое придает общество этим различиям. Основой гендерных исследований является изучение и описание разницы в статусах, ролях и иных аспектах жизни мужчин и женщин, утверждаемых в обществе через гендерных роли отношения.

Важнейшей дискуссионной проблемой гендерных исследований сегодня является соотношение биологических и культурных факторов, влияющих на гендерные различия в языке и речи. Социодетерминисты считают, что доминирующее воздействие оказывают общество и культура (А.В.Крилина, И.И. Халеева, Е.М.Бакушева. P. Brown, L.Jardonova и т.д). Биодетерминисты же исходят из наличия врождённых биологических различий у мужчин и женщин, которые обусловливают вообще всё их социальное поведение (Э.Гольдберг, Л.Д.Коста, J.McGlone и т.д).

Гендерные отношения фиксируется в языке в виде культурно обусловленных стереотипов, оказывают влияние на поведение, в том числе и речевой, на процессы языковой социализации личности. Гендерный фактор, учитывающий природный пол человека и его социальную включенность, является одной из существенных характеристик личности.

Социальный пол образуется в результате социализации, на которую влияют исторические и культурные факторы. Процесс такой социализации заключается в том, что многие базовые различия между мужчинами и женщинами закладываются в семье, и дети узнают о них из множества источников. Социальные отношения, основанные на соотношении статусов, определяют социальную роль индивида в конкретной ситуации, и, в конечном счёте, его речевое поведение.

Речь и пол человека взаимосвязаны. Различия в вербальном поведении человека, обусловленные его полом, проявляются во всех уровнях языка, затрагивая практически все элементы его системы.

Дифференциация форм выражения одного и того же содержания в зависимости от пола и возраста выступает у всех народов как следствие социальных и, отчасти, биологических различий. Мужчины пытаются говорить таким языком, который они рассматривают как типичный или соответствующий мужчинам, женщины – в манере, которую они рассматривают как типичную или соответствующую женщинам.

Луғатшуносликнинг бугунги долзарб муаммолари

Д. Ҳакимова
АДТПИ роман - герман тиллари ва
адабиёти факультети 204 - гурух толибаси

Луғатшунослик тилшуносликнинг энг ёш ва кўп тадқиқотларга мухтож соҳасидир. Албатта, собиқ иттифоқ даврида ҳар бир соҳа учун мукаммал луғатлар ишлаб чиқарилган. Бунга мисол тариқасида, немисча - русча политехник луғат, немисча-русча фразеологик луғат, немисча-русча медицина луғати ва ҳоказоларни кўрсатишимиз мумкин. Бироқ бу икки тили луғатларнинг барчаси рус тилида тайёрланган. Ҳозирги ёшларимизнинг рус тили билимлари оқсоқланиб келаётганлиги туфайли юқорида зикр қилинган луғатларнинг нафи ва фойдаланиш фаоллиги камайиб бормоқда. Бу эса ҳар бир соҳада немисча-ўзбекча мукаммал икки тилли атама луғатларини яратишни тақозо этади.

Ҳаммага маълумки, Германия тиббиёт соҳаси бўйича дунёда етакчи ўринда туради. Мамлакатимиз дорихоналарида Германиядан келтирилган дори-дармонларни, касалхона ва тиббиёт марказларида немис тиббий аппаратларини кўриш мумкин. Бундан ташқари, немис тиббиёт вакиллари Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида тиббиёт бўйича маърузалар ўтказмоқда. Фикримиз исботи тариқасида, ўтган 2008 йилнинг сентябрь ойида Андижон шаҳрининг 1- туғруқхонасида немис физиотерапевти доктор

Аннетте Хайнц томонидан ўтказилган малака ошириш курсини келтиришимиз мумкин.

Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бўлғуси ёш таржимонлар ва немис тилини ўрганувчиларга ёрдам сифатида немисча - ўзбекча соҳа луғатларини ишлаб чиқиш сув ва ҳаводек зарурдир. Ҳозирда мавжуд немисча-ўзбекча ўқув ва универсал луғатлари маълум соҳа манбаларини ўзбек тилига ўгиришда етарли даражада кўмак бера олмайди. Чунки ҳар бир соҳанинг ўз атамалари мавжуд. Мисол учун, Бўтаевнинг немисча - ўзбекча ўқув луғатида

Enteritis, f	-	ичак яллиғланиши
Plazenta, f	-	йўлдош
Impfung, f	-	эмлаш
Insomnie, f	-	уйқусизлик
Durchbohrung, f	-	суякни пармалаб тешиб, касал жойни аниқлаш

каби сўзларни топиш қийин. Бунга сабаб, юқорида келтирилган мисоллар айнан тиббиёт соҳаси атамалари бўлганлигидир. Шунинг учун ҳам, немисча - ўзбекча иқтисодий, политехник, тиббий махсус луғатларни яратиш замонавий лексикографиянинг долзарб муаммосидир. Янгидан пайдо бўлаётган ва бўладиган икки тилли ўзбекча луғатлар тилшуносликнинг лексикография соҳаси тараққиётига, бундан ташқари, таржимонлар ишига яқиндан ёрдам беради.

IV. БЎЛИМ. ЗАМОНАВИЙ ФАННИНГ ТУРЛИ ЖАБҲАЛАРИ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистонда фукоролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хос механизмлари

Т.Ф.Н. О.Ахмаджонов,
Ўқитувчи Б.Ахмаджонов
АДТПИ

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилингандан сўнг демократик ҳукукий давлат ва фуқоролик жамиятини шакллантириш йўлини белгилаб олди. Юртбошимиз таъкидлаб ўтганидек, «Биз учун фуқаролик жамияти ижтимоий макон. Бу маконда қонун устивор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқаришга кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди, яъни эркинлик ва қонунга бўйсиниш бир вақтнинг ўзида амал килади». Бунинг учун энг аввало давлат

ва жамият қурилишини эркинлаштириш кишиларнинг сиёсий фаоллигини юксак даражага кўтариш фуқороларнинг сиёсий ижтимоий жиҳатдан етуклигини, яьни давлат ҳаётида муносиб иштирок этишни таьминлаш мақсадга мувофиқдир.

Мустақилликка эришилган кундан буён Ўзбекистон Республикаси суверен давлат сифатида ўзининг иктисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий кудратини жадаллик билан ривожлантириб келмоқда.

Модомики, жамият бошқарувини назорат қилиш кенг жамоатчилик томонидан амалга оширилар экан авваламбор ҳар бир фуқорода Республикада амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий ислохатларга дахлдорлик, маъсуллик туйғуси шаклланиши лозим. Бу ҳолат фуқоролик жамиятининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Фуқоролик жамиятини шакиллантириш ва ривожлантириш фуқоролардан сиёсий, хуқуқий, маьнавий етукликни талаб этади. Чунки фуқоролик жамиятидаги демакратик институтлар, уюшмалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ва бошқа бирлашмалар орқали ўзларининг мақсад ва интилишларини амалга оширадилар.

Давлат бошқарувини яхшилаш ва янада демократлаштириш мамлакатни модернизация килишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисидаги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши ҳеч шубҳасиз демократик ислоҳатларни чукурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи рол ўйнайди. Шундай экан, сиёсий партиялар фуқороларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш «Кучли давлатдан кучли жамиятга» ўтишнинг дастурий мақсад ва вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишда эскича ёндашув асоратларидан мутлақо қутилиш, халқнинг дардига қулоқ солиш, уни ҳимоя қилиш, мавжуд муоммоларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ошкора баён этиш, воқеликка объектив ёндашув фуқоролик жамиятини шакллантиришни муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Бу борада сиёсий партияларнинг давлатнинг конститутциявий меьёрларини ҳурмат қилган ва унга риоя этган ҳолда халқ билан ҳокимият ўртасидаги асосий боғловчи бўғин сифатида шаклланиши ва фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир.

Фуқоролик жамиятини қуришга интилиб борган сари бошқарувнинг турли ҳил вазифалари бевосита халққа топширилади, яьни нодавлат ва жамоат ташкилотлари ўз-ўзини бошқариш органлари янада ривожлантирилиб давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари босқичма – босқич уларга ўтказилиб борилади.

Белгилаб берилаётган устивор йўналишлар қаторида давлат қурилиши ва фуқоролик жамиятини шакиллантириш жараёнини эркинлаштириш, мамлакатда нодавлат ва жамоат ташкилотлари ролини мунтазам ривожлантира бориш оркалигина давлат ва фуқоролар муносабатида одилона мувозанат вужудга келади. Фуқороларнинг ҳуқуқлари тўларок таъминланади. Бу ташкилотлар доимо давлат тизимларига муқобил куч сифатида фаолият кўрсата боради. Бу эса уз навбатида фукороларнинг

сиёсий фаоллигини оширишга ва уларнинг жамиятдаги муҳим ўрнини белгилашга асос булади.

Фуқоролик жамияти қурилишида жамият ва давлат ишларини амалга ошириш, фуқороларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакатда барқарорликни юзага келтиришда муҳим рол ўйновчи тузулмалардан бири бу фуқороларнинг ўз-ўзини бошқариш органидир.

Ўзбекистонда маҳалла тимсолида ўз-ўзини бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг ноёб шакли азалдан мавжуд бўлиб келган. Халқимиз минг йиллардан буён жамоа бўлиб махаллаларга бирлашиб, яшаб келишган.
Ҳозирги кунда фуқороларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари бир қанча ваколатларга эга бўлиб фуқороларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги қонунда атрофлича белгилаб берилган. Ҳозирги кунда, энг муҳим вазифа ана шу ваколатларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмини яратиш ва ҳаётга тадбиқ этишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек, «ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва кадриятларига жуда хос бўлган усули маҳаллалар тизими сўнги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормокда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун маъсулдирлар. Зеро маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Унинг нуфузини кўтариш билингки нафақат иктисодий нафақат ижтимоий, балки, бу сиёсий тарбиявий улкан маънавий масаладир, биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим»

Шундай экан халк демократиясининг энг ноёб шакли бўлган маҳалла жамиятни бошқаришда жуда катта аҳамиятга эга булиб фукоролик жамиятини шакиллантиришнинг мухим омилларидан биридир.

Жамиятда ҳуқукий маданият юксаклиги ва фуқороларнинг сиёсий фаоллиги фуқоролик жамияти маънавий камолотининг давлатчилик тараққиёти ва ҳуқукий тизим етуклигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Бу ижтимоий ҳаёт жараёнларига фаол таъсир кўрсатувчи куч бу барча жамоат ташкилотлари, бирлашмалар, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг миллий ғоя руҳида яъни озод, обод, эркин, фаровон ҳаёт қуриш йўлида фаолият юритишларида намоён бўлади.

Хуллас, ўз-ўзидан маълумки янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган мамлакатимизни модернизация килиш ва замонавий демакратик жамият қуриш йўлидаги энг шарафли ва маъсулиятли вазифаларни ҳал этиш, фуқоролик жамиятини шакллантира боришга қодир бўлган янги авлод кадрларини таёрлаш ва тарбиялаш, уларга бош-қош бўлиш, ибрат намуналарини кўрсатишда жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ўз-ўзини бошкариш органлари ҳамда сиёсий партияларнинг нуфузли ўрни жуда беқиёсдир.

Чингиз Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» романи ва ундаги адибнинг фалсафий қарашлари

Г. Абдуллаева, ЖДУ

Чингиз Айтматов ... Адибнинг номи тилга олинар экан, кўз ўнгимизда унинг ёрқин сиймоси, такрорланмас асарлари гавдаланади. Нафақат қирғиз адабиёти, балки жаҳон адабиёти Чингиздек буюк зотдан ажралди.

Лекин у ўз асарлари билан мангу барҳаётдир.

Инсон дунёга келар экан, яшаш учун курашади, ҳаёт аталмиш денгиз уммонларида сузади, вақти келиб оламдан кўз юмади. Айрим инсонлар қисқа умр кўрсаларда, келгуси авлодга етарли мерос қолдиради, айримлар эса ...

“Ўлим ҳақ ”, - дейишади доно халқимиз. Берилган омонат жонимизни қачон узилишини Яратгандан ўзга ҳеч ким билмайди . Бас , шундай экан, бу фоний дунёда ўзимиздан фақат яхши ном, келгуси авлодларга ўрнак бўлувчи маънавий мерос қолдирмоғимиз зарур.

Чингиз Айтматов ўз асарлари билан битмас–туганмас адабий, бадиий, маънавий мерос қолдирди . Унинг асарларини ҳозирги кунда бутун жаҳон ўқийди.

Дастлаб мен унинг “Биринчи муаллим” қиссасини ўқиганман. Асардаги Душен ва Олтиной тимсоллари ҳали ҳануз хаёлимга муҳрланиб қолгандек . Кейинчалик адибнинг деярли барча асарларини ўқиб чиқдим.

Ўтган йили унинг “Кассандра тамғаси” (“Охирзамон нишоналари”) романини ўқиб ,яна бир бор ёзувчининг бадиий маҳоратига қойил қолдим . Асар фалсафий роман бўлиб, ёзувчи бутун сайёра, боринги, космос миқиёсида кенг ва узвий мушоҳада юритган, бугунги шафқатсизлик, ёвузлик, ваҳшийлик уруғларининг келажакда қандай даҳшатли мевалар беришини космик юксакликдан башорат қилган.

Мураккаб дунёвий фожиаларни буюк қаламкашнинг сезгир қалби ҳатто башоратчи футуролог олимлардан ҳам олдин пайқайди. Роман фалсафа, фантастика ва сўз санъати маҳсули ўлароқ улкан санъаткорнинг мушоҳада қудратидан дунёга келгандир . Қаловини топса қор ҳам ёнади деганларидек, нисбати тўғри танланса, уч таркибий қисмдан иборат ҳаётий жараёнда вақт ҳам, фазо ҳам, инсон ҳам яхлит бир ҳолатда намоён бўлади .

Ёзувчи китобхонга бадиий тафаккурнинг янги бир қирраларини очади, уни ўйга толдиради ва ҳатто идрок этиш қийин бўлган ҳодисалар гирдобига ташлайди. Ёзувчи фантастик усулдан фойдаланган бўлсада, роман теран реалистик асар сифатида қабул қилинади. Асарнинг бадиий тузилиши, ҳаётни тасвирлаш принципи ёзувчининг бошқа асарларидан тубдан фарқ қилади. Китобхон романни варақлар экан, одамларнинг инсон шаънига номуносиб хатти – ҳаракатларидан нафратланади.

Асарнинг бош қаҳрамони - Андрей Андреевич Крильцов .

Фашизмга қарши уруш йиллари саҳар чоғи бир аёл эндигина туғилган чақалоғини қоп–матога ўраб болалар уйининг эшиги олдига қор устига ташлаб кетади .Болага Андрей Крильцов деб ном қўйишади. Асарда бу

воқеа қаҳрамон тилидан қуйидагича берилади: “Мени чақалоқлигимда адёл устидан қоп матога ўраб болалар уйининг эшиги олдига ташлаб кетишган . Эшик олдидаги соябонли пиллапоя рус тилида “крильцо” дейилади. Менга балалар уйида Крильцов деб фамилия беришганининг сабаби ҳам шунда. Отимни Андрей дейишган, ота исмим Андреевич ҳам исмимдан олинган. Крильцов Андрей Андреевич. Бу аянчли воқеа менга айтиб беришларича, 1942 йилнинг охирларида субҳидамда рўй берган. Ўшанда қор қалин эди. Мен эса субҳи содиқ пайтини эс-эс биламан, десам, бунга ҳеч ким ишонмайди, албатта. Лекин мен тўғрисини гапираман. Ўшанда қулоғимга онамнинг қадамлари остида қорнинг ғарч –ғурч овози эшитилган. Ёдимда. онам ўша қиш куни, каллайи саҳарда шоша–пиша қадам ташлар эди .Эсимда, у безовталаниб мени бағрига босар, дам – бадам сесканиб чўчиб тушар эди, онам юрагининг қўрқинч аралаш гупиллаб урганини менинг нораста танам сезар эди. У қадам ташлаб борар экан, ҳарсиллаб, ўзича нималарнидир гапириб – гапириб қўяр, менга қараб нималарнидир пичирлар, ўкраб юборгудай бўлар ва кўз ёшини базўр тияр эди, онам мени болалар уйининг эшиги олдига ташлаб кетиш учун кўтариб бораётган пайтда адёлнинг тирқишидан унинг юзига кўзим тушди, қор қоплаган киприкларини, тепадаги булутли осмонни, қор учқунларини кўрдим. Бўралаб қор ёғаётган эди. Афтидан у менинг қулоғимга шундай пичирлади: “Сен йиғла, овозинг борича йиғла, ўшанда сенинг овозингни тезроқ эшитишади”.

У мени эшик олдида ерга қўйгандан сўнг бу қилмишининг сир – асрорини ҳадеганда тушунавермадим. Мен совуқ ея бошладим ва онам қайтиб келиб мени кўтариб олар деб кутдим. Лекин у нарироқда қор босган буталар орқасида яшириниб турар ва мен томонга келмас эди. Шундан кейин мен йиғладим, қаттиқ йиғладим, шу аснода эшик очилиб, кимдир келди – да, мени кўтариб олиб кетди ...” (Ч. Айтматов “Охирзамон нишоналари” 214 – бет .)

Ташландиқ бола ўта зеҳнли бўлиб улғаяди ва медицина институтини битириб генетик олим ва ниҳоят академик бўлиб етишади. У институтда ўқиб юрганидаёқ ҳомиладорлик мўъжизасини ва одамнинг дунёга келиш сир – асрорларини ўрганишга мафтун бўлиб қолади.

Крильцов ўз лабораториясида ундирилган эмбрионлардан узоқ муддатга ҳукм қилинган маҳкума аёлларнинг бачадонларида кўплаб эксзурриётлар, яъни ота –онаси ҳам, ака –укалари ҳам, тоға –жиянлари ҳам, хуллас биронта қариндош -уруғи йўқ болалар етиштира бошлайди.(Ч. Айтматов . “Охирзамон нишоналари” романи 4 – бет .) Олимнинг бу кашфиётлари хотини Евгенияга ёқмайди. Бу ишларидан воз кечиб, фарзандли бўлишни таклиф этади. Эри бунга кўнмайди. Ноилож қолган хотини кетиб қолади. Руна исмли маҳкума аёл профессорнинг кашфиётларидан нафратланади ва уни бу ишлардан воз кечишга ундайди. Ўзи эса бу кашфиётнинг қурбони бўлишдан ўлимни афзал кўради.

Крильцов эса Рунани севиб қолади. Рунанинг ўлими Крильцовга жуда ёмон таъсир қилади.

Ўз экспериментларининг охири фожиага олиб келишини англаб етган Крильцов “Менга бу ерда жой йўқ экан” деб космосга кетишга мажбур бўлади. Ҳамма нарса шундан бошланади. Крильцов космосда яратган кашфиётларини “Кассандра тамғаси” деб атайди. Бу кашфиёт бутун дунёни ларзага солади, айникса, америкаликлар сайлов олди учрашувларда бу кашфиётни зўр шов – шув билан муҳокама қиладилар. Шу муҳокамалар иштирокчиси Ордок образи менда салбий таассурот қолдирди, чунки инсон шон-шуҳрат учун ўз дўстларидан воз кечмаслиги керак эмасми? Ордокнинг хатти–ҳаракати эса ҳар қандай кишининг нафратини қўзғайди. Жамиятимизда Ордок каби инсонлар бор экан, Роберт Борк ва Энтони сингари олижаноб кишиларга кун йўқ экан-да дегинг келади.

Ўзини фазовий роҳиб деб эълон қилган Филофей (Крильцов) асар охирида ўзини очиқ космосга улоқтириб ҳалок бўлади .

Асарни ўқир эканмиз, унинг моҳиятига назар ташлаб, космик юксакликка кўтарилиб эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий курашнинг янги қирраларини кашф этиш, инсониятнинг тақдири ҳақида жон куйдириб янги асар ёзиш фақат Чингиз Айтматовдек буюк адибга насиб бўлганига ишонч ҳосил қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ч . Айтматов . “Охирзамон нишоналари”. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти Т.,2007 й
2. Суюн Қораев . “Эпилог” . Т., “Чўлпон” нашриёти , 1995 й .
3. “Халқ сўзи” , “Ўзбекистон овози” газеталари .

Иқтисодий инқирозлар ва уларни бартараф этиш йўллари ва чоралари

Доцент. Ш. Абдуллаев, Г.Искандарова,
Талаба Ф. Мамадалиева
АДТПИ

I. Иқтисодий инқирозларнинг моҳияти ва уларнинг шакллари.

Ҳар бир давлат ўз мамлакати иқтисодиётини барқарор ривожланиб боришини, ишда тўла бандлик бўлишини, иқтисодий самарадорликка ва нарх-навонинг барққарор даражасига эришишни истайди ва бу мақсадларни рўёбга чиқариш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар. Бироқ иқтисодиётнинг ўзига хос қонуниятлари бор эканки, макроиқтисодий барқарорлик турли сабаблар таъсирида иқтосидий барқарорликлар Билан алмашиниб туради. Макроиқтисодий барқарорликларни бўлиб туриш машинали ишлаб чиқаришни вужудга келиши ва кўп асрлар давомида ёрдамчи ишлаб чиқариш уклади бўлган товар ишлаб чиқаришни хукмрон ишлаб чиқаришга айланиб, бозор иқтисодиёти даражасига етиши билан боғлиқ.

Маълумки, бозор иқтисодиёти хусусан мулк, нарх-наво эркинлиги ва рақобатга асосланган иқтисодиёт. Мулкдорларни харакатга келтирувчи куч – фойда. Фойдана кўпроқ ўзлаштириш борасида бозор субъектлари ўртасида рақобат кетади. Рақобат таъсирида ишлаб чиқаришнинг тўпланиши ва

марказлашуви юз беради. Ишлаб чиқариш тобора ижтимоий характерга эга бўлиб боради, аммо ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнат натижаларини ўзлаштириш хусусийлигича қолади. Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан ўзлаштиришнинг хусусийлиги ўртасидаги зиддиятнинг кучайиб бориши натижасида иқтисодий инқирозлар келиб чиқади. Иқтисодий инқироз товар ва хизматларга бўлган ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги номутаносиблик, макроиқтисодий мувозанатни бузилишининг оқибатиҳамдир.

- Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт цикли ривожланиб боради. Иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб, бирин-кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки холатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр - иқтисодий цикл деб аталади. Адабиётларда иқтисодий циклнинг инқироз, турғунлик, жонланиш ва юксалиш фазалари ажратиб кўрсатилади.

- инқироз тўловга қодир талабга нисбатан товарлар ва хизматларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиши, ижтимоий такрор ишлаб чиқариш шартларининг кескин бузилиши, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизмат сотилиши имкониятларини тушиб кетиши, корхоналарнинг оммавий равишда банкротга учраши, ишсизлар сонини кўпайиб бориши ва бошқа ижтимоий – иқтисодий ларзаларда намоён бўлади.

Иқтисодий инқироз жамият учун катта миқдорда моддий бойликларни йўқотишига сабаб бўлади. Чунки инқироз даврида ишлаб чиқарувчи кучларнинг жуда қисми – ишлаб чиқариш қувватлари ва ишдан маҳрум бўлган миллионлаб ишчи кучи – меҳнатидан фойдаланилмайди. Инқироз давомида нарх-наво кескин тушиб кетади, молия – кредит тизимида парокандалик юз беради, иш ҳақи пасаяди.

Турғунлик фазасида саноат ишлаб чиқаришини қисқариши юз бермайди, товарлар заҳиралари озайиб боради, чакана ва улгуржи нархларнинг пасайиши тўхтайди, оммавий ишизлик давом этади, иш ҳақи эса пастлигича қолади.

Жонланиш фазасида ишлаб чиқариш аста-секин харакатга кела бошлайди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми инқирозгача бўлган даврдаги ҳажмга етади, асосий капиталларни ёппасига янгилаш бошланади, нарх-наво қисман кўтарилади, ишсизлар сони қисман камаяди.

Юксалиш фазаси саноат ишлаб чиқаришни олдинги цикл эришган даражадан ошиб кетади, нарх-наво анча кўтарилади, кредитга бўлган талаб ошади, акция ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар курси ўсади, ишсизлар сони камаяди, иш ҳақи даражаси баландлашади.

Иқтисодиётга давлат аралашуви сезиларли бўлган мамлакатларда юксалиш фазасида ишлаб чиқариш юксак даражага эришади. Банклар томонидан саноатга ва савдога кредитлар бериш давом этади. Натижада ишлаб чиқариш кенгайиб, тармоқлашиб боради. Махсулот ишлаб чиқариш хажи кўпая боради. Савдо-сотиқ ишлари кетаётган бўлишига қарамай, яширин равишда ортиқча ишлаб чиқариш амал қила бошлайди. Омборхонада сотилмай қолган товарлар миқдори кўпай боради.

Бинобарин, юксалиш фазасида янги иқтисодий инқироз учун шарт – шароитлар вужудга кела бошлайди.

Иқтисодий инқирозлар циклик ёки умумий ортиқча ишлаб чиқариш инқирози, оралиқ инқироз, қисман инқироз, тармоқлар инқирозлари ва таркибий инқироз шаклларида намоён бўлади.

Иқтисодиётнинг цикллик ривожланишини машинали ишлаб чиқариш анча ривожланиб, капиталистик хўжалик хукмрон хўжаликка айланган Буюк Британияда 1925 йилда бўлиб ўтган инқироз бошлаб берди. Капиталистик хўжалик бир мамлакат чегарасидан чиқиб, бошқа мамлакатларга ҳам ёйила бошлаши билан худудий иқтисодий инқирозлар билан биргаликда тез-тез жаҳон иқтисодий инқирозлари ҳам бўла бошлади. Биринчи жаҳон иқтисодий инқирози 1857 йили бошланган ва Европа қитъасининг барча мамлакатлари, шунингдек, Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари иқтисодиётини қамраб олган. Кейинги юз йилликларда ҳам бир неча марта ҳудудий, тармоқ, таркибий инқирозлар ва жаҳон иқтисодий инқирозлари бўлиб ўтди.

2. Янги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг асосий сабаблари, таъсири ва салбий оқибатлари.

Янги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози 2008 йилда бошланди. Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида ёзилишича, “бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқиёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов- қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди”.[1]

Давосдаги Бутунжаҳон иқтисодий форумининг бошлиғи Клаус Швабнинг айтишича, молиявий инқироз туфайли 2008 йил ноябрь ойигача дунё 5 триллион долларлик бойлик йўқотган.[2]

Бир қатор етакчи таҳлил ва экспортлик марказлари бўлаётган инқироз ҳолати ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида чиқарган хулосаларида мазкур инқироз 70 йил мобайнида бўлган инқирозларнинг энг йириги эканлиги ва унинг таъсири бутун дунёни қамраб олаётгани алоҳида уқтириб ўтилади. Хулосаларда яна қайд қилиб ўтиладики, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқиёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ.

---

[1] Ислом Каримов. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. -Т., 2009. 4-бет.

[2] Интернет материали.

Янги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришнинг глобаллашуви ва интеграциялашуви чуқур илдиз отган вақтда юз бермоқда. Дунёдаги кўпдан-кўп мамлакатлар иқтисоди бир-бирлари билан киришиб, чирмашиб кетган. Космик кема, сомолёт, автомобиль, танкерлар, нефть ва нефть махсулотлари, турли лойиҳа қурилмалари каби халқаро товарлар бир ёки бир нечта давлатлар ҳамкорлигида ишлаб чиқарилмоқда.

Шундай экан, бир мамлакатда бошланган инқироз кўп ўтмасдан бошқа мамлакатлар иқтисодини ларзага келтиради.

2009 йил январь ойида Швецариянинг Давос шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон иқтисодий форуми йиғилишида дунёдаги 160 та давлатнинг Президентлари, бош вазирлари ва мингдан ортиқ тадбиркорлар қатнашди. 2008 йил ноябрь ойида Вашингтонда жаҳон ялпи маҳсулоти 85 фоизини ишлаб чиқарадиган 20 та йирик давлатлар бошлиқларининг саммити бўлиб ўтди. Ўз-ўзидан маълум , 20 та давлат бошлиғи Давосдаги январь ойида бўлиб ўтган Жаҳон иқтисодий форуми даврида ҳам учрашган. Уларнинг навбатдаги учрашуви 2009 йил апрель ойи бошида Лондонда бўлиб ўтди. Катта даражадаги бундай саммитларда бошқа масалалар билан бирга, шу куннинг энг долзарб муаамоси – 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг тасъири ва салбий оқибатлари юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излаш масаласи кўриб чиқилди.

Дунё мамлакатлари инқирознинг таъсир кучини енгиллаштириш, ундан чиқиш йўлларини қидирмоқдалар ва инқирозга қарши кураш олиб бориш учун молиявий ҳаракатлар қилмоқдалар. Буни Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлигининг маълумотлари тасдиқлайди.

2008 йилда инқирозга қарши курашда сарфланган молиявий ҳаражатлар АҚШда 3 триллион 539 миллиард, Буюк Британияда 1 триллион 20 миллиард, Германияда 893 миллиард, Японияда 576 миллиард, Хитойда 570 миллиард, Россияда 222 миллиард доллар бўлган. Инқирозга қарши курашга сарфланган молиявий ҳаражатлар дунё миқиёсида 9 триллион 400 миллиард долларни ташкил этди. Инқирозга қарши курашга сарфланаётган молиявий ҳаражатларни амалга ошириш яна давом этмоқда.

3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири ва уни бартараф этиш йўллари ва чоралари.

- Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиш ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётгани кўзга ташланмоқда.

“Тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-инқирози, - деб ёзади И.Каримов, - мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди”[1]

[1] Ислом Каримов. Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози: Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2009. 11-бет.

Жаҳон молиявий –иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири қуйидагиларда намоён бўлмоқда.

Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон-экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар каби маҳсулотларнинг нархи тушиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумларини камайишига олиб келади. Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига охир-оқибатда эса макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини бартараф этишнинг йўллари ва чораларига асос – Мустақил Ўзбекситоннинг дастлабки йилларида Президент И.Каримов томонидан ишлаб чиқарилган Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишдаги бешта тамойилидир. Шу тамойиллар бўйича бозор иқтисодиётига аста-секинлик билан босқичма-босқич ўтиб борар эканмиз, ташқаридан келадиган ҳар қандай ларзанинг иқтисодиётимизга таъсири қўринчли бўлмайди. Негаки, мамлакатда ҳар қандай ислоҳотларнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқувчи ҳам шу ислоҳотларни амалга оширишдаги бош раҳбар ҳам Ўзбекистон давлатидир.

Президентнинг ёзишича, 2008 йил биз учун, биринчи навбатда мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир йил бўлди.

Лекин юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва давлат томонидан амалга оширилган тадбирлари эвазига 2008-йилда иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига ва иқтисодий ўсишга эришдик. Давлат бюджетининг бажарилишида, ўртача иш ҳақлари даражасида, бошқа савдо айланмасида, инвестицияларни амалга оширишда, иқтисодиётимизнинг таркибий ўзгаришларида сезиларли ютуқлар бўлди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари Президент И.А.Каримовнинг юқорида зикр этилган асарида тўла баён этилган. Аввало банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверификация қилиш, инновацон технологияларни кенг жорий этиш ишларини муваффақиятли амалга оширишимиз керак.

2009 йил учун давлат томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларида, 2009 йилда тасдиқланган “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастурида, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган “Инқирозга қарши чоралар” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш инқироз таъсирини бартараф этишда катта роль ўйнайди.

Иқтисодиёт назарияси ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт

Доц. Ш. Абдуллаев
АДТПИ

Табиий ҳолда яшаётган инсонларнинг цивилизация дунёсига кириб келиши уларнинг эҳтиёжларининг хилма-хиллашиб, кенгайиб бориши билан биргаликда юз берди. Маданийлашган жамият аьзолари ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришда тобора ресурслар чекланганлиги муаммосига дуч-кела бошладилар. Ресурслар чекланганлиги инсонларни ўз эҳтиёжларини тўлароқ қондира олишар, яшар эканлар яхшироқ ҳаёт тарзига эришишлари учун мунтазам ҳаракат қилишларини, янги-янги ресрус манбаларини, хўжалткни ташкил этиш ва юритишнинг янги усулларини топиш учун изланишлар олиб боришларини талаб қила бошлади. Бошқа шарт-шароитлар қатори эҳтиёжларни қондириш муаммоси турли фанларнинг вужудга келишига, илмий тадқиқотлар олиб боришига, кашфиётлар қилинишига ва фан-техника янгиликларини ишлаб чиқаришга жорий қилинишига сабаб бўлди.

Инсоният жамиятини табақаларга, синфларга бўлиниши мулкчилик муносабатларида, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва юритиш ишлаб чиқарилган моддий неъматларни тақсимланиши ва истеъмолида тенгсизликни келтириб чиқарди.

Яхшироқ яшаш учун унумлироқ меҳнат қилиш, иқтисодий муносабатларда инсонийлик принципларига бўйсуниш, моддий неъматлар тақсимотида адолатли бўлиш зарурлиги тўғрисидаги иқтисодий фикрлар, иқтисодий йўл-йўриқлар қулдорлик даври тафаккурли донишмандлари томонидан илгари сурила бошлаганди. Даврлар ўтиши билан қишлоқ жамиятининг иқтисодий онгги, иқтисодий қарашлари кенгая борди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишида иқтисодий билимнинг, иқтисодий бошқаришнинг аҳамияти ортиб борди.

Дунё аҳолиси сони кўпайиб бориши кишиларнинг билим, меҳнат малакаси ва моҳияти ва умуман ишлаб чиқариш имкониятларининг ошиб бориши билан уйғунликда борди. Шу билан бир вақтда, уларнинг эҳтиёжлари хилма-хиллашди ва тўхтовсиз ошиб борди.

Мулкдорлар, тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши ва фаолият кўрсатиши инсон манфаатлари тизимида иқтисодий манфаатни устувор манфаатга айлантирди. Иқтисодий наф, фойда олишга интилиш ишлаб чиқарувчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасида, ресурс етказиб берувчилар билан ресурс етказиб берувчилар ўртасида, истеъмолчилар билан истеъмолчилар ўртасида рақобатни вужудга келтирди ва рақобат курашни авж олдирди. Рақобат ўзгаришларнинг буюк рағбати сифатида иқтисодиётда таркибий ўзгаришлари амалга оширди, ҳар бир киши, ҳар бир корхона , ҳар бир давлатда мужассамланган иқтисодий имкониятларни тўлароқ ишга солинишига йўл очиб берди. Бу жараёнлар хусусий мулк, нарх-наво эркинлиги, рақобат ва даромадларнинг чекланмаганлигига асосланган бозор иқтисодиёти шароитида янада кучайди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва ахборот тармоқларини вужудга келиши ва ривожланиши, ишлаб чиқаришни индустрлаштирилиши , қишлоқ хўжалигидаги қайта ўзгаришлар, ижтимоий меҳнат тақсимотини чуқурлашиб бориши, миллий бозорларнинг қарор топиши ва уларнинг миллий чегарадан чиқиб жаҳон бозоридаги ҳиссасини эгаллаш каби иқтисодий воқеликлар иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларни қондириш мақсадида моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни, ижтимоий хўжаликни самарали юритиш қонун –қоидаларини ўрганадиган иқтисодий назариясини мустақил фан сифатида шаклланишга олиб келди.

Иқтисодиёт назарияси фанининг қарор топиши жамият ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиб бориши билан боғлиқ экан, у жамиятда юз бераётган иқтисодий жараёнларни, воқеа-ҳодисаларни илмий таҳлил қилади, ривожланишнинг умумиқтисодий қонуниятларни аниқлайди ва шу қонуниятлар асосида мамлакат ижтимоий –иқтисодий тараққиётининг устувор йуналишларини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар беради. Бинобарин, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт назариясининг мазмуни давлат иқтисодий сиёсатининг илмий асоси бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий сиёсат моддий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол соҳаларида давлат томонидан амалга оширилаётган мақсадга мувофиқ тадбирлар тизимидир. Иқтисодий муносабатларни тартиблашда давлат иқтисодий ўсишини таъминлаш, меҳнатга яроқли аҳолининг тўла ишда бандлигига, ишлаб чиқариш самарадорлигига, нарх-навонинг барқарор даражасига эришиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, даромадларни адолатли тақсимлаш, ижтимоий таъминланганлик ва савдо баланс муаммоларига алоҳида эътибор беради. Зеро ,бу муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши мамлакатда рўй бериши эҳтимоли бўлган инфляция, ишсизлик, бюжет тақчиллиги, камбағаллик ва тенгсизлик каби иқтисодий касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш имкониятларини кенгайтиради. Ҳозирги замон сиёсатининг асосий муаммолари соф иқтисодий муаммолардир. Бу муаммоларни тушуниш ва самарали ҳал қилиш одамларни иқтисодиёт назариясини чуқурроқ ўрганишларини талаб қилади.

Хорижий тилларни ўрганувчи талабаларга иқтисодиёт назарияси фанини ўргатиш усуллари

Доц. Абдуллаев Ш
АДТПИ

Ҳар бир олийгоҳда таълим - тарбия олаётган талабалар маълум мутахассисликни эгаллаган ҳолда ўқишни битирадилар. Ўқув йиллари давомида улар мутахассисликка оид фанлар билан бирга қатор ижтимоий –

гуманитар ва аниқ фанлардан ҳам у ёки бу иш юкламаси базасида билим оладилар. Жамият талабаларга мутахассислик фанлар қатори ижтимоий – гуманитар ва бошқа фанларни ўргатишни вазифа қилиб қўяр экан, бу фанларни ўргатишни олийгоҳнинг касбий йўналишига уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни талаб қилади. Чунки, олий маълумот бир вужуд бўлса, мутахассислик билими шу вужудни ҳаракатга келтирувчи куч, бошқа фанлардан олинган билимлар унинг суяк, мускул тизимидир. Шундай экан, ўқув юртларида ўргатилган барча фанлардан олинган билимлар бир – бирларини тақозо қилган ҳолда амал қилиб, бир – бирларини тўлдириб, мутахассислик билимига куч – қувват бағишласагина олий маълумот соҳиби ишлаб чиқаришда тўла қонли фаолият кўрсата олади.

Андижон Тиллар педагогика институтида инглиз, рус, немис ва француз тили мутахассислари тайёрланади. Бозор иқтисодиёти шароитида институтни битирган кадрлар фақат ўқитувчилик қилаётганлари йўқ. Битирувчиларнинг аксарият кўпчилиги давлат идораларида, компанияларда, катта корхоналарда, элчихоналарда таржимонлик ёки бошқа лавозимларда ишламоқдалар. Албатта, бу соҳаларда фаолият кўрсатаётган тилчи мутахассислар учун иқтисодиёт тили – асосий иш тили бўлиб ҳизмат қилади. Шундай экан, иқтисодиёт назарияси фанини талабаларга уларнинг бўлғуси меҳнат фаолиятларини ҳисобга олган ҳолда ўргатиш объектив зарурдир.

Фан ўқитувчиси ўқув дастуридаги ҳар бир мавзуни ўргатишдан бир ҳафта олдин маъруза ёки амалий машғулот саволларини талабаларга тарқатади ва уларни ўзбек тилидан ўзлари ўрганаётган тилга таржима қилиб келишни вазифа қилиб беради. Дарснинг бошланишида у ёки бу талабадан дарс режасидаги саволларни ҳам ўзбек тилида, ҳам мутахассислик тилида ўқиб бериши сўралади. Иқтидорли талабалар таржима ҳақидаги ўз фикр мулоҳазаларини билдиришади.

Иқтисодиёт назарияси дарслигидаги ҳар бир мавзунинг охирида асосий таянч тушунчалар кенг мазмуни билан берилган. Уларнинг сони мавзуларнинг мураккаблиги ва аҳамиятлилигига қараб 4-5 тадан 20-23 тагача боради. Асосий таянч тушунчалар бўйича талабалар иккита вазифани бажаришади. I. Ҳар бир талаба дарслик мавзулари охирида берилган атамаларнинг ҳаммасини /285 та/ ўзбек тилидан ўзи ўрганаётган тилга таржима қилади. II. Ҳар бир талаба бирор мавзуга тегишли барча асосий тушунчаларни қоидаси – мазмуни билан ўзбек тилидан мутахассислик тилига таржима қилади. Иқтидорли талабалар фақат бир бобга оид асосий таянч тушунчаларни ҳам таржима қилишлари мумкин.

Бу вазифаларни бажаришда талабаларнинг бир – бирларидан кўчириб олишга имкон бермаслик учун тайёрланган ишни қабул қилиш, яъни талаба – ўқитувчи ўртасидаги индивидуал суҳбат кунма – кун ўтказилади. Қайси талаба олдинроқ топширса , унинг баҳоси юқорироқ бўлади. Талаба суҳбатдан ўтиб баҳолангач , тайёрланган иш олиб қўйилади.

Иқтисодиёт назарияси мавзулари номларини, мавзу саволларини ва асосий таянч тушунчаларни ўзбек тилидан мутахассислик тилига таржима

қилиш усули билан ўрганиш, бир томондан талабаларни иқтисодиёт назарияси фанини ўрганишга бўлган қизиқишини кучайтиради, иккинчидан, талабаларда луғатлар, справочниклар, энциклопедиялар устида ижодий ишлаш кўникмасини ҳосил қилади, учинчидан, фан муаммолари устида ҳам ўзбек тилида, ҳам мутахассислик тилида фикр – мулоҳазалар қилиш имкони туғилади. Қолаверса, шу йўсиндаги вазифаларни бажариб боришлари жараёнида ҳар бир талаба иқтисодиёт назариясидан кичкина "ўзбекча ўрганилаётган тилча" луғатини тайёрлайди.

Албатта, ҳорижий тиллардан мутахассис тайёрлайдиган институт кутубхонасидан талабалар ўрганаётган тилларда чоп этилган иқтисодиётга оид адабиётлар, журналлар, газета материаллари кўп бўлади. Талабалар иқтисодиёт назариясига тегишли қизиқарли материалларни интернетдан ҳам топишади. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам талабалар айрим иқтисодий масалаларни ўзлари ўрганаётган тилдан ўзбек тилига таржима қилиб, семинар дарсларида чиқиш қилишлари ёки мавзуга оид материаллар бўлса, мутахассислик тилида гапириб беришлари мумкин.

Иқтисодиёт назарияси фани муаммоларини олийгоҳнинг касбий йўналишига уйғунлаштириб ўргатиш талабаларнинг фикрлаш доирасини сезиларли кенгайтиради.

Давоси осон кечади

Р.Алиева, Н.А. Косимова, С.М. Сирожиддинова
АГПИЯЗ

Мамалакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга, соғлом турмуш тарзини ривожлантиришга ҳамиша жиддий эътибор бериб келинмокда. Айникса, соғлом турмуш тарзининг моҳиятини қанча чуқур англаб етсак, уни ҳаётимизга, кундалик турмушимизга кенгроқ жорий этсак, ҳар қандай касалликнинг олдини ўз вақтида олган бўламиз.

ОИТС касаллиги ва унинг қандай хунук окибатларга олиб келишини кўпчилик яхши билади. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ОИТСнинг барча турлари қаторида оғиз бўшлиғи касаллиги тўрт даврга бўлиниши мутахассислар томонидан чуқур ўрганиб чиқилган. Дастлабки даврда касаллик содир бўлгани тўғрисида паталогик ўзгаришлар кўзатилмайди. Беморнинг ўзи ҳам дастлабки жараёнда ҳеч нарса сезмаслиги мумкин. Лекин қолган даврларда аста-секин оғиз бўшлиғида айрим ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Масалан, оғиз бўшлиғи кандидози, сурункали лейкаплакия, лаб бичилиши, томоқ ва халқум кандидози, сурункали стоматитлар, бир қатор милк ҳасталикларида бу касалликнинг ривожланишига имконият яратади. Шунингдек, тил ва оғиз бўшлиғида ок катиксимон қараш қопламаси ҳам намоён бўлади.

Кўрсатиб ўтилган паталогик ўзгаришларнинг содир бўлиши оғиз бўшлиғи ОИТС касаллиги бошланганлигидан дарак берадиган асосий белгилардир.

Ушбу ҳасталикни қулок, томоқ ва бурун шифокорлари билан бир қаторда асосан стоматологлар томонидан аниқланиб, аниқ ташхис қўйиш лозим бўлади. Ҳар қандай паталогик ўзгаришларни дастлаб мутахассислар аниклайди. Шу боис оғиз бўшлиғида содир бўла бошлаган ўзгаришлар хақида албатта мутахассисларга мурожаат қилиш шарт. Бу оғир ҳасталикни асосан мутахассис даволагани маъқул. Уни ўзбошимчалик ёки шу соха мутахассиси бўлмагани тиббиёт ходими тавсияси билан даволаш мумкин эмас.

Бу касаллик аломатлари қанча эрта аникланса, уни даволаш шунча осон кечади. Шу боис биринчи галда соха мутахассисларига мурожаат қилишингизни тавсия этамиз. Умуман, тез-тез стоматолог қуригидан ўтиб туриш фақат фойда беради. Биз кўпинча тишимиз оғриганда, безовта қилганда стоматологга боришга одатланиб қолганмиз. Ваҳоланки, ҳар бир инсон ўз соғлиғи хақида доимқайғуриб борса, стоматологлар кўригидан ўтиб туришларини, шунингдек, бу ишга оила аъзоларини ҳам жалб этишларини маслахат берамиз. Шунда юқорида тилга олинган касалликлар ҳам содир бўлмайди.

Чет тиллари мутахассисликлари талабаларига олий математика асослари фанини ўқитишда мустақил таълимни ташкил қилиш

А.Ахлимирзаев, И.Машрапов
АДТПИ
М.Қўчқаров
АндМИИ

Маълумки, сўнгги йиларда барча таълим муассасаларида, жумладан олий ўқув юртларида ўқитиш жараёнида мустақил таълимга катта аҳамият берилмоқда. Мустақил таълимни амалга оширишда талабаларнинг мустақил ишлари ғоятда муҳимдир. Талабаларнинг мустақил ишлари, айниқса I-курс талабаларининг мустақил ишлари ўқув жараёнининг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Чунки олий ўқув юртидаги ўқув жараёнидан хабарсиз ва мустақил ишлаш малакасига мутлақо эга бўлмаган кечаги касб-ҳунар коллежи ёки академик лицей ўқувчиси бугунги кунда 1-курс талабаси бўлди. 1-курсда эса талабаларда келажакда эгаллайдиган мутахассислигида зарур бўладиган ҳислатлар шакллантирилади.

Олий ўқув юртларининг барча мутахассисликларида, жумладан “Хорижий тиллар ва адабиёти” йўналиши мутахассисликлари талабаларига олий математика асосларини ўргатишда ҳам талабаларнинг мустақил ишлари ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Талабаларнинг мустақил ишлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

Маъруза матнлари устида ишлаш; фан бўйича дастурда белгиланган ва мустақил иш учун ажратилган мавзулар устида ишлаш; ўқув адабиётлари билан ишлаш; маъруза машғулотларида ўтилган мавзуларни янада чуқурроқ ўрганиш; маъруза ва амалий машғулотлар даврида эгалланган билимларни

амалиётга, жумладан тилшуносликда қўллаш; айрим бўлим ва мавзулар бўйича рефератлар тайёрлаш ва ҳоказо.

Талабаларнинг мустақил ишларини ўқитувчи назорати остида ёки назоратисиз ўтказиш мумкин. Талабаларнинг мустақил ишлари ҳар бир семестр бошида тузилган режа асосида ташкил қилингандагина у яхши натижа беради. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилишда уларни билим савиялари ва фанга бўлган қизиқишлари эътиборга олиниши керак.

Движение – это здоровая жизнь

Д.У.Ахмедова, Д.У.Темирова, М.К. Юсупова,
АГПИЯ
Н.Н.Отажонова, Г.Юлдашева
Андижанский медицинский колледж

«Физические упражнения должны прочно войти в повседневный быт каждого, кто хочет сохранить здоровье, работоспособность, полноценную и радостную жизнь».
Гиппократ.

Здоровье – это гармоничное единство физических, психических, социальных функций человека, способствующие реализации его возможностей. Здоровье – такое состояние организма, когда функции всех органов и систем органов уравновешены с внешней средой и отсутствуют болезнетворные изменения.

Здоровье человека зависит от:

- состояния медицины – на 10%
- влияния экологических факторов – 20-25%
- генетических факторов – на 20%
- образа жизни, физических нагрузок - на 50%

Работающие мышцы, мускулатура образуют поток импульсов, постоянно стимулирующий обмен веществ, деятельность нервной системы и всех органов, что улучшает использование тканями кислорода, не откладывается избыточный жир, повышаются защитные свойства организма. Систематические тренировки делают мышцы более сильными, а организм становится более приспособленным к условиям внешней среды. Под влиянием мышечных нагрузок увеличивается частота сердцебиений, мышцы сердца сокращаются сильнее, повышается скорость артериального кровотечения. Это ведет к функциональному совершенствованию системы кровоснабжения. Во время мышечной работы увеличивается частота дыхания, углубляется вдох, усиливается выдох, улучшается вентиляционная способность лёгких. Постоянные физические упражнения способствуют увеличению массы скелетной мускулатуры, укреплению связок, суставов, росту и развитию костей. Люди, выполняющие необходимый объем двигательной активности, лучше выглядят, здоровее психически, менее

подвержены стрессу и напряжению, лучше спят, у них меньше проблем со здоровьем.

Использование средств физической культуры как никогда актуально сегодня. Об этом свидетельствуют данные исследований конца 2000 года:

- у72% школьников отмечается нарушение осанки,
- у 30-40% - отклонения в сердечно-сосудистой системе.
- 50% девочек и 20% мальчиков имеют избыточный вес.

Одна из доминирующих черт нашего времени - ограничение двигательной активности современного человека. Сто лет назад 96% трудовых операций совершались за счет мышечных усилий. В настоящее время - 99% с помощью различных механизмов. Нормальное существование человека в этих условиях возможно только в том случае, если организм своевременно реагирует на воздействия внешней среды соответствующими приспособительными реакциями.

Физические упражнения становятся своеобразным регулятором, обеспечивающим управление жизненными процессами и сохранение постоянства внутренней среды. А значит, физические упражнения надо рассматривать не только как развлечение и отдых (что важно!), но и как средство сохранения здоровья (что ещё более важно!).

Недостаточная двигательная активность создает особые неестественные условия для жизнедеятельности человека, отрицательно воздействует на структуру и функции всех тканей организма человека. Вследствие этого наблюдается снижение общих защитных сил организма, увеличивается риск возникновения заболеваний.

Наряду с разумным сочетанием труда и отдыха, нормализацией сна и питания, отказа то вредных привычек систематическая мышечная деятельность повышает психическую, умственную и эмоциональную устойчивость организма.

Человек, ведущий подвижный образ жизни, систематически занимающийся физическими упражнениями, может выполнить значительно, большую работу, чем человек, ведущий малоподвижный образ жизни. Это связано с резервными возможностями человека.

Обмен веществ является источником энергии для всех жизненных процессов и функций организма. Занятия физическими упражнениями или спортом повышают активность обменных процессов, тренирует и поддерживает на высоком уровне механизмы, осуществляющие в организме обмен веществ и энергии.

При регулярных занятиях физическими упражнениями или спортом:

- увеличивается количество эритроцитов и количество гемоглобина в них, в результате чего повышается кислородная емкость крови;
- повышается сопротивляемость организма к простудным и инфекционным заболеваниям, благодаря повышению активности лейкоцитов;

- ускоряются процессы восстановления после значительной потери крови.

В процессе спортивной тренировки ЧСС в покое со временем становится реже за счет увеличения мощности каждого сердечного сокращения, сердце тренированного человека в каждом цикле своей работы имеет большее времени для отдыха и восстановления. Снижение давления может быть следствием ослабления деятельности сердца или чрезмерного сужения периферических кровеносных сосудов.

Виды нагрузки	**Состояние АД у людей**	
	тренированных	**нетренированных**
Интенсивная физическая работа	Максимальное АД повышается до 200 мл рт ст и более, может долго держаться.	Максимальное АД сначала повышается до 200 мл рт ст, затем снижается в результате утомления сердечной мышцы. Может настать обморок.
После работы	Макс и мин АД быстро приходит в норму.	Макс и мин АД долго остаются повышенными.

Полный круговорот крови по сосудистой системе в покое осуществляется за 21-22 секунды, при физической работе – 8 секунд и меньше, что ведет к повышению снабжения тканей тела питательными веществами и кислородом. Физическая работа способствует общему расширению кровеносных сосудов, нормализации тонуса их мышечных стенок, улучшению питания и повышения обмена веществ в стенках кровеносных сосудов. При работе окружающих сосудов мышц происходит массаж стенок сосудов. Кровеносные сосуды, проходящие через мышцы (головного мозга, внутренних органов, кожи), массируются за счет гидродинамической волны от учащения пульса и за счет ускоренного тока крови. Все это способствует сохранению эластичности стенок кровеносных сосудов и нормальному функционированию сердечно-сосудистой системы без патологических отклонений.

Напряженная умственная работа, малоподвижный образ жизни, особенно при высоких нервно - эмоциональных напряжениях, вредные привычки вызывают повышение тонуса и ухудшению питания стенок артерий, потерю их эластичности, что может привести к стойкому повышению в них кровяного давления, и, в конечном итоге, к гипертонической болезни. Потеря эластичности кровеносных сосудов, а значит, повышение их хрупкости и сопутствующее этому повышение кровяного давления могут привести к разрыву кровеносных сосудов. Если разрыв происходит в жизненно важных органах, то наступает тяжелое заболевание или скоропостижная смерть. Поэтому для сохранения здоровья и работоспособности необходимо активизировать кровообращение с помощью физических упражнений. Физические тренировки способствуют адаптации тканей к гипоксии (недостатку кислорода), повышается способность клеток тела к интенсивной работе при недостатке кислорода.

При систематических занятиях спортом улучшается кровоснабжение мозга, общее состояние нервной системы на всех её уровнях. При этом отмечаются большая сила, подвижность и уравновешенность нервных процессов, поскольку нормализуются процессы возбуждения и торможения, составляющие основу физиологической деятельности мозга

Физические тренировки оказывают разностороннее влияние на психические функции, обеспечивая их активность и устойчивость. Установлено, что устойчивость внимания, восприятия, памяти находится в прямой зависимости от уровня разносторонней физической подготовленности.

У людей развивается слабость скелетных мышц, что ведет к развитию сколиоза. Одновременно происходит перестройка костей, накопление в организме жира, падение работоспособности, снижение устойчивости к инфекциям, ускорение процесса старения организма. Если человек малоподвижен по роду своей работы, не занимается спортом и физической культурой, в среднем в пожилом возрасте эластичность и сократительная способность его мышц снижается. Мышцы становятся дряблыми. В результате слабости мышц брюшного пресса происходит опущение внутренних органов и нарушается функция желудочно-кишечного тракта. В пожилом возрасте понижение двигательной активности приводит к отложению солей в суставах, способствует уменьшению их подвижности, ухудшает связочный аппарат и мускулатуру. Пожилые люди с возрастом теряют двигательные навыки и уверенность в движениях.

Экзаменационная пора - серьезный период обучения, связанный с повышением умственной и психической нагрузок. Этот период требует большого напряжения нервной системы и психических функций. Повысить умственную работоспособность и уменьшить риск заболевания гиподинамией в период подготовки к экзаменам в значительной мере помогают комплексы физических упражнений.

Значение полового воспитания для подростков в формировании их как личности

Д.У.Ахмедова, Д.У.Темирова, М.К. Юсупова
АГПИЯЗ
Г.Юлдашева, Н.Н. Отажонова
Андижанский медицинский колледж

Подростковый возраст – это переходный период жизни, где человек уже не ребенок, но ещё не взрослый человек. В течение этого периода происходят физиологические и психические перестройки организма подростка. Этот транзиторный период характеризуется появлением вторичных половых признаков (половое созревание), дифференциацией и совершенствованием репродуктивной сферы, структурированием личности взрослого человека. Однако, эта перестройка происходит в зависимости от

пола, этапа развития, условий жизни, социально-экономических особенностей среды проживания, культуры и традиционных факторов. Немаловажное влияние оказывает генетическая природа организма в физиологической перестановке функций половой сферы. В этот период расширяется спектр интересов и потребностей у подростка, что ведет к поиску информаций, ответа на все интересующие вопросы.

Опросы молодежи показывают, что источником информации чаще бывают лица, к кому они предрасполагаются доверием. Родители и окружающие взрослые в большинстве случаев не понимают, что отсутствие информации или избежание от ответа на вопросы молодых людей могут в дальнейшем привести к отрицательным последствиям. Когда подростки не получают удовлетворенности в сфере своих интересов, они начинают искать ответы на свои вопросы у своих сверстников, за пределами своего дома, узнают через средства массовой информации. Это может привести к дезинформации, искаженным представлениям о своем организме и его возможностях, может стать причиной многих проблем, недомоганиям, страху и т.д. В этом отношении главную роль играет половое воспитание, которое должно быть организованно профессионально, предусматривающее все моменты развития подростка.

Половое воспитание учитывает ознакомление подростков с анатомо-физиологическими, сексологическими, гигиеническими и другими сведениями по вопросам пола и половой жизни. Задача полового воспитания – способствовать гармоническому развитию подрастающего поколения, полноценному формированию детородной функции, содействовать укреплению брака и семьи. Половое воспитание основывается на общих принципах воспитательной работы и должно быть составной частью учебно-воспитательных мер, осуществляемых в семье, дошкольном, школьном и образовательных учреждениях. Обязательное условие его эффективности – единый подход родителей, медработников, педагогов, воспитателей. А.С.Макаренко писал: «…Мы должны так воспитывать наших детей, чтобы они относились к любви как к серьёзному и глубокому чувству, чтобы свое счастье они реализовали в семье».

Иногда взрослые, учителя, общественные и религиозные лидеры выражают опасения, что половое просвещение молодежи о планировании семьи, контрацепции и любовных отношений, может стать причиной безответственного поведения и увеличит сексуальную активность молодых вне брака. Эта точка зрения не верна.

Программы полового воспитания развивают ответственность по отношению сексуального поведения, сохранения физического и нравственного здоровья, предупреждение временных эмоциональных переживаний и жизненных неудач, нежелательной беременности и аборта.

Исследования, проведенные Всемирной Организацией Здравоохранения (ВОЗ) доказывают тот факт, что хорошее половое образование не приводит к сексуальной активности, а наоборот, задерживают сексуальную активность и готовит молодежь к здоровой

своевременной семейной жизни. Подростки, имеющие полноценное воспитание и доверие окружающих, меньше подвергаются негативу и менее склонны к депрессивным состояниям. К сожалению, межличностные отягощенные отношения между взрослыми и подростками бывают причиной неустойчивости психики у молодых. Это сбивает их с правильного пути и часто разрушает их нравственность, они утрачивают способность самостоятельного принятия решений, в результате могут стать жертвами разрушителей общества. Такие подростки очень быстро приобретают вредные привычки, а злоупотребление вредными веществами связано с высокой вероятностью раннего начала активной половой жизни. В этом плане, подростковый возраст это период повышенного риска, и несомненно, что образ жизни и привычки, усвоенные в юности, как правило, остаются на всю жизнь

Организм подростка еще не способен противостоять активному половому воздействию и не преуспевает перестроиться, что часто является причиной структурных нарушений репродуктивных органов. Такое изменение осложняется болезнями, вплоть до бесплодия. Существует опасность развития **заболеваний передающихся половым путем (ЗППП)**, так как этот возраст чаще подвергается посторонним случайным контактам. В последние годы вырос риск заражения ВИЧ-инфекцией среди подростков ввиду разнообразия их увлечений, таких как, наркомания, беспорядочная половая жизнь, разброд и т.д.

Подростковый период – это возраст подготовки молодежи к взрослой жизни, к семье и продолжению поколения. Конечно же, безопасная и поддерживающая среда поможет подросткам пройти все физические, социальные и физиологические изменения на этапах нормального развития безболезненно, уверенно, сохраняя перспективы стать здоровым и продуктивным взрослым человеком. Это является приоритетом полового воспитания среди развивающихся подростков, эффективность которого намного зависит от организации медико-педагогических мер просвещения и воспитания молодежи.

Жамият маънавий ва маърифий ҳаётининг юксалишида миллий ғоянинг аҳамияти

Г. Ашурова.
2- Академик Литцей
она –тили ва
адабиёти фани ўқитувчиси

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир миллатнинг, ҳар бир юртнинг фахри ва ифтихори унинг маънавияти, жаҳон илм – фани, маданиятига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади ҳамда қадрланади. Мана шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, Ватанимиз, ҳеч шубҳасиз, дунёдаги энг илғор, олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Ўзбекистон ҳудудида етишиб чиққан ва дунё илм –фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз фаолияти ва улар яратган маънавий меросимизга нисбатан, собиқ иттифоқ даврида адолатсиз муносабат ўрнатилган эди.

Мустақиллик шарофати билан Республикамизда қарор топа бошлаган ижтимоий адолат, айниқса, кўҳна тарихимиз, маданий меросимиз, маънавий қадриятларимизга муносабат ўзгарди.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ "Биз мустақил ўзбек давлатининг пойдеворини қурмоқдамиз. Минг қатла шукурки, тилимизни, динимизни, урф-одатларимизни, маънавий қадриятларимизни буткул йўқотиб қўйиш хавфидан сақлаб, асраб- авайлаб, уларнинг азалий мазмуни ва қудратини тиклашга ўтдик", [1]- деб бежиз таъкидлаб ўтмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси миллий мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар билан бир вақтда маънавий меросимизни, маданий қадриятларимизни тиклаш ва уларни халқимизга етказиш борасида кенг кўламда фаолият олиб бормоқда.

Бозор муносабатлари шароитида маънавий ва маърифий ишларга ғоят катта эътибор берилиши мустақил Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Мустақиллик даври мамлакатимизни маънавий - маърифий юксалтиришда "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказини ташкил қилиш ва уларнинг иш самарадорлигини оширишга қаратилган 1994 йил 23 апрел ва 2006 йил 25 августдаги ПҚ – 451 қарори катта аҳамиятга эга бўлди. Республикамиз Президентининг 2000 йил 2 июндаги Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги фармони эса мамлакатимизда маънавий- маърифий ислоҳотларни изчил амалга ошириш, миллий ғояни халқимиз онги ва қалбига сингдириш борасида улкан ишларни амалга оширишга қаратилган муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда аждодларимизнинг бизгача етиб келган бой маданий меросларини ўрганиш ҳам катта ўрин эгаллайди. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қадриятлар, урф-одатлар, буюк ота- боболаримизнинг бизга қолдирган меросларини ўрганиш ва тарғиб этиш учун кенг йўл очилди.

Буюк алломаларимиз номларини қайта тиклаш ва уларнинг таваллуд кунларини кенг миқёсда, ҳатто халқаро даражада ўтказилиши, маънавий ҳаётнинг юксалишига катта хизмат қилмоқда.

Жумладан, 1991 йил буюк аллома, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий юбилейи катта тантана билан ўтказилди. 1994 йилда Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги халқаро миқёсда нишонланди. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида юбилейга бағишлаган ҳафтанома бўлиб ўтди. Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги ва 1996 йилнинг Амир

[1] И.А. Каримов. Истиқлол ва маънавият Т., Ўзбекистон. 1994 й., 71 бет

Темур йили деб эълон қилиниши катта аҳамият касб этди. Шу йили ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида “Темурийлар даври, фан, маданият ва маорифнинг гуллаб - яшнаши” мавзусида анжуман ва унга бағишланган кўргазма очилди.

“Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгалашда Ал – Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал- Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебахо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади, халқимизнинг кучига куч, ғайратига – ғайрат, ишончига-ишонч қўшади”.[1]

Истиқлол йўлида ривожланиб бораётган ватанимиздаги мавжуд маънавий, маданий омил сифатида амал қилувчи маориф, таълим-тарбия соҳасига эътибор кучайтирилмоқда.

“Дарҳақиқат, истиқлол даврида барпо этилган, барча шарт-шароитларига эга бўлган, академик лицей ва касб –ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, замонавий касб-ҳунар ва илм - маърифат сирларини ўрганаётган, ҳозирданоқ икки –уч тилда бемалол гаплаша оладиган минг- минглаб ўқувчилар, катта ҳаётга кириб келаётган, ўз истеъдоди ва салоҳиятини ёркин намоён этаётган ёш кадрларимиз бугуннинг ўзида ўз ҳосилини бераётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз”, [2] -дейди И.А. Каримов.

Республикамизда таълимнинг янги тизимини амалга оширишда Ўзбекистон ҳукумати таълим жараёнларини ўрганиб чиқиб, уни ислоҳ қилиш дастурини тайёрлади. Барча эътибор таълим тизимларини демократик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида такомиллаштириб, унинг моддий-техника базасини замон ва давр талаблари даражасига кўтариш ва Ўзбекистоннинг маърифий салоҳиятини кучайтиришга қаратилди. 1993 йил Республикамиз Президенти томонидан “Ўзбекистонда ўқувчи ёшларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида”ги фармонига биноан талаба аспирантлар учун махсус стипендиялар белгиланди. Улар учун ривожланган давлатлардаги Университетларда таълим олиш, улардаги илмий марказларда ишлаш малакаларини ошириш учун шароитлар яратиб берилди.

“1997 йилда бошланган, ҳақиқатдан ҳам оламшумул ишларимизнинг бундай муҳим натижасига эришишда биргина шу йилнинг ўзида 370 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, 184 си замонавий лицей ва коллеж барпо этилгани ҳам салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Йил давомида умумтаълим мактабларининг моддий- техник базасини мустаҳкамлаш бўйича 364 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1875 та мактабда янги қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилгани

[1] Каримов И.А. Истиқлол ва маънвият. Т.: Ўзбекистон 1994 йил, 97 бет
[2] Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008 йил, 63 бет

ҳам, ҳеч шубҳасиз, биз учун, бизнинг келажагимиз учун амалга оширилаётган ишларимизнинг яна бир намоёни бўлди”.[1]

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб энг муҳим масалалардан бири, эскича фикрлаш, тафаккур тарзидан қутилган, истиқлол учун, ўз она юрти учун хизмат қиладиган кадрлар тайёрлаш масаласи бўлди. Эски тузумни аста - секин таг - томири билан тугатиб, жаҳоннинг илғор тараққий этган мамлакатлар тажрибасида синалган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, эндиликда, янгича фикрлайдиган кадрларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Демократик тамойилларга асосланган янги жамиятда раҳбар кадрларни тайёрлаш мақсадида Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, айрим вазирликлар қошидаги академиялар ташкил этилиши катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, миллий ғоямизнинг асосий тушунча ва тамойилларини белгилаб олиниши, жамият ҳаётининг маънавий ва маърифий жиҳатдан юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек “Миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно –моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий- маърифий таълим - тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат”.[2]

Ўзбекистонда демократик давлат ва фуқаролик жамият қуриш йўлида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий - маърифий ишларимиздаги барқарорлик мафкуравий тахдидларнинг олдини олишни муҳим вазифа қилиб қўйди. Шу мақсадда халқимизнинг анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр – оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини кишилар онгига синдириш лозимдир.

Ҳулоса қилиб, айтганда миллий ғоянинг энг муҳим вазифаларидан бири жамиятнинг маънавий ва маърифий ҳаётини юксалтириш ва буюк келажагимиз таянчи бўлган ёш авлодни миллий ғурур ва ватанга садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир.

---

[1] И.А. Каримов Ватанимизнинг босқичма – босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Халқ сўзи. 2008 йил 6-декабр.

[2] Каримов И.А. Юксак маънавият энгилмас куч Т.: Маънавият. 2008 йил 75 йил

Селекционер олим Рихард Рихардивич Шредернинг ҳаёти ва фаолиятига чизгилар

Асқарова Д., АДТПИ қошидаги АЛ.
доц. Қ.М.Насритдинов
АДУ

Ўзбекистон Республикаси истиқлол туфайли мустақилликка эришганидан сўнг унинг ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида туб ижобий ўзгаришлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан, Россия империяси ва Советлар мустамлакачилиги даври ватанимиз тарихи ҳам турли фан мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилиб, янги илмий хулосалар қилинмоқда. Бизга маълумки, мустамлака йилларида Туркистон ўлкаси иқтисоди империя енгил саноати учун арзон пахта хом ашёси етказиб берувчи чекка ўлка сифатида бир тарафлама ривожлантирилди.

Туркистон ўлкасида жумладан, ҳозирги Ўзбекистон Республикаси худудида суғориш тармоқлар ва унга асосланган дехқончилик “жез” (бронза) давридан, яъни бундан тахминан 3500–3750 йил муқаддам вужудга келган ва шунинг баробарида жуда қадим замоналардан пахта етиштирилиб келинган. Мустамлака арафасида Ўрта Осиё хонликларида Хива, Бухоро, Қўқон номли махаллий пахта навлари экилган бўлиб, уларни маҳаллий дехқонлар “Малла ғўза”, “Қизил пўчоқ” деб аташган. Бу пахта навлари маҳаллий хунармандлар талабига мос пахта навлари эди. Шунинг учун ҳам бу хонликлар қўшни хорижий давлатларга жумладан Россия, Афғонистон, Хиндистон ва Хитойга аксарият маҳаллий хунармандлар томонидан пахтадан таёрланган тайёр маҳсулотларни экспорт қилганлар.

Россия империяси Ўрта Осиё мустақил давлатларни босиб олгач империя енгил саноати талабига мос келувчи, қайта ишлаши, толасининг сифати жиҳатидан саноат корхоналарига тўғри келадиган Америка пахта навларини Туркистон ўлкасида районлаштириш бўйича кенг кўламда илмий тадқиқотлар ва ташкилий ишлар олиб борди.

Мустамлака йилларида тақдир тақозосига кўра, Туркистон ўлкасига турли соҳа олимлар кўчиб келиб, фаолият олиб боришди. Шундай олимлар сирасига Рихард Рихардович Шредерни киритиш мумкин. У 1867 йили 15 октябрда Москва шахрида таваллуд топган. 1891 йили Москва Давлат университетининг Физика – математика факультетини, сўнгра 1894 йили Петровск қишлоқ хўжалик Академиясини томомлади. 1895–1900 йилларда у Академиянинг хусусий дехқончилик кафедрасида ассистенти лавозимида фаолият кўрсатди. 1900–1902 йилларида Германия, Швейцарияда малака ошириб қайтгач, умрининг охиригача яъни 1944 йил 27 апрелигача селекционер олим сифатида Туркистон қишлоқ хўжалиги ва тажриба станциясига (ҳозирда Р.Р.Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик институти) раҳбарлик қилган. У ўз фаолияти давомида боғдорчилик, ғаллачилик, пахтачилик соҳасидаги селекция ишларига раҳбарлик қилган. Унинг раҳбарлигида Ўрта Осиё иқлимига ва табиий

шароитига мос келадиган жуда кўп ўсимликлар иқлимлаштирилиб, бошоқли экинлар ҳамда пахтанинг янги навлари яратилди.

1898 йил юқорида зикр этилган мақсадларни амалга ошириш учун Тошкент шаҳри яқинида Туркистон қишлоқ хўжалик тажриба станцияси ташкил қилинди. 1899 йилда эса тажриба станциясининг Андижон ва Мирзачўл ҳудудларида тажриба далалари ташкил этилади.

Рихард Рихардович Шредер Туркистон ўлкаси Ер сув ва Давлат мулклари бошқармаси қошидаги доимий Аграномлар Кенгашининг раиси сифатида Кенгашнинг йиғилишларида уруғчилик, ўсимликларни иқлимлаштириш масалаларини муҳокамасида фаол қатнашар, олиб борилаётган селекция ишларини доимий назорат қилиб турар эди. Унинг раҳбарлигида бошқарма қошида шу соҳа бўйича илмий лабораториялар ҳам ташкил этилди. Р.Р. Шредернинг раҳбарлигида пахтачилик тажриба майдонларида хориждан келтирилган 9 та Америка пахта навлари устида маҳаллийлаштириш бўйича тажриба ишлари амалга оширилади. Тажриба олиб борилган бу пахта навлари ўша даврда 3 гуруҳга бўлиниб: биринчисига Прайд оф Жоржия, Кинг Аллен ва Кристофер Лардж, иккинчи гуруҳга Триумф ва Кук, учинчи гуруҳга Ауниц Болл, Голд Стандарт, Кинг оргинал ва Кинг Андижон каби навлари киритилган эди.

Бу пахта навлари устидан олиб борилган тажрибалар натижаси ўлароқ улар асосида маҳаллийлаштирилган, иқлим шароитига мос бўлган янги пахта навлари яратилди. Унинг бевосита раҳбарлигида бу даврда пахтачилик соҳасида мунтазам равишда илмий тажрибалар ўтказиш йўлга қўйилди. Бунинг натажаси ўлароқ пахта зараркунандаларига қарши курашиш жараёнларида турли химикатларни қўллаш усуллари жорий этилди.

Р.Р.Шредернинг ташабуси билан пахтачилик соҳасида ташкилий ишларни ҳал этиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, кичик хусусий пахтачилик хўжаликларига кредит масалаларини йўлга қўйиш, пахтачилик бўйича хорижда нашр этилган илмий адабиётларни Туркистонга олиб келиш ва улар асосида илмий кутубхона ташкил этиш, селекция лабораторияларини жиҳозлаш, уларни моддий–техника таъминотини яхшилаш, янги тажриба навлари учун уруғларни мунтазам равишда чет элдан сотиб олиб келиш каби ишлар бевосита Р.Р. Шредернинг раҳбарлигида амалга оширилган. Натижада биринчи маротаба Туркистондаги мавжуд экин майдонларининг тупроқлари таркиби тўғрисида илмий ахборотлар жамланмаси яратилди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, Туркистон ўлкаси қишлоқ хўжалиги жумладан, пахтачилик соҳасини ривожлантиришда Рихард Рихардович Шредернинг фаолиятини ўрганиш маълум маънода илмий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Устоз мақоми ҳақида сўз

Ҳ. Ғозибоев
АДТПИ

Жамият тарихий тараққиётининг ҳар бир босқичида ва ер юзасининг барча ижтимоий масканларида юзага келган цивилизация (этник, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий бирлик)лар ўз менталитетига, ўзлигини намоён қилиш тарзи ва тамойилларига, истиқболни белгилаш ва унга эришиш принципларига, жамиятни ичдан емирувчи ёки ташки тажовузкор кучлардан ҳимоя қилиш онги ва хисси мислидаги идеалга, мафкурага эга бўлади. Бу мафкура кишиларга менталитет қамрови доирасида юзага келган ният, интилиш, фикр, хулқ-атвор мезонлари, хатти-ҳаракат намуналари орқали тушунарли бўлиб, жамият аъзоларининг амалий ҳаёти учун мўлжал олиш омили ва дастурига айланади.

Ҳамма даврда ҳам олим-устоз, муаллим устоз, касб устаси, саркарда – устоз жамиятнинг мумтоз тоифаси сифатида кишиларнинг ижтимоий ният, ижтимоий фикр ва хулқ – атвор (оила қуриш, касб танлаш, жамоат ҳаётида қатнашиш)ининг мезон ва тамойилларини ўзида мужасам этиш орқали мафкура тарғиботчиси бўлганлар. Зеро, устозлар ижтимоий барқарорлик, ҳамжиҳатлик, юрт тинчилиги каби ижтимоий қадриятлар моҳиятини ёш авлодга нисбатан теранроқ англаганлар. Шунинг учун ҳам ўз ижтимоий фаолиятида ўша мафкурани намоён қилишга, ўз касбий фаолияти билан уни уйғунлантиришга интилганлар. Айни шу борада ҳам шогирдига устоз ибрат намуналарини кўрсатганлар.

Мана шу фазилатлари туфайли жамиятда устоз мақомига эришишга интилиш, устозни ва устозликни эъзозлаш, устозларга эргашишлик, етук, комилликка эришишига интилаётган кишиларнинг турмуш тарзига айланган. Буюк аждодларимиз ҳам бу фаолиятга катта эътибор бериб устоз ибратини тарғиб этганлар. Хусусан, Мотуридий, Юсуф Хос Хожиб, Жалолиддин Румий, Аҳмад Югнакий, Рабғузий, Амир Темур, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби мутаффакирлар асарларида ва ҳаёти фаоляитида устоз ибрати масаласи марказий ўринлардан бирини олган.

Буюк Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари” номи билан мушҳур асарида ўз ҳаёт йўли тўғрисида шундай ёзади: “Одам Атодан Ҳотам ул анбиёгача, улардан ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунларини ва туриш -турмушларини донолардан сўраб - суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл -йўриқлари, туриш - турмушлари, қилиш - қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари , маьқул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим.” Шуни таъкидлаш лозимки, шундай буюк зотларнинг ўзлари донолардан ибрат олишларининг ўзи биз учун ибратли.

Ибрат феномени, айниқса устоз ибрати масаласи Алишер Навоий ижоди ва ҳаёти фаолиятида ҳам алоҳида ўрин олган.

Алишер Навоий ўз ишининг моҳир устаси сифатида ибратли бўлиб шухрат қозонишга алоҳида эътибор берган. Масалан, у зот ҳар кун кўп ёзиб

эмас, оз бўлсада хўб ёзиб манзур бўлган шоир, хаттот, тарихнависларни эъзозлаб, бошқаларга намуна қилиб кўрсатган. Шу билан бирга яхши иши билан шуҳрат қозонган кишиларга эргашишни ҳам ибратли деб билган . Навоий ривояти бўйича ўз даврининг машхур мусиқашуноси Шодий ўта жозибали даражада ижро этилган куйни тинглаб таъсирланган, ундан руҳланиб бастакор Паҳлавон Муҳаммадга қараб,-" агар ҳазратим рухсат этсалар, басталаган куйларини мен ҳам ижро этсам ва номингиз орқали мен ҳам шуҳрат қозонсам, -" дебди.

Замонасида яратилган маънавий бойликлар таҳлилчиси бўлган олим Навоий устоз ибрати мавзуси ва амалиётига катта эътибор берган. Ҳазрат Абдуруҳмон Жомийнинг нафақат уламо ва шоирларга, балки салтанат аҳлига ҳам, барча бошқа касб кишиларига ҳам ибратли устоз бўлганлигини Навоий эътироф этиб, ундан кўп нарсаларни ўрганишга кишиларни даъват этган. Умуман Навоийда устоз ибратига мурожаат урф даражасига етказилган «Ҳамса» асарининг ҳар бир достонида, «Мажолисун нафоис» асарида бу мавзуга такрор ва такрор қайтиб турган.

Алишер Навоий яратган ибрат намунаси ва унинг ибратли ҳаёти ҳали-хануз ёшларни кўп қиррали фазилатларга бой қилиб тарбиялашда университет вазифасини бажаришга қодир. Зеро, унинг ибрати минглаб ибратли зотларнинг камол топишида туганмас манба бўлиб хизмат қилиб келган.

Агар аждодлар ўгитига қулоқ солиб унга амал қилишни истасак, ўз фаолиятимизни миллий ғоя тамойилларига асослаб қўйиб ўзимизда қуйидаги фазилатларни шакллантиришимиз зарур.

1. Ўз касби ва унга оид илмий, услубий ва тарбиявий аҳамиятли билимларни мукаммал эгаллаш.
2. Ўз касби ва фанига оид билимларни бойитиб, ҳаётга татбиқ этишга яроқли қилиб шогирдларга ўргатиш, беминнат таълим бериш.
3. Илм бериш баробарида шогирдларига жамият ҳаётида фаоллик намунасини кўрсатиш.
4. Меҳнатсеварлиги, яхши ҳулқ атвори, билимга қизиқиши ва изланувчанлиги билан шогирдларга ибрат бўлиш.
5. Ўз илми, изланишларини, ижтимоий фаолиятини Ватан истиқболига бағишлаш.
6. Сабр – бардошлиликда, иймонли ва ҳалол бўлишда, меҳр – мурувватлиликда ва маъсулиятлиликда бирдай талабчан бўлиш.
7. Иллатларга муросасиз бўлиш.

Шогирд ҳам бир қатор фазилатларни эгаллаш орқали устозига муносиб бўлишга интилмоғи лозим.

1. Илмига, касб эгаллашга ўзини бағишлаш.
2. Интизомли, одобли ва дид – фаросатли бўлиш.
3. Ватани ва ота – онаси ундан олийжаноб ютуқларни кутаётганини ҳар дақиқа ёдида тутиш.
4. Аввалги аждодлар, мутафаккирлар ва шу кундаги устозига муносиб шогирд бўлиш.

5. Тиришқоқликда давр билан ҳамнафас бўлишга, иложи бўлса даврнинг энг илғор кишиси бўлишга интилиш.
6. Илм олаётган даргоҳини муқаддас билиб, бу макондани буюмларни асраб авайлаш.
7. Иллатларга муросасиз бўлиш.

Влияние мирового финансово- экономического кризиса на образование, науку и культуру

Преподователь Задоян В.Л
АГПИЯ
Доцент. Асханов П.Х
АГМИ

2 марта 2009 в Штаб квартире ООН по образованию, науке и культуре (ЮНЕСКО) прошла международная конференция, посвященная роли ООН в предотвращении негативных последствий глобального финансового экономического кризиса в области образования науки и культуры. Участники конференции обсудили роль ЮНЕСКО в этом процессе и пути обеспечения инвестиций в сферу образования, науки и культуры. Эксперты ЮНЕСКО опасаются, что экономические потрясения серьезно угрожают плодам многолетних усилий, таких как снижение уровня бедности, улучшение здоровья, доступ к образованию.

Традиционно одной из первых жертв кризиса становится культура. Музыканты, актеры, художники, архитекторы сталкиваются с резким сокращением количества заказов. Однако влияние кризиса на культуру этим не ограничивается.

Девид Тросби в книге « Экономика и культура» доказывает, что в ряде случаев кризис приводил к появлению подлинных шедевров. Показательна история великого архитектора Френка Ллойда Райта. К началу Великой Депрессии он был достаточно известным специалистом, однако после начала экономического кризиса несколько лет сидел без работы. Тем не менее, тогда он получил ряд заказов на постройку частных домов. Тогда же Райт зантересовался массовым строительством недорогого жилья и разработал крайне интересные концепции.

Кризис влияет и на различные аспекты моды. Широко известна зависимость длины юбок от состояния экономики. Этот фактор впервые проявился после Второй Мировой войны, когда женщины вынуждены были экономить, результатом чего стало уменьшение размеров юбок и изобретение «мини». Виктория Шерроу, автор книги «Энциклопедия Волос. Культурная История», отмечает, что длинна волос напрямую зависит в каком состояннии находится экономика США. История 20- го столетия показывает, что во времена экономических трудностей в моду входили короткие стрижки, а в «жирные годы» - длинные. Это объясняется тем что за длинными волосами сложнее и дороже ухаживать. Кэти Пейс, автор книги «Надежда в Банке. Создание Американской культуры красоты», анализирует

историю косметических компаний США. Многие из них появились именно во времена экономических рецессий. Женщины были вынуждены экономить на посещении профессиональных косметологов и покупки косметики, для чего начинали обслуживать свои лица самостоятельно и придумывали новые кремы, маски для лица в домашних условиях. Результатом домашней косметической самодеятельности становилось появление новой косметической империи. Еще одним из последствий кризиса в США традиционно является рост популярной, серьезной, экономической, исторической и образовательной литературы. Рейтинги продаж книг в магазинах показывают, что во второй половине 2008 года в число бестселлеров пробились книги, описывающие перипетии Великой Депрессии, и труды экономистов, которые дают рекомендации о управлении персональными финансами и делают долгосрочные прогнозы о развитии экономики. Кроме того, резко возросли продажи учебников - американцы начали повышать свою квалификацию и, во многих случаях, сделали ставку на приобретение новой профессии.

Историк кино Инна Харк, в книге «Американское Кино 1930 – х. годов Темы и Вариации», отмечает, что Великая Депрессия буквально похоронила кинобоевике, где главными героями были мафиози – американская публика утратила к ним интерес, переключившись на ленты более светлого содержания. В это время появились ленты, вошедшие в сокровищницу мирового кинематографа таких фильмов как «Унесенные ветром», «Гроздья гнева» и др.1939 г. – последний год Депрессии – ныне считается «Величайшим годом Голливуда».

Анологичная история произошла в европейском и американском киномотографе «кризисных» 1970 г. Киностудии вынуждены были отказыватся от съемок дорогих картин, переключаясь на более дешевые и более театральные постановки, основанные на талантах актеров и фантазии режиссеров. Именно эти ленты, например «Заводной апельсин», считаются подлинными произведениями искусства. В 2008 году, в США было продано рекордное количество билетов в кинотеатры.Аноллогичный пример наблюдается и в ряде европейских стран Англии,Франции,Германии и в др.

Это не первый пример такого рода в 1929,1930 – киностудии получили рекордную прибыль (это объясняется тем, что расстроенные люди,хотят забыть о неприглядности реальности и согласны заплатить за билет). Однако в 1931 году кинематограф также столкнулся с проблемами: число зрителей начало сокращаться. Национальная Ассоциация Владельцев Кинотеатров ведет детальную статистику посещаемости с конца 1970 - х годов. Она также свидетельствует, что в первый год рецессии посещаемость кинотеатров растет, в последующие годы – снижается, иногда значительно, до начала следующего экономического подъема.

Культуролог Джеффри Хайсон из Университета Святого Иосифа подчеркивает, что экономические кризисы в области массовой культуры обычно проходят две стадии: « сперва мастера культуры берут на вооружение идеологию синтементального оптимистического популизма,а

когда экономика начинает выправлятся, на повестку дня выходит тема морально- эстетического осмысления произошедших событий, что делает более популярными высокие жанры, драмы и трагедии.

Организмни чиниқтириш усулларининг физиологик асослари

Д.К.Зайнобиддинов, Н.А.Орзиқулов,
Ш.З.Худойқулов
АДТПИ

Организмни чиниқтиришда умумий принципларга риоя қилинади, яъни таъсир этувчи омиллар доимий, кетма-кет бўлиб, организмнинг индивидуал хусусиятларини хисобга олган ҳолда олиб борилиши лозим.

Мухит хароратига чиниқиш шартли рефлекс асосида юз бериб, бунда омилларнинг таъсил этиш вақти, ўзига хос хусусиятлари ва атроф мухит шартли сигнал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Бериладиган муолажаларнинг миқдорини аниқлашда терморегуляциянинг фасллар давомида ўзгариб туришини ҳисобга олиш керак. Масалан, баҳор ва ёзнинг бошланишида кимёвий терморегуляция анча интенсив бўлади. Баҳорда совуқ ҳароратни сезиш пороги куз пайтига нисбатан анча паст бўлади. Бундан ташқари кимёвий терморегуляциянинг ўзгариши эрталабки соатларда анча интенсив бўлади.

Совуқ ҳароратга чиниқиш сув муолажалари ва совуқ ҳаво ваннаси орқали олиб борилади. Сувда ҳароратни ўтказиш кучли бўлганлиги учун у танани тез совутиш хусусиятига эга. Шунинг учун сув муолажалари қисқа бўлади. Совуқ сув қароратга чиниқишда тананинг маълум бир қисмига унинг таъсирини бериш билан ҳам амалга ошириш мумкин, масалан совуқ сувни баданга пуркаш, тананинг юқори қисмини нам сочиқ билан артиш, оёкни совуқ ванна қилиш, томоқни чайқаш ва бошқалар. Бу вақтда шунга эътибор бериш керакки, тананинг айнан манна шу қисми совуқ ҳароратга олдин кўпроқ учрамаган бўлиши керак. Масалан, юз ёки қўл учларига совуқ муолажалар билан таъсир этиб, организмни чиниқтириб бўлмайди. Чунки тананинг бу қисмларига совуқ ҳарорат доим таъсир этиб туради. Баъзан организмни чиниқтириш иссиқ ва совуқ сувни навбатма-навбат таъсир эттириш йўли билан бўлади, бундай йўл билан чиниқтиришда терморегуляция жараёни мукаммаллашиб боради.

Ҳар қандай жисмоний фаолият организмни бевосита қизитади, яъни термик эффект беради. Бунинг учун ҳам совуқ шароитда машқ бажариш анча енгил ўтади, чунки бундай пайтда организмнинг ички суюқликлар хисобидан қизиб кетишига ташқи ҳароратнинг пастлиги йўл қўймайди. Иссиқ шароитда айнан шундай интенсивликдаги ишни бажариш анча қийин кечади. Чунки мухитнинг иссиқлиги ички ва организмнинг меъёрий ишлаши қийинлашади.

Одам соғлигига сузишнинг аҳамияти

Р.Зухритдинов - АДТПИ,
Х.Солиев-АДУ,
Қорабоев Н., АМИИ
Д.Убайдуллаев АДУ магистри.

Қадимда сузишни билмаганларни «оқсоқ» деб атаганлар. Сузишни билмаганлар, бир томондан, соғлиқларни мустахкамлашнинг энг зўр воситасидан ўзларини махрум қилган бўлсалар, иккинчи томондан, ўз ҳаётларини доимий равишда ҳавфга қўювчилар бўлганлар. Маълумки, ҳар йили қанчадан қанча одамлар чўкиб уладиларки, булар, асосан, сузишни билмайдиганларга тўғри келади. Хатто, бундай бахтсизлик ҳамма шароит мавжуд пляжларда ҳам, болалари кайиқда сайр қилишга кетган ота-оналарнинг ховотирга тушганларини кўргандирсиз? Улар бежиз ховотирланмайдилар. Сузишни билмайдиганлар ёки ёмон сўзадиганлар учун сув офатдир. Демак, сузишни ўрганиш, бу ҳаётий зарурият.

Маълумки, сув ичида мураккаб ҳаракатларни бажариш Қуруқликдагидан анчагина кийинроқ. Бу яна оёқ остида қаттиқ таянчнинг йўқлиги, гавданинг одатдагидан ташқари гаризантал холатда бўлишни, нафас олиш ва нафас чиқаришнинг қийинлиги билан боғлиқ.

Шундай экан, 10-12 ёшда сузишни ўрганиш мумкинми? Албатта! Асли сузишни ўрганишнинг кечи йўқ. Сузишни ўргансангиз соғлом, кучли, чаққон, чидамли, қўрқмас бўласиз. Сув ичидаги кишини тана аъзоларига сузиш ҳаракатлари ажойиб соғломлаштирувчи таъсир кўрсатади. Сузиш нафас тизимига ҳам яхши таъсир кўрсатади ва у ҳаво билан ўпкага кирадиган турли зарарли микробларга қарши туриш қобилиятини орттиради. Сузишнинг иссиқ ва совуқ ҳароратга чиниқтирувчи таъсири мавжуд. Сузиш организмдаги модда алмашинувини ҳам фаоллаштиради. Чунки, ҳаракат вақтида кўп энергия сарфланади ва семиз одамлар учун бу озишни яхши воситаси хисобланади. Сузувчининг сувдаги бир текис ва ритмик ҳаракатлари қон айланишни яхшилайди, юрак-қон томир тизимининг мустахкамлайди. Шунинг учун сузиш билан мунтазам шуғиллансангиз яхши ривожланган мускуллари, яхши қоматга ва буғинлардаги аъло ҳаракатчанликка эга бўласизлар.

Сузиш уйқисизлик ва бошқа турли асаб касалликларига ҳам энг яхши даводир. Сузиш ланч одамларини тетиклаштиради, жаҳлдан тез туширади, асаблари таранг одамларни эса тинчлантиради. Айримлар сузиш билан шуқулланувчиларни фақат сувда машқ қиладилар, деб ўйлайдилар, аммо янглишадилар, Масалан, сузувчи спортчиларнинг кундалик машғулотларига: кросс, гимнастик машқлар, қўл мушакларини ривожлантирувчи махсус машқлар ва албатда, сузиш ҳам киради. Шундай қилиб, сузувчи зарурий жисмоний сифатларга: чидамлилик ҳаракатчанлик, тезлик, куч, эгилувчанлик сифатларига эга бўлиши керак. Қуруқликдаги машғулотлар сизларга шу сифатларни ривожлантиришга яхшигина ёрдам беради. Сузувчи жуда кучли бўлиши керак. Агар сиз қўл ва оёқ машқлари кучини қуруқликда машқ қилиб ривожлантирган бўлсангиз, сувда биринчи

ўтказилган машғулотлардаёқ унинг натижасини сезасиз. Шунинг учун ҳар томонлама машқ қилинг. Совуқ сувда сузиш энг яхши касметик воситалардан бири. Сув ҳаракатлар билан мутаносиб ҳолда инсон танасига ва терисига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади. Терингиз соғлом, силлиқ ва тиниқ, мушакларингиз таранг, текис ва эгилувчан бўлишини ҳоҳласангиз сузиш спорт турига албатта қатнашинг. Сузишни билиш ўтмиш даврдан буён инсонлар ҳаётида мухим ўрин эгаллаб келган. Ибтидоий жамоа даврида яшовчи қабилалар балиқ овлашда, душман хужумидан сақланишда ва бошқа ўринларда сувдан фойдаланганлар, бу демак, улар сузишни билганлар дейишга асос бўлиши мумкин. Айникса, сувга яқин жойларда яшовчи қабилалар учун сузиш ҳаётий зарурият бўлган.

Ўрта Осиё олимлари ва мутаффакирлари, масалан буюк Ал-Хоразмий, ўз замонасининг етук комусий олими Абу Райхон Беруний, табобатда шухрат қозонган Абу Али Ибн Сино, шарқ адабиётининг йирик намоёндаларидан Низомий Ганжавий, Носир Хисрав каби олимлар бошқа илмлар қатори жисмоний тарбия, чиниқиш, сувда чўмилиш, сузиш ҳам ҳаётий зарурият эканлигига катта эътибор беришган.

Бошқа машқлар қатори сузиш машқларини билиш ҳам ҳар бир Ўрта Осиёлик жангчи учун мажбурий эди. Амур Темур дарёнии кечиб ўтиш ва сузиш машқига катта эътибор берган. Буюк саркарда ўзи ҳам тез оқар дарёдан кечиб ўтиш, сувда сузиш сирларини мукаммал билган. Дарё қирғоқларидан туртиб чиққан тошларга арқон ташлаб туриб, шиддатли хужум қилишга мохир бўлган.

Сузишни ўрганиш учун чидамли сабр тоқатли бўлиш талаб этилади. Бу спорт турига катнашиши учун аввал, сузиш кийимларини ҳарид қилиш, сувга тушишдан қўрқмаслик ва тушганда оёқларини ердан ўзиб, бироз туришга ҳаракат қилиш керак.

Сув билан ҳазиллашиш мумкин эмас, унга жиддий қараш лозим. Шунинг учун сув билан боғлиқ куйидаги асосий хавфсизлик қоидаларини билиб олишингиз зарур.

1.Ҳеч қачон ўзингиз билмаган жойда чумилманг. 2.Бир ўзингиз катта жойда сўзманг. Қирғоқда, албатта сузишни биладиган бирор киши бўлиши ва у сизни назорат қилиб туриши керак. 3.Сувга тушишдан олдин унинг чуқурлигини ҳар эхтимолга қарши аниқлаб олинг. 4.Оқим бор жойда сўзмасликка ҳаракат қилинг, чунки у кучли бўлса, сизни ўзоққа оқизиб кетиши мумкин. 5.Сузишни энди ўрганаётган ёки бошлаганлар қирғоқда яқин жойда сузишлари лозим. 6.Сувга терлаган ёки қуёшда қизиған холда тушманг. Аввал танани бироз совутиб, сув билан ювиб олинг, сўнгра сувга тушишингиз мумкин. 7. Сувда 30-40 дақиқадан ортиқ бўлмасликка ҳаракат қилинг. Агар сув совуқ бўлса, қаттиқ сочиқда артинг ва қуруқ кийим кийинг. Сузиш спортига қатнашишдан олдин шифокор билан маслахатлашинг.

Энди эътиборингизга сувда бажариладиган бир қанча машқлар хавола этамиз:

1.Сувда бел сатхи чуқурлигида («Медўза») туринг. Чукур нафас олиб келинг, кейин иккинчисини ҳам шу тарзда олиб келинг, сўнгра уларнинг қўлларингизда бироз вақт ушлаб туринг ва яна дастлабки холатга қайтинг. 2.Чалқанча ётган холда оёқларни тўғрилаб олиб, ўтиришга ҳаракат қилинг, қўлларнинг сонга қўйинг, энди тошни шундай кўтарингки, сув танангизни тепага итарсин. Секингина қўлларни сув ичидан олиб, гавдангиз тўғрисига қўйинг. Мушакларни жуда кучли, таранг холда ҳаракатлантирманг. Сувда чалқанча ётинг ва бошингизни бироз туширинг, кўкракни жуда тепага кўтариб юборманг. 3.Қоринда ётган холда қўлларни ёнга ёйинг оёкларни ҳам тўғриланг, чуқур нафас олиб, юзни пастга қаратинг. Сув оёқларни тепага кўтарганда қўлларни тўғрисига-тапага кўтаринг ва сувга эркин ётинг. Тана мушакларини бўш қўйинг. Нафас олмоқчи бўлсангиз, яна вертикал ҳолда қайтинг.

4.Сув устида бемалол чалқанча қоринда ётишни ўрганиб олганингиздан кейин гавдани сувга ўгиришни (гавда билан ўгирилишни) ҳам машқ қилиб кўришингиз мумкин. Бунинг учун қоринда ётинг ва чап ёки унг томонга қараб, чалқанча ётиб олиш учун ўгирилинг. Худди қум ёки ўт устида ётгандек эркин ҳаракат қилсангиз, сув сизни, албатта, кўтариб туради. Бу машқдан мақсад сувда туришни тез ўзлаштириш. Агар сиз сувда ҳам худди қуриқликдагидек эркин ва енгил ҳаракатлана олсангиз, барча машқларни тез ва осон бажарасиз. Сузишни бир неча сузиш усуллари мавжуддир.

Жисмоний машқлар-касалликлардан ҳимоя қилишнинг мухим воситасидир

Р.Зухритдинов
АДТПИ
Магистрант О.Марасулов
АДУ

Тажриба шуни кўрсатадики, жисмоний тарбия билан шуғулланишни бошлаган одам нафақат ҳаётининг узайтирилишига эришади, балки унинг сифатини ҳам оширади. Қуйидагилар исботланган:

- доимий жисмоний юкламаларга ўзини йўналтирган одамлар юрак қон-томир касалликларига, яъни ҳозирги даврда ўлимнинг асосий сабабчиси бўлган атеросклероз, юракнинг ишемик касаллиги ва гипертония касаллигига уч марта камроқ дучор бўлар эканлар;
- етарли бўлмаган жисмоний фаоллик қанд касаллигига дучор бўлиш ҳавфи туғдириши бўғимларда дегенератив ўзгаришлар, остеохондроз ва «оддий» шамоллашларга олиб келиши мумкин;
- яхши жисмоний формада бўлган одамларда саратон (рақ) касаллигига бўлган мойиллик пастроқ бўлиши кўзатилган, масалан, кам ҳаракатли одамларга нисбатан югуриш билан мўътадил шуғулланувчиларда саратон касаллигига дучор бўлиш энг паст даражада бўлар экан. Югуриш билан шуғулланувчиларда саратон кам ҳаракатли одамларга нисбатан 4 марта кам,

югуриш билан шуғулланувчи аёлларда эса бу кўрсаткич 6 баробар паст бўлар экан;

- етарли бўлмаган жисмоний фаоллик организми ҳимояловчи кучларнинг пасайишига, психоемотсионал, хаддан ташқари юклама ва ҳар хил нохуш омилларга бардошлилигини пасайтиради.

Олимлар шуни таъкидлашадики, доимий интенсив машқлар (бир ҳафтада 1-2 соатли машғулотлар, агар ҳар куни 45-60 мин бўлса, ундан ҳам яхши) югуриш, секин югуриш, теннис, сузишлар ўрта хисобда одамнинг умрини 6-9 йилга ўзайтирар экан.

Соғломлаштириш ёки даволаш бадантарбиясида татбиқ этиладиган воситаларни шартли равишда гимнастика ва ногимнастика воситаларига бўлиш мумкин.

Гимнастика воситалари - бу умумривожлантирувчи, куч-тезлик машқлари, бўшаштириш ва чўзилиш машқлари, координатция, статик ва динамик нафас олиш машқлари ҳамда нафасни ирода билан бошқариладиган машқлардир.

Ногимнастик воситалар-бу юриш, югуриш, сузиш, велосипед хайдаш, чанғда ва конкида учиш ҳамда эшкак эшишдир. Бу воситалар учун динамик, циклик жисмоний юкламалар, бир хил тузилмалар, тренажёрлар, яъни велоергометр, тредбан, махсус зинапоялар ва бошқалар берилади. Ушбу воситалар гуруҳини ўйинлар, спорт ўйинлари, массаж ва табий жисмоний омиллар деб атаса бўлади. Шу билан бирга, даволаш бадантарбиясида татбиқ этиладиган жисмоний машқларнинг шартли қлассификатцияларига кўра умумривожлантириш, нафас олиш ва махсус машқлар ҳам мавжуд.

Анатомик белгиси бўйича.

- қуллар, елка камари, бўйин, тана, тос камари, оёқлар мушакларига бериладиган машқлар. Бу машқлар у ёки бу мушак гуруҳларига йўналтирилиб, шу орқали ички органлар фаолиятига ҳам таъсир қилади.

Фаоллик белгиси бўйича;

- Актив (фаол) машқларни одам мустакил ва онгли равишда бажаради. Булар даволаш жисмоний тарбия воситаларининг асосий таркибини тўзади. Бу гуруҳдан бўшаштиришга бериладиган машқларни алохида ажратиш мумкин. Бундай машқлар умумий организмга ҳар томонлама таъсир этади; мушаклар тонусини пасайтиради, нерв тизимини тинчлантиради, тикланиш жараёнларини тезлаштиради. Қўллар ва оёклар мушакларини бўшаштиришда силташ ва силтаниш ҳаракатлари ёрдам беради. Бутун танани бўшаштириш учун, масалан илик ваннага тушиш кифоя, бундан ташқари, иродали импулслар билан, яъни бош билан «ишлаш» яхши наф беради;
- Пассив машқлар ташқаридан кўрсатиладиган ёрдам билан бажарилади. Бу машқлар оёк, қўллар шоллигида, миокард инфарктининг бошлангич даврида, суяклар синганида татбиқ этилади. Машқ эттирилаётган мушаклар пассив ҳаракатда тўлик бўшаштирилган бўлиши шарт. Бу машқлар организмга енгил физиологик таъсир этади, бу эса чўзилаётган

мушакларнинг даражаси ва бўшаштириш давомийлиги билан богликдир. Чўзилиш пайтида мушаклар тўқималарининг иситиш махсулоти кўтарилади, қон томири торайиб, мушакларни қон билан таъминлаш камаяди, кейин мушакларни бўшаштириш патида рефлектор ҳамма нарса тескари бўлади:ққон айланиш яхшиланади, кислородни мушакларда ўзлаштириш уч баробар ошади, мушаклар эластиклиги кўтарилади.

Тезлик билан югуриш, тез юриш, гимнастика ускуналарда бажариладиган машқлар, қўшимча малоллик машқлари, катта мушаклар гуруҳига бериладиган машқлар катта амплитуда ва тезлик билан бажарилиши натижасида, организмга маълум юклама берилиши муносабати билан бу машқларнинг бажарилишида катъий шифокор назоратида ўтказилиши лозим.

Идеомотор машқлар алохида гуруҳни ташкил этади. Бу эса «фикрлаш гиснастикаси»дир. Бу ерда хеч қандай сехргарлик йук: маълум бир ҳаракатни тасаввур қилиш бош мияда мухим нейронларни қўзғатади, шу билан ҳаракат нерв хужайралари фаоллашади. Бу эса бўзилган периферик нервларни тиклашга ёрдам беради.

Ҳар хил касалликларда турли жисмоний машқлар максадли таъсир курсатади. Масалан: юрак кон-томир ва нафас олиш тизими учун махсус нафас олиш машклари, гипертония касаллигида-бушаштириш машқлари (мушаклар релаксатсияси); марказий нерв тизими касалликларида-ҳаракат координатцияси ва мувозанатни яхшилаш машқлар; овкат хазм қилиш касалликларида-қорин бўшлиги прессига, суяклар синиши ва мушаклар атрофиясида статик изометрик машқлар ва хакозолар тавсия этилади.

Вариант смешанной защиты в баскетболе

Р.Н. Зухритдинов
АДТПИ,
Д.Р. Убайдуллаев, И. Штомберг
АДУ-магистр

В современном баскетболе большую роль играет правильный выбор соответствующей системы защиты. В настоящее время ведущие юношеские команды и отдельные игроки достигают 50-60% попаданий в бросках с игры, что особенно подчеркивает необходимость разнообразия защитных построений, направленных на противодействие игрокам-«снайперам», и группового взаимодействия при отборе мяча в защите.

Несмотря на возросшую динамичность игры, акцент в атаке все же принадлежит позиционному нападению. Поэтому, чтобы успешно противодействовать позиционной «осаде» соперника, каждой команде необходимо в оборонительном арсенале иметь несколько вариантов защиты. Выбор системы защиты и ее вариантов должен быть основан на знании достоинств и недостатков как своей команды, так и команды соперника. В свою очередь, овладение командой несколькими вариантами командной

защиты и своевременная смена систем защиты дает ей определенное игровое преимущество.

Практика показывает, что юношеские команды наиболее часто применяют личную защиту («игрок-игрока»), прессинг (зонный и личный) и варианты зонной защиты 2-1-2, 2-3, 3-2, 1-3-1. В то же время в играх очень редко применяются варианты смешанной (комбинированной) защиты.

Различают два варианта смешанной (комбинированной) защиты. При первом варианте одна часть игроков защищается по зонному принципу, а другая - лично. Например, три баскетболиста играют в зоне, а два игрока - лично; четыре игрока – в зоне, одни - лично и т.д. Суть второго варианта заключается в том, что защищающаяся команда в различных игровых эпизодах быстро переходит от личной системы защиты и зонной и наоборот. Например, при потере мяча применяется личная защита, а затем, в процессе розыгрыша мяча соперником – зонная. Или же, когда мячом овладевает команда соперника, защищающиеся осуществляют зонный разбор игроков, а затем переходят к личной защите – т.е. одни и те же баскетболисты все время сочетают личную и зонную системы защиты. В США данный вариант смешанной защиты получил даже свое наименование – камуфлированная защита. У нас в стране, правда, этот термин не применяется.

Оба варианта смешанной защиты должны реализоваться командами в зависимости от тактических задач, поставленных в определенной игре. Подробно остановимся на втором варианте. Цель его – дезориентировать команду соперника, внести нерешительность и замешательство в ее действия, заставить применить способы и средства нападения, не соответствующие избранным обороняющейся командой отбор мяча с последующей контратакой.

Так, например, отступив в тыловую зону, защищающиеся принимают зонную расстановку, и после одной - двух позиционных передач мяча соперником, приготовившимся нападать против зонной защиты, неожиданно, по сигналу капитана команды переходят к личной защите. Нападающая команда, сделав ошибочный вывод о зонном защитном построении, начинает долговременную позиционную осаду путем взаимодействия и против зонной расстановки, в то время как защищающиеся перешли к скрытым формам активной личной защиты.

Если соперник и обнаружит смену систем защиты, то в условиях дефицита времени, отведенного правилами игры на атаку, для перестройки нападения уже не будет возможности. В результате – потери мяча и неподготовленные броски.

Аналогичный пример может быть приведен после перехода от личной защиты к зонной.

В чем основные преимущества данного варианта защиты? Практика показывает, что они заключаются в следующем:

1.Возможность дезориентировки команды соперника, связанной с ошибочным выбором ею и реализацией средств и способов нападения.

2.Возможность неожиданного, внезапного перехода от одной защиты к другой.

3.Использование специфических особенностей зонной и личной защиты.

4.Разбор игроков нападения из стандартных положений (из определенных зон и отход в определенные зоны).

5.Возможность перекрытия «голевых» передач центровому игроку и наиболее активным нападающим.

6.Возможность группового отбора мяча, зная заранее принцип взаимодействия игроков команды соперника.

7.Возможность перехожее к активной форме защиты из зонной расстановки в конце игры (без взятия минутного перерыва при дефиците в очках).

8.Возможность перехода к пассивной форме защиты (от личной – к зонной) при получении восьми командных фолов (по новым правилам), во избежание излишней активности, которая приводит к пробитию последующих штрафных бросков.

9.Отсутствие у команды соперника готовности к тому, что защищающаяся команда произведет смену систем защиты в ходе розыгрыша мяча.

10.Возможность распределения обязанностей защищающихся, исходя из их специфических данных и игровых качеств.

11.Возможность планирования защитных построение при групповой борьбе за отскочивший мяч.

12.Целесообразность и гибкость сочетания личной и зонной систем защиты в зависимости от конкретных игровых ситуаций, счета и времени игры.

13.Организованный переход к контратаке при потерях мяча и неподготовленных бросках атакующих.

14.Вариативность степени активности обороны, которая диктуется игровой необходимостью.

Окончательное расположение игроков в защите и выбор системы защиты зависят от учителя, который останавливается на целесообразных вариантах, проведенных в играх и принесших наибольший эффект.

«Темур Тузуклари» да муомила маданиятига оид ўғитлар

М. Зокирова В.Задаян
АДТПИ

Шарқ халқларида фаолият кўрсатган кўпгина ҳукумдорлар маърифатли ва маданиятли кишилар бўлиб, илмий - бадиий ижод билан шуғулланиб ўзларидан бебахо илмий- адабий мерос қолдирганлар. Амир Темур, Захириддин Мухаммад Бобур, Абулғозий Баходирхон, Мухаммад Рахимхон – Феруз шулар жумласидандир.

Амир Темур ҳаётига оид “Темур тузуклари” деб номланувчи асар ҳам туркий халқлар тарихини, давлат тизимимни, мамлакатни бошқариш жараёнидаги қонун – қоидаларни ёритиб бериш билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Амир Темурнинг номи билан боғлиқ бўлган унинг “Темур тузуклари” (Тузукий Темурий), яъни Темурнинг бошидан кечирганлари номлари билан аталиб келган. “Темур тузуклари” Темур кодекси, яъни Амир Темурнинг давлатни бошқариш ва уни идора қилиши баён этилган тўплам ҳамдир.

“Темур тузуклари” икки қисмдан иборат бўлиб: биринчи қисмда Амир Темурнинг етти ёшидан тортиб, то сўнги кунигача бўлган ҳаёти тасвирланган. Иккинчи қисмда эса Амир Соҳибқирон Темур номидан шаҳзодаларга қарата айтилган васиятлар, панд-насихатлар ўрин олган. Унда Соҳибқирон ўз ворисларига қарата давлатини идора қилиш санъатини нозик сирлари, қоидалари ҳақида амир, вазирлар, ҳокимларни танлаш уларни жой-жойига қўшин уларнинг ҳизматларини муносиб тақдирлаш ҳақида васият қилган эди. Соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли ҳаётий панд - насиҳатлари ва ўгитларининг ҳар бири мазмун ва маъно кенглиги, мантиқнинг кучлилиги, теранглиги таъсири умуминсоний қадрятлар асосида қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг берган насиҳат ва сабоқлари унинг ўз даврида қанчалик муҳим бўлган бўлса, бугунги мустақил Ўзбекистонни ривожланишида ҳам унинг илгари сурган ғоялари ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бугунги Туркистон халқларининг бирлашишида, ўзаро муносабатларнинг ривожланишида Темур тузукларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Бу асар XVII асрдан бошлаб турли хукумдорлар томонидан кўплаб кўчиртирилган. XVIII асрдан бошлаб Англияда, Хиндистонда тадқиқот ва зарурат илмий изохлар билан чоп этилган. Унинг тошбосма нусхаси 1890 йилда Тошкентда босилиб чиқарилган. Кейинчалик эса бу асар кўп вақт таъқиқлар исканжасида бўлди.

Ниҳоят, 1967 йилда асардан айрим парчалар “Гулистон” журналида босилиб чиқди. Ўша йиллар шохида бўлган айрим кишиларнинг айтишича, бу асарнинг эълон қилиниши анча шов-шувларга сабабчи бўлган ва ўша журнал мухаррири ишдан олинган. 1989 йилда эса асардан айрим парчалар “Шарқ юлдузи” журналида босилди. Аслида форс тилида битилган. “Темур тузуклари”нинг мукаммал матни Алихон Согуний ва Хабибулло Карoматовнинг таржимасида 1991 йилда эълон қилинди. Ўша йилларда бу асарнинг нашр қилиниши катта воқеа эди. Чунки академик Иброхим Мўминовдек тирик шахслар ҳам Темур ҳақида китоб, ёзиб, анча дашномлар эшитган эди.

Бугунги кунда ёшларни маънавий жиҳатдан етук ва баркамол қилиб тарбияланишда “Темур тузуклари” алоҳида ўринга эга бўлган тарихий асардир.

“Темур тузуклари”да муомала маданиятига оит бир қанча ўгитлар мавжуд бўлиб бунда соҳибқирон дўст ва душманга қандай муносабатда бўлиш, дўст ва душманнинг қандай тоифаларга ажратиб қараш лозимлиги ҳақида қуйидагича ўгит беради:

“Яна ўз тажрибамдан билдимки, содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди, шундайки, амирларимдан қай бирлари менга жон-дили билан ҳамроҳлик қилган бўлсалар, мен ҳам улардан ҳеч нарсани аямадим. Яна ўз тажрибамда кўрдимки, ақлли душман, жохилу нодон дўстдан яхшироқ экан”.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур ўзининг тузукларида ҳаётнинг барча масалаларига баҳо беришга интилди.

Биринчидан: ўзининг ҳаётий тажрибасига таянса, иккинчидан: ўтмиш китобларини ҳам варақлаб, улардан ўғит олган, қолаверса теварак - атрофдаги дўстларнинг ҳаётига ҳам разм солиб, улардан ўзига сабоқ олган. Ана шу омиллар “Темур тузуклари” нинг майдонга келишида асосий манбалар бўлиб хизмат қилган.

Ундаги давлат бошқариш, мамлакат рахбарлари, амалдорлар, турли табақалар вакиллари билан муомала юритиш борасидаги маслахатлари ўз қимматини ҳозирги кунгача йўқотган эмас.

Аксинча бугунги кунда “Темур тузуклари” асарини ёшлар тарбиясида қўллаш ҳар томонлама ижобий натижа беради.

Талаба - ёшларни жисмоний, маънавий-рухий хусусиятларни тарбиялашга оид

Доц. Н.Қорабоев,
катта ўқитувчи Х.Тўраев, С.Саидов
АМИИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллик даврида мамлакатда жадал ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлаётган бир даврда талаба-ёшларни жисмоний етуклиги, маънавий ва рухий баркамоллик даражаси ўзига хос аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда техника ва техналогиялар ривожланиб бораётгани инсон организмида руҳий ва жисмоний зўриқишлар содир қилмоқда. Бу эса ҳар қандай инсон ўз саломатлиги ҳақида қайғуриши, ўз организми ва руҳиятини назорат қилиш га, бошқаришга одатланишини талаб этади.

Жисмоний тарбия ва спорт ўқув-дарс машғулотларида, спорт тадбирларини ўтказилишида талаба-ёшларга стресс ҳақида, жисмоний толиқиш механизмлари ҳақида билимларни берилиши лозим. Жисмоний тарбия ўқитувчи-мутахассислари тамонидан талабаларни ахлоқий ва жисмоний баркамоллиги мезонлари бўлган миллий истиқлол удумлари, мехнат- севарлик, касбини қадрлаш ва фахрланиш, миллий ғояларга ёт бўлган хатти-ҳаракатларга муросасизлик туйғуларини тарбиялаш шахс хулқ-атворининг асосий бошқарувчиси бўлиб хизмат қилади. Шахснинг виждонига, имон-эътиқодига айлангач эса ушбу хислатлар

талаба-ёшларни ватан-парварлик, жасурлик, миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашда асосий омил бўлаолади.

Инсон ўз хис-туйғуларини англаши ва билиши орқали нафақат ўз-ўзини ривожлантиради, тарбиялайди, балки атрофдагиларга таьсирини ўтказа билиш кўникмаларини шакллантиради.

Одам эмоционал қўзғалган ҳолда унинг организмида муайян физиологик ўзгаришлар рўй беради: қон босими, унинг таркибидаги қанд миқдори ўзгаради, мускуллардаги зўриқиш, нафас олиш ва томирнинг уриш тезлиги ортади. Илмий кузатишларга асосланиб, юқорида қайд этилган физиологик жараёнлар одатда кучли эмоционал қўзғалишидан кейин (хурсандчилик, қўрқув, ғазабланиш) юзага келадиган организмнинг барча қувватларини, мушак фаолиятини кучайтишини, ҳужум ва химоя хис-туйғулари, эмоциялар, куч-қувват сафарбарлигини таьминлайди.

Хурсандчилик-шодлик мушаклардаги ҳаракатларнинг кучайиши билан ифодаланади, бунда майда артериялар кенгаяди, терига қон келиши кучаяди, у қизаради ва янада илиқлашади, қон айланишининг тўлиқ ишлаши, хужайранинг таьминланишини яхшилайди ва барча физиологик ўзгаришлар яхшироқ содир бўла бошлайди. Хурсанд одам фаолашади. Шодлик эса инсоннинг яшаришига таьсир этади, чунки яхши кайфият инсон танасидаги барча тўқималарининг озиқланиши учун шароит яратиб беради.

Қайғу-ғам, хафачилик эса физиологик жиҳатдан ихтиёрий ҳаракат мушакларига бўшаштирувчи таьсирини кўрсатади, чарчоқ хисси ва ҳаракатларнинг суслаштирувчи кўринишларини намоён этади.

Мушаклар бўшашида қон-томирлари сиқилади (тораяди) ва тананинг қон билан таьминланиши кескин пасаяди. Одам мунтазам совуқни хис этади, совуққа сезгирлиги ортади, ғамгин одамларда ҳаракатлар секин, овози кучсиз, кайфияти ёмон бўлади.

Қайғули-ғамгин бўлиш инсонни тез қаритади ошқозон-ичак ва юрак касалигини ортиришга, терининг ва тирноқларининг ўзгаришига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ўз соғлиғини сақлаш, бардам бўлиш, чиройли кўринишни сақлаш учун руҳий мувозанатни сақлашга, бошқаришга ўрганиш, асоссиз салбий маьнодаги гапларга ва вазиятларга сокин муносабатда ва кўтаринки кайфиятда бўлишига интилиши лозим.

Қатъий шахсий позицясига, ўз нуқтаи назарига эга бўлган фаол инсон муаммоли ёки низоли вазиятлардан ўз соғлиғига унчалик зиён еткизмаган ҳолда чиқиб кета олиши каби хусусиятларни тарбияланишига жисмоний тарбия ўқув машғулотларида махсус эътибор берилиши мақсадга муофиқ хисобланади.

Уважение к прошлому - ответственность перед будущим!

ст.преп. Р.Р.Каюмова
АГПИЯЗ

В новых условиях в республике Узбекистан народ стал творцом собственной истории, носителем самобытной национальной культуры. Современное общественное развитие непосредственно связано с познанием исторического опыта. В связи с чем требуется критический анализ, научная оценка прошлого на основе объективного изучения общественно значимых событий и фактов истории. Принципиальное значение имеет анализ организации архивного дела, изучение деятельности ведущих архивных учреждений Республики, направленных на комплектование архивов ценными историческими источниками. Собрание хранимых в порядке документов и бумаг иногда совсем недавних, а иногда старинных, называется архивом. Каждый архив является драгоценным народным достоянием, подлежащим самой бережной охране особенно со стороны всех тех, кому не безразлична память о старине, кто сознает необходимость знакомства с нею для создания лучшего будущего.. Чем больше сохраняется от прошлого дел и бумаг самого разнообразного происхождения и содержания, отражающих жизнь и деятельность различных классов общества, разных государственных учреждений и отдельных частных лиц, тем нагляднее и полнее можно восстановить картину этого прошлого, тем легче правильно понять его темные и светлые стороны.

Придет время, нас не станет, и наша пора, богатая событиями большого значения, сулящая стать преддверием новой жизни, сама отодвинется в прошлое. Ее будут жадно и пристально изучать, в ней будут искать ответы на самые разнообразные вопросы о том, как сохранить и укрепить те молодые побеги новой жизни, которые всходят на наших глазах, которые взращиваются нашими общими усилиями. Живых свидетелей наших дней не останется. Где же будут искать сведений о нашем времени? Конечно, прежде всего и больше всего во всем том, что сохранится от нас, что нас переживет: в новом строе хозяйства, в новых общественных и государственных учреждениях, одним словом, в новых формах жизни. Но многое в них может показаться непонятным, если мы сами не позаботимся о том, чтобы сохранить следы тех мыслей, чувств и желаний, которые одушевляли нас при их создании. В чем же можно будет найти отражение всего того, что сейчас движет нами в происходящей замене старого новым? В спокойном бесстрастном документе, в книге, журнале и газете, в живой личной переписке деятелей наших дней от мала до велика, наконец, в вещественных результатах наших знаний и умений. Документы, бумаги и переписка хранятся в архивах, книги, журналы и газеты - в библиотеках, а предметы, созданные знанием и искусством - в музеях. Отсюда становится понятным, что прямой долг каждого культурного человека состоит не только в бережной охране всеми зависящими от него средствами существующих архивов, библиотек и музеев, позволяющих воочию видеть отжившие

порядки прошлого, подлежащие замене новыми, но и в пополнении названных хранилищ соответственными материалами наших дней, в создании новых архивов, библиотек и музеев. Только этим и можно облегчить продолжение начатой нами реформирования и жизни всем тем, кто будет трудиться над этим после нас.

Твердо помните, что происходящая на всем протяжении Республики Узбекистан огромная работа по сохранению архивов совершается в ваших же интересах, в интересах всего населения и даже будущих поколений и что успешное ее выполнение во многом зависит от вашей сознательной и добровольной помощи, от степени вашего участия в общем деле культурного строительства лучшего будущего для всех и каждого.

Жаҳон иқтисоди ва унинг ҳозирги инқирозига экологик муаммолар глабаллашувининг таъсири

Катта ўқитувчи Қодиров Ш.К
АДТПИ

Инсониятнинг иқтисодий ва сиёсий тарихи ҳамиша табиий шароитларга боғлиқ бўлиб келган. Бугунги XXI асрда ҳам инсон билан унинг атрофини қуршаб олган муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳозирги ва яқин келажакдаги замон тарихи учун муайян аҳамиятга эга бўлади.

Мутлақо аёнки ҳозирги вақтга келиб тоборо кескинлашаётган глобал даражасидаги экологик муаммолар жаҳон иқтисоди ва унинг чуқурлашаётган инқирозига ўз таъсирини ўтказиб бормоқда. Ҳозирги жамият билан табият ўртасидаги энг асосий зиддият- табиатдаги харакатчанг мувоззанатни бошқаришга уринаётган инсоннинг табиатнинг ўзгартиришга қаратилган фаолиятининг ҳаддан ташқари зўррайиб кетганидир. Масалан табиий русурслар (айниқса нефт, газ ва бошқалар) ни катта миқдорда қазиб олиш учун кураш кучайиб бормоқда. Табиий русурсларни юқори суръатлар билан қазиб олиш шу асрни ўзида тугаб қолиш хавфини туғдирди, жаҳон бозорида таклифни ошириб инқирозга олиб келди : (масалан нефтни нархи 3 баробардан зиёдроқ миқдорда камайиб кетди).

Бугун биосфера инсон фаолияти билан курашишга ожизлик қилиб қолмоқда. Атмосферани зарарли чиқиндилар билан ифлосланиши натижасида унинг таркиби ўзгариб хавода кислород камайиб қолмоқда, нафасни бўғадиган ва бошқа захарли газлар миқдори юқори даражада ортиб кетмоқда Бу эса сув ҳавзалари ва тупроқ таркибидаги кислотани кўпайиши ва уларнинг сифати ва хосилдорлиги камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Атмосферада «Иссиқхона таъсири» «(парник эффекти)» кучайиб борган сари унинг қуй қатламларида харорат кўтарилиб жиддий хавф туғилмоқда. Олимларнинг тахминларига кўра агар атмасферада захарли газлар 2 баробарга ошса, ердаги харорат 2, 9 градусга кўтарилар экан. Натижада

мангу музликлар эриб денгиз сатхи 1 метрга кўтарилиб кўп шаҳарлар ва худудлар сув остида қолиши мумкинлиги кўрсатилган. Бундай ҳолатда жаҳон қишлоқ хўжалиги ўсимлик ва ҳайвонлар олами, иқтисодиётнинг кўп соҳаларида жуда катта зарар кўриши тахминланган. Атмосферанинг захарли газлар билан ифлосланиши натижасида хисоб китобларга кўра жаҳон иқтисоди ўртача йилига 300 млрд АҚШ доллари, шу жумладан Европа 64 млрд доллор, АҚШ 61 млрд доллор, Хитой 17 млрд доллор миқдорида зарар кўриши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Глобал хароратнинг 2,5 градусга кўтарилиши натижасида ўртача бир йилда 50 млн киши очликдан ўлиши, 200 млн киши безгак касалиги билан хасталаниши башорат қилинган. Бугунги кунда сайёрада харорат кўтарилиб хавони исиб кетиши ва унинг оқимлари харакати жараёнига таъсир кўрсатиб дунёнинг кўп жойларида, айниқса Атлантика, Тинч ва Хинд океанлари қирғоқларида жойлашган мамлакатларда сув тошқинлари бўлиб жуда катта ижтимоий иқтисодий талофатлар кўрилмоқда.

Сув тошқинлари ва қурғоқчилик дунёнинг кўп минтақаларида очликни туғдирмоқда. Иқлимни ўзгартириб, шу пайтгача иссиқ бўлмаган жойларда ёз исиқ қиш жуда совуқ бўлмоқда. Глобал даражада экологик мувозанатни бузилиши, жахон молиявий иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш, минтақалар ва умуман жахон иқтисодиётини ривожлантириш борасида жуда катта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бундай холатда жахон инсонияти регионал ва глобаллашаётган экологик муаммоларини ечимини тезлаштириш, атроф муҳитни ифлосламаслик, экологик холатни яхшилашга қаратилган тадбир чораларини яқин ҳамкорликда амалга ошириш кун тартибидаги энг долзарб масалалардан хисобланади.

Ирсий хасталик Унинг илдизи каерда?

Н.А. Косимова, Р. Алиева, Р.Ш. Гофурова,Бердиева М.Т
АГПИЯ

Ҳар бир инсон соғлом фарзанд кўриш ва ўзидан зурриёд қолдиришни орзу қилади. Бироқ бу орзуни амалга ошириш учун ўзоқни кўзлаб иш тутиш лозим. Биринчи навбатда бўлажак турмуш ўртоғини танлашда эътиборли бўлиш муҳим. Шунингдек, бўлғуси ота-оналар фарзандлари саломатлигига улар ҳали дунёга келмасларидан илгарироқ аҳамият қаратишлари зарур.

Уларда ирсий касаллик ёхуд туғма нуқсонлар мавжуд эмаслигига жиддий эътибор бериш фарзандларнинг келажакда ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб вояга етишларига замин яратади. Акс ҳолда ота-оналарга ҳам, жамиятга ҳам маънавий ва моддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ота-оналар бир нарсани билишлари керак: кўп ҳолларда ирсий ва туғма хасталиклар барвақт аниқланиб, уларнинг олди олиниши мумкин. Бунинг учун бироз эътибор бўлиш, оилада наслдан-наслга ўтувчи касаллик ёки айрим хасталикларга нисбатан мойиллик бор йўқлигини текшириш ва ниҳоят шифокор-генетикка мурожаат қилиш талаб қилинади. Аксарият

ҳолатларда бу каби касалликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураш олиб бориш ва оғир асоратларга олиб келмаслиги учун профилактика чораларини кўриш мумкин. Ўз вақтида кўрилган чоралар болани бир умр ногирон бўлиб қолишдан асрайди.

Ирсий касалликлар болага асосан ота-она наслдан ўтади. Айрим ҳолларда хомиладорлик пайтида ҳар хил омилларнинг салбий таъсир этиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Агар оилада ирсий (насл сурадиган) касаллик белгилари учраса ёки хомиладор аёлларда муддатига етмай хомила тушиши, ўлик бола туғилиши кўзатилса, бу ҳолатлар шу соҳа мутахассисларига мурожаат қилишга сабаб бўлади. Шифокор-генетик оила тўғрисидаги маълумотларни тўплагандан сўнг бўлажак авлоднинг касаллик прогнози (башорати) ни аниқлаш бериши мумкин. Қандай омиллар оилада наслий ва туғма касалликлар ҳавфини кучайтириши мумкин?

Биринчи омил – яқин кариндош-уруғларнинг оила қуриши туғма нуқсонли ва ирсий касаллик билан туғиладиган болаларнинг кўпайишига, хомиланинг барвақт нобуд бўлишига ёки ўлик туғилишига сабаб бўлиши мумкин.

Яқин қариндош-уруғларнинг никохига амаки ва амакиваччалар 2-чи ва 3-чи авлоддаги ака-укалар ва сингиллар, жиян-амаки орасидаги никохлар киради.

Иккинчи омил – ота-онанинг ёшига боғлиқ. Агар аёл кишининг ёши 35 дан эркак кишининг ёши 40 дан ошган бўлса, болада туғма нуқсон ёки наслий касалликнинг ривожланиш ҳавфи кучаяди.

Шу сабабли бола туғилишини кўрсатилган ёшгача режалаштириш мақсадга мувофиқ хисобланади. Агар хомиладор аёлнинг ёши 40 дан ошган бўлса, ирсий касалликларнинг учраш ҳавфи янада кўпроқдир.

Учинчи омил - хомиладор аёлга зарарли омилларнинг таъсири ҳисобланади. Уларга пестицидлар, бензин, никотин, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар, симоб бирикмаси, ўткир ва сурункали кечувчи юқумли касалликлар, кизилча, цитомегалия ва учуқ, радиация ва электромагнит нурлари киради.

Шуни алоҳида кайд этиш керакки, хомила пайдо бўлгандан бошлаб дастлабки 70 кун жуда нозик давр ҳисобланади. Чунки, бу вақтда унинг асосий аъзолари ва тўқималари пайдо бўла бошлайди. Бу эса ҳар қандай салбий таъсир натижасида туғма нуксонларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда наслий касалликлар ва туғма нуқсонлар пайдо бўлишининг олдини олиш чоралари ишлаб чиқилган. Улардан бири-хомиладор аёлларга бола туғилмасдан олдин ташхис қуйиш ҳисобланади. Ҳозирги кунда бундай текшириш муолажалари мавжуд бўлиб, улар она ва бола учун зарарсиз ҳисобланади. Бола туғилмасдан олдин унинг соғлом ўсаётганини текшириш мақсадида ташхис қўйиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигига қарашли Акушерлик ва Гинекология илмий текшириш институти ҳамда Республика Скрининг Маркази ва унинг вилоятлардаги бўлимларида амалга оширилади.

Комил инсон тарбиясида нутқ маданиятининг тутган ўрни

Ф.ф.н.доц. Ш. Кучкаров
Талаба. И. Хакимов
АДТПИ

Жамиятимизни бош мақсади маданиятли, маърифатли, ширинсухан, маълумотли фуқароларни вояга етказишдан иборат. Замонавий педагогик изланишларда комил инсон тарбияси етакчи бўлиб қолди. Ўзлигини билган, ўзини таниган, истиқлол ғоясига содиқ жамият тараққиёти йўлида тинмасдан фаолият кўрсатадиган дўст-душманни ажратадиган дунёқараши собит кишиларни комил инсон деб тушунамиз. Жамоадаги соғлом мухит жамоатчилик фикри, жамоани шаклланганлик даражаси, унинг ўз асосида талабчанлиги ўзаро ёрдам жамоа назорати ва ҳоказолар жамоа аъзоси ривожланишида ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Айниқса Андижон Давлат тиллар педагогика институтида комил инсон тарбияси энг асосий глобал муаммо бўлиб буни талаба ёшларга ўз она тили орқали сингдириш билан амалга оширилмоқда ва унинг йўналишини белгилаб бериш мумкин. Шу сабабли бу тарбия субъектларнинг педагогик талабларни уйғунлаштириш, ягона талаблар ишлаб чиқиш, талаба ёш тарбиясига самарали таъсир кўрсатади.

Мактаб, оила айниқса махалланинг тарбиявий таъсири кўрилаётган муаммо ечимини ҳал қилишнинг мувофаққиятини таъминловчи асосий омилларидандир. Ижтимоий тарбияни амалга оширишда асосий тил ўрин эгаллаб, уни қуйидагиларда кўрсатиш мумкин:

Тарбиянинг қулай шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ бўлган вазифаларини ҳал қилишда ёшга қараб ёндошувини: боланинг ҳаётий фаолияти, уни ташкил қилишда таяниш: Янги ўсиб келаётган болаларнинг табиий педагогик мақсадларига мувофиқ турмуш тарзини яратиш, тарбияланувчи ва тарбияловчи ўртасидаги маънавий мулоқотни мустаҳкамлаш.

- ўсмирни мустақил билим олишга ўргатиш.
- боланинг ривожланиши ва ўз-ўзини такомиллаштиришни таъминловчи турмуш тарзини яратиш.
- боланинг соғлигини мустаҳкамлаш бўйича ташкилий, педагогик ишлар (кун тартиби, ижтимоий фойдали меҳнат қизиқишларига қараб, турли машғулотлар, жисмоний тарбия, ва х.к.).
- боланинг маънавий оилавий бирлиги.
- жамоа ижтимоий психологиянинг ижобий таъсиридан унумли фойдаланиш.
- халқ педагогикаси мазмуни шакли усулларидан самарали фойдаланиш.
- боланинг ўз тенгдошлари мухитида ижобий ҳаётий тажрибасини шакллантирувчи ҳолатлар, болалик таъсуротларини ҳосил қилиш.

Шундай қилиб, ташкилий тарбиявий иш ўсиб келаётган авлодни ҳамкорликда тарбиялашда ижтимоийлашуви индивидуаллашувчи вазифаларини бажаради.

Дархақиқат кишининг қандай яшаётганлиги, нималарни муҳим, нималарни номуҳим ҳисоблаётганлиги ўз эҳтиёжларини қайси даражада, қайси йўллар билан қондирилаётганлиги ва инсоннинг шунга ўхшаш бошқа ҳатти-харакатларига қараб, унинг турмуш тарзини аниқлаш мумкин.

Комил инсон тарбиясини аниқламоқ, унга таъриф бермоқ учун энг аввало турмуш тарзининг моҳиятини билмок зарур. Ҳар бир давр ўз комил инсонларини талаб қилади. Бозор иқтисодиёти ўз ватанига ўз халқига содиқ бўлган, уни бой қиладиган фазилатлари билан бирга ишбилармон тадбиркорликка эга бўлган комил инсонларни талаб қилади.

Жумладан тадбиркор бўлиш учун аввало мулк эгаси, мулкий муносабатлари қатнашувчиси, иқтисодий эркин, маълум бир хўжалик фаолиятини эгаллаган уни юрита оладиган таваккал қилиб масъулиятни уз зиммасига оладиган жамоа билан ҳалоллик билан иш юритадиган шахс тарбиясидир.

Единство общения и деятельности

Ст. преп. Н. Маликова
АГПИЯЗ

Принципиальным является вопрос о связи общения с деятельностью. В ряде психологических концепций Запада возникла тенденция к противопоставлению общения и деятельности. Дюркгейм, когда полемизируя с Г. Тардом, обращает внимание не на динамику общественных явлений, а на их статику. Ими была недооценена роль преобразующей деятельности, сам общественный процесс сводится к процессу духовного речевого общения.

Таким образом, посредством общения деятельность органична и обогащается, и этот принцип открывает новые перспективы изучения этого явления.

Структура общения. Выделяется три взаимосвязанных стороны: коммуникативная, интерактивная и персептивная.

Коммуникативная - обмен информацией между общающимися индивидами.

Интерактивная - организация взаимодействия между общающимися индивидами, т.е. в обмене не только знаниями, идеями, но и действиями.

Перцептивная - процесс восприятия друг друга партнерами по общению и установления на этой основе взаимоотношения.

В общении выделяют три функции:

- информационно-коммуникативную;
- регуляционно-коммуникативную;
- аффективно-коммуникативную.

В реальной действительности каждая из этих сторон не существует изолированно от двух других.

Итак, коммуникативная. Когда говорят о коммуникации, то в ходе

совместной деятельности люди обмениваются различными представлениями и интересами, настроением, чувствами, установками. Если интерпретировать, то весь процесс человеческой коммуникации в информационной теории. Но информация не только передается, но и формируется, уточняется, развивается.

Информация, исходящая от коммуникации, может быть двух типов: побудительная и констатирующая.

Побудительная информация выражается в приказе, совете, просьбе. Она рассчитана на то, что стимулируется какое-то действие. Но может быть *активизация,* то есть побуждение к действию в заданном направлении, и может быть *интердикция* - тоже побуждение, но не допускает определенных действий, запрет нежелательных видов деятельности; и может быть *дестабилизация* - рассогласование или нарушение автономных форм поведения или деятельности.

Констатирующая информация выступает в форме сообщения, она не предполагает непосредственного изменения поведения. Вариант сообщения задается коммуникатором, т.е. тем лицом, от которого исходит информация.

Передача любой информации возможна посредством знаков, знаковых систем. Существуют несколько знаковых систем: Выделяют *вербальную* коммуникацию (в качестве знаковой системы используется речь) и *невербальную* коммуникацию (неречевые знаки). Это кинесика, паралингвистика, проксемика, визуальное общение. При вербальной коммуникации в качестве знаковой системы используется человеческая речь, то есть система фонетических знаков - лексических и синтаксических. Речь - самое уникальное. При помощи речи происходит кодирование и декодирование.

Таким образом, речь является связующим звеном в общении, которое формирует продуктивную деятельность.

Талаба ёшлар дунёкарашини шакллантиришда миллий тилнинг роли

М. Мамажонова, Ф.Асранова
АДТПИ

Қадимги ота-боболаримиз ёшлар тарбиясига жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиб келганлар. Таълим-тарбияга қаратилган жамики сайъи-харакатлар асосан миллий урф-одатларга таянган ҳолда олиб борилганлиги бизга тарихий манбалардан маълум.

Бугунги кунда ҳар бир оилаларда, таълим-тарбия масканларида ҳам ёшлар тарбиясини такомиллаштиришда миллий урф-одатларга, қадриятларга, миллий тилимизга таянишимиз ижобий педагогик самара беради.


Миллий қадриятлар, урф-одатлар, миллий тилимиз ёшлар тарбиясида миллий тилни, миллий руҳиятни миллий урф-одатларни, миллий анъаналарнинг ривожини такомиллаштиришларини таъминлайди.

Юқорида қайд этилган тушунчалардан бирини алоҳида ўрганиб чиқсак, унга айтайлик миллий тилнинг аҳамияти ёшлар дунёқарашининг такомиллашишида муҳим аҳамият касб этади.

Миллий тил орқали талаба ёшларда миллий тил, миллий урф-одатларнинг анъаналарнинг сақланиб, сайқалланиб, ривожланиб бориши таъминланади. Буни биргина мисол тариқасида кўриб чиқамиз.

Миллий урф-одатлардан бири, миллий тилда, халқимизда фарзандлар йўлга чиқиш олдидан ота-оналаридан дуо оладилар. «Дуо-Худога илтижо қилиб, ўзи ёки бошқалар учун узоқ умр, бахт саодат, нажот тилаш ёки ёмонликни қайтаришни сўралишидир. (Ўзбекистон миллий энциклопедияни 3 том.-т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2002й. 383 бет)

Миллий тил ва инсон хис-туйғулари узвийлигини қуйидаги чизмада кўриш мумкин.



Талаба ёшларга машғулотлар жараёнида, тадбирларда, мулоқотларда миллий урф-одатлар анъаналар, қадриятлар миллий тилда сингдириб борилса, ўшанда миллий тил, миллий урф-одатлар, ҳис-туйғуларимиз намоён бўлиб, уларнинг дунёқараши, кун сайин ўзгариб ўзлигини намоён этиб боради.

Миллий-тил-дунёқарашни, энг муҳими, инсоннинг оламга муносабати, дунёқарашдаги ўрни, моҳияти, ҳаётий ўзлигини англаш каби саволларга жавоб беради. Зероки, фалсафанинг асоси ҳам соғлом ақл тафаккури ва унинг ривожланишига мос келадиган дунёқарашни яратишдир. (Фалсафа) Комусий. Луғат, «Шарк нашр. матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти.-Т.: 2004, 115б.)

Талаба ёшларнинг дунёқарашини шакллантириб бориш учун профессор ўқитувчилар суҳбати, устозлар ўгити, топшириғини ўз вақтида амалга ошириб борса, улар ўз миллий тилини, миллатини халқнинг минг йилликлар давомида қадриятларига нисбатан ҳурмати янада ошади, улар ўзлари ҳам ўз навбатида ёшларга бундай бой миллий тил бойлигини етказиб беради.

Фарғона водийсининг Чоч-Илоқ билан маданий ва иқтисодий алоқалари (қадимги ва ўрта асрлар йўллари мисолида)

М.Маҳкамов
АДТПИ

Бронза даврига келиб Ўрта Осиёдаги тарихий –маданий тараққиётни тезлаштирган бир қанча жараёнлар бўлиб ўтди. Бронзанинг кашф этилиши ва жадаллик билан хўжалик ҳаётига кириб келиши, ўтроқ деҳқончилик хўжаликларининг ривожланиши натижасида янги ерларнинг ўзлаштирилиши, қишлоқларнинг ривожланиб илк шаҳарларга айланиши, бошқарув тизимининг янада мураккаблашуви, қадимги йўлларнинг шаклланиши ва ниҳоят, дастлабки улов ва транспорт воситаларининг пайдо бўлиши ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, айнан бронза давридан бошлаб Ўрта Осиёни қадимги Шарқ дунёси билан алоқа, савдо-транзит йўллари тизимининг пайдо бўлиши ва шаклланиши минтақанинг ҳалқаро алоқалар тизимига қўшилишига асос бўлди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб Фарғона водийсини минтақанинг жанубий ҳудудлари билан боғловчи алоқа йўллари тизимидан ҳам изчил фойдаланиши бошланади. Бу даврда Жанубий Туркманистонда Мурғоб воҳаси орқали Шимолий Афғанистон ва Сурхон воҳасидаги келувчи йўллар билан туташиб минтақанинг шимолий-шарқий ҳудудларига, хусусан, Фарғона водийси томонига кенгайди. Бу алоқа йўли Зарафшон воҳасидан Уструшона, Шимолий Тожикистон ва Чоч воҳаси ҳудудлари орқали ўтганлиги таҳмин қилинади.

Бу давр Фарғона ҳудудларига хос маданиятларга мансуб маконлардан топилган металл буюмлар бронза даври дашт ҳудудлари билан қизғин алоқалар бўлганлигидан далолат беради. Бу алоқа йўналишлари Фарғона ғарбидаги текисликлар орқли амалга оширилган бўлиб,Чоч-Илоқ воҳаси орқали ўтган.

Илк темир даврига келиб Ўрта Осиёнинг жанубий Фарғона водийси,Тошкент воҳаси ва Устиришона ҳудудлари билан боғловчи алоқа йўлларининг бир неча йўналишлари фаолият кўрсата бошлайди.Булар орасида Фарғона-Чоч-Суғдиёна йўналиши айниқса муҳим аҳмиятга эга эди.Фарғона водийсининг минтақанинг жануби билан боғловчи йўлларини шимолий йўналиши қадимги Чочдан ўтганлиги таъкидланади. Бу йўналиш хозирги Зомин ёки Жиззаҳдан, Фарғонадан Хўжанд орқали келган йўллар билан бирлашиб, Суғдиёнанинг марказий шаҳри бўлган Марокондга олиб

борган. Фарғонани Чоч вохаси орқали Суғдиёна билан боғловчи бу йўналишнинг шаклланиши ва ривожланишида илк темир даври катта ўрин тутади.

Антик даврига келиб Фарғонадаги Чотқол тоғи орқали Сирдарёнинг ўрта оқимидаги Қанғ давлати ерларидан ўтувчи, сўнгра Салавкилар давлати таркибида бўлган Суғдиёна ва у орқали Бақтрия, Марғиёна ва Парфияга олиб борувчи йўллар муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган. Бу алоқа йўллари ва шаҳар маданиятнинг янги марказлари пайдо бўлишига мос равишда шаклланади.

Тадқиқотларга кўра, илк ўрта асрларда Чоч вохаси минтақанинг ички ва ташқи алоқларида муҳим ўрин тутар эди. Ушбу воҳа орқали бу даврда минтақанинг шарқий (Фарғона водийси) ва шимолий дашт ҳудудларидан Амударё кечувларига қараб кетувчи йўллар ўтган. Чоч ва илоқ шимолидаги дашт чорвадорлари ва Сибир ҳамда Хитой билан алоқаларда ҳам асосий ўрин эгаллаган ҳудудларидан бири эди. Айрим тадқиқотлар Зомин орқали асосан, Самарқанддан Хўжанд орқали Фарғонага ёки Ховос орқали Шошга олиб борувчи йўл ўтганлигини таъкидлайдилар. Қадимги ва ўрта асрлар даври транс- минтақавий ва минтақавий иқтисодий ҳамда маданий алоқаларда Фарғона ва Чочни боғловчи йўллар муҳим аҳамият касб этган бўлиб, бу йўлнинг асосий йўналиши қуйидагича эди: Олт –Шарқий –Фарғона водийси – Чоч ва Илоқ вохаси – Уструшона – Сўғд – Бақтрия.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, энг қадимги даврлар ва ўрта асрлар савдо карвонлари минг –минглаб км чўзилган йўллар орқали кўзланган манзилга ўша даврлар шароити нуқтаи назаридан етиб боргани шубҳали бўлса –да, маҳсулот айрибошлаш қабиладан –қабилага, тумандан – туманга, вилоятдан – вилоятга, воҳадан –воҳага ўтиб кенг ҳудудларни қамраб олганлиги бугунги кунда илмий жиҳатдан асосланган. Ушбу ҳудудлар тизимида Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қадимги қабилалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг сайъи – ҳаракатлари ва фаолиятлари натижаси ўлароқ минтақада илк шаҳар маданияти шаклланиб, дастлабки давлат уюшмаларига асос солинди, иқтисодий ва маданий муносабатлар ривож топди. Бу ўринда, қадимги ва ўрта асрлар Фарғона ва Чоч - Илоқ муносабатлари алоҳида аҳамият касб этади.

АмурТемурнинг бунёдкорлик ишлари

А. Рустамов, Ф.Абдураимов
АДТПИ

Мустақиллик йилларида бобокаланимиз Соҳибқирон Амур Темур шахси қадр топди ва унинг дунё тамаддунига қўшган беқиёс ҳиссаси жаҳон миқиёсида эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида алоҳида таъкидлаганидек, тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб давлатчилик

борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.

Соҳибқирон бобомиз мамлакат ободончилиги ва халқ фаровонлиги йўлида кўплаб ҳайрли ишларни амалга оширди. Жумаладан, Самарқанд шаҳри Амур Темур даврида ўзгача маҳобат ва улуғворлик касб этди. Шаҳар атрофида барпо этилган Боғи Чинор, Боғи Шамол Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Наф каби ажойиб боғлар, ўша даврда номлари машғул бўлган Миср, Султония, Дамашқ, Боғдод каби кентлар шаҳарнинг кўркига кўрк қўшди.

Мўғиллар зулми даврида вайронага айланган Самарқанд шаҳри Амур Темур томонидан ўзини қадимги ўрни Афросиёбдан бир қадам жануброқда янгидан барпо қилинди. Шаҳар атрофи мустаҳкам қалъа билан ўралди. Унинг атрофида Шайхзода, Чорсув, Оҳанинг, Коризгоҳ, Сузангарон ҳамда Феруза каби олтита дарвоза ўрнатилди. Шаҳар аркида Соҳибқирон қароргохи – Кўксарой ва Бўстонсаройлар қурилди.

Амур Темур Самарқандга дунёнинг машҳур олиму фузалоларини тўплаб, илм фан тараққиётининг бирига айланди.

Бундай тарихий – маданий ўзгаришлардан Шахрисабз ҳам четда қолмади. У Амур Темур даврида Марказий Осиёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди.

Шаҳрисабзни ўраб турган қалъа деворларини ўрганиш шундан далолат берадики, ўша даврда барча томонларда миноралари бўлган яхлит ҳимоя деворларини бунёд этишда жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтганда, Амур Темур даврида бунёд этилган меъморий обидалар ўтмишимизнинг бой маданий меъросидан далолат беради. Унинг халқ фаровонлиги, ободончилик, илм фан ривожи, давлат бошқаруви ва харбий стратегия соҳасидаги буюк ҳизматлари юртимизни янада равнақ топиши йўлида бой тажриба ўчоғи бўлиб қолаверади.

Мўъжиза неъмат

С.М.Сирожиддинова, З.А.Хошимова
АДТПИ

Бола учун она сутидан фойдали озуқа йўқ. Унинг соғлом ўсиб ривожланишида она сути мухим аҳамиятга эга. Бу сут таркибида озиқ моддалар ҳамда инфекцияга қарши антителолар мавжуд. Кўкрак билан эмизиш она билан бола ўртасида узвий муносабатни шакллантиради. Бундан гўдак чуқур руҳий қониқиш олади.

Она сутида юздан зиёд зарур озиқ моддалар бўлиб, фақат миқдор жихатдан эмас, сифат жихатидан ҳам боланинг ёшига, соғлигига мос келади. Она сути таркибидаги оксиллар минерал моддалар ва витаминлар усаётган бола эхтиёжига мос келади.

У суюк, енгил хазм булувчи ва етарли кувватга эга булган, турли микроблардан холи тайёр озукадир. Бола хаётининг биринчи олти ойлигида

кушимча суюклик керак эмас. Она сути таркибида етарли микдорда сув мавжуд. Айрим тиббий маълумотларга кура кукрак билан эмизиш боланинг аклий ривожланишига ижобий таъсир килади.

Болани кукрак сути билан бокиш унинг рухий холатига яхши таъсир курсатади. Уларда харакатчанлик суъий бокилган болаларга караганда барвакт бошланади. Бундай болалар тетик ва касалликка кам чалинадиган булади.

Она уз фарзандига табиатнинг мужизаси булмиш кукрак сутини берар экан, бу унинг саломатлигига ҳам ижобий таъсир килади. Яъни, эмизикли онага жуда катта масъулият юклайди, уни уз соғлиги ҳақида қайғуришга мажбур этади.

Болани эмизиш аёлларга хос қадди-қомат, латофат, гўзалликни сақлашда асосий омил ҳисобланади. Эмизикли оналарда модда алмашинуви анча жадал кечади. Ёш гўдаги бор она албатта кун тартибига риоя этиши зарур. У ўз вақтида тўйиб овқатланиб, асабийлашмаслиги ва тиниқиб ухлаш мухим. Шундагина кўкрак сути етарли миқдорда ажралиб чиқади. Бу эса гўдакни она сути билан эмизиб боқиш учун катта имкон яратади.

Ёшларни ҳуқуқий онгини ўстириш омиллари ва йўллари

М. Содиқова
АДТПИ

Ривожланиш босқичини танлаган давлатнинг асосий вазифаларидан бири, бу ёш авлодни маънавиятнинг ўстириш уларнинг онгини юксалтириш, ўз миллий анъаналарини, урф – одатларини, тарихини яхши ўрганишдан иборатдир. Қайсики давлатнинг аҳолиси, ёшлари қанчалик юқори солиҳиятли бўлар экан, ўша давлатнинг ривожланиши тезроқ амалга ошади. Шуларни инобатга олган холда давлатимиз раҳбарияти томонидан ҳозирги ёшларимизни илм олиши, касб – ҳунар ўрганиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Буюк аждодларимиз яратган асарни ўқиб ўрганиш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш йўл-йўриқлари кўрсатилаяпти. Тарихдан маълумки бизни аждодларимиз юқори маънавиятли, етук салоҳиятли алломалар бўлган

Ўрта Осиёда юз берган IX – XII аср ва XV – XVI асрлардаги уйғониш даврларининг етук алломалари: Ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Имом Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Беруний, Маҳмуд Қошғарий, А.Навоий, З.М.Бобур, А.Темур, Аҳмад Яссавий ва бошқа алломаларнинг илмий – маънавий меросини ўргатиш, ёшларда илм – фанга интилиш хиссиётларини шакллантириш зарур. Чунки аждодларимизнинг яратган буюк илмий-маънавий мероси ёшларимиз учун улкан мактабдир.

Мусулмон фикҳ илмининг буюк намоёндаси Бурҳониддин Марғиноний ҳуқуқшуносликни ривожлантиришда асосий қадриятлардан келиб чиққан ҳолда йўл тутди. Унинг асарларида давлат ҳуқушунослиги назариялари, фуқаролик ҳамда мажбуриятлар (хўжалик) ҳуқуқига оид нодир фикрлар ўрин олган. Марғинонийнинг мусулмон ҳуқуқининг мажмуавий

таҳлилий “Ҳидоя” асарида “Китоб - ат тажнис вал мазид” (фуқаролик ҳуқуқига оид) “Китоб ул фароиз” (Мажбуриятлар ҳуқуқи), “Бидоёт ал - мубтодий” (ҳуқуқшунослик асарлари) каби ҳуқуқшуносликка оид асарлар жамлангандир.

Шу каби алломаларимизнинг асарларини кенг ҳалқ оммасига тарғиб қилиш, ёшларни тарихий-илмий асарлар билан яқиндан таништириб бориш уларнинг дунёқарашини, ҳуқуқий онгларини шакллантиришда, фикрларини теран бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш даркор. Бу қуйидаги таркибий қимларини ўз ичига олади.

1) давлат томонидан халқ ва жамоат бирлашмаларини ифодаловчи ҳуқуқий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши мустақиллик ва бозор муносабатлари билан боғлиқ масалалар ва вазифалар ҳуқуқий сиёсатдаги бош йўналишлардандир.
2) Юксак даражада ривожланган юридик фанларнинг мавжудлиги – ҳуқуқий маданиятнинг таркибий қисмидир.
3) Кенг ва фаол ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг бир қисми бўлиб, у давлат ва ҳуқуқий воқеаликлар ҳақидаги ғоялар, қарашлар, ҳис-туйғулар, фикрлар тизимидир.
4) Ҳуқуқий маданият – бу инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларини эгаллаб олиш даражасидир.
5) Илгари эришилган ва тўпланган барча ҳуқуқий тажриба ва ҳуқуқий ёдгорликлар ва уларнинг оммага тарқатилиши.
6) Амалдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар. Конституция, қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳуқуқий манбалар ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил этади.
7) Ҳуқуқ ижодкорлиги маданияти, ҳуқуқ меъёрларини яратиш масаласи, юридик техника даражаси, депутатлар ва аппарат хизматларининг ҳуқуқий билимлари, дунёқарашлари, ҳуқуққа ёндашуви қанчалик юқори бўлса ҳуқуқий маданият ҳам юксак бўлади.
8) Ҳуқуқни амалга ошириш ишларининг юқори ташкил этилганлиги.
9) Ҳуқуқни амалга оширувчи давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ меъёрлари талаблари даражасида ҳамда доирасида ўз ҳуқуқи, бурчларини бажаришлари учун англаб олишдир.
10) Мамлакатнинг давлат ва жамият ҳаётидаги қонунчилик даражаси, ҳамманинг қонун ва суд олдида тенглиги.

Ҳуқуқий маданият ҳозирги кундаги илғор ривожланган давлатларнинг тараққиёт омилига айланди.

Тараққий этган мамлакатларнинг мисолида шуни яққол кўришимиз мумкин. Чунки бунда мамлакатларнинг фуқаролари ҳар бир масалада қонунларга суяниб иш олиб боришади, ўз ҳуқуқлари давлат ёки айрим шахслар томонидан бузилган холларда уларнинг даражаси ва мавқеидан қатъий назар суд орқали ечим топишга эришади. Шунинг билан бирга ўз фуқаролик бурч ва мажбуриятларини қонунда кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбиянинг тутган ўрни

Х Солиев - АДУ
Зухритдинов Р - АДТПИ
Ибрагимов И-магистр - АДУ

Соғломлаштириш ер қуррасида долзарб муаммо бўлиб, унинг воситаларидан ҳамма ҳаёти давомида имконият даражасида фойдаланади, лекин ҳар бир инсон ўзини соғломлаштириш борасида амалий чора-тадбирларни кўллай билиши лозим, бунинг учун назарий билимга, амалий кўникмага эга бўлмоғи керак. Соғломлаштиришда бадантарбия, гигиена ва массаж алоҳида ўринга эга.

Соғлом турмуш тарзи-ҳаёт фаолиятининг сихат-саломатликни сақлаш ва уни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасидир. У ҳар тарафлама ривожланиш, саломатликни сақлаш ва уни мустаҳкамлаш, ижодий иш қобилиятини узайтириш, иш қобилиятини юқори даражага етказиш, ҳар бир инсонда ижобий сифатларни очишга қаратилади. Соғлом турмуш тарзини текширган кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, ҳар бир инсонни саломатлик даражаси белгилаб беради. Соғлом турмуш тарзини, аввало, ҳар бир инсон билиши ва унга ижобий ёндашиши лозим. Агарда юқоридаги қоидага ҳар бир инсон амал қилса, ҳар бир туғилган боланинг соғлом бўлиши учун қўлимиздан келган барча чора-тадбирларни кўришимиз лозим.

Масалан: Янги туғилган чақалоқнинг она сути билан етарлича таъминланиши ҳар хил юқумли касалликлардан узоқда бўлишига, боланинг бақувват, онанинг соғлом бўлишига олиб келиши буюк аллома Ибн Сино ва бошкалар ҳам ўз фикрларини билдиришган. Оилада чақалок бўлган хонадонларда онанинг овқати ва овқатланишига аҳамият бериш она ва боланинг соғлом бўлишида катта аҳамият эга. Бу хакда ҳам Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»да алоҳида ўрин ажратилган. Соғлом турмуш тарзи ҳар бир одамнинг кун тартибига киритилиши лозим бўлиб, у қуйидагиларни: унумли мехнат, тўғри ташкил этилган мехнат ва дам олиш, зарарли одатларга барҳам бериш, одам танасига ёқимли таъсир этадиган ҳаракат тартиби, шахсий гигиена, чиниқтириш, меъёрида овқатланишни ўз таркибига олади.

Унумли мехнат соғлом турмуш тарзининг асоси ҳисобланади. У ҳар бир одамнинг кун тартибидаги асосий ўринга эга бўлган фаолият ҳисобланиб, одамни иқтисодий томондан таъминлаш учун зарур асос яратади, иккинчи томондан эса моддий бойлик яратади. Унумли меҳнат жараёнида одам саломатлигига физик, кимёвий, биологик ва ижтимоий омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Меҳнат жараёни давомида одамлар ҳар хил ноқулай ташқи шароит омилларига дуч келиши мумкин. Шунинг учун ҳар доим ноқулай меҳнат шароитининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилади.

Тўғри ташкил этилган мехнат ва дам олиш ҳар бир мехнат муассасаси одамларнинг сиҳат-саломатлигини яхшилаш борасида оммамий жисмоний

тарбиядан фойдаланиши катта амалий аҳамиятга эга. Айрим мехнат корхоналарида иш бошламасдан олдин ўтказиладиган бадантарбия машқлари, мехнат жараёни давомида олиб бориладиган бадантарбия машғулотлари, иш тугагандан сўнг саломатлик марказларида шуғулланиш, сузиш тўгаракларида қатнашиш саломатликни сақлашга хизмат қилади.

Зарарли одатларга барҳам бериш. Одамнинг сихат-саломатлигига зарарли таъсир этадиган одамлар: тамаки чекиш, алкоголли ичимликлари истеъмол қилиш, наркотик моддалар қабул килиш, жинсий алоқага ружу этишдан ҳосил бўладиган оқибатларни ҳисобга олиб, имконият даражасида уларга барҳам бериш лозим. Булар саломатликнинг ашаддий душмани ҳисобланади.

Ёкимли ҳаракат тартиби соғлом турмуш тарзининг таркибий қисми ҳисобланади. Унинг асосини мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шуғулланиш ташкил этади. Бу борада жисмоний тарбия ва спорт биринчи ўринда туради. Оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва спорт алоҳида аҳамиятга эга. Буни ўз даврида Ибн Сино ҳам таъкидлаб ўтади.

Чиниқтириш- кучли соғломлаштирувчи восита. У кўп касалликларга барҳам беради, умрни узайтиради, узоқ вақт ижодий иш қобилиятини сақлаб туради, қон айланиши яхшилайди, модда алмашишни меъёрига келтиради, шамоллашларни олдини олади. Ҳар бир одам ўзини қуёш билан, сув билан, ҳаво билан, жисмоний машқлар билан чиниқтириб бориши лозим.

Меъёрида овкатланиш – соғлом турмуш тарзининг асосидир. Меъёрида овқатланиш организмнинг тўғри ўсиши ва ривожланишини таъминлайди, саломатликни сақлайди, юқори иш қобилиятини сақлаб туради ва умрни узайтиради, Хар бир одам кун давомида сарфлаган энергияни қоплайдиган, оксил, ёг, карбосув, витамин, минерал моддаларга бўлган эхтиёжни қоплайдиган ҳолатда овқатланиши лозим.

Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш фуқоролик жамиятини барпо этишнинг бош мезонидир

Г. Ж. Умарова
АДТПИ

Ўзбекистон “Мустақиллик” деб аталмиш олий неъматни қўлга киритган кундан эътиборан Республикада демократик қадриятларга асосланган хуқуқий давлатни барпо этишга киришди. Бунинг учун аввало, совет тузуми мафкурасига ғарқ бўлган кишилар онги, дунёқарашини тубдан ўзгартириш зарур, деб хисобланди. Чунки, собиқ шўролар тузими даврида шахс манфаатидан устун қўйилган давлат манфаатига хизмат қилувчи хуқуқ тизими, қонунлар мажмуаси кишилар онгига ўзига хос таъсир этган эди. Мавжуд тузум учун коммунистик мафкурага хизмат қилувчи хуқуқ талабларини итоаткорона бажарувчи фуқороларнинг мавжудлиги зарур бўлган. Шунинг учун хуқуқий маданият, жамият хуқуқий маданиятини юксалтириш масалалари эътибордан четда қолган. Мустақиллик йилларида шахс хуқуқий онги, хукукий маданиятини, жамият хуқуқий маданиятини

юксалтириш Ўзбекистонда янги демократик давлат, фуқоролик жамиятини барпо этишнинг бош мезонига айланди. Мамлакатимизда хуқуқий давлат барпо этилмоқда. Демократик хуқуқий давлатда жамият ва шахснинг юксак хуқуқий маданияти мухим кўрсаткич хисобланади. Хуқуқий маданият умумбашарий қадриятларга, ижтимоий тараққиёт ютуқларига, халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ҳамда меъёрларига асосланиб, ўз қоидаларини юзага чиқаради.

Жамият хуқуқий маданиятини юксалтириш борасида Республикамиз президенти И. А. Каримовнинг бевосита саъйи ҳаракатлари натижасида ўзига хос назарий билимлар мажмуаси юзага келди. Жамият хуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсатининг устивор масалалари даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 август 166-1 сон қарори билан "Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури " қабул қилинди. Мазкур миллий дастурда фуқоро, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг хуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш фуқороларнинг хуқуқий таълими ва хуқуқий тарбиясини такомиллаштириш, давлат органлари, ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқороларнинг хуқуқий саводхонлигини ошириш, юридик кадрларни тайёрлаш,малакасини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг илмий асосларини тадбиқ этиш масалаларига ойдинлик киритилди. "Хуқуқий маданият-дея, такидланади миллий дастурда, -умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Инсонлар онгида шундай ишонч қарор топиши керакки, хуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда тадбиқ эта оладиган кишигина маданиятли ва билимли деб ҳисобланиши мумкин." *

"Миллий Дастурнинг мақсади аҳолини барча қатламлари хуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги хуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда хуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун хуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир."** Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадбиқ этиш бўлимини ҳаётда қўллаш юзасидан мамлакатимизда салмоқли илмий фаолият олиб бораётган хуқуқшунос олимлар томонидан "Ҳуқуқий маданият назарияси" фани юзага келди.

Ҳуқуқий маданият назарияси фанининг предмети, методи, методологияси, фаннинг мақсади ва вазифаси, категориялари ишлаб чиқилди. Бу борада етук хуқуқшунос, олимлар Ўзбестонистон ФА академиги ю.ф.д, профессор Ш.З. Ўразаев, хуқуқшуносликнинг таниқли назариётчилари У. Таджихонов, А. Саидов, Х. Одилқориевларнинг олиб бораётган илмий тадқиқот ишлари фикримизнинг ёркин далилидир.

Юқорида қайд этилган олимларимизнинг хулосасига кўра "Ҳуқуқий маданият деганда жамиятда қарор топган ҳуқуқий тизимнинг даражасини, халқнинг бу ҳуқуқ тизимидан ҳабардорлик даражасини, фуқороларнинг қонунга бўлган ҳурмати, хуқуқий нормаларнинг ижро этилиш даражаси, ҳуқуққа риоя қилмаганларга муросасиз бўлиш, қонунга итоаткорлик

даражасини тушунамиз. Ушбу масалалар бўйича жамиятда ташкил топган ғоя ва фикрлар, назария ва мафкура ҳуқуқий маданият назарияси тушунчасини вужудга келтиради. ”***

Жамият хуқуқий маданиятини юксалтириш, демакки бу фуқоронинг хуқуқий маданиятини шакллантириш ва юксалтиришдир. Фуқоронинг хуқуқий маданияти, бу амалдаги қонунларни билиш; хуқуқий нормаларнинг талабларига мувофиқ ҳаракат қилиш хуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ўзгаларнинг ҳуқуқини ҳурмат қилишдир. Ҳуқуқий маданиятнинг ўз кўрсаткичлари мавжуд, булар қуйидагилар:

-Адолат, эркинлик талабларига жавоб берувчи қонун ҳужжатлари тизимининг мавжудлилиги;

-Фуқоро ва мансабдор шахслар хуқуқий онгининг даражаси, уларнинг хуқуқий кўрсатмаларига риоя этиш эътиқоди;

-Хуқуқ ижодкорлиги ва хуқуқни амалга ошириш маданияти, судлов маданияти

-Хуқуқни қўлловчи муассасаларнинг иши даражаси.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқий маданият кўрсаткичлари давлат бошқаруви жараёни,жамият ижтимоий муносабатлари тизимида кенг кўламда тасис этилмоқда,республикамизда Президентимиз И. А. Каримовнинг “Кучли давлатдан кучли жамият сари” концепцияси асосида демократик, ҳуқуқий, фуқаролик жамияти барпо этилмоқда.

Халқимиз ва мамлакатимиз хаётида буюк ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, Тошкент,1997 йил №9 23-33 бетлар.
2. Ўша жойда.
3. У. Таджихонов, А. Саидов. Хуқуқий маданият назарияси. Тошкент, 1998 йил 11 бет.

Речевые особенности стереотипов и установок

Студентка Н. Ж.Хожиматова
Старший преподавтель Н. Д. Маликова
АГПИЯЗ

Мы все живем в мире стереотипов. Именно стереотипы в значительной степени определяют моральные нормы, формируют политические, религиозные концепции. Поведенческие стереотипы тоже очень разнообразны и во многом определяют наше поведение, наши суждения и отношения к окружающему. Благодаря этим стереотипам мы четко знаем, как себя вести в той или иной ситуации; знаем что плохо и что хорошо; знаем кто прав, а кто не прав. Знаем, но это не значит, что так и есть на самом деле потому, что стереотипы, на которых основаны наши суждения, могут быть сформированы на ошибочных предпосылках или определенных, не всегда обоснованных условностях.

В нашей статье мы хотели бы рассмотреть лингвистические

особенности стереотипов, которые выражаются и закрепляются в нашей речи.

В отечественной психологии исследование проблемы стереотипов связано с именем Сорокина: «Ряд процессов и форм поведения заранее зафиксирован в том или ином виде и выполняется большинством членов группы». А группа реализует это через язык, тем самым формируя и модифицируя стереотипы в деятельности. И. С. Кона : «предвзятое, т.е. не основанное на свежей непосредственной оценке каждого явления , а выведенное из стандартизированных суждений и ожиданий, мнение о свойствах людей и явлений.»Наше отношение к окружающему миру мы выражаем словами, наши мысли материализуются во фразы, а фразы сливаются в речь.

В нашей стране наблюдаются следующие стереотипные суждения: "Почитай старших и уважай младших", "Скромность украшает девушку " и т. д. Несколько лет назад наши родители слышали от наших бабушек и дедушек о высокой нравственности, крепких семейных отношениях: «будь честным», «будь благородным», «будь верным», понятие о «моральных качествах» было совершенно иным.

Одним из факторов формирования и «продления жизни » стереотипов является наша способность припоминать прошлые события, поступки, людей, усвоенные навыки, т.е. память. Семантическая память обычно основывается на обобщённых образах, связанных с событиями, опытом и усвоенными знаниями. Семантическая память может быть также основана на вербальном знании передаваемом от одного человека к другому, без какой либо опоры на фактический опыт. Она относится к знаниям, которые накоплены за долгий период времени и подкрепляются, когда индивид имеет дело с родственными фактами, событиями или опытом.(Е. Тульвинг)

Те знания, которые хранятся в семантической памяти, являются основой для мышления и суждений. При сильном подкреплении они принимают форму стереотипов. А обобщения и образы, на которых память основана, формируют достаточно устойчивые представления о каких либо объектах действительности. А так как этот вид памяти основан на вербальных знаниях, не подкрепленных собственным опытом, то с помощью него может произойти усвоение уже готовых стереотипов и предубеждений. Именно так осваиваются пословицы и поговорки.

В наши же дни под влиянием СМИ, развития науки и техники изменились вкусы, привычки, взгляды, появились новые стереотипы и установки, отражающиеся в наших словах и поступках. Сегодня мы часто говорим «будь успешным», «встань, если упадёшь», «сумей подстроиться», «время - деньги». Видимо, стереотипы оказывают активное влияние на наш язык и на коммуникацию. Мы говорим о том, что воздействует на наше сознание, и так, как оно воздействует. В прошлом столетии не все знали, что значит «Интернет провайдер» или «кабельное телевидение», и молодёжный сленг отличался от нашего сегодняшнего. Следовательно, стереотипы воздействуют на движения языка.

Исходя из проделанной нами работы мы пришли к следующим выводам:

1. Стереотипы - неотъемлемый элемент обыденного сознания. У нас появляется уверенность в том, что данная непреложная истина не подлежит обсуждению- иначе и быть не может.
2. Семантическая память является одним из источников формирования стереотипов.
3. Новые стереотипы и установки отражаются в нашем сознании и влияют на речь человека, порождая новые обороты.

Таълим - тарбия жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш

Катта ўқитувчи И. Хакимова,
Ф. Асранова
АДТПИ

Нутқ маданияти инсон умуммаданиятининг бир қисми бўлиб, фикрни тил воситасида тўғри, эркин изчил, ёқимли ва таъсирли баён қилишидир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тил ҳар бир халқнинг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитишда, миллий ва умуминсоний қадриятларни ривожлантиришда, инсон, жамият ва атроф – мухитнинг уйғунлаштирувида ўзаро муносабат вазифасини ўтайди.

Нутқ маданияти бевосита тилни, унинг қонун – қоидаларини онгли равишда идрок этиш, ифодали нутқ туза олиш маҳоратини эгаллаш билан бирга, аҳлоқий маданиятнинг негизи сифатида маданий – маърифий турмушнинг барча соҳаларида ўзлигини намоён этади. Демак, нутқ маданияти жамият маънавиятини юксалтиришда, ўқувчилар онгига билим, ақл, хис – туйғу, ирода, ишонч каби маънавий – маърифий фазилатларни сингдиришда асосий восита ҳисобланади.

Албатта, бу ишларни амалга оширишда узлуксиз таълим турлари, айниқса, бошланғич таълимнинг ўрни беқиёсдир. Чунки, ўқувчиларга нутқ маданиятининг асосий тушунчалари ҳақида маълумот бериш, уларни ифодали ўқишда ўргатиш, хушмуомала, ширинсўз бўлиш, ақл – идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан бахраманд қилиш, умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бевосита бошланғич таълим мазмунидан чуқур ўрин олган. Бундай жиҳатларни амалга оширишда ўқитувчининг нутқи равон, маданияти юксак, фикри теран бўлиши билан бирга, таълим – тарбия жараёнини жаҳон стандартлари даражасида етказишга интилиши, шунингдек, ўқувчиларда нутқ маданиятини ўстиришда фаол харакат қилиши лозимдир. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, нутқ маданияти дастлаб оилада, бошланғич таълим босқичида билим олаётган болаларда шаклланади. Бошланғич таълимнинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, ўқувчилар дунё қараши, нутқи шунчалик ривожланади, камол топади. Уларда мулоқот кўникмалари, нутқдан фойдаланиш тажрибаси, билимлари, такомиллашади. Шундай экан, бошланғич таълим мазмунини такомиллаштириш, кичик

ёшдаги ўқувчиларда нутқ маданиятини шакллантириш баркамол авлодни вояга етказишнинг ўзаги ҳисобланади.

Бугунги кунда кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда нутқ маданияти ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш бошланғич таълим мазмунинг асосий қиррасини ташкил этади. Айнан шу жиҳатидан қараганда адабиётларни ўрганиш ва бошланғич таьлим иш тажрибасини кузатишдан шу нарса маьлум бўлдики, кичик мактаб ёшидаги ҳал этмаган муаммо бўлиб келмокда.

Гапиришдан фарқли ўларок, нутқ маданияти кўникмасида эга бўлган кишилар атрофдагилар билан мулоқотда киришганда.

- тушуниш ва қабул қилишни:
- атрофдаги инсонларнинг фикрига муносабат билдиришни:

Демак, нутқ бу факатгина гапириш эмас, нутқ маданияти, айни пайтда, тинглаш, тушуниш, одоб билан сухбатга қўшилиши, ўз фикр мулоҳазаларини адабий тил меъерларига риоя қилган ҳолда ёзма баён этиш, кўникмаларига ҳам эга бўлишдан иборатдир.

Ўқувчилар нутқ маданиятига эга бўлиш натижасида қуйидаги малакаларни эгаллайдилар.

1. Нутқ натижасида ўқувчилар ўзларини бир қатор моддий, маънавий, ҳиссий, эҳтиёжларини қондирадилар.
2. Бугунга келиб, жамиятнинг нутқ маданиятига эга бўлган ёшларга эҳтиёжи ортиб бормоқда. Таълим йўналишида изчил тарзда нутқ маданиятини шакллантириш натижасидагина бу эҳтиёжни қондириш мумкин. Бунинг учун ўқув – билим жараёнида ўқув топшириқлари, машқлар, дидактик йўсинларнинг мазмунини ўқувчида нутқ маданиятини шакллантиришга йўналтириш мумкин.

Болалар ва ўсмирларни соғлом ҳаёт учун гигиеник тарбиялаш

З.А.Ҳошимова, С.М.Сирожиддинов, Р.Ш.Ғофурова
АДТПИ

Илгари, санитария маданиятини ошириш ишлари ҳар бир табобат ходими томонидан алоҳида бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўтказилади ва шу сабабли кам фойдали эди. Бизнинг шароитда бу тадбирлар ҳеч бўлмаса кўргазмали васиталар, адабиётлар ва рисолаларни нашр этиш ёрдамида амалга оширилади. Бу ўткир сезилиб турган талаб ва ўсиб бораётган харакат санитария-маориф ишлари билан шуғулланаётган зиёлилар фаолиятида ўз аксини топган.

Болалар ва ўсмирларни гигиеник тарбиялаш тадбирлари белгиланди. Булар: - мактабгача ёшдаги болаларга гигиена ҳақида тушунча, таълим бериш ва уни мисоллар билан кўрсатиш; -уйда, болалар ва ўсмирлар муассасаларида болаларни гигиеник тарбиялашнинг шакли ва усули; - мактабдан ташқари ўқувчилар ўртасида санитария-гигиена тушунтириш иши, шакли ва услуби;- ўқувчиларни жинсий гигиеник тарбилаш шакли ва

услуби; - ота-оналар орасида санитария-тушунтириш ишларини олиб боришдан иборат.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўйича санитария-эпидемиология станциясининг мутахассислари болалар ва ўсмирлар муассасаларида ишловчи ходимлар, тарбиячи ва ўқитувчилар, тиббиёт ходимларининг гигиеник билимлар савиясини ошириш бўйича аҳоли ўртасида болалар ва ўсмирлар гигиенасига оид билимларни тарқатиш тадбирларини амалга оширади. Ҳозирги аҳолимиз ўрта маълумотли саводхон даражасига кўтарилган вақтда тиббиёт ходимлари янада чуқуррок гигиеник тарбия ишларини амалга оширмокдалар. Шундай қилиб, кенг омма ўртасида соғлиқни сақлаш ва атроф-мухитни муҳофаза қилишда соғлиқни сақлаш муассасалари ва қисман бошқа давлат идоралари билан амалга ошириладиган гигиеник тарбия хизмат қилади.

Экологик маърифатни ривожлантиришдаги айрим мулоҳазалар

К.С. Эгамбердиева
АДТПИ
Доц. Ё.Қ. Хайитов
БухДУ

Ҳеч кимга сир эмаски, ота- боболаримиз ҳамиша кишилик жамиятида инсонларни табиатга меҳр – мурувват ва маърифат кўзи билан қарашга чорлаб келганлар. Ҳозирги вақтда кундалик ҳаётимизда эҳтиёжга айланиб бораётган қадриятларимиз бунинг яққол далилидир. Дунёдаги 2000 мингдан ортиқ миллат ва эллатларнинг табиатга нисбатан ўзига хос ва мос бўлган тарбия тизими мавжуддир.

Ўзбек халқимизнинг экологияга оид бўлган тарбияси табиий ҳолатда оилада кечади. Ўзбек оилаларида ота- оналар фарзандларига “харом-хариш”, “увол”, “гуноҳ, савоб” каби насиҳатлар асосида дастлабки экологик тушунчалар бериб борадилар. Масалан, ноннинг оёқ остига тушиши, сувнинг ифлос қилиниши, жоноворларга шавқатсиз муносабатда бўлиш, дарахтларни синдириш холатлари, рўй берганда “увол” ёки “гуноҳ” эканлиги уқтирилиб экологик тушунчалар шакллантирилиб борилади. Боғчаларда эса экология болалар нигоҳида гавдалантирилиб ҳамда табиатга меҳр ортириш мақсадида экологик тадбирлар ўтказилиб бориш ҳам ўзини ижобий самарасини бера бошлайди. Мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида узлуксиз экологик таълимни ривожлантириш ноанъанавий усулларидан фойдаланиб дарс жараёнларини олиб бориш, малакали амалиёт дарсларини табиат қўйнида ўтказиш, турли экологик саёҳатлар уюштириш ёшларда экологик билимларни кенгайтиради.

Экологик таълим - тарбияда экологик маърифат салмоқли ўринларидан бирини эгаллайди. Экологик маърифат туфайли ёшларга табиат ер, ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ресурслар, жонли табиатнинг турлари ва генетик фонднинг бойлигини сақлаб қолиш одамларнинг яшаш муҳитини экологик ҳавфсизлигини таъминлаш,

табиатдан оқилона фойдаланиш, табиатни асраш билан боғлиқ миллий қадриятлар, анъаналар, удумлар ҳақида табиатни муҳофаза қилиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида маълумотлар ёритиб борилади. Бундан ташқари табиатни муҳофаза қилишда экология тизимлари, ландшафтлари ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолишга, Халқаро "Қизил китоб" Ўзбекистон "Қизил китоби" ҳусусида маълумотлар беришига йўналтирилган дидактив тарбиявий табдирлар йиғиндиси ёшлар онгида табиатга ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига нисбатан шаклланган бефарқликларни илдизи билан юлиб ташлаш, табиатга нисбатан лоқайдлик, ҳаётга, инсониятга нисбатан бефарқликлар эканлигини эътироф этади. "Инсон – табиат" андозаси муносабатларида уйғунликларини таъминлаш табиий муҳит ва инсон сиҳат - саломатлиги учун зарарли тиклаб бўлмас оқибатларига сабаб бўлувчи экологик фожеаларини олдини олишда фаол иштирок этиш лозим. Буларнинг барчаси минтақамизда экологик мувозанатни сақлаш, юртимизнинг барқарор ижтимоий – иқтисодий ривожланиш йўлида табиатдан оқилона фойдаланиш халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт – шароит яратади.

Табиатни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишда ошкорлик инсон манфаатларини устиворлигини белгилайди. "Маърифат" – кишиларнинг онгини, билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим – тарбия бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли экологик маърифат динамик ҳаракатда бўлиб табиатни ер, сув, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси табиий ресурслар ҳақида хабарлар бериш билан ёш авлод онгида табиатга нисбатан эъзоз табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш руҳини шакллантиришда таълим – тарбия бешиги ролини ўташи лозим.

Москва суғориш компаниясининг фаолияти тарихидан

К.Эгамбердиева - АДТПИ
Д. Асқарова – АДТПИ АЛ

В статье на основе архивных материалов раскрывается история деятельности Московской компании по проектированию оросительной системы в Ферганской долине.

In clause on the basis of archival materials the history of activity of the Moscow company on designing watering of system in the Fergana valley is opened.

Россия империяси мустамлакаси даврида XX асрнинг бошларида империя енгил саноати эҳтиёжи учун зарур бўлган арзон пахта хом-ашёсини Туркистон ўлкасида етиштириш масаласи кун тартибига долзарб масала сифатида қўйилди. Шунинг учун ҳам империя хукумати томонидан ўлканинг табиий ресурслари яъни сув манбалари, тупроқ тузилишини илмий ўрганиш учун экспедициялар ташкил этиш зарурияти туғилди. Лекин, ҳукуматнинг бу борада молиявий қудрати етишмаганлиги учун ҳукумат

хусусий сармоядорларини бу ишларга жалб этишга мажбур бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ 1909 йили июль ойида Фарғона ерларини суғориш мақсадида Москва суғориш компанияси Москва шаҳрида ташкил этилади. Компанияга империянинг 20 дан ортиқ йирик савдо саноат ширкатлари ҳамда якка шахслар аъзо бўлиб киради. [1; 23]

Компания ўз олдига биринчи галда Фарғона водийсининг қуйидаги ерларида илмий текшириш ишларини олиб боришни мақсад қилиб қўяди:
Биринчидан, Норин дарёсининг ўн бетидаги Қизилёр чўлидаги 5 минг десятина, иккинчидан, Нориннинг чап соҳилида Шинг жарлигидан Учқўрғонгача бўлган ҳудуднинг жануб томонга чўзилиб кетган Учқўрғон чўлидан 20 минг десятина, учинчидан, Улуғнахр канали водийсидаги Бўз моссивида 16 минг десятина. [1; 3]

Компаниянинг ишончли вакили А.Кузнецовнинг илтимоси билан К.Н.Синявский [3] Учқўрғон чўлини суғоришнинг тахминий режасини ишлаб чиқди. Режага кўра Учқўрғон чўлида 20 минг десятина ерни суғориш учун Учқўрғон қишлоғидан 10-15 верст юқорида, Норин дарёсининг чап қирғоғидан магистрал канал чиқариш лозим эди. Учқўрғонгача канал дарё билан параллел равишда келади. Сўнг у жануб томонга давом этиб, чўлнинг шарқий чегарасидаги тепалик ён бағрида ҳамда Лўғумбек, Оқмозор, Туячи қишлоқларининг шарқий томонларидан оқиб ўтади ва этаги Избоскан сойга (Мойлисойга) тушади. Натижада 8 минг десятина парто ер ва Учқўрғон чўлидан 12 минг десятина ерни суғориш имконияти туғилади. [4; 4]

Лекин компания хайъати К.Синявскийнинг режа устида жиддий ва батафсил ишлай олмаганлигини, умуман, Россияда йирик суғориш иншоотларини лойиҳалаш билан шуғулланувчи инженер-ирригаторлар бирлашмалари йўқлигини ҳисобга олиб, 1910 йили Учқўрғон чўлида лойиҳа қидирув ишларини олиб боришни ўз вақтида европада машҳур бўлган, Америкада бир неча йирик гидроиншоотлар қурган “Пирсон и сын” номли инглиз фирмаси билан шартнома тузади. [2; 3]

Бу фирма вакиллари 1910 йил ёзида Фарғона водийсининг Норин ва Қорадарё ҳудудидаги шарқий Норин, Қорадарё ва Мойлисой ўртасида жойлашган ҳудудда лойиҳа қидирув ишларини олиб борадилар. Шу тариқа Фарғона водийси ерларини суғориш борасида бир неча лойиҳалар ишлаб чиқилади. Шундай лойиҳалардан бири К.Н.Синявскийга тегишли бўлиб, у Фарғона водийсини суғориш учун илмий равишда комплекс қидирув ишларини олиб бориш керак деган ғояни илгари сурган. Унинг фикрича:
“Учқўрғон чўлини суғориш Қорадарё ва Сирдарёнинг чап соҳилида ётган Қорақалпоқ чўли (Марказий Фарғона) районини суғориш масаласи билан бирга ҳал этилиши керак. Шунинг учун Учқўрғон чўлини суғориш учун мўлжалланган Норин дарёсидан бош олувчи лойиҳалаштирилаётган каналнинг катталигини ва тўғонини шундай қуриш керакки, у фақат 20 минг десятина ерни суғоришга кифоя қиладиган, яъни секундига 2 куб саржин сувга мўлжалланмай келажакда Норин сувини Қорадарё орқали жанубий районларга олиб кетиш учун ҳизмат қиладиган бўлсин”.

Шундай қилиб Марказий Фарғона ерларини суғоришда Норин дарёсининг сувидан фойдаланиш ғояси дастлаб К.Н.Синявский томонидан тавсия этилади. У деярли Фарғона водийсининг бутун жанубий ва шарқий районлардаги бўз ерларни суғориш ва мавжуд системаларнинг холатини яхшилашга қаратилган комплекс лойиҳа тузади. Бу лойиҳага кўра Норин сувини Учқўрғон чўли орқали Қорадарёдан олиб ўтиш учун канал бошини мумкин қадар юқорига қуриш керак, ўшанда сув маълум тезлик билан мўлжалдаги жойга етиб боради. Лойиҳада канал бошини Учқўрғондан 30 верст юқоридаги Ш инг жарлиги атрофида қуришни мўлжаллайди. Бу ерда дарёга баландлиги 88 фут [5] келадиган тўғон қурилади. Тўғон замонавий инженер типидаги бўлиши лозим, шубҳасиз, у қимматга қурилади. [6; 201]

Канал шу ердан бошланиб, Нориннинг чап қирғоғидаги тоғ ёнбағридан оқиб ўтиб, Мойлисой делтасидан чиққанда, шарққа Омонжўра, Насриддинбек, Қўқонқишлоқнинг ортидан айланиб, яна жанубга бурилади ва Тешиктош қишлоғида Қорадарёга қўшилади. Дарёдан тарнов-акведук орқали ўтиб, Бўтақара қишлоғи атрофида Андижон адирларини қирқиб, Хокан қишлоғи орқали Қуванинг Толмозор қишлоғига боради. Сўнгра Марғилон билан Риштонга ўтади. Бу ердан эса Қўқон уъездининг жанубидаги тоғ олди ёнбағрилари орқали Конибодомнинг шимол томонига чиқади. Муаллифнинг хисобига кўра каналнинг узунлиги 300 весрт бўлиб у Марказий Фарғона чўлини тўла суғориб Қорадарёнинг ўнг томонидаги кам сувли Мойлисой ва Тентаксой системаларини, жанубдаги Андижонсой ва Шахрихонсой этакларини, Аравон, Исфайрамсой, Шохимардонсой, Сўх, Исфара системаларининг этак қисмларидаги ерларни бемалол сув билан таъминлайди. Канал суви билан К.Синявский хисобига кўра, Учқўрғон чўлида 33 минг десятина, Сирдарёнинг чап соҳилида 200 минг десятинадан ортиқ янги ерларни ўзлаштириш мумкин. Юқори ташкилотлар бу канал лойиҳасини “Бош Фарғона канали” деб атайдилар. [7; 216]

Москва суғориш компанияснинг таклифи билан 1911 йили июнь ойида “Пирсон и сын” фирмаси ҳам Учқўрғон чўлини суғориш лойиҳасини тайёрлаб Москвага юборади. [8; 97-144]

Лойиҳага кўра, Норин тўғони К.Синявский лойиҳасидаги пунктдан 10 верст пастда, яъни Учқўрғондан 20 верст юқорида қурилиши кўзда тутилган. Бу эса тўғонни унча баланд қилмай арзонроқ қуриш имконини беради, яъни тўғоннинг баландлиги 70 фут бўлиши мумкин. Лойиҳани тушунтириш хатида таъкидланишича, тўғон қанча пастда бўлса, Магистрал канал узунлиги ҳам қисқаради, бажариладиган ер ишлари хажми ҳам камаяди. Норин тўғонининг узунлиги 1000 футга мўлжалланиб у Нил дарёсига қурилган Асвон тўғони типида бўлиши керак, яъни тўғон олдида сув омбори қурилади, дарёга сув кўп келган вақтда тўғон олди майдонида тўпланиб қолган оқизинди тоғ жинсларини ювиб туриш учун тўғон остида 13 та қатор туйнук-туннель очилади. [9; 22]

Туйникларнинг эни 6 фут, бўйи 23 футга мўлжалланиб, улар навбатма-навбат очиб- ёпиб турилади. Канал 12 верстдан кўпроқ адир оралиғидан оқиб ўтади, шарққа томон баландлашиб борадиган адирларнинг пастки

қирғоқлари бўйлаб жанубга 36 верст оққандан сўнг Мойлисой делтасига чиқади ва тахминан Урганжи қишлоғининг юқорисида Қорадарёга қуйилади. Пирсон лойихасига кўра, магистрал канал ғарбда ётган Учқўрғон чўлидан 30 минг десятина ерни суғориши мумкин. Канал узунлиги 67 верст бўлиб ер ишлари хажми 960 минг кубаметр бўлади. Ҳамма қурилиш ишларига 12000000 сўм сарфланиши керак. [10; 69]

Ҳар иккала лойиҳа компаниянинг техник қўмитасида муҳокама қилиниб, тўғон қуриладиган ернинг замини геологик жиҳатдан яхши текширилмаганлиги, тўғоннинг суғориладиган райондан узоқда жойлашганлиги канал сувининг ортиқча буғланиб кетишига сабаб бўлиши ва лойиҳа ҳам мўлжалдагидан қимматга тушиши каби камчиликларига кўра мақсадга номувофиқ деб топилади. [11; 149] Чунки К.Синявский лойиҳаси бўйича бир десятина ерни суғориш 516 сўмга, [12; 201] Пирсон лойиҳасига кўра бир десятина ерни суғориш 400 сўмга [12; 149] тўғри келар эди.

Компания техник комитети Синявский ва Пирсон лойиҳаларига монанд бошқа лойиҳа тайёрлашга ва Фарғона водийсининг шарқидаги бўз ерларда ҳам қидирув ишлари олиб боришга қарор қилади. Бунинг учун яна К.Синявский ва Н.Петров таклиф қилиниб, чет элдан эса йирик швейцар инженери А.Кюрштейнер ва “Ф.Хольцман и К” номли яна бир швейцар фирмаси билан шартнома тузилади. А.Кюрштейнерга Учқўрғон лойиҳасини тайёрлаш вазифаси топширилгани учун, у 1912 йили ёзида Учқўрғонда бўлиб, Норин дарёси билан Избоскан-Пойтуғ қишлоқлари ўртасида нивелировка ва съёмка ишлари олиб боради. Бу районда 1 десятина ерни суғориш учун 200 сўмдан ошмайдиган, 30 минг десятина ерни ўзлаштиришга мўлжалланган асосий лойиҳани тайёрлайди.

А.Кюрштейнернинг фикрича, Пирсон лойиҳаси ҳам, Синявский лойиҳаси ҳам Норин дарёсидан мумкин қадар кўпроқ сув олиш ва баланд ерларни суғориш ниятида бўлажак тўғонни мураккаблаштириб, қиммат қилиб юборган. Бўлажак магистрал каналининг ҳам фойдасиз қисми кўп (бирида 89, иккинчисида 67 верст). Унинг фикрича, Учқўрғонда суғориш режалаштирилган чўл ердан тахминан 10-15 минг десятинасини ташкил қиладиган баланд қисмини механик насос ёрдами билан суғорилса, қолган қисми учун тўғонни анча паст қуриш мумкин, бу билан канал анча қисқаради ва арзонга тушади. Шунинг учун ҳам тўғонни Учқўрғондан 11 верст юқорида қуришни таклиф қилади. Тўғон баландлиги деярли ярмига қисқариб, 40 футга мўлжалланади. [12; 44] Баланд ерларга сув чиқариш учун тўғонга кичикроқ электростанция қуриш мўлжалланади. Каналнинг узунлиги лойиҳада 22 верстга қисқаради ва 45 верст бўлади. 30 минг десятина ерни суғориш учун ҳаммаси бўлиб 6.821.000 сўм сарфланиб, 1 десятина ерга 227 сўм тўғри келади. [12; 45]

1912 йили инженер Н.Петров ҳам Марказий Фарғона ерларини суғориш учун ўз лойиҳасини таклиф этди. Лойиҳага кўра, Миробод қишлоғидаги Тўнғизтўсар жарлигидан собиқ Улуғнаҳрнинг иккинчи тўғон бошидан сув олиниши керак. Бунинг учун юқоридаги Норин канали шу ердан ё акведук билан ўтиши, ёки Қорадарёга ташланиши лозим. Бу ерларда

Улуғнаҳрнинг ўзани кенгайтирилади. Янги канал 10 километргача Улуғнаҳрдан оқиб, икки тармоққа ажралади, ўнг тармоқ Балиқчи канали изидан бориб, Балиқчи ва Чинобод қишлоқларининг чегарасидан ғарбга томон Қорақалпоқ чўлининг шимолий ярмини оралаб, Урганжи қишлоғида Қўқон-Наманган темир йўлини қирқиб ўтади. Сўнг жанубга бурилади ва Конибодом станцияси атрофида Исфара системасининг этак зонасида тугалланади.

Бош каналнинг чап тармоғи томон йўналиб, Шаҳрихонсойни қирқиб ўтади. Шаҳрихонсойдан ўтгандан кейин эса Улуғнаҳрни ўнг томонда қолдириб жанубга, сўнгра жануби-ғарбга бурилади. Олтиариқ райони атрофида темир йўлини қирқиб чап томонга ўтади. Фурқат станцияси атрофида темир йўлни қайта ўнгга қирқиб ўтиб, ташламаси Қўқонсойга бориб тушади. Шундай қилиб, Бош каналнинг иккала тармоғи Шаҳрихонсой билан Қўқон ўртасида 300 000 десятина ерни қамраб олиш керак эди. [13;212] Марказий Фарғона ерларини ўзлаштиришда, энг муҳими бу каналнинг жанубий тармоғи эди. Шунинг учун каналга Мингбулоқ атрофида Сирдарёдан яна қўшимча сув олиниши лозим эди. Н.Петровнинг бош канал лойиҳаси унинг жанубий тармоғи ҳозирги Катта Фарғона канали линиясига деярли тўғри келади.

“Ф.Хольцман и К” фирмаси ҳам шу вақтга келиб, ўз лойиҳасини ишлаб чиқади. Лойиҳага кўра, бош канал Норин канали Қорадарёга қўшилган жойидан, яъни Миробод қишлоғидан бошланади. Канал жануби-ғарбга 22 километр давом этгандан сўнг, у ҳам икки тармоққа-жанубий ва марказий тармоққа бўлинади. Марказий тармоқ-10 километр ғарбга оқиб, ўз навбатида яна иккига-чап ва ўнг тармоқларга бўлинади. Ўнг тармоқ “Бўз” районининг Чинобод ва Балиқчи ерларига туташган чегарасидан қирқиб ўтиб, ғарбга давом этади ва Қўқон-Наманган темир йўлига етмасдан дарёга қўшилади.

Чап тармоғи эса Бўз ва Қорақалпоқ чўлининг ўртасидан ёриб ўтиб, темир йўлдан ўтгандан сўнг Чиғаноқ қишлоғида Сирдарёга қўшилади.

Бош каналнинг иккинчи асосий-жанубий тармоғи Шаҳрихонсойни қирқиб ўтиб, жануби-ғарбий томон йўналади. Бу атрофда Н.Петров канали билан деярли параллел кетади. Аммо Олтиариқ яқинида темир йўлга етмай туриб шимоли-ғарбга бурилади ва Урганжи юқорисида Қўқон-Наманган темир йўлини қирқиб, Оқжар қишлоғида Сирдарёга тушади. Лойиҳага кўра, бош каналнинг асосий-жанубий тармоғи ҳам янги ерларни суғоришга мўлжалланган. Шунинг учун у мавжуд системаларнинг этак қисмларидан ўтар эди. Н.Петров каналида эса, жанубий тармоқ фақат мавжуд системаларнинг суғориш ҳолатини яхшилашга қаратилганди.

Хольцман планига кўра, жанубий тармоқ ўзининг асосий сувини шимолга томон-Қорақалпоқ ва Бўз ерларини ёриб ўтувчи бир неча бир-бирига параллел ариқлар орқали чўлга бериши керак эди. Исфайрам, Шоҳимардон, Сўх каби кам сувли системалар янги каналдан озиқлана олмасдилар. Лойиҳага кўра, Қорадарё ва Сирдарёнинг чап соҳилида ҳаммаси бўлиб, 350.000 десятина ер суғориш мўлжалланганди.

Шундай қилиб, 1910-1912 йиллар мобайнида Учқўрғон чўли ва Марказий Фарғона ерларини суғориш учун Москва суғориш компанияси таклифи билан 6 та лойиҳа тузилди. Лекин чор ҳукуматининг бюрократик тизими бу ҳосилдор ерларни қўлдан чиқиб кетишини хоҳламас эди. Чунки ерларни хусусий капитал эгалари ўзлаштириши маълум маънода давлат хазинасига келадиган даромадни камайтирар эди. Иккинчи томондан ҳукумат хазинасида бундай улкан лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағ йўқ эди. Шунинг учун ҳам узоқ тортишувлардан сўнг Давлат думаси 1914 йил февраль мажлисида: “Туркистондаги табиий сувлардан фойдаланиш ҳақида алоҳида қонун қабул қилинмагунча, давлат компаниялар билан шартнома тузмайди.”, деб эълон қилинади ва Дума ҳозирча “Туркистонда магистрал каналларни фақат давлат ҳисобидан чиқариш ҳақида” қарор қабул қилиш билан чегараланади. [8;45]

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, империя манфаатларидан келиб чиққан холда ташкил этилган Москва суғориш компанияси ташкил этишдан асосий мақсад Туркистон ўлкасининг асосий пахта етказиб берувчи ҳудудлардан бири ҳисобланган Фарғона водийсида суғориладиган ерларни миқдор жиҳатдан орттириш эвазига арзон пахта хом-ашёси етиштириш ва шу тариқа енгил саноатни пахтага бўлган эхтиёжини қондириш эди.

Адабиётлар

1. ЎзР МДА. И-7-ф., 1-р., 4873-иш, 23-варақ.
2. ЎзР МДА. И-7-ф., 1-р., 4873-иш, 3-варақ.
3. Синявский К.Н. -1903 йилдан Фарғона вилояти ирригация мудири лавозимида ишлаган.
4. Синявский К.Н. К вопросу об искусственном орошении свободных земел в Ферганской области.-Скобелев: 1909. с. 4
5. Фут-30, 47 см. га тенг.
6.«Средазгипроводхлопок» институти архиви. 4-бўлим, инв №10896. Рабочая гипотеза развития орошения Ферганы.-с. 201.
7. ЎзР МДА. И-7-ф., 1-р., 4867-иш, 216-варақ.
8. «Средазгипроводхлопок» институти архиви. 4-бўлим, инв №10515. с. 97-144.
9. Нилда Асвон тўғони XIX асрнинг охирида қурилган. Узунлиги 2000 метр, баландлиги 30 метр. Сув тошқини вақтида тўғон олдида катта сув омборида тўпланадиган лойқани ювиб туриш учун унинг остки қисмида 140 та дарвозали туйник –туннель қилинган. Қаранг, Ризенкампф Г.К. Проблема орошения Туркестана. Вып. 1. –М.: 1922. с. 22
10. ЎзР МДА. И-7-ф., 1-р., 3212-иш, 69-варақ.
11. «Средазгипроводхлопок» институти архиви. 4-бўлим, инв №10515. с. 149.
12. «Средазгипроводхлопок» институти архиви. 4-бўлим, инв №10896. с. 201.
13. «Средазгипроводхлопок» институти архиви. 4-бўлим, инв №10895. с. 212.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари педагогик кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг услубий таъминланиши

Доцент. Эргашев Т.Э
Методист
Х.Қ.Рўзиева
АДТПИ

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кадрлар тайёрлаш, фан ва ишлаб-чиқариш интеграцияси асосида аҳолининг билим савиясини жадал кўтариш муаммосини ечишда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимига катта ахамият берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун қоидаларига биноан кадрлар тайёрлашнинг миллий-моделини амалга ошириш бу тизимни мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни хисобга олган ҳолда тубдан ислох қилишни кўзда тутади.

Мазкур концепция кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг янги мазмуни, мўлжаллари ва унинг янги шароитларда ривожланиш стратегиясини аниқлашга, кадрлар билими, маҳорати ва кўникмаларини мунтазам чуқурлаштириш ва янгилашни таъминлашга қаратилган.

Мустақил Республикамизнинг ижтимоий-сиёсий тизими хусусиятларини ва бой миллий анъаналарини хисобга олиб яратилган Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт модели нафақат Республиканинг бугунги холатини, балки унинг келажакда ривожланишини белгилаб беради.

Замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника ва технологияларни ривожлантириш асосида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича мукаммал тизимнинг фаолият кўрсатиши мамлакат тараққиётиниг мухим шартидир. Мазкур тизим кадрларнинг юқори умумий ва профессионал маданиятга, истиқбол масалаларини қўйиш ва уларни ечиш қобилиятига, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил фикрлаш махоратига эга янги авлодни шакллантиришни таъминлаб бериши лозим.

Кадрларнинг касбий билимлари, махорати ва кўникмаларини мунтазам равишда чуқурлаштириш ва янгиликка ундайдиган, ҳамда мехнат бозори, шахс, давлат ва жамият эхтиёжларини хисобга олган ҳолда таълим хизматлари бозорининг шаклланишига мос янги малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. (1-шакл)

Бозор Ҳаёт Билим Интилиш
Малака ошириш Мустақил фикрловчи шахс
Ўз манфаати Давлат манфаати Ривожланиш заруряти

1-шакл. Малака ошириш асослари.

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Тафаккур” журнали мухаррирининг саволларига берган жавобларида (1998 йил 2-сони) алохида

таъкидлаганидек, кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда тўла амалга оширилса, энг аввало, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакатдаги мухит ўзгариши, таълимнинг янги модули ишга тушиши, инсоннинг хаётдаги ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади, таълимнинг янги моделини ифодалайдиган, мустақил фикр юритадиган эркин шахс шаклланади, жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади.

Агар биз ҳар бир инсонда муайан даражада интелектуал салохият мавжудлигини хисобга олишни билсак, ушбу қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади, бу эса ўз навбатида жамиятимизнинг гуллаб-яшнашига ва уни албатта кучли тараққиётига олиб келади.

Малака ошириш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад замон талабларига тўла жавоб берадиган юксак малакали кадрлар тайёрлашдир. Шу боисдан ўз касбий педагогик махоратини оширишга хар бир педагог ҳар қачонгидан хам онгли муносабатда бўлиши нафақат субъектив ҳолат ва объектив зарурат, балки рақобатбордошлик шарти ҳамдир.

“Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 16- моддасида “Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш касб билимлари ва кўникмаларини чуқурлаштириш хамда янгилашни таъминлайди” деб таъкидланган, хамда ушбу Қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2001 йил 4 октябрда қабул қилган 400-сонли қарорида кўрсатилганларни рўёбга чиқариш учун малака ошириш тизимидан хар бир ўрта махсус касб-хунар таълими ходимларининг мунтазам малакасини ошириш боришни таъминлашни талаб қилади. Ҳар бир педагог ва мухандис-педагог ўз мутахассислик йўналишида ҳамда баркамол авлод тарбиясига доир кундалик ахборотларни мунтазам равишда ўрганиб, ўз педагог фаолиятига тўлиқ тадбиқ қилиб бориш натижасидагина таълим-тарбия жараёнининг замон андозаларига мос талаблари даражасига эришиши мумкин. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари (факультетлари) тизимини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири педагог ва мухандис-педагогларни узлуксиз малака оширишларидан иборат. Шу билан бирга малака ошириш иши қанчалик такомиллашган бўлса, таълим тизими хам шу даражада ривожланган бўлади.

Мустақиллигимиз шароитида республикамизда таълим тарбия мазмунини такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли янгидан-янги академик лицей ва касб-хунар коллежлари барпо этилди. Бу академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида янгиланган таълим мазмунини жорий этишда педагог асосий шахс деб хисобланади. Таълим мазмуни қанчалик янгиланмасин, янги таълим стандартлари, дастур яратилмасин уларнинг таълим жараёнига қай даражада тадбиқ этилиши асосан педагог кадрларга боғлиқ бўлиб қолаверади. Зероки эртанги кун педагогларнинг қандай билиши кўп жиҳатдан ўрта махсус, касб-ҳунар

таълими тизимида олиб бориладиган педагогик таълим ва тарбияга, педагогларнинг салоҳиятига боғлиқдир. Шу билан бирга юртимизда яшаётган хар бир инсонни, педагогик кадрларни, айниқса униб ўсиб келаётган янги авлодни вояга етишига, замонавий техника воситаларидан фойдалана билишларига етарли замин тайёрламоқ зарур. Талаб даражасида моддий-техника базасини яратиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларида илғор педагогик технологияларни қўллашни ташкил қилиш хамда ушбу соҳада намунавий дастурлар яратиш, аудио-видео, компьютер, мультимедиа каби техник воситаларидан фойдаланган ҳолда дарс ўтишни кенг кўламда жорий қилиш тизим муассасалари олдида турган долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу боисдан юқоридаги вазираларни бажариш мақсадида институтларда фаолият кўрсатаётган “Мультимедиа ва дастурлаш” марказида академик лицей ва коллежларининг педагогларининг малакаларини ошириш даврида техника фанлари бўйича лабаратория машғулотларини амалга ошириш учун керакли электрон ўқув-услубий қўлланмаларни яратиш гурухи ташкил этилган. (2-шакл)

Электрон ўқув-услубий қўлланма

Машғулотлар мазмунини яратувчи мутахассис	**Ташкилий-услубий гурух**	**Интерактив усулларни ишлаб чиқувчи мутахассис**
Электрон маълумотлар	**Ахборот таълим берувчи блок**	**Амалий машқлар ва топ-ширқлар блоки**
	Натижаларни назорат қилувчи блок	

2-шакл. Электрон ўқув-услубий қўлланмани яратиш тартиби.

Хозирги кунда фаолият кўрсатиб келаётган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари замонавий аудио-видео аппаратлар, компьютерлар ва мультимедиа техник воситалари билан етарли даражада таъминланган. Шунинг учун бундай таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган педагог ва мухандис-педагогларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашда замонавий техник воситалардан фойдаланишни ўргатишга алоҳида ахамият бериш зарур.

Ўрта махсус касб-хунар коллежларининг техник йўналишлари бўйича мутахассислик фанларидан лабаратория машғулотларининг электрон вариантларини яратиш марказ олдидаги асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоғи керак.

Бундай дастурларни тайёрлашга малака ошириш учун келган касб-хунар колежлари педагогларини хам кенг жалб этилмоғи зарур.

Улар ўзларининг фанлари бўйича тегишли маслаҳатлар олиб лабаратория машғулотлари мазмунига кўра уни бажариш кетма-кетлиги ва ёритилиши зарур бўлган жараёнини амалга ошириш тартибларини ишлаб чиқиб унинг интерактив усулларини яратишда иштирок этишлари ва улардан ўз иш фаолиятларида кенг фойдаланмоғлари керак.

Ҳар қандай лабаратория машғулотини бажариш тартиби унинг ва мақсадга эришиш учун бажариладиган вазифаларидан иборат. Ана шундай вазифаларни аниқлаш ва машғулотнинг мазмунини талабага тушунарли даражада етказиш учун қуйидаги тартибда унинг электрон вариантини тузиш мумкин.

Академик лицей ва касб-ҳунар таълим тизимининг барқарор ривожланишини таъминловчи педагогнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш вазифаси долзарб вазифалардан бўлиб қолмоқда. Шу билан биргаликда уларнинг малакасини давлат талаблари даражасида оширишда малака ошириш масканларининг моддий-техника базасини ривожланиш, яъни:

- уларнинг янги ахборот технологиялари асосида тайёрланган дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, дидактик материаллар, аудио-видео аппаратлар, замонавий компьютерлар ва мультимедиа техник воситалари билан таъминлаш зарур;
- малака ошириш учун келган ҳар бир педагогнинг ўзига зарур бўлган ўқув-услубий қўлланмалар, уларнинг электрон вариантлари, INTERNET тизимидан олинган янги материалларга, юқори натижалар берувчи педагогик услубларга эга бўлишларига эришиш зарур.

МУНДАРИЖА

1	Т.Я.Рахмонов	
		I Бўлим. Тилни системавий ўрганиш муаммолари.
2	Алпанова Ш	Психолингвистика фанининг ўрганиш объекти хақида
3	Воситов В	Инкор категориясининг тил тизимида тутган ўрни
4	Ёдгоров Ҳ.Э, Тўйчиева З.Ҳ	Ўзбек тили ҳарбий терминологиясидаги ҳар - хилликлар
5	Зокирова Д.	Сўзнинг морфема таркибидаги ўзгаришлар
6	Курбанова М.Т	Различения языка / речи и их единство при обучении русскому языку в узбекской аудитории
7	Муратова З	Тил бирлигининг услубий бўёқдорлиги ҳақида мунозаралар
8	Мамадалиев А	Метафора ва метонимия ўзаро фарқлашнинг айрим услублари
9	Мамасолиева Г	Фонетик усул билан маънонинг кучайишидаги даражаланиш
10	Mamatholiqova SH.	Olmon tilidagi uy hayvonlari nomi bilan ifodalangan frazeologizmlar
11	Мирзаахмедова Ю	Гендер муносабатлар берилган матнларни герменевтик таҳлили
12	Mirzayeva N, Ergashev S	Nemis tilida sifatdoshlarning qo'llanilishi
13	Муродқулов О.Т., Тўйчиева З.Ҳ.	Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажарайи турк» асаридаги ўзлашмалар
4	Сайфуллаева Р.Р	Қўшма гапларнинг трихотолик ўрганиш тарихидан
15	Неъматов Ҳ. БуХДУ	Praga strukturalizmi va o`zbek substansional tilshunosligi
16	Нортоева Н	Инструменталликни функционал – семантик майдон асосида ўрганиш
17	Нурматов Т, Нурматова М	Тилни системавий ўрганиш муаммолари (Немис ва ўзбек тиллари мисолида)
18	Нурматов Т	Синтагма тилшунослар талқинида
19	Нурмонов А	Системавий тилшуносликнинг ўзига хос хусусиятлари
20	Пардаева И.	Сирдарё вилояти шеваларининг лексик қатламлари
21	Рахимов С.Р	Тилни системавий ўрганиш тарихига доир мулоҳазалар
22	Тўйчиева З.Ҳ, Муродқулов О.Т	Ойбек асарларида арабча ўзлашмалар
23	Таджибаев Б.Б, Таджибаева Э.Б, Қўчқарова Д.Т	Морфология и синтаксис языка в их отношении к парадигматике и синтагматике
24	Тоирова Г БуХДУ	Ўзбек субстанциал тилшунослиги ва нутқий мулоқотнинг прагматик таҳлили
25	Толипова Б	Тил ва лисоний фаолият
26	Умрзақов Д, Умрзақова Т.О	Оламни билиш жараёнида сўзларнинг белги сифатидаги роли
27	Ҳолиқов Ҳ	Абдулла Қаҳҳор асарлари синтаксисининг айрим хусусиятлари ҳақида
28	Ҳолбекова М.Қ	Бадиий матнда ибораларнинг қўлланилиши

29	Ҳудойқулова Ш, Дехқонова Л	Бадиий матнда грамматик кўпмаънолилик
30	Шаҳобиддинова Ш	Ўзбек тили морфологиясини умумийлик-хусусийлик диалектикаси асосида системавий ўрганиш натижалари
31	Юлдашева Н	Қўшма сўз компонентларидаги боғланишнинг сўз бирикмаларидаги сўзларнинг боғланишидан фарқи
	II БЎЛИМ. Тилларни қиёслаб ўрганишда замонавий методлар	
1	Алимов Ш, З.Холмирзаева	Лингводидактик тадқиқот ва чет тил ўқитиш методикаси
2	Бозорова З	Уй ўқиши дарсига ақлий хужум усулини олиб кириш
3	Воҳидова Ф	Инглизча ўзбекча ҳалқаро ҳуқуқ атамаларининг қиёсий тавсифидаги муаммолар
4	Воҳобжонова З.Н, М.Турдибоева.	Ўрта мактабларда инглиз тилига ўргатишда ўйинлардан фойдаланиш
5	Жўраев К.Ж, Н.Қамбаров, С.Хусанова	Конгениал таржима (Жеймс Жойснинг “Навқирон санъаткорнинг сийрати” романи таржимаси хусусида)
6	Ибрагимова Г	Тилда мононегатив инкорнинг вариативлик хусусиятлари
7	Исмоилов А	Инглиз тили ўқитишда нутқий этикетларнинг лингводидактик таҳлили хусусида
8	Исроилжон қизи Гавҳарой, Аслиддинова З.	Даниел Дефонинг “Робинзон Крузонинг саргузашлари”асарида равишларнинг қўлланиши
9	Карабаева М, Бабенко Е.В	Интенсивное обучение диалогу и полилогу на русском языке студентов национальных групп филологических факультето
10	Каращук В	Контрастивный анализ цветообозначений русского, немецкого и узбекского языков
11	Karimbayeva. M.M	New techniques in teaching English
12	Мирзаҳидова М.И.	Ўзбек ва қирғиз тилларида солиштирув категорияси
13	Мирзаҳидова М.И.	Взгляды на понятие слова
14	Маннопова Ш, Гоипова С	Туркий сўзларнинг ўзбек тили луғат таркибидаги ўрни
15	Маткаримова А, Мингбоева М.Н, Исроилова Т	Чет тил ўқитиш самарадорлигини ошириш ҳусусида айрим фикр - мулоҳазалар
16	Маткаримова А	“Шарафлаш” ибораси ва уни инглиз ҳамда ўзбек тилларида ифодаланиш воситалари
17	Мамткулов А	Цели употребления политкорректных замен
18	Омонуллаева С	Мактабгача тарбия муассасаларида ва бошланғич босқичда инглиз тили талаффузини ўргатишнинг қиёсий тахлили ва методик тавсиялари
19	Султанова Д.Т Шермухамедов А.Т	Теоретические основы исследования творческого аспекта в организации обучения иностранному языку в условиях модернизации содержания образования
20	Султанова Д.Т, Шермухамедов А.Т	Обучение иноязычной лексике при помощи компьютерных технологий

21	Тоштемиров Э	Хорижий тилларни ўқитишда ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари
22	Турғунова Э	Бошқа тиллардан ўзбек тилига кириб келган сўзларнинг реклама ва эълонлар орқали истеъмолга кириши
23	Умирзақов Қ	Ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гапларнинг турли тизимли тиллардаги алломорфик ва изоморфик хусусиятларини аниқлашга доир
24	Ўринбоева Г, Мухитдинова Ф	Амалий фонетика дарсларида лингво – дидактик уйинлар
25	Холбекова Б	Бевосита таржима – мукаммал таржима мезони
26	Эгамбердиев Ж, Эгамбердиева И	Табиат ҳодисаларини ифода этувчи стилистик воситаларнинг прагматик функцияси
27	Якубова М	Хорижий тил ўқитишда тинглаб тушуниш ва гапиришга ўргатишнинг аҳамияти
	III .БЎЛИМ. Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси	
1	Абдулазизова С, Жўраев З.Н	Аёллар ва эркаклар нутқида қўлланиладиган вулгаризмлар гендерлинвистиканинг муаммоси сифатида
2	Абдураззақова Ф	Тил маданияти миллат маданиятининг муҳим ҳусусиятидир.
3	Задоян В	Махмуд Кашгари как Великий исследователь тюркского языка, этнографии и литературы
4	Йўлдашев Б	Онамастик тадқиқот методлари ва тилшуносликнинг бошқа фанлар билан муносабатига доир
5	Мамадалиева Ҳ Эрматов Ш	Луғат турларини яратилиши
6	Улиқова М	Тилшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси
7	Умирзақов Т.Б	Маънавият концепти ва унинг таржимада акс этиши
8	Умирзақова Ш	The role of gender aspects in teaching english
9	Ҳайдарова Н	Невербальные средства паралингвистики
10	Ҳамроев А	Халқ номлари - жой номларида (Асака тумани этнотопонимлари мисолида)
11	Ҳолиқова М	Язык и гендер
12	Ҳакимова Д	Луғатшуносликнинг бугунги долзарб муаммолари
	IV. Бўлим. Замонавий фаннинг турли жабҳалари муаммолари	
1	Ахмаджонов О, Б.Ахмаджонов	Ўзбекистонда фукоролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хос механизмлари
2	Абдуллаева Г ЖДУ	Чингиз Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» романи ва ундаги адибнинг фалсафий қарашлари
3	Абдуллаев Ш, Г.Искандарова, Талаба Ф. Мамадалиева	Иқтисодий инқирозлар ва уларни бартараф этиш йўллари ва чоралари
4	Абдуллаев Ш	Иқтисодиёт назарияси ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт
5	Абдуллаев Ш	Хорижий тилларни ўрганувчи талабаларга иқтисодиёт назарияси фанини ўргатиш усуллари
6	Алиева Р Косимова, Н.А. Сирожиддинова С.М	Давоси осон кечади
7	Ахлимирзаев А, И.Машрапов, М.Қўчқаров	Чет тиллари мутахассисликлари талабаларига олий математика асослари фанини ўқитишда мустақил таълимни ташкил қилиш

8	Аҳмедова Д, Темирова Д.У, Юсупова М.К, Отажонова Н.Н, Юлдашева Г	Движение – это здоровая жизнь
9	Аҳмедова Д, Темирова Д.У, Юсупова М.К, Отажонова Н.Н, Юлдашева Г	Значение полового воспитания для подростков в формировании их как личности
10	Ашурова Г	Жамият маънавий ва маърифий ҳаётининг юксалишида миллий ғоянинг аҳамиятиЖамият маънавий ва маърифий ҳаётининг юксалишида миллий ғоянинг аҳамияти
11	Асқарова Д., Қ.М.Насритдинова	Селекционер олим Рихард Рихардивич Шредернинг ҳаёти ва фаолиятига чизгилар
12	Ғозибоев Ҳ	Устоз мақоми ҳақида сўз
13	Задоян В Асханов П.Х	Влияние мирового финансово- экономического кризиса на образование, науку и культуру
14	Зайнобиддинов Д Н.А.Орзиқулов, Ш.З.Худойқулов	Организмни чиниқтириш усулларининг физиологик асослари
15	Зухриддинов Р.Н Х.Солиев.Қорабоев Н., Д.Убайдуллаев	Одам соғлигига сузишнинг аҳамияти
16	Зухриддинов Р.Н О.Марасулов	Жисмоний машқлар-касалликлардан ҳимоя қилишнинг мухим воситасидир
17	Зуҳриддинов Р.Н Д.Р. Убайдуллаев, И. Штомберг	Вариант смешанной защиты в баскетболе
18	Зокирова М, Задаян В	«Темур Тузуклари» да муомила маданиятига оид ўгитлар
19	Қарабаев Н, Х.Тўраев, С.Саидов	Талаба - ёшларни жисмоний, маьнавий-рухий хусусиятларни тарбиялашга оид
20	Қаюмова Р	Уважение к прошлому - ответственность перед будущим!
21	Қодиров Ш.К	Жаҳон иқтисоди ва унинг ҳозирги инқирозига экологик муаммолар глабаллашувининг таъсири
22	Қосимова Н.А, Р. Алиева, Р.Ш. Гофурова,Бердиева М.Т	Ирсий хасталик Унинг илдизи каерда?
23	Қўчқаров Ш.М, И. Хакимов	Комил инсон тарбиясида нутқ маданиятининг тутган ўрни
24	Маликова Н	Единство общения и деятельности
25	Мамажонова М, Асранова Ф	Талаба ёшлар дунёкарашини шакллантиришда миллий тилнинг роли
26	Махкамов М	Фарғона водийсининг Чоч-Илоқ билан маданий ва иқтисодий алоқалари (қадимги ва ўрта асрлар йўллари мисолида)
27	Рустамов А, Абдураимов Ф	АмурТемурнинг бунёдкорлик ишлари

28	Сирожиддинова С, З.А.Хошимова	Мўъжиза неъмат
29	Содиқова М	Ёшларни ҳуқуқий онгини ўстириш омиллари ва йўллари
30	Солиев Х, Зухритдинов Р - Ибрагимов И	Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбиянинг тутган ўрни
31	Умарова Гулузро	Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш фуқоролик жамиятини барпо этишнинг бош мезонидир
32	Хожиматова Н, Маликова Н.	Речевые особенности стереотипов и установок
33	Хакимова И. Асранова Ф	Таълим - тарбия жараёнида нутқ маданиятини шакллантириш
34	Ҳошимова З, С.М.Сирожиддинова, Р.Ш.Ғофурова	Болалар ва ўсмирларни соғлом ҳаёт учун гигиеник тарбиялаш
35	Эгамбердиева К, Ё.Қ. Хайитов	Экологик маърифатни ривожлантиришдаги айрим мулоҳазалар
36	Эгамбердиева К, Асқарова Д	Москва суғориш компаниясининг фаолияти тарихидан
37	Эргашев Т.Э, Рўзиева Х.	Академик лицей ва касб-хунар коллежлари педагогик кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг услубий таъминланиши